

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ТАБИБ

Роман

Иккинчи китоб

«Адабиёт учқунлари»
Тошкент — 2015

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
И-81

Исмоилов, Нуриддин.

Табиб: Роман: / Нуриддин Исмоилов. — Тошкент: «Адабиёт учқунлари», 2015. 2-китоб. — 224 б.

*Илм-фан, техника соҳасида оламшумул натижаларга эриши-
лаётган бугунги кунда цивилизация умуман етиб бормаган, одам-
лари ҳалиям ибтидоий кун кечираётган қишлоқ ҳақида эшитган-
мисиз? “Табиб” асарида худди шундай жой — баланд тоғ бағ-
ридаги қишлоқ одамларининг ғаройиб ҳаёти тасвирланган.*

*Асарда кишини ҳайратлантирадиган, беихтиёр ёқа ушлашга
мажбур қиладиган воқеалар мўл.*

*Цивилизациядан тамоман узоқдаги тоғли қишлоқда табобат
шу қадар ривожланиб кетадики, ҳатто замонавий тиббиёт би-
лан беллаша олиш даражасига етади. Айрим ўринларда ундан
ўзади ҳам. Ажаб, бундай даражага қандай эришиш мумкин?*

*Асарни ўқиш давомида бу саволга жавоб топасиз деган умид-
дамиз.*

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-987-24-1 © Н.Исмоилов.
© «Адабиёт учқунлари», 2015.

Равшан бақирганида Кошиф унчалик ҳам узоқда эмасди. Шу боис эшитди. Мийиғида кулди. Бошини сарак-сарак қилди. «Бошқа келмайсизлар, бошқа илонбошнинг ёнига яқинлашолмайсизлар», деди пичирлаб.

Дарҳақиқат, улар кўп ўтира олишмади. Равшаннинг оёқлари ўз-ўзидан яна асл ҳолига қайтди. Кейин бирин-кетин учаласининг ҳам қорнида оғриқ туриб, қайт қилгиси келди. Ўқчишди. Бироқ ичларидан ҳеч вақо чиқмади. Ҳолсизланиб, ётиб қолишди. Бир муддатдан сўнг яна кўнгиллари айланиди.

— Бу ердан эртaroқ чиқиб кетишимиз керак, — деди мадордан қолган Равшан ҳансираб. — Эмаклаб бўлса ҳам кетайлик. Шу лаънати жойдан чиқайлик. Бўлмаса, ўлиб кетамиз-у, гўштимиз калхатларга ем бўлади.

Учовлон кучлари борица югурди. Бир йиқилишди, икки йиқилишди, беш йиқилишди. Ниҳоят, илонбош ўсаётган жойнинг энг чеккасига етишди.

Кошиф уларни кузатиб турди. Сўнг кўнгли хотиржам тортганча ортига қайтди. Юраркан, қадами тезлашди. Унда бундай воқеалар сира бўлмаган. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам ўзи истаганича юра олган. Ҳаттоки қишлоқ одамлари унга қарши чиқишганида, Беназир отанинг қабри томонга кетганида ҳам. Тўғри, у пайтда қаерга кетаётганини билмаганди. Бироқ қадамлари унинг измида эди. Бугун икки тоғ нарига ошиб ўтади. Бастоннинг ши-

расини олади. Уни тарвузталоқ уруғи билан аралаштиради. Тарвузталоқ ҳамма жойда ўсади. Бўйи тиззадан сал баландроқ, барглари катта-катта. Гули сариқ. Меваси майда. Лекин уни еган одам барака топмайди. Тўғри, безиён, аммо мевасининг қобиги шунақанги юпқа-ки, ҳали тишлаб улгурмасингдан тишинг уруғига тегеди. Роса бемаза уруғ. Ҳеч ким уни шу пайтгача дори сифатида ишлатмаган. Синаб кўришмаганми? Бунақа бўлиши мумкин эмас. «Китоб жудаям эски. Олдин ўтган табиблар жуда кўп нарсалар ҳақида ёзилган. Албатта, бири иккинчисини тўлдириб борган. Бундай олиб қараганда, улар қизиқмаган бирорта ҳам ўт-ўлан, дов-дарахт қолмаган. Бироқ уларни ўрганганинг сайин янги-янги бошқотирмаларга дуч келаверасан. Хўш, бастоннинг шираси ва тарвузталоқ уруғининг бир-бири билан боғланиши қандай натижа беради? Умуман, натижа берадими у? Шаҳрибаҳор мойига бастоннинг ширасини аралаштирганимда қандайдир ўзгариш сездим. Аммо тарвузталоқ уруғи... Дарвоқе, эски китобда бастоннинг тарвузталоқ билан «қариндошчилиги» борлиги ҳақида ёзилган. Демак, яқинлик риштаси бошқа бир нимани пайдо қилиши мумкин. Лекин қизиқ томони шуки, уларнинг бири, гарчи бебарака бўлса-да, мева тутеди. Иккинчисида бу нарса йўқ. Аммо уларнинг уруғ-аймоғи туташ...»

У йўл бўйи мана шундай ўйлар гирдобиди кетди. Айни чоғда нимадандир кўнгли ғаш. Қишлоққа бориш истаги пайдо бўлган. «Кимдир касалга чалиниб, мени кутиб ётибдими? Кутаётган бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ етиб боришим керак. Ахир мен Беназир отага ваъда берганман. Аммо айни чоғда дори тайёрлаш истаги ҳам ниҳоятда юқори. Нега бир жойдан иккинчисига кўз очиб юмгунча етиб боролмайман? Нега? Ахир инсоннинг душмани бўлмиш шайтон (баъзида иблис Тангрининг душмани дейиша-

ди. Йўқ, шайтон Тангрига душманлик қилолмайди. Курби етмайди. У истаса, тамом, шу заҳоти шайтон йўқлик қаърига равона бўлади. Бироқ у жазо олиши шарт!) кўз очиб юмгунча дунёнинг у бошидан бу бошига етади-ку. Керак бўлса, бир неча жойда бўла олади. Мен Буюк Руҳ дўстиман. Унинг қулиман. Шундай экан, бемалол боришим мумкин эмасми?» дея ўйлади табиб.

У тиз чўкди. Қибла томон юзланди ва дил қўшиғини куйлай бошлади. Оний лаҳзада сеҳрланиб, шу кўйи ўтириб қолди. Сўнг кафтини очди. Кўнглида борини тўкиб сочди. Кўзи юмуқ, ўй-хаёли фақатгина ниятида эди. Бутун вужуди билан жуда қаттиқ истарди у.

Кўзини очди. Мўъжиза. Мўъжиза. У қишлоқнинг яқинида эди. Кошиф йиғлаб, сажда қилди. Сўнг ўрнидан турди.

* * *

Норбой бесаранжом эди. У ҳозиргина Толмас отанинг уйидан келган ва ўзини қўярга жой тополмаётганди. Бир сакрагиси, бир бақиргиси, бир югургиси ва яна бошини тиззалари орасига тикиб ўтиргиси келади. Яна билاديки, буларнинг бирортаси ҳам юрак безовталигини тўхтатолмайди. «Нима бўляпти? — дейди ўзига ўзи. — Ҳамма нарса жойида эди. Бутун қишлоқ бир оиладай яшарди. Биров бировга қаттиқ гапирмас, ҳамманинг ори, гурури қаттиқ ҳурмат қилинарди. Бирдан ҳаммаси ўзгариб кетди. Беназир ота ўлди. Тупроғи совимай, бунақа ишлар бошланди... Йўқ, барига Насим сабабчи. Шу пайтгача у уйқудаги иблис эди. Беназир ота вафот этиши билан уйғониб кетди. Энди типирчилаяпти. Мақсади, нима қилиб бўлмасин, оқсоқолликка эришиш... Шайтон ўзидан зўр бўлмаса, қочмайди. Зўр — Кошиф. Кошиф керак. Эҳ, қаерларда юрибсан, болам?!»

Норбой тоғ томонга юзланди ва табибнинг келатганига кўзи тушиб, Хизрни кўргандай бўлди. Кувончдан кўзлари каттариб кетди. Унинг истиқболига югурди. Етмаёқ бақирди:

— Болам! Жоним болам!

У ожизона бақирди. Шундай бўлди илк маротаба. Тоғликлар бақирмайди. Ожизлигини билдирмайди. Бироқ у билдириб қўйди. Қишлоқда хурмати баланд, серсавлат Норбой ожизлигини билдирди. Атай билдиргиси келди. Қўлини чопса ҳам, кўксига ханжар санчишса ҳам бошини эгмайди. «Қўлингдан келадигани шуми, ол бошимни!» дейди. Бироқ Кошифни кўрди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Илгари Беназир ота қошида ана шундай ожизланиб қоларди. Энди ўз уйида, ҳа, худди шундай, ўз уйида катта қилган Кошифни кўриб қолса, ўпкаси тўлиб кетади. Худди ота Кошиф-у, Норбой унинг фарзандидек.

Кошиф қучоғини очди. Улар кўп йиллар бир-бирларини кўрмагандай кўришишди.

— Кўнглимдаги ишни қилдинг, болам! — деди Норбой кўзидан дув-дув ёш оқизиб. — Келишингни интиқлик билан кутаётгандим!

— Тинчликми, ота, нима бўлди? — сўради бир зум шодлигини унутган Кошиф.

— Толмас отани тез бориб кўрмасанг бўлмайди. Йиқилиб қолди. Нима қилишни билмаяпмиз. Рангида ранг йўқ. Жудаям нимжонлашиб қолди, — дея ўғлининг бағридан чиқиб, кўз ёшини артди Норбой.

— Юринг унда, ота, тезроқ борайлик.

Норбой олдинга ўтиб олди. Ҳар доимгидан илдамроқ, шахдамроқ юрди. Ора-орада чор-атрофга кўз қирини ташлаб қўйди. «Мана, Кошиф келди, энди ҳаммасини ўрнига қўяди. Қани, кимнинг нима гапи бор, айтсин!» дея кўнглидан ўтказди.

Толмас отанинг кампири, болалари, набиралари Кошифни кўришлари билан йиғлаб юборишди. Кампир узундан-узоқ дуо ўқиди. Табиб уларга эътибор бермай, тўғри Толмас отанинг ёнига бориб ўтирди-да, пешонасига кафтини қўйди. Кейин билак томирини ушлаб, юрак уришини текширди. Кўз қорачиқлари, тирноқ ости ўзгаришларига эътибор берди ва дарров дори тайёрлашга тушди.

Толмас ота терлади. Шу пайтгача ҳолсиз, киприкларини-да кўтаришга мадори йўқ эди. Дори ичаётганида ҳам оғзини зўрға очди. Шунда ҳам Кошифнинг овозини эшитганидан руҳланиб, кейин очди.

— Аслида, бундай бўлди... — дея Норбой энди гап бошлаганди, Кошиф кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, бошини қимирлатди-да, падарини сўзлашдан тўхтатди.

— Биз дуодамиз, ота, — дея жилмайди Кошиф, — Толмас ота, соғайиб кетасиз. Ҳали сиз билан кўп суҳбат қурамиз.

Толмас ота секин кўзини очди. Унинг ҳам лабида табассум зоҳир бўлди. Бир муддат ўтар-ўтмас қария тилга кирди:

— Болам, ҳар доим энг керакли пайтда пайдо бўласан. Сени Яратганнинг ўзи қўлласин. Сен қишлоқ учун топилмасан. Илоҳим, кунинг кўп бўлсин. Энди гузарга бор. Сен кераксан у ерга. Бир-иккитада кўникма пайдо бўлиши қийинроқ кечяпти. Билмадим, ақлим етмаяпти, бундан қандай наф топишди? Қорнинг тўймаса, устинг бутун бўлиб қолмаса. Хуллас, бор, эртароқ бор.

Кампир қайта-қайта дуо қилди. Тенгқур, бир оз каттароқ ўғиллар Кошифни бағирларига босишди. Ўргатилган экан, кичкина набиралар ҳам раҳмат айтишди. Шундан кейин Кошиф Толмас отанинг

уйидан чиқиб, гузар томон йўналди. Унга отаси ҳамроҳ эди.

Насим нутқининг авж палласида Кошифни кўрди. У баландда эди. Шу боис бошқалардан олдин кўрди. Ичида бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. «Кўпчилик мен томонга ўтиб бўлди. Етиб келиши билан эски одатимизни ҳамқишлоқларга эслатаман. Осиб ўлдириш. Бир пайтлар шундай қонун бўлган. Кимки одамларни бир-бирларидан ажратишга уринса, душманлик уруғини сочса, осиб ўлдирилади. Кошиф айнан шунга мос тушиб турибди. Агар у бўлмаганида, ҳозир одамлар, ҳатто мен ҳам кимгадир қарши чиқиб турган бўлмасдим», кўнглидан ўтказди у.

* * *

Отлар турган жойга етгунича бировдан садо чиқмади. Кўрқув ичида эди улар. «Ёмон қилди. Сеҳргар экан. Ўзи бу ерларга қарғиш текканга ўхшайди. Яшашга шароит зўр. Лекин ҳеч ким яшамайди. Яшашни истамайди. Чунки сеҳргарлардан кўрқишади», деган хаёлга боришди. Отларни боғланган жойидан тополмаганларидан кейин:

— Тўғри айтибди, — деди Неъмат ва белини уқалаганча ерга ўтирди.

— Башоратчи экан. Буларнинг қўлидан ҳар бало келади. Билган. Келишимизни билган. Фолида кўринган бўлсак керак, — дея Эштурди ҳам унинг ёнига ўтирди.

Равшан ҳеч нима демади. Чўзилиб ётиб олди. Кўзини қуёш нури қамаштирди.

— Равшан, бу ёғи энди неча пулдан тушди? Қарзинг бор эди, тўлайман, дегандинг. Лекин тўлолмадинг. Бизни расво жойга олиб келдинг, — деди унга юзланган Неъмат.

— Расво жой... Кўришинг билан қийқириб юбординг-у, энди расво бўлиб қолдимми? Қарзимни тўла-

дим. Мен сизларга илонбош ўсаётган жойни кўрсатдим. Бошдаям шундай дегандим. Кўрсатаман, дегандим. Лекин ўзларинг эпллмадинглар. Бунинг учун мен айбдор эмасман.

— Нима?! — деди ўрнидан туриб кетган Эштурди. — Айбдормассан?! Ў, бола! Бу ёққа келгунизмизча тишимни тишимга босиб, гапларингга чидадим. Энди бунақаси кетмайди. Агар тўламасанг, уруг-аймогинг билан бирга қуришиб юбораман!

— Отлар. Отлар ҳам қўшилди. Акангга тегишли булбулнинг инидай бўлган ҳовлини сотсанг, эскию янги қарзларингни қоплашга етадимиз?

Шундай дея Неъмат ҳиринглаб кулди ва чўнтагидаги тутатқини қўлига олди. Унга бир муддат термилиб ўтирди. Сўнг лабига қистирди.

— Чекма, — деди унга Равшан, — дабдаланг чиқади.

— Кўрамиз.

Неъматнинг ичига ҳали тутун кирмаган, ҳали ютишга улгурмаган эди. Кўзлари бирдан олайиб кетди. Ўрнидан сапчиб турди-да, икки-уч қадам ташлагач, яна энгашди. Кетма-кет ўқчиди. Ичидан ҳали ҳазм бўлиб улгурмаган ям-яшил барглар, илдиз чиқди. Бир-икки дақиқа қизариб-бўзариб, ошқозонидаги бор нарсаларни ҳам ерга ташлагач, бошини кўтарди.

— Ўлай агар, ўлиб қолай дедим. Гапинг рост экан, Равшан. Сени энди тушундим. Бу одамсифат махлуқ нима ичирди ўзи бизга?

— Билганимда айтардим. Лекин миямга зўр фикр келиб қолди, — деди Равшан ётган жойида ердан битта майсани узиб олиб тишларкан.

— Яна нима бало? — дея судралганча жойига қайтиб келиб ўтирди Неъмат.

— Менга қара, қанчадан-қанча нашавандларни биламиз, тўғрими? Уларнинг кўпчилиги ўзига тўқ

оиланинг фарзандлари. Агар уларнинг оталари ёнига бориб: «Биз болангизни бу дарддан қутқарамиз. Нашавандлик у ёқда турсин, ҳатто чеколмай ҳам қолади», десак, бизга бир дунё пул беришади. Бу зўр бизнес. Бу ишдан катта даромад топамиз. Керак бўлса, чет элгаям сотамиз. Ҳеч ким қаршилиқ қилмайди. Ҳамма жон-жон, дейди.

— Уларниям бу ёққа олиб келишимизни хоҳлайсанми? — деди Эштурди афтини буриштириб.

— Нега олиб келарканмиз? Бу ёқдан у ёққа оборамиз. Табибнинг ёнига борамиз. Раҳмат айтамиз. Кейин «Шундай-шундай. Бизга ўхшаганлар кўп. Ёрдам қилмасанг бўлмайди», деймиз. Ундан кейин дори сўраймиз. Бизга ичирган дорисидан. Агар яхши одам бўлса, омадимиз. Бўлмаса, бизни итдай ўлдириб юборади.

— Яшавор! — дея Равшаннинг бошига юмшоққина уриб қўйди Неъмат. — Қалланг бир хил пайтларини олимларникидан ҳам яхши ишлайди.

— Агар яна бир марта шунақа қилиб урадиган бўлсанг, ўзингдан кўр! — деди жаҳли чиққан Равшан.

— Войбў, нозиклашиб кетибсанми? Мен ақллигинг учун шундай қилдим. Лекин энди уни қаердан топамиз? Биринчи марта бахтимизга унинг ўзи шу ёқда экан. Яна борсак, йўқ бўлса, унда нима қиламиз?

-- Кутамиз. Емиш бор. Ўт-ўлан. Илдиз. Ўлиб қолмаймиз. Мана шу пайтгача шуларни еб келяпсизлар. Юришларинг олдингидан яхши.

— Ўйлаб келмаса-чи?

— Кутаверамиз. Барибир, бир кунмас бир кун келади. Ҳеч нарса йўқотмаймиз. Агар келавермаса, анавиндан кўтарганимизча олиб кетамиз. Бўлмаса, келгунича тегинмаймиз.

— Энди олиб кетолмаймиз, — деди Эштурди но-

розиланиб, — ушлаш, ҳидлаш у ёқда турсин, кўришимиз билан кўнглимиз айнаиб кетяпти-ку!

— Бўлмаса, қуруқ қўл билан борамизми?! — бақриб юборди Равшан. — Мен акамнинг уйини соттириб, пулини сизларга берганим билан ҳам ишларинг ҳал бўлиб қолмайди! Биламан, ўзларинг ҳам ким қанча одамдан қарзсанлар! Сенларникининг олдида меники писта чаққандай гап.

— Тўғри айтяпти Равшан. Мен ҳам бир-иккитасига қўша-қўша ваъда берганман. Лекин аввал отларни топайлик. Биттасини бўри еди, деганди-ку. Шошма, бўри еган бўлса, шу атрофда изи бўлиши керак. Тур ётавермай, Равшан, излаймиз, — дея Неъмат бўйинини чўзиб, у ёқ-бу ёққа қаради.

Равшан қимирламади. Бунинг ўрнига, кўзини юмиб олди. У хаёлан Кошиф билан учрашаётганини, ундан дори-дармон олаётганини тасаввур қиларди.

Ўз-ўзидан яна унинг таъсирига тушиб қолган икковлон қидирди отларни. Қон изи йўқ, бироқ отлар боғланган бута шохлари синган эди. Яна иплар узилган. Ҳар учови ҳам.

— Бундан чиқди, бўри отни бу ерда емаган. От қочган, у қувган. Бошқа жойда ушлаган. Ундан кейин ерга босган, — деб ўз тахминини айтди Неъмат.

— Ҳайронман, бўри итдан сал каттароқ ҳайвон бўлса, қандай қилиб ўзидан уч-тўрт баравар келади-ган отни ерга босиши мумкин?

— Сениям қорнинг уникидай оч бўлганида филни тагингга босардинг. Юр, нарироқларниям қидириб келайлик.

Улар шу кетишда тахминан икки соат кўриниш беришмади. Роса излашди. Бироқ ҳеч қаердан отларни топишолмади. Тинкалари қуриб, оёқлари оғриб қайтиб келишди. Бу пайтда Равшан хаёл сура-сура ухлаб қолган, ҳаттоки хуррак ҳам отаётган эди.

Неъмат унга ижирганиб қараркан, «Агар бошимда ташвишим бўлмаганида, сени шу ернинг ўзига кўмардим, ит эмган», дея хаёлидан ўтказди.

* * *

Ҳамшираларга қўшилиб дўхтир ҳам келди. Бердиёрнинг ҳамхонасини авайлабгина каравотга ётқи-зишди. Дўхтир юрагини текширди. Ҳамширага дар-ров укол қилишни буюрди. Ўзи эса Бердиёрни са-волга тутди:

— Нима бўлди? Биров бир нима дедими? Сигаре-тани қаерда чекди?

Бердиёр ўзини дарров босиб олганди. Зеро, у ўзи-нинг ортиқча ҳаяжонланиши мумкин эмаслигини биларди. Хотини кўнглига умид чироғини ёқиб кет-ди. Энди ўша табибнинг ёнига бормагунича қайта-ламаслиги керак. Шу боис шошилмасдан лўнда-лўнда қилиб врачнинг саволларига жавоб берди.

— Чеккани чатоқ бўлибди, — деди бошини са-рак-сарак қилган дўхтир. — Одамларга нима бўлган ўзи? Соғлиғи тўғрисида қайғуриб, ундай қилма, бун-дай қил, десанг, албатта, мумкин бўлмаганини ба-жаради.

У чиқиб кетди. Шомансур икки соатдан кейин ўзига келди. Аввал лабини тишлади. Сўнг пешона-сини, юзини силади ва энди ўрнидан турмоқчи бўлганида:

— Ётинг қимирламай, — дея уни тўхтатди Берди-ёр. — Сизнинг дастингиздан дўхтирдан бир қоп гап эшитдим. Энди қимирламай ётинг, барака топгур, яна балога қолиб кетмай.

Шомансур кулди.

— Ҳа-а, сизни қийнаб қўйибман, шерик. Лекин ҳамма гапларни эшитиб ётдим. Ўзимга ўзим ирода-сизлик қилган номард, дедим. Агар яна бир марта шу падарингга лаънат сигаретани оғзимга олсам, мана шу ердан чиқмай...

— Эчки қасам, — дея ёнбошлади Бердиёр. — Илгари сизга ўхшаб ваъда берганларни кўп кўрганман. Икки-уч кун ўтганидан кейин яна пўриллатиб чекиб юрган.

— Йўқ, бу сафар қарорим қатъий. Ундан кейин дўконгаям эртaroқ боришим керак. У ёқда кўзим йўқ. Мен бўлмасам, яна ҳаммаёқни...

— Ҳов, инсон! Ҳеч бўлмаганда, яхшилаб оёққа туриб кетгунингизча шу дўконингизни эсламай туринг. Борасиз ўша дўконингизга. Ҳалиям униси ундоқ, буниси бундоқ, дедингиз-у, юрагингизни чангалладингиз, сал бўлса, мен ҳам ағанаб қолаёздим.

— Бўлди, бўлди. Қўлларимни кўтардим. Таслимман. Лекин мен битта нарсани ўйладим, Бердиёр ака, йўқ, демасангиз, айтай.

— Айтинг. Шошадиган жойим йўқ. Бемалол эшитаман.

— Энди гапим сизга ёқадими, йўқми, билмайман. Аммо чин кўнгилдан гапиряпман. Мана, сиз билан бир-икки кун ичида қадрдон бўлиб кетдик. Ҳозир бизни кўрганлар ака-ука бўлса керак, деб ўйлайди. Ҳалоллигингиз шундоққина кўриниб турибди. Бундан чиқди, фарзандларингиз ҳам ўзингиздай ҳалол, покиза. Шу қизингизни менга ишга берсангиз.

Бердиёр қаддини ростлади. Ёстикни текислаб, жойига қўйгач:

— Қизим ҳали коллежда ўқийди. У қандай қилиб сизнинг дўконингизга боради? — дея иягини қашлади.

— Ўқишига борсин. Ана ундан кейин тўғри менинг дўконимга келсин. Бирор нима сотмайди. Бир нарсани бир жойдан олиб иккинчи жойга қўймайди. Компьютернинг рўпарасида ўтиради. Келиб кетувчиларни, кассирларни кузатади. Мен бўлсам, унинг келганидан фойдаланиб, юкка бориб келаман. Нима дейсиз?

— Билмадим. Қўлидан келармикан? — деб елка қисиб қўйди Бердиёр.

— Нега келмас экан, Бердиёр ака, унақа оғир иш эмас-ку. Агар назоратни йўлга қўя олсам, ишим юришиб кетади. Кейин ёмон ҳақ тўламайман, — дея ҳамхонасига термилди Шомансур.

— Бўлмаса, эртага келсин-чи, гаплашиб кўраман. Аммо онаси бир-иккита ишни айтди. Ҳалиги уйда қилинадиган пишир-куйдир, тикиш-бичиш деганларидай. Балки, қизим ҳам унга ёрдам бераётгандир, — дея хўрсиниб қўйди Бердиёр.

— Қўйинг бунақа ишларни. Тўғри, рўзгорингиз ўтади. Лекин кўп даромад қилишингизга кўзим етмайди. Ҳалиги, сизга нима десам экан?.. Ҳозир қўлидан иш келадиганлардан ҳам кўпроқ ҳалол одамлар ноёб бўлиб қолди. Кимни қаерга қўйма, шу ердан кўпорсам, деб ўйлайди. Энди бу тўғрида сизга кўп гапирдим. Яна қайта-қайта чайналгандан фойда йўқ.

— Ҳа, гапингизда жон бор. Энди нима қилайлик, замон шунақа, шекилли. Бир хил пайти ҳеч нарсам йўқлигидан хурсанд бўламан. Энди иш бор, уй бор, бола-чақа бор, лекин шу бир жойда орттириб-тоширганимиз йўқ-да.

— Бу томондан сизга ҳавас қилса арзийди. Лекин, Бердиёр ака, бир хил пайти пул деганлариям жуда зарур бўлиб қолади. Шусиз ишингиз битмайди. Шунга тўрт-беш сўм орттирсам, дейсиз. Менга қаранг, ака, мана, телефон. Эртага қизингиз ёки аёлингиз келишини кутиб ўтирасизми, шартта қўнғироқ қилинг, олам гулистон.

— Шундай қилайми? Бўпти, сазангиз ўлмасин, беринг телефонни.

— Мени жойимдан қимирлатмай қўйдингиз, столнинг устидан ўзингиз оласиз энди, — дея кулди Шомансур.

Бердиёр телефонни олиб, қизининг рақамини тер-

ди-да, қулоғига тутди. Чақирув сигнали кетди. Бирок дарров узилди.

— Менимча, — деди Бердиёр бир оз хижолат тортган бўлиб, — бегона рақам бўлгани учун ўчириб қўйди. Лекин биз яна қўнғироқ қиламиз.

Алоқа яна узиб қўйилди. Бердиёр тагин терди. Уни ҳаяжон босаётган эди.

— Алло...

Эркак кишининг овозини эшитиб, Бердиёр ҳайрон бўлди.

— Мен Дилдорага қўнғироқ қилаётгандим. Бу рақам...

— Бу номерга бошқа телефон қилманг! Тушундингизми?! Дилдорага бошқа қўнғироқ қилманг!

* * *

Аммо табиб яқинлашгани сайин Насимнинг оёғи қалтирай бошлади. Гапини ҳам йўқотиб, Кошиф келаётган томонга термилиб қолди. «Нима бўляпти ўзи менга? Довдираяпманми? Юрагим ўйнаб кетди-я... Унинг юзи нур таратади. Ҳаммаёқни ёритиб юборади. Нега шунақа? Бошқалар ҳам мен кўргангани кўраётганмикан? Йўқ, уларга йўл бўлсин. Шу пайтгача уларни авраб, ишонтириб тургандим-ку. Эртароқ тугатишим керак экан. Эртароқ ҳамма уй-уйига тарқаб кетганида яхши бўларди... Мабодо ҳозиргина гапимни тасдиқлаб турганлар у томонга ўтиб кетишса, нима қиламан? Қочаманми? Қаёққа? Борадиган жойим йўқ-ку! Шошма, нега қочишим керак? Унинг ўзини қочираман. Гиди-биди дейдиган бўлса, бирор нимани олиб, бошига ураман. Қани, бирортаси йўлимни тўсиб кўрсин-чи!» дея қўнғилдан ўтказди у. Сўнг ғўддайишга ҳаракат қилди. Аммо эплай олмади.

Кошифга ундан катталар ҳам салом беришди. Бириккитаси «Хайрият, вақтида келдинг», деди ҳатто.

Насим нигоҳи билан куни кеча обдан сийлаган шерикларини қидириб топиб, уларнинг-да кўзларида хавотир борлигини сизди. Тўғри, бу одамлар ўлса ўладики, гапидан қайтмайди. Бироқ, барибир, Кошиф бир зумда уларнинг ҳам фикрини тўзғитиб юбориши мумкин. Беназир ота унга ниманидир юқтирган.

Кошиф ҳар доимгидан-да шод эди. Ҳар доимгидан-да атрофга дадил боқарди. Ҳис қилаётганини ҳаммага ошкор этишни жуда хоҳларди. Бироқ бу шундай нарсани, бировга чурқ этиб бўлмайди. Ана шу сабаб ҳам кўзидан ўт чақнар, юзидан нур тараларди.

— Келганинг дуруст бўлди, — деди Насим, — айнан сен ҳақингда гаплашаётгандик. Сен тўғрингда бундайроқ гаплар кўпайиб кетибди.

Кошиф жилмайганча янада яқинроқ келди.

— Беҳабар эканман. Мана, келдим. Эшитаман. Одамлар нима дейишса, мен ҳам тўғри қабул қиламан ва уларнинг истакларини қўлимдан келганча бажараман, — деди юмшоқ овозда ҳамқишлоқлари томон ўтириларкан.

«Яхши бўлди. Менга қараб турганида тилим танглайимга ёпишиб қоларди. Энди бемалол гапирман», хаёлидан ўтказди Насим. Кейин Кошифга юзланди:

— Сен қишлоқ одамларига ақл ўргатишга ёшлик қиласан.

— Тўғри.

— Шундай экан, нега ўзингни катта тутиб, бошқаларга йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўляпсан?

— Мен ҳали бирор кишига ундай қилма, бундай қил, манави ишинг нотўғри, буниси тўғри, демардим.

— Демадим? — дея мийиғида кулди Насим. —

Унда одамлар ўз-ўзларидан орқангдан эргашиб қолибди-да.

— Қачон?

— Ҳар доим. Менга қара, сен ўзи насл-насабингни биласанми?

Кошиф Насимга юзланди. Насим орқага тисарилди, чунки уни Кошифнинг салобати босганди.

— Йўқ, — деди юзи жиддий тус олган Кошиф, — билмайман.

— Шундай экан, — деди кўзини олиб қочиб, нигоҳини одамларга қаратган Насим, — бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Билмайман.

— Ана, кўрдингларми?! — деди хурсанд бўлиб кетганидан ҳайқирган Насим.

— Шошма, — дея қўлини кўтарди Норбой, — аслида, бу ерга ҳаммани тўплаган Толмас отанинг тоби қочиб қолди. Буни билмаган одам бўлмаса керак. Тўғриси, қўрқиб кетдик. Лекин Кошиф келиб, уни даволади. Шунинг ўзиёқ Кошифнинг бу қишлоқда нима қилиб юрганини билдирса керак, Насим. Қолаверса, сенга ё уйингдагилардан бирортасига бирон нима бўлиб қолса, унда ким ёрдам беради? Шундаям «Менга Кошифнинг кераги йўқ, у бу қишлоқ учун ортиқча», деб ўлиб кетаверасанми?

— Менга қара! — дея Норбойга кўзини олайтирди Насим. — Кошифга табибликни ким ўргатди?! Беназир ота! Беназир ота қаернинг одами эди? Шу қишлоқнинг! Тўғрими?!

У йиғилганларга юзланди. Уни кимдир қўллашини кутди. Бироқ ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳаттоки Эгамназар, Фатхулла, Чори ҳам жим туришарди. Насимнинг жаҳли чиқди. «Бутун бошли кўйимни ейишди, мен тайёрлаган узум сувидан ичиб, май-

шат қилишди. Нимага энди жим бу овсарлар?» дея хаёлидан ўтказди.

— Беназир ота ҳақиқатан ҳам шу қишлоқнинг одами эди...

— Ўлма! — дея шу заҳоти Норбойнинг гапини бўлди Насим. — Беназир ота шу қишлоқнинг одами эди. Демак, Кошифга шу ернинг одами табибликни ўргатган. Бундан чиқди, бизни даволаш Кошифнинг бўйнидаги қарз!

— Тонмайман, — жавоб берди Кошиф.

Унинг юзида ажиб табассум бор эди.

— Табиблик қилади, аммо ҳеч нимага аралашмайди. Ундан катта одамлар кўп. Бирортасини оқсоқолликка сайлаймиз, олам гулистон.

— Раҳмат, — деди унга юзланган Кошиф, — мени масъулиятдан қутқардингиз. Очиғи, оир-иккита малҳамлар тўғрисида бош қотириб юргандим. Тўғри, қишлоқдаги ҳамма одамлар ақлли. Уларга мен бирор нимани ўргатишга ожизман. Қайтанга ўрганаман ҳар битта қишлоқдошимдан.

Норбой ҳайратдан ёқа ушлади. Ҳамқишлоқлар бир-бирларига кўз ташлашди. Ёши тўқсонни қоралаганлар бошларини сарак-сарак қилишди. Улар Кошифдан бутунлай бошқа нарсани кутишганди. Шу боис уни кўришлари билан хурсанд бўлишганди. Энди у қаердаги бесадок, қишлоқдаги энг беўхшов одамнинг гапига кўниб турибди.

— Лекин бу ҳаммаси эмас, — деди кўкрагини керган Насим, — сен қишлоқнинг ҳамма болаларини, мен ҳисоблаб чиқдим, ўндан ўттизгача бўлганлари йигирма бешта экан, шуларнинг ҳаммасини табибликка ўқитасан. Умуман, ниманики билсанг, ҳаммасидан хабардор бўлишсин.

— Яхши ният, — деди ҳамон босиқликни йўқотмаган Кошиф, — лекин уларнинг бардошлари етадими?

— У ёғи билан ишинг бўлмасин. Бардоши етмаса, етказдирасан, тўғрими, Фатхулла? — деди ҳамфикрига юзланган Насим.

— Тўғри, — дея бошини қимирлатди Фатхулла.

— Менимча, шу билан гап тамом, ҳамма уй-уйига тарқалаверса ҳам бўлади.

— Ҳой, тўхта!

Бу одамнинг исми Рашид. Бир юз етти ёшда. Тўқсон ёшидан бери оқсоқланиб юради. Шу боис орқаваротдан уни оқсоқ ота деб ҳам аташади. Соқолида, қошу кипригида бирорта ҳам қора тук йўқ. Қишлоқда энг кўп жабр тортган одам. Икки ўғлидан айрилган. Эллик йиллар муқаддам жуда қаттиқ ёмғир ёққанди. Сел катта эди. Ҳар икки ўгли қишлоқ чорвасини боққани олиб кетганди. Бир йўла тўртта қорамолни сел оқизди. Уларни қутқариб қолиш илинжида бўлган йигитларнинг ўзлари фалокатга йўлиқишди. Ҳар иккови ҳам қорамолларга қўшилиб, селнинг домида оқишди. Бошлари тошдан тошга урилиб, нобуд бўлишди. Улар ҳафта ўтиб топилди. Беназир ота топиб келганди бечораларнинг жасадини. Кейин Рашид отанинг уйи ёнди. Болаларидан айрилганига бор-йўғи тўрт йил бўлганди. Ёнғиндан уйнинг деворларигина омон қолди, холос. Сўнг қизи вафот этди. У қандайдир бедаво дардга чалинди. Беназир ота қизни сақлаб қолиш учун кўп уринди. Бироқ фойдаси бўлмади. Қиз омонатини топширди. Кейинчалик отанинг кампири рихлат қилди. Ҳозир чол набираси билан бирга яшайди.

Рашид ота оғир ютиниб олгач, гапида давом этди.

— Насим, нималар деб ташладинг бу болага? — дея у Кошифни кўрсатди. — Унга Беназир отанинг назари тушган. Табиб бекордан-бекорга уни танламаган...

— Ота, — деди Чори, ниҳоят, тилга кириб. У Насимнинг Кошифга айтган гапларидан кейин анча

руҳланган эди. — Сиз юздан ошдингиз. Сиз тенгилар, сиздан катталар қишлоғимизда кўп. Лекин биласиз, ёши улуғлардан бирортасиям қишлоқнинг ишларига аралашмайди.

— Ия, — дея жилмайди Рашид ота, — қачондан бери шундай бўлган экан? Мен шу ерда яшаб туриб, беҳабар қолибман-ку. Аралашмайди? Раҳматли Беназир ота ўтганида неча ёшда эди. Мен тугул, мендан катталар ҳам уни ота дейишарди. Хўш, шу пайтгача қишлоққа ким бош-қош бўлиб келганди? Беназир ота. Унинг ёши юз йигирмадан, юз ўттиздан ошиб кетган бўлсаям, ҳамма нарсага аралашган-у, мен нега?..

— Ота, — деди Эгамназар ён-атрофидагиларга бир-бир назар ташлаб қўйиб, чолнинг гапини бўларкан, — сиз Беназир отани бошқалар билан аралаштирманг. Ана, Насим айтди, Кошиф бу қишлоқнинг боласи эмас. Буни ўзиям тан олди. Яна у бўйнидаги қарзиниям тан олди. Нимаки буюрсанглар, қиламан, деди. Яна қишлоқнинг улуғларидан ўрганганман, деди. Ҳамма эшитди унинг гапларини. Энди нимага сиз бузғунчилик қилиб турибсиз?

— Мен ҳеч қанақа бузғунчилик қилаётганим йўқ. Мен сизларга жабр бўлиб қолмасин, деяпман. Беназир ота қишлоқ одамларини «Бу яхши, бу ёмон», деб бир-биридан ажратмаган. Агар у хоҳлаганида орамиздан кимнидир танлаб, ўзида борини унга ўргатган бўларди. Шундай бўлмабдими, демак, бизнинг орамиздан у хоҳлаган одам топилмабди. Қолаверса, раҳматли табибдан кейин Кошиф ҳали бирор марта қишлоқнинг ишига аралашгани йўқ...

Рашид отанинг гапи яна чала бўлиб қолди. Насимнинг ёнида пайдо бўлган Чори ўчирди унинг овозини бу сафар.

— Ҳамқишлоқлар, бундай ўйлаб қарасам, кўпчиликнинг гапи бир жойдан чиқяпти. Энди Рашид

ота, Толмас ота, Норбойга ўхшаганлар ҳозирча кўни-
колмай турибди. Бундай қилайлик, ҳозирча қиш-
лоққа Насимни бош қилайлик. Кўрамиз, агар
кўнглимиздагидай бошқарса, оғиримизни енгил
қилса, тартиб бузилмаса, унинг ўзи қолаверади. Ма-
бодо бўлмайдиган бўлса, бўлмайди-да. Бизга тўпла-
ниш қийинми? Мана шу ерга келамиз ҳаммамиз,
бирортани катта қиламиз, олам гулистон.

— Тўғри! — бақирди Эгамназар.

— Ҳақ гап! — дея унинг гапини маъқуллади Фат-
хулла.

Норбой кўлини силтади. Рашид ота чопонининг
этагини қоқди. Кошиф кетди. Кетаётганини ҳамма
кўрди. Ҳеч ким тўхтатмади. Шодмиди, қайғудами-
ди, бериқоқда уни кўрган аёллар ҳам билишолмади.

Эртасига Кошиф доривор гиёҳ тергани чиқмади.
Уйини бир сидра тозалади. Овқат тайёрлаб, еди.
Сўнг мутолаа билан машғул бўлди. Насимдан «элчи»
келганида вақт пешинга яқинлашган эди. Кошиф
китобдан бош кўтармай, ёд бўлиб, қон-қонига син-
гиб кетган сўзларни шошилмасдан, оҳангга солган-
ча ярим овозда ўқиб ўтирарди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

Насим «элчи»га шундай деб тайинлаганди: «Бо-
расан. Кўрасан. Дағдаға билан гапирасан. Умуман
менсима. Оқсоқол буюрди, оёғингни кўлингга олиб
югуриб бораркансан, де!»

Кошиф беихтиёр бошини кўтариб, «элчи»га қат-
тиқроқ қараб юборди. «Элчи» шу заҳоти ортга тиса-
рилди. Нимага келганини, нима дейиш кераклиги-
ни унутди. Табибга қараб қолди. Кошиф шошил-
масдан китобни ёпди. Сўнг ўрнидан турди-да, ки-
тобни эҳтиёткорлик билан токчага қўйди. Сўнг эшик
томонга ўгирилиб:

— Қишлоқ одамлари тинчми? Бирортаси касал
бўлиб қолмадими? — деб сўради.

— Тинч. Ҳамма яхши. Насим амаки сизни келсин, деяпти, — дея жавоб қайтарди «элчи» ва бирдан ортига бурилиб, уйдан чиқди.

Кошиф «Хўп, ҳозир бораман», дейишга-да улгурмади. «Элчи» худди қаршисида бирорта ёввойи махлуқ пайдо бўлгандай ташқарига отилди. Бўлмаса, сўроқсиз кирган, ҳаттоки эшикни тақиллатиб ҳам қўймаган эди. Албатта, қишлоқда бундай одобсизлик йўқ. «Бировнинг уйига бостириб кирма. Ташқарида туриб, отини айтиб чақир, ундаям чиқмаса, эшигини тақиллат», деб ўргатишади. Аммо «элчи»га Насим бошқача дарс ўтган эди.

Пешин тугаганидан кейин Кошиф узоқ дуо қилди. Кейин кўзини очди. У худди ўтган сафардагидек қишлоқ яқинида пайдо бўлган эди. Атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. Бир-бир қадам босганча Насимнинг уйи томон кетди.

Насим ҳовлисига, ерга жой қилиб олибди. Ўзиям икки қават пўстак устида оёғини чалиштирганча огзини тўлдириб овқат ерди. У табибни кўриб иржайди. Ўрнидан турмади. «Кел, узр, безовта қилдим», демади. Умуман, бунақа дейиш нияти ҳам йўқ эди.

— Ҳов бола, — деди огзидаги луқмасини ютиб, лаб-лунжини сочиққа артаркан, — мен сенга кечанима дегандим?

— Болаларни ўқитасан, дегандингиз.

— Нега унда ўқитмаяпсан?

— Пешиндан кейинга мўлжаллагандим.

— Пешиндан кейинмиш. Эрталабдан ўқитиш керак, — деди Насим у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб қўйиб. — Бошқаларни номига ўқитсанг ҳам бўлаверади, лекин бизнинг ўғил ҳамма нарсани билиши керак. Керак бўлса, ўзингдан ҳам ўтиб кетсин! Уқдингми?!

* * *

— Дадангга ёлғон гапирдик, — деди Мақсал сер-

қатнов йўл бўйига етганларидан кейин. — Энди даданг касалхонадан чиққунича тоғанг билан гаплашиб, бирор нима қилишимиз керак. Қилолмасак, даданг жудаям қаттиқ хафа бўлади.

— Ойи, телефоним нима бўлади? — деди киприк-лари пирпираган Дилдора қовоғини осилтириб.

— Телефонинг... Телефонинг. Ҳа, анави автобус ҳайдовчиси топиб бераман, деб ваъда берди-ку. Ажабмас, топиб берса. Лекин топиб бермаганидаям майли. Унчалик қиммат телефон эмасди-ку. Аммо у ёқ-бу ёққа қўнғироқ қилиб туришга яхши эди-да, эсизгина. Мана, ҳозир ҳам тоғангга қўнғироқ қилардик. Бўпти, юр, эртароқ уйга борайлик, келиб қолар, балки.

Дилдоранинг шусиз ҳам осилган қовоғи баттар осилди. Кўзи ёшга тўлди. Яна икки оғиз гап айтилса, кўзидаги шўр сув тўкилиши аниқ.

Бекатга боришди. Яшил автобус келди. Чиқишди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас, Мақсад бошини чангаллаб:

— Вой, ўлмасам, идиш қолиб кетибди! Эртага нимада овқат олиб келамиз? — деди Дилдорага. Кейин ҳайдовчи томонга юзланди: — Тўхтатиб юборинг, илтимос, тўхтатинг!

Ҳайдовчининг кўзи йўлда, қулоғи мусиқада эди. Ҳафта олдин автобусага бир жувон чиққанди, бир жувон чиққандики, ҳали-ҳамон унинг қадди-қоматини, чиройли табассумини унутолмаяпти. Бундан икки йил муқаддам ҳайдовчининг аёли бандаликни бажо келтирди. «Энди бўлди, ҳеч қачон уйланмайман. Хотинимнинг хотираси билан яшайман. Менга қолдирган икки нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказаман. Бахтини кўраман», дея ўйлаган эди. Шу боисдан бегона қиз-жувонларга умуман эътибор қилмасди. Бироқ ўша жувонни кўрдию, юраги шиг этиб кетди. Турса ҳам, ўтирса ҳам,

уни ўйлайдиган бўлиб қолди. Аввал ўзига ўзи берган ваъдаларини эса умуман эсидан чиқарди. Ҳозир уни мусиқа ширин энтиктиряпти. Умуман, у шу битта қўшиқни эрталабдан бери эшитиб юрибди. Ҳар эшитганида янгича лаззат олади.

— Тўхтатинг! — бақирди Мақсад.

Шундагина ҳайдовчининг қулоғига нимадир ча-лингандай бўлди. У кўзгу орқали салонга қаради. Бир аёл келяпти у томонга. Газдан оёғини олиб, тормозни секин босди. «Адашиб чиқиб қолганга ўхшайди», деган ўй ўтди хаёлидан.

— Тўхтатинг деяпман!

— Минишдан олдин автобуснинг пешонасига қараб қўйиш керак эди. Кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйибди йўналишини. Савод борми ўзи?! — дея тўнғиллади ҳайдовчи ва автобусни йўл четида тўхта-тиб, эшикни очди.

Аввал Мақсад, унинг ортидан Дилдора тушди. Дарвоқе, улар тушиш асносида битта-иккита йўловчи-нинг аччиқ гапини ҳазм қилишга мажбур бўлишди.

— Ойи, бекор иккаламиз ҳам тушиб қолдик. Битта-миз борсак ҳам бўларди дадамнинг ёнига. Битта-миз уйга бориб турардик. Қўшненикидан тоғамга қўнғироқ қилардик, — дея Дилдора жавдирабгина онасига термилди.

— Эй-й, шундай пайтда одамнинг калласи иш-лармиди? Юр тезроқ. Мен касалхона ҳовлисида ту-раман, сен кириб чиқасан. Даданга автобусга чи-қиб тушдик, дема. Бўлмаса, шунга ҳам сиқилади. Бекатга етишимиз билан эсимизга тушиб қолди. Ойим бекатда. Мен югуриб келдим, де, хўпми, қизим?

— Хўп, — дея бошини қимирлатди Дилдора.

* * *

Бердиёрнинг қўлидан телефон тушиб кетди. Лаби титради.

— Нима деди? Дилдоранинг телефонига бошқа қўнғироқ қилманг, дедими? Ким у? Қизимнинг телефони унда нима қияпти? — дея у секин каравотига ўтирди.

— Эй-й, бошқа жойга тушиб қолгансиз. Ҳозирги пайтда компанияларниям мазаси қочган, — деди Шомансур хонадошини чалғитиш учун.

— Бошқа жойга тушсам, у қизимнинг исмини айтди-ку. Қизимнинг исмини қаердан билади, Шомансур?

Бердиёрнинг қўли қалтирай бошлади.

— Ўзингизни босинг, унинг исмини ўзингиз айтдингиз. Ана ундан кейин у сизга Дилдорага қўнғироқ қилманг, деди. Менимча, қизингиз қаердадир телефони қолдириб кетган. Ҳозир ўзи қўнғироқ қилиб қолади. Ёки умуман бошқа рақамга тушиб қолдингиз. Яна тез-тез рақам алмаштириш ҳам мода бўлган. Мана, мен бир ой деганда уч марта рақам алмаштирдим. Бундан олдингисини мендан аввал бошқа биров тутган экан. Ҳали қўнғироқ қилиб, униси сўрайди фалончи борми, деб, ҳали буниси сўрайди. Жонимга тегиб кетди. Сим-картани майда-майда қилиб ташладим. Сиз бир оз ётинг, — деб Шомансур Бердиёрни хотиржам қилишга уринди.

«Эҳ, ёшлик даври яхши эди-да. Роса маза қилиб чўмилардик. Анҳорнинг лабида мажнунтол бўларди. Ўшанинг устига чиқиб, калла ташлашни хуш кўрардим. Эсимда, бир марта худди спортчилардай бир айланиб, кейин каллам билан сувга шўнғимоқчи бўлгандим. Лекин эплай олмадим. Бир марта айландимми, йўқми, қорним билан сувга шунақанги урилдимки, кўз олдимда учқунчалар пайдо бўлди. Анҳордан чиқиб қарасам, қорним қип-қизил бўлиб кетган экан. Ошналарим қотиб-қотиб кулишяпти устимдан. Аммо кулганлардан биттаси бопланди. Эртасигаёқ аввал оёғи шохга қисилиб, осилиб қолди.

«Ўламан! Ўламан!» деб қичқирди. Кейин сувга тушиб кетди қорни билан. Мен ҳам роса унинг устидан кулдим. Лекин бечора кейин касалхонага тушиб қолди. Бир ҳафта ётди. Мен эса кулганим учун афсусландим. Эҳ, ёшлик даври бошқача бўлган экан. Куннинг ўтиши қийинлигини айтмайсизми?» дея хаёлга берилди Бердиёр.

— Тинчликми шерик? — деди шеригининг жим бўлиб қолганидан хавотир олган Шомансур.

— А-а, тинчлик. Бир нима ёдимга тушиб қолди, шуни эслаётгандим...

Бердиёрнинг кўзи қўлига тушди. Узоқ йиллар мунтазам спиртли ичимлик ичган одамникига ўхшаб тинимсиз қалтираётганди қўли. «Табибгача етиб боролмайдиганга ўхшайман. Ўзимни чалгитишга шунча уриняпман, ҳеч бўлмаяпти. Қизимнинг телефони қандай қилиб бегона йигитнинг қўлига тушиб қолди? Наҳотки қизим болалар билан гаплашиб юрган бўлса... Йўғ-э, Дилдора унақа қиз эмас. Йўқ, у мени, онасини ўйлайди. Бизнинг шаънимизни ўйлайди. Қанчалик қийналганимизни кўрди, кўра била туриб бундай қилмайди».

Шу пайт Бердиёрнинг юраги санчди. У қўлини кўксига қўйди-да, ўйлади: «Ундай қилма. Ҳали вақти бор. Ишлаб тур ҳали. Кераксан. Ҳеч бўлмаганда шу қизгинамнинг бахтини кўриш учун ҳам кераксан. Ҳозирдан ҳунарингни кўрсатсанг, кўпчилик қийналиб қолади. Шунинг учун ўзингни босиб, ишингни қил. Айтганча, яхши нарсалар ҳақида хаёл суришим керак...»

— Кўринишингиз яхши, — дея унинг хаёлини бузди Шомансур, — лекин шундай бўлса ҳам, ҳамширани чақириш керак. Мен бориб чақириб келаман...

— Йўқ, сизга мумкин эмас. Менга ҳеч нима бўлмади. Ҳозир озгина ётай, чўмилганларимни эслай, ўтиб

кетади. Ҳозир сиз турсангиз, яна мазангиз бўлмай қолади... Лекин чарчаяпман, чарчаяпман, — деди Бердиёр ва секин каравотга ёта бошлади.

Худди шу пайт эшик очилиб, Дилдора кўринди. Бердиёр аввалига «Шунчаки у тўғрисида безовта бўлдим, шунинг учун кўзимга кўриняпти», деб ўйлади.

— Дада, сизга нима бўлди? — дея Дилдора отасининг ёнига югуриб келиб, каравотнинг бир четига ўтирганидан кейин билдики, ўнги экан.

Бердиёрнинг кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Қизим... — деди паст овозда.

* * *

Кошиф мийиғида кулди. У аллақачон Насимнинг ниятини англаб бўлганди. Фақат одам ўша ниятни ошкор қилаётганида қандай аҳволга тушаркин, дея ўйлаб юрганди. Мана, гувоҳи бўлиб турибди. Насим гўёки шаҳаншоҳ, чек-чегарасиз қудратга эга. Ҳамма унинг пойида бўлишини истайди. Тобелар, малайлар, хушомадчилар кўп бўлсин. Кўллари кўксиди, икки букилиб туришсин. «Шаҳаншоҳ, олампа-ноҳ, биз сиз учун истаган майнавозчиликларни қиламиз. «Думала!» деб буюринг, биз нақ тоғнинг энг тепасидан думалаб тушамиз. «Думалаётганда ҳамма ёнингнинг пачоғи чиқиб кетсин», денг, қиламиз. Яна қанча пасткашлик бўлса, кўз очиб-юмгунингизча бажарамиз. Керак бўлса, осмондаги юлдузларни бўйингизга маржондай териб қўямиз. Мабодо бирор киши сизнинг амрингизга қарши чиқса, туғилганига пушаймон едириш у ёқда турсин, бутун уруғ-аймоғи билан қуришиб, ўша нобакор яшаган жойнинг вайронасини чиқариб, иморати ўрнидаги етти қават тупроқни олиб ташлаймиз. Бизга сиз омон бўлсангиз бас, биз учун сизнинг роҳат-фароғатингиз ҳар нарсадан устун», дейишсин.

— Бажонидил бажараман. Аммо сен фалончининг

боласисан, сен пистончиникисан, деб ажратмайман. Ҳаммасига бир хилда ўргатаман. Ўзида бори тортиб кетади. Кесакдан фарқи бўлмагани шундайлигича қолаверади. Ахир ҳамма табиб бўлиб кетса, қўй-қўзини ким боқади, тирикчиликни ким қилади? Шундай экан, ҳурматли оқсоқол, сеники-меники, деган гап бўлмайди. Ундан кейин тоғ-тошларни кезаман, дегани марҳамат қилиб менинг кулбамга борсин, — деди Кошиф ва секин ортига бурилиб кета бошлади.

Насимнинг қўзи олайди. Ер муштлади.

— Нима деди?! Сеники-меники бўлмайди, дедими?! Ҳали сен менга қарши чиқяпсанми, бутун бошли қишлоқ оқсоқолига, каттасига-я?! Биз Беназир ота нима буюрса, қулоқ қоқмасдан бажарардик. Малол келган тақдирда ҳам йўқ демасдик. Ана, бир сафар не бир азобда тайёрлаганим узум сувини тўкиб ташлагандим. Жоним чиқиб кетганди ўзиям. Ўшанда сенинг ўгай отанг Норбой, яна унга ўхшаган биттаси қовун тушириб қўйган, — дея пичирлади у ва чойини охиригача ичмасдан, ерга тўкиб ташлади.

Ўғлини чақирди. Унга «Бор, Фатхуллани, Эгамназарни, Чорини айтиб кел. Оқсоқолнинг муҳим гапи бор экан, де!» дея амр қилди. Ўзи яна ёстиғини қўлтиғи остига олиб суянди.

Ошналарга Насимнинг «Оқсоқол чақиряпти» деб айттиргани кўп-да ўтиришмади. Ҳар учаласининг ҳам жаҳли чиқди. Зеро, илгари Беназир ота ўзини қишлоқнинг каттаси, оқсоқоли дейишларига сира йўл қўймасди. «Менинг сизлардан фарқим йўқ, бунақа деманглар», дерди. Фалон жойга келсин, пистон жойда кутаман, деган гаплар эса умуман ишлатилмаган. Табибнинг кимда, нима иши бўлса, ўзи борган. Насим ўзини ўзи катта қилиб олганига бир кун ҳам бўлмай, буйруқ беришга ўтибди. Қани, бо-

ришсин-чи, нима деркин? Улар узум суви мазасини унутолмай юришганди. Насимнинг яна чақириб, меҳмон қилишидан умидвор эдилар. Шу боисдан ҳам унинг буйруғи оғир ботса-да, дарров йўлга чиқишди.

Насим ошналарининг кўнглидаги ишни қилди. Роса етилган бир кади узум ачитқисини дастурхон ўртасига қўйиб, пойлаб ўтирди. Ҳамтовоқлари кўриниш беришлари билан пиёлага қуйишни дилига тугди. Сўнг шундай ҳам қилди. Учовлон у ўтирган жойга етишларига бир-икки қадам қолганида ичди. Култ-култ этказиб ютди. Келгувчиларнинг ҳам кўзлари олайиб кетди.

Насим пиёлани дастурхон устига қўйди. Лаб-лунжини иржайганча артди. Сўнг:

— Қани, келинглар, — деди ўтирган жойида.

Илгари у сакраб турарди. «Келинглар, келинглар», дерди қўлини кўксига қўйиб. Ҳозир бундай қилмади. Чунки у катта. Яна мусалласи бор. Бунақанги пайтда юзга кирган одам келса ҳам турмайди. Керак бўлса, келувчининг ўзи букилиб у билан кўришсин. Кўришаётганида қўлини берса ҳам катта гап. Насим шундай қилди. Уч эркак орли, ғурурли, обрўсини биладиган, ўзини хафа қилдириб қўймайдиганлардан эди. Аммо улар ҳозир буларнинг бари-ни эсидан чиқаришди. Тўғрироғи, чиқаришга мажбур бўлишди.

— Қанақа ошнасишлар? — деди Насим учовлон ёнма-ён ўтирганларидан кейин. — Эрталабдан бир-ров хабар олмайсишларми? Ё хурматим йўқми?

— Нималар деяпсан, Насим? Ҳозир сен қишлоқнинг улуғларидан бирисан, — дея хушомад қилди кўзини кадидан узолмаётган Чори.

— Нима, улуғлар тиқилиб ётибдими қишлоқда? — деди шу заҳоти қовоғини осилтирган Насим.

— Ҳа, энди анча-мунча чоллар бор...

Насим бошини сарак-сарак қилди-да, ачитқидан пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб қуйди.

— Қарасам, ичларинг ёниб кетяпти. Аввал бир пиёладан олинглар, ана ундан кейин гаплашамиз.

Учала эркакнинг ҳам бараварига кайфияти кўтарилди. Иржайишди. Яна мутелашишди. «Қани, хўжайин, энди гапиринг» қабилида Насимга боқишди.

— Бу Кошиф деганлари, барибир, бегоналигини қилади, шекилли. Келмасингиздан олдин шу ерда эди. Эсларингда бўлса, кун иеча у бутун қишлоқнинг боласини ўқитишни бўйнига олганди. Келганидан кейин «Бошла ўқитишни, вақтни ўтказма. Болаларнинг саводи эртaroқ чиқсин», дедим. Ишонасизларми, «Йўқ», деди.

Насим гапиришдан тўхтаб, ҳамтовоқларига бирма-бир қараб чиқди. Бировининг пешонаси тиришди. Иккинчиси бошини эгди. Учинчиси қаншарини қашлади.

— Менимча, сизларни маслаҳатга чақириб, бекор қилганга ўхшайман. Гапларим сизларгаям маъқул келмаганга ўхшайди, — дея қовоғини солди Насим.

— Ошна, нима деганинг бу, биз ҳайрон бўлиб қолдик. Илгари Кошиф сира қулоғини қимирлатмаган. Ҳамманинг олдида бошини эгди. Ҳатто отаси Норбой ҳам миқ этолмай қолди. Шунга кўра, у сенинг оғзингдан гап чиқар-чиқмас югуриб кетиши керак эди. Нимага йўқ дейди? Йўқ дейишга умуман ҳақи йўқ, — деди Чори ва кадига кўз ташлаб қўйди.

Насим унинг хоҳишини сизди. Бироқ атайин ўзини билмасликка олди.

— Мен сизларга бирор марта ёлғон гапирганмидим? Келди. «Бошла!» дедим. «Йўқ», деди. Менсимади. Мени менсимадими, демак, бутун қишлоқнинг юзига оёқ босди. Чунки кун иеча мени ўзларингга оқсоқол қилиб сайлагансизлар. Бундай олиб

қараса, ўша катталикнинг менга умуман кераги йўқ. Ўйлаб қарасам, фақат бошимни оғритганим қоларкан. Мана, сен айт, Эгамназар, мен ҳали унинг уйига борсам, ҳали бунинг уйига борсам-да, манави қилаётган ишинг нотўғри, бунинг ўрнига манавинисини қил, десам, мени яхши кўрадимми?

— Энди тўғриси айтганингдан кейин нимага ёқмаскан? Ёқади, — дея елкасини учириб қўйди Эгамназар.

— Бекор айтибсан! Мени итидан баттар ёмон кўради. Энди шу менга керакми, масалан, сенга ўхшаб маза қилиб ётсам яхшимасми ҳаммага ёмон кўришиб юргандан кўра?

— Қўйсанг-чи бунақа гапларни. Бутун қишлоқ одамларининг олдида сени танладик. Энди ўзинг бу ёғига Беназир отадан ҳам ўтказиб оқсоқоллик қиласан-да, — деди Чори.

— Унда менга ёрдам беринглар. Битта Кошифга тишим ўтмаса, қолганлар нима дейди? Аввал аввалини йўлга солиб ол, ана ундан кейин бизга гапирасан дейишмайдими? — деди Насим ўзини хафа бўлган кўрсатиб.

— Қилади айтганингни. Қилмайдиган бўлса, қишлоққа қадамини босмайди. Босса, оёғини уриб синдирамиз! — дея кўкрагини керди Фатхулла ва эгасидан сўрамай, кади томонга бамайлихотир қўлини чўзди.

— Бундай қилишингга бир хиллар қараб туролмайди. Ундан кейин Кошиф — табиб. У бўлмаса, қийналиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас, шунинг учун олдин болаларимизни табибликка ўргатиб олайлик. Сўнг у ёғини биргалашиб ўйлаб кўрармиз. Балки, ўлдириб юбориш керакдир. Норбойга, Толмас чолга ўхшаганлар оз-моз оҳ-воҳ дейди. Аммо бора-бора улар ҳам кўникиб қолишади.

Ҳамтовоқлари унинг гапини жон қулоқлари би-

лан тинглаётганлари хуш ёқди. Ҳатто ичи ёниб, куйиб кетаётган бўлса-да, қўлидаги кадининг ичидаги суюқликни идишларга қуя олмай термилиб қолган Фатхулланинг туриши руҳлантирди. «Мен шунақа ҳеч ким кутмайдиган, ҳаммадан зўр гапларни биламан. Яна тўрт-беш кун, ана ундан сўнг бутун қишлоқ худди манавилардай анграйиб қолади. Ўл десам, ўладиган бўлишади», кўнглидан ўтказди Насим ва иржайди. «Куй, тўлдириб-тўлдириб куй, анграйма», деди Фатхуллага. У эса гўё уйқудан уйғонгандай бўлди ва томоғини қириб қуйиб, ишга киришди.

— Биттадан ютганимиздан кейин кадини гузарга олиб кетасизлар. Ўтган-кетганга ичиринглар, бошқалар ҳам бунинг лаззатини билсин, бизнинг қўлимиздан қандай ишлар келишидан хабар топишсин.

* * *

Кошиф кулбасига бормади. Одатдагидай устозининг, кейин ота-онасининг қабрини зиёрат қилди. Сўнг тоққа чиқиб кетди. Гиёҳ терди. Шу билан бирга қуёшнинг ҳолатини кузатди. Яқин-яқинлардан бери, Беназир ота ҳақ дунёга рихлат қилгач, унда шундай одат пайдо бўлганди. Ҳар куни тонгда утина идрок этадиган, кўра оладиган, ҳис эта оладиган фаришталарнинг сафарлари қаригач, лозим амални адо этади-да, қуёшга юзланади. Ёруғликнинг ёрқинлашиши, нур пайдо бўлиши ва олам чироғининг кўриниши унинг руҳини тетиклаштириб юборади ҳамда шу заҳоти майсалар, ўсимликларга диққатини қаратади. Сўнг англайдики, ҳамма-ҳаммаси бир кечада офтобни соғинибди. Интиқлик билан тунни ўтказибди. Мана, қуёш жамолини кўрсатиши билан шу томонга баравар юзланишди. Албатта, оддий кўз билан қараганда жараённи илғамаслик мумкин, аммо ички сезгиси юқорилаб кетган Кошиф сезади. Шундан завқ олади. Ишга киришади. Иштиёқ кучли бўлганида бор неъмат юзага

чиқади, деган ўйда юради у доим. Қолаверса, китобларда ҳам кўпгина гиёҳларни тонг чоғида териш ҳақида ёзилган.

Унда мана шундай одат пешин палласи ва ундан кейинги вақтларда ҳам бор. Баъзида дилхиралигини унутиш, чалғиш учун ҳам у атайин дарахтлар, ўсимликлар ҳолатини кузатади.

Елкасидаги қоп гиёҳга қарийб тўлаёзганди. Энди уларни бир-бирига аралаштириб, дори тайёрлаш керак эди. Шу боисдан ҳам пастликка энаётганди. Бирдан кўзи тоғ эчкисига тушиб қолди. Жонивор жарлик томонга осилиб турган тош устида ётарди. Ҳар-ҳар замон ўрнидан турмоққа уринар, эплаёлмас ва яна ётишга мажбур бўларди. Кошиф секин қадам ташлаб, тош ёнига борди. Тоғ эчкиси унинг келаётганини сизди. Бошини кўтариб, қулоғини дикрайтирди. Аммо қочишга ҳаракат қилмади.

— Бечорагина, сенга нима бўлди? — деди Кошиф ва унинг ёнгинасига ўтириб, бошини силади.

Шўрлик жонивор жони кўп қийналганидан роса йиғлабди. Кошиф унинг пешонасини силаётганида кўзидан яна ёш оқди.

— Ҳечқиси йўқ. Дардинг ортда қолади. Касалингни топамиз, даволаймиз, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасан, — деди табиб тоғ эчкисининг бутун танасини назаридан ўтказа туриб. Сўнг орқа оёғидаги косадай келадиган шишга кўзи тушди.

Одам танасида пайдо бўлган шишни қайтарадиган мой бор. Лекин у икки кун давомида қайтаради. Шу вақт оралиғида эчки бу ерда қоладиган бўлса, албатта, бирорта йиртқичга ем бўлиши тайин. Кошиф уни кўтариб олиб кетиши ҳам мумкин. Бироқ йўл давомида жонивор яна азоб чекади. Демак, энг қулай йўли шу ернинг ўзида қисқа вақтда даволаш.

Кошиф иккала кафтини ҳам очди. Дуо қилди. Тоғ эчкисининг кўзи юмилди. Унинг дарди ортга

чекиниб, вужуди ором топганга ўхшарди. Кошиф бастон ўсган далада пайдо бўлишни истади ва сал ўтмай унинг истаги амалга ошди. Табиб шошилганча пиёлада танга ботгулик бастон ширасини йиғди. Унга тарвузталоқ уруғини майдалаб аралаштирди. Кейин ички истак таъсирида аввалги жойида, тоғ эчкиси ёнида пайдо бўлди.

Олдин шиш усти, атрофи юнгдан тозаланди ва малҳам сурилди. Бир чойнак чой қайнагулик вақт мобайнида Кошиф шиш устини силади. Сўнг кутди. Шиш бир оз каттариб, кейин ёрилиб кетди. Шу заҳоти тоғ эчкиси бошини енгил кўтарди. Атрофига аланглади ва оёғини қимирлатди.

— Бир оз ёт, жонивор, яна озгина. Мадданинг ҳаммаси чиқиб кетсин. Ана ундан кейин турасан, — деди Кошиф худди тоғ эчкиси унинг гапини тушунадигандек.

Ўша биров вақт ўтди. Кошиф ярани бошқа мой билан тозолади. Кейин боғлаб қўйди.

Жонивор бир типирчилаб жойидан турди. Турганига ишониб-ишонмай секин-секин юриб, осилиб турган тошдан беш-олти қадам узоқлашди. Тўхтади. Ортига ўгирилиб, Кошифга қаради. Гўё шу билан раҳмат айтган бўлди. Сўнг югуриб кетди.

«Бундан чиқди, бастон ширасининг тарвузталоқ уруғи билан аралашмаси йирингли шишни қайтараркан-да. Жароҳатдан кейин пайдо бўлган шиш тезда пишиб ёрилади. Аммо ўзи пайдо бўлганларичи, уларда ҳам шундай жараён кечармикан? Яна битта савол бор. Одамнинг ичида пайдо бўладиган ўсимта... Табиийки, унда фақатгина қора қон тўпланган бўлмайди. У бамисоли сариқ чирмовуқ. Одам билан озиқланади ва ўсади. Кейин одамнинг ўзини ҳам нобуд қилади. Китобда шундай ёзилган. Бироқ даволаш йўллари айтилмаган. Менинг умидим бастондан эди... Шошма, унинг намозгул билан ҳам

қариндошчилиги бор. Бугун-эрта унинг гули, пояси ва илдизини аралаштириб кўраман. Аммо менга ичида ўсимта ўсган касал керак», дея ўйлади Кошиф ва қопини елкасига илди-да, уйи томонга кетди.

Кулбасига етишига ярим чақиримча масофа қолганида ҳовлида кимнингдир юрганини кўрди. У шунчаки юрмаётганди. Югурарди. Уйга югуриб кирар, ниманидир олиб чиқиб ерга ташлар ва яна ичкарига кириб кетарди. Кошифнинг қўнглига хавотир оралади.

* * *

— Дадажон, дадажон, мени кўрқитманг! Ҳозир дўхтирларни чақираман! — Дилдора шундай дея эшикка югурди ва орадан лаҳза ўтмай изига қайтди.

У йўлакнинг ўртасида стол қўйиб ўтирган ҳамширага «Дўхтирни чақиринг, дўхтирни! Дадамнинг мазаси қочиб қолди!» деб бақирганди.

— Қизим, мен яхшиман, юрагим озгина санчгандай бўлди, — деди Бердиёр ёнига қайтиб келган Дилдорага.

Қизнинг қип-қизил лаби титрар, кўзидан дув-дув ёш оқарди. Бир оздан сўнг дўхтирлар кириб келишди ва Дилдорани палатадан чиқариб юборишди. Кейин тезлик билан Бердиёрнинг юрагини кардиограмма қилишди. Юракда ҳақиқатан ҳам ўзгариш бор экан.

— Бўлди! — деди жаҳли чиққан дўхтир. — Бу палатага ҳеч кимни киритманг! Одамларгаям ҳайронман. Касал кўргани келдингми, биғиллаб ўтириб нима қиласан? Кўр, бил аҳволини. Соғлиқ тила, кет, тамом. Булар бўлса итининг томоғи оғригани, сигирининг феъли айнигани, ўзининг киприги бир марта кўпроқ пирпираб кетганини ҳам айтишади. Дўст эмас булар. Душман. Шунча қилган меҳнатимизни бирпасда ҳавога совуриб юборишади-я!

Беморнинг ёнида унинг қариндошлари ҳақида

бунақанги гапларни гапириш яхши эмас. Бироқ шу сафар у чидаёлмади. Чунки Бердиёрнинг ҳамхонаси ишқал чиқарганига ҳали кўп бўлмаганди.

Дилдоранинг кўлида идиш кўрмаган Мақсад опада хавотир пайдо бўлди. У қизи етиб келишини кутмай, ўзи унга яқинлашди.

— Дадам, дадам... — деди кўзидаги ёшни кафти билан артганча ҳиқилларкан Дилдора, — кирсам, ранги оқариб ётган экан!

— Вой, ўлмасам, нега?! — деди киприклари пир-пираган Мақсад опа.

— Билмасам. Хонасига кирсам, ётган экан. Ранги оқариб кетган. Дарров дўхтирларни чақирдим. Мени палатадан чиқариб юборишди. Кейин киритишмади. Ойи, қўрқиб кетяпман! — дея жавоб берди Дилдора йиғлашда давом этиб.

— Уфф, эндигина сал кўнглим хотиржам тортганди. Юр-чи, дўхтирлардан сўрайлик...

Фамга ботган она-бола бирин-кетин бош шифокорнинг хонасига киришди. Шифокор телефонда гаплашаётган экан. Уларга эътибор ҳам бермади. Бир ола қараш қилиб қўйди. Сўнг мўйловини силади-да, қисик кўзини баттар қисиб ҳиринглаганча суҳбатдоши билан гаплашишда давом этди. Пул ҳақида. Уялмайди. Бемалол «Фалонча пул олдим, пистонча даромад қилдим. Хотиним кунда, кунора бир дунё пул ишлатади. Охирги пайтларда бермайдиган бўлдим. Машинада қолдираман ё ишхонадаги сейфда сақлайман», дейди.

Мақсад опа тоқатсизланиб, қизини туртгач:

— Юр, чиқиб турайлик, — дея шивирлади.

Эшикни ёпганларидан кейин Мақсад опа лабини тишлади. Сўнг:

— Садқайи одам кет, — деди паст овозда, — яна дўхтирмиш бу?!

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас бошқа шифокор уларга яқинлашиб кела бошлади. Дилдора:

— Ойи, шу дадамнинг дўхтири, — деди пичирлаб.

Мақсад опанинг вужудига қўрқув кирди. Дўхтир ҳар қадам босганида пол тақиллаб синиб кетгудек бўларди. У шошиб келаётганди. Шу боис шахдам қадам ташлаётган, полни гурсиллатиб келаётганди. Битта қўли худди аскарларникидай бориб келарди. Шунинг ўзи унинг асабийлашганидан дарак берарди. Энди шифокорлар учун асабийлашмаган куннинг ўзи борми? Йўқ. Ҳар доим нимадир топилиб туради. Жа топилмаганда маоши оз чиқиб қолган бўлади. У пора олмайди. «Фалончи сўм берсанг, беморингни тузатаман, бўлмаса, ўлиб кетаверади», демайди. Фақатгина дори ёзиб беради. «Ҳозир, — дейди мижозига (ғалати-я, дўхтирларда ҳам мижоз бор!) кўзойнагини кўзидан олмай қараб, — касалхона дарвозасидан чиқиб, ўнг томонга икки бекат юрасиз. Дорини ана ўша ердаги дорихонадан оласиз. Бошқа жойдан олиб юрманг. Қўлболаси кўпайиб кетган. Ўша ердаги дорихона ишончли. У ерда виждонли одамлар ишлайди».

Ваҳоланки, дарвозахонага туташ дорихона билан икки бекат наридагисининг фарқи йўқ. Иккаласи ҳам битта жойдан олиб келади. Фақат икки бекат наридаги дорихона эгаси билан бу дўхтир гаплашиб қўйган. У бу ёқдан беморнинг таниши, қариндоши, қўшниси, ошнасини жўнатади, униси дорининг устига дўхтирнинг ҳам ҳақини қўйиб сотади. Иш вақти тугаганидан кейин дўхтир қийшайиб ўша дорихонага киради. «Бугун ҳисобим бўйича ўн бешта одам жўнатдим. Ҳақимни берсанглар, бозорга кириб, уйга ул-бул харид қилиб кетмоқчийдим», дейди. Дорихоначи: «Фалончи ака, ўн бешта эмас, ўн тўртта одам келди. Фалон-пистон дориларни олиб кетди», дейди. Дўхтир унинг гапига ишонадими?

Ҳеч қачон! Икки дунё бир келганида ҳам ишонмайди. «Сизлар мени алдаяпсизлар, ўзи ҳеч кимга ишониб бўлмай қолибди. Инсоф, имон деган нарсасиз осмонга учиб кетди. Майли, ўн тўртта бўлса, ўн тўрттада. Аммо кейинги сафар бошқа дорихонага жўнатаманми, дейман-да клиентларимни», дейди. Дорихоначининг бу гапдан бирдан капалаги учади. Агар бу дўхтир мияси айниб, айтганини қиладиган бўлса, қанча нарсадан қолиб кетади, ўххў! «Унақа деманг энди, пистончи фалончиевич, ўн тўртта одам келган бўлса ҳам, сиз ўн бешта дедингизми, ўн бештанинг пулини бераман. Ҳар-ҳар замонда шунақа чиқим қилиб турамиз. Биз жа инсофни йўқотганлардан эмасмиз. Мардмиз, ака, мард», деб жарақ-жарақ пулни санаб беради.

— Ассалому алайкум, — деди Мақсад опа дўхтир уларнинг ёнига келиши билан.

— Ваалайкум, — дея алик олган бўлди дўхтир ва икки қадам ўтиб тўхтади. — Кимни кутяпсизлар?

— Аслида, сизнинг ёнингизга келгандик. Топа олмаймизми, деб қўрқдик. Шунга главврачдан хўжайиннинг аҳволини сўраб билмоқчийдик.

— Главврач, — деб эшик томонга қараб олди дўхтир, — ниманиям биларди? Сиз, адашмасам, Бердиёр Саломовнинг аёлисиз, тўғрими?

— Ҳа, шундай.

— Менга қаранг, бунақамас-да энди. Реанимациядан чиққанига анча вақт бўлиб қолди. Лекин сизлар менинг ёнимга бир мартаям келмадинглар. Келгандаям, бечора эркакка ҳар балоларни гапиравериб, яна касал қилиб кетасизлар. Боя кўрдим манави қизни, — деб дўхтир Дилдорани кўрсатди. — Шу қиз келди, Бердиёр Саломовнинг мазаси қочди.

— Нима девдинг дадангга?! — дея қизига пўписа қилди кўзини олайтирган Мақсад опа.

— Ҳеч нима.

Айтдим-ку палатасига кирсам, ранги оқариб ётган экан деб, — деди Дилдора ўзини оқлаган бўлиб.

— Лекин, дўхтир, қизим дарров чиқди дадасининг ёнидан.

— Майли, Яратганга шукр қилинг, биз шу ерда эканмиз, ҳея нарса бўлмайди.

— Болаларингизнинг роҳатини кўринг. Илло-билло, бошингизга ташвиш тушмасин. Биздан қайтмаса...

— Шошманг, — дея опанинг гапини бўлди дўхтир, — ҳаммаёқни илло-билло қилиб ташладингиз-ку. Шошиб турибман. Гап бундай. Шу пайтгача Бердиёр Саломовга бошқалардан дори-дармон олиб ишлатиб тургандик. Энди уларни ўрнига қўйиш керак. Ҳозир мен хўжайиннинг ёнига кириб чиқай, кейин дори ёзиб бераман, кутиб туринглар.

Мақсад опа Дилдорага, қиз эса, ўз навбатида, онасига қаради. «Шу пайтгача нега хаёлимга келмади?» дея ўйлади аёл. «Уйимизда пул бўлмаса, унда нима қиламиз?» кўнглидан ўтказди Дилдора.

Она чуқур-чуқур нафас олиб чиқарди. Қиз бошини эгганча хомуш тортиб қолди.

Дўхтир бош шифокорнинг ёнидан қайтиб чиқди. Ўта паст назар билан она-болага қаради. Унга буларнинг кийинишлари ёқмади. «Сўйсанг ҳам қон чиқмайди. Иккита дорини топиб келадими, йўқми, билмайман. Лекин бир жойларини кавлаштиришса, бир-икки сўм топилади. Топилмаса, қариндоши бор, таниш-билиши бор, кўни-қўшниси бор. Нима деган гап тўртта дорининг пули? Зўр келса, кўчада ахлат титиб юрганлар ҳам топишади бунча пулни. Мен касал қилибманми, нима қилса, ўзлари қилишган», деб ўйлади.

Дилдора уялиб кетди. Икки юзида эртапишар олмадай қизиллик пайдо бўлди. Зеро у шунақа ёшда эди. Эркак зотининг ҳар қандай боқишидан ғалати

аҳволга тушиб кетарди. Кўзини олиб қочар, унга тикилганни ёмондан-ёмон одамга чиқарарди.

Духтир ҳар доимги синалган «қўшиғи»ни айтди. Мақсад опа ҳаммасини бирма-бир ёзиб олди. Сўнг қизи билан сувга тушган мушукдай судралганча ташқарига чиқди. Кўз ёшини кафти билан артди. «Яна кўзим ёшланди. Йиғлаяпман. Бўлди, кўзимда умуман намлик қолмади, деб ўйлагандим. Йўқ, бор экан. Кўп экан. Яна менинг кўз ёшим ғалати, сал нарсага тўкилиб кетаверади», дея хаёлидан ўтказди Мақсад опа.

— Ойи, — деди тишлаб турган лабини қўйиб юборган Дилдора, — нима қиламиз энди?

— Ҳар доимгидек тоғанг ёрдам беради. Бахтимга шу укам бор экан. У бўлмаганда, ҳозир нима қилардим? Юр, эртароқ уйга борайлик, — деб Мақсад опа қизининг қўлидан ушлаб, олдинга судради.

Ўша бекат. Одамлар бошқа. Вақт бошқа. Она билан қиз пул топилмаса, дори сотиб олинмаса, оила бошлиғининг ўлиб қолиши мумкинлигидан қўрқиб туришарди. Автобус келди. Чиқишди. Бўш ўриндиққа ёнма-ён ўтиришди. Бироқ автобус юравермади. Ҳардамхаёллар сезишмаганди. Бошқа йўловчилар тўполон кўтариб юборишди.

— Юрмайсанми, нимага турибсан?!

— Қанақа одам ўзи бу? Ҳайдамайдими тезроқ!

— Таксига минсам бўларкан, роса кеч қоляпман!

Ҳайдовчи йўловчиларнинг гапига эътибор бермаётганди. У ўрнидан турган ва она билан қизнинг ёнига яқинлашиб келаётганди.

Дилдора бошини кўтарди. Ҳайдовчини дарров таниди. Ойисини туртиб:

— Бизга телефонимни топиб беришни ваъда берган одам, — дея шивирлади.

Мақсад опанинг юзида қандайдир саросималик

аломатлари пайдо бўлди. Дилдора беихтиёр ўрнидан турди.

— Мана, — деди ҳайдовчи мийиғида кулиб, — телефонинг, қизим. Бемаза боланинг хўп таъзирини бердим. Кейин манави пулниям олиб қўй, ўғирлик қилгани учун жазога тортдим уни.

Дилдора қўлига телефони олиганида, қанчалик хурсанд бўлиб кетган бўлса, пулни кўриб, шунчалик ҳайратланди.

— Йўқ! — деди у бошини қимирлатиб. — Керакмас.

— Олавер. Телефонингни олиб қочганида қанча азобландинг, шунинг ҳақи бу, қизим.

Салонда шу ондаёқ шивир-шивир бошланди. «Нима бўлган экан? Ким ўғирлаган экан? Ҳайдовчи қандай ушлабди ўғрини? Танирмикан? Бечора қиз камбағалгина экан. Келиб-келиб шунинг телефони-ниям ўғирлайсанми, номард? Содда экан-да, содда».

Ҳали у ёқдан, ҳали бу ёқдан эшитилаётган гаплар Мақсад опани ҳам гангитиб қўйди. Дилдора эса йиғлаб юборай деб турибди.

— Тўппа-тўғри! — бақирди орқа ўриндиқлардан бирида ўтирган хўппа семиз хотин. — Сенинг ҳақинг, қизгина, ол!

У қойиллатиб, зўр гапни айтгандай ўрнидан турди-да, ён-атрофига аланглади, сўнг бўйнини чўзиб (озгина, билинар-билинемас чўзилди бўйин) қиз билан ҳайдовчи томонга қарагач, навбатдаги зўр гапни айтди.

— Юз мингми?! Кам. Агар милицияга берганида, қамалиб кетарди, яна битта пачка беринг!

Ҳайдовчининг пешонасидан тер чиқиб кетди. Худди телефонни у ўғирлаган-у, қўлга тушиб қолгандек. Ҳозир телефонга қўшиб маънавий зарарни ҳам қоплапти.

— Камми, қизим? Кам десанг, у ярамасни яна кўрсам...

— Йўқ, керак эмас, амаки, пули керак эмас. Телефон бўлса бўлди! — деди Дилдора бирдан ҳайдовчининг гапини бўлиб, ҳаяжондан дир-дир титраркан.

— Ўзи бир тийинга қиммат телефон экан, шунга шунча ваҳимами? Беряптими, олавер, — деди орқа ўриндиқдагилардан биттаси.

Мақсад опа унинг гапини аниқ-тиниқ эшитди. Суякларигача зирқираб кетди. Шартга ўрнидан турди-да:

— Пули бошидан қолсин қирғин келгурнинг! Ўлиб қолган жойимиз йўқ! Телефон... Унда қанча рақамлар бор, одам шуларни йўқотиб қўйишдан кўрқали! — деди.

Шу заҳоти автобус салонидаги пичир-пичир, шивир-шивирлар тинди. Ҳайдовчи аёлга термилганча қотди.

— Бўлди-да энди, юрайлик, — деди биров.

Она-боланинг боши ҳам, иккиси ҳам ғамга ботган. Ҳайдовчи ич-ичидан қийналиб кетяпти. Мажбурлигидан йўлга термилиб кетяпти. Қилғиликни жияни қилган, аммо у айбдордек.

— Ойи, — деди Дилдора автобусдан тушиб бир оз юрганларидан кейин, — пулни олмай яхши қилдик.

— Ҳа, кейин ўзимни ўзим қийнаб юардим. Лекин пул тополмай, даданга бир нима бўлиб қоладиган бўлса, унда кўрамиз қийналиш қанақа бўлишини.

— Ойи, унақа деманг, ўша савил қолгур пулни топамиз. Мана, кўрасиз, тоғам дарров топиб беради, — дея Дилдора онасининг қўлини ушлади.

Шу пайт унинг телефонига хабар келди. Дилдора истар-истамас хабарни очиб ўқиди: «Ҳисобингиз бир юз эллик мингга тўлдирилди». Қизнинг кўзлари чақ-

наб кетди. Бироқ бу ҳақда онасига лом-мим демасди. Лабини тишлаб қўйди, холос.

Бир муддат ўтиб Мақсад опа қизига тоғасига қўнғироқ қилишни тайинлади. Дилдора қўнғироқ қилди. Тоғаси уларникига келиб, кутиб ўтирган экан. Хабарни эшитиши билан Мақсад опанинг юзида мамнунлик аломати сезилди. «Ишқилиб, укамнинг ёнида пули бўлсин-да», дея хаёлидан ўтказди. Шу боис укасини кўриши билан кўзи чарақлади, шунинг билан бирга, ўпкаси ҳам тўлиб кетди. Сал бўлса йиглаб юбораёзди.

— Бобиржон, бахтимга сен бор экансан, укажон, — деди.

— Тинчликми, опа, яна нима бўлди?! — деди қўнғилига хавотир оралаган Бобир.

— Дори-дармон керак, Бобиржон. Сенга айтмай дейман-у, лекин нима қилай, бошқа иложим йўқ. Сендан бошқа суянадиганим қолмади-да, укажон.

Мақсад опа бошини эгди. Йиглади.

— Опа, шунга шунчами? Дарров кўзингиздан ёшингизни оқизиб қоласиз-а. Дори керак денг, тамом-вассалом. Топаман. Йўқ, сиз айюҳаннос солишингиз керак... Хўп, нима дорилар экан, беринг менга рўйхатни, — дея Бобир опаси томонга қўлини чўзди.

Мақсад опа шоша-пиша сумкасини кавлаштирди ва шу аснода:

— Дўхтир қаердан олиш кераклигиниям айтди. Бошқа жойлардагиларга ишонч йўқ, деди. Ўзи унча узоқ эмаскан, касалхонадан бор-йўғи икки бекат нарида, — деди.

— У айтганидан ҳам тозасини топаман. Битта ўртоғимнинг дорихонаси бор. Қўнғироқ қиламан, тайёрлаб туради. Бораман, оламан.

— Энди ука, дўхтир одам, бир нарсани билмаса,

айтмайди, — дея дорилар рўйхати ёзилган қоғозчани укасига узатди Мақсад опа.

— Биламан, опа, биламан. Лекин бир хил дўхтирларнинг дорихоначилар билан тили бирлигини ҳам биламан. У ёғидан хавотир олманг. Бўпти, мен кетдим, — деди Бобир ва бурнини тортиб қўйди-да, ортига ўтирилди.

Мақсад опа бутунги воқеаларни унга айтиб бермоқчи эди. Бироқ укасининг шошиб кетганини кўриб, ҳаммасини ичида қолдирди.

* * *

Кошиф таниди. Насимнинг ўғли. Туроб. Ундан роппа-роса икки ёш кичик. Бўйи баланд. Калласи мусичаникидай кичкина. Соқол қўйиб олган. Худди эчкиникига ўхшайди. Кўрсанг, кулнинг қистайди.

У Кошифни кўрмади. Табиб яқин қолганида ҳам уйга югуриб кириб кетди. Кошиф қараса, Туроб олиб чиқаётган нарсалар китоб экан. Эски, терига ёзилган китоблар. Табибнинг шундан бошқа бойлиги йўқ. Аммо китобларнинг Насимга, унинг ўғлига нима кераги бор? Барибир, фойдаланишни билишмайди-ку! Ўқиши мумкин, аммо китобни миридан сиригача биладиган муаллим бўлмаса, ҳеч вақога тушунмайди. Кошиф устидаги кийимини ечди. Ёзди. Сўнгра китобларини бирма-бир авайлабгина унинг устига қўйди-да, ёнига ўзи ҳам ўтириб, Туробнинг уйдан чиқишини кутди. Мана, Туроб эшикдан чиқди-ю, қотиб қолди. Афтидан, Кошифнинг пайдо бўлишини кутмаганлигидан довдиради.

— Нимага туриб қолдинг? Келавер. Қўлингдагиларни олиб келиб, мана, саранжомгина қилиб қўйдим, шуларнинг устига қўй, — деди табиб чақирилмаган меҳмонга.

— Сиз... Сиз қаердан келиб қолдингиз? — Туроб шундай деди-ю, ортига тисарилди.

Олдинга юра олмади. Вужудини кўрқувми, ҳаяжон-

ми, бир нима эгаллади. Нега шундай бўлаётганини унинг ўзи ҳам билмасди. Шу пайтгача қишлоқда биров бировнинг молига кўз олайтирмаган. Чунки бировнинг уйига ўғринча кириш, эгасининг рухсатисиз нимасинидир олиш мумкин эмаслигини, бу ишнинг гуноҳлигини ҳамма билади. Бу ҳар бир боланинг қулоғига қуйилади. Жумладан, Насимнинг ҳам уйида шундай бўлган. Ҳозир Туроб Кошифдан сўрамасдан унинг уйига кирди. Нарсаларини олди. Ташқарига чиқарди. Ерга ташлади. Отаси: «Ҳаммасини ёқиб юбор, Кошиф бирортаям китобга қарамасдан бизни даволасин, даволай олсин, кейин ҳаммага ўргатсин. Ҳамма ёзиб олсин», деганди. Зеро, у Беназир ота ва унинг аждодларидан қолган китоблар ҳақида эшитганди. Ёшлигида бир марта Беназир отанинг уйига кирганида токчада теришиб турган китобларга кўзи тушганди ҳатто. Туроб ота амрини бажаришни сира истамасди. Бироқ бажармасдан ҳам бўлмайди. Отаси камида сазойи қилади.

— Илгарилари қаёқдан келган бўлсам, ҳозир ҳам ўша ёқдан келяпман, — жавоб берди Кошиф. — Лекин сен китобларни ташқарига олиб чиқиб яхши қилибсан. Бунга қара, анчадан бери офтобга ёйиб оламан деб юргандим. Сира қунт қилмаётгандим. Мана, сен баҳона бир шамоллатиб оладиган бўлдим.

— Қишлоқ оқсоқоли бошқача буйруқ берганди. Бир йўла куп-қуруқ қилиб қўй, ёқиб юбор, деганди.

Кошиф аллақачон Туробнинг хаёлидагини уқиб бўлган, бироқ айтмасмикин, бошқа нарса дермикин, деб умид қилганди. Аммо кутгани бўлмади. Англагани, уққани бўлди. Шу аснода унинг етмиш икки томири зириллаб кетди.

— Бу китобларнинг ҳаммаси муқаддас! Отанг-ку, майли, лекин сен буларни қандай ёқмоқчи бўлдинг? Ўтган авлиёлар руҳидан қўрқмадингми? Тангридан

қўрқмайсанми, Туроб? — деди Кошиф ўзини бо-
сиб, юмшоқлик билан.

— Мен ҳаммадан ҳам отамдан қўрқаман, — деди
Туроб бошини эгиб.

— Ота амри — фарз. Аммо ҳамма нарсда эмас.
Кет. Китобларни ерга ташлабсан, шунинг ўзи катта
гуноҳ. Энди гуноҳингни янада орттирма, кет, —
деди Кошиф ва ўрнидан турди.

— Отамни... — дея Туроб бошини кўтарди-да,
Кошифга юзланди ва шу заҳоти қотиб қолди, оёғи
қалтиради. — Майли, ҳозироқ кетаман. Иккинчи
келмайман, иккинчи уйингизга кирмайман! Йўқ,
йўқ, ундай қараманг! Мен ўлиб қоламан ҳозир, ҳозир
ўламан, мана ўляпман! А-а-а!

Туроб бақирганча уйнинг ёнидан ўтиб, пастликка
эниб кетди. Жуда тез югурди, бунинг устига эниш.
Йигит ўзини бошқаролмай қолди. Йиқилди. Беш-
олти марта ўмбалоқ ошди. Қўли қайрилди, синди.
Аммо у ҳозир оғриқни ҳис қиладиган аҳволда эмас-
ди. Шу боисдан ўрнидан сакраб турди-ю, югуришда
давом этди.

Кошиф йиғлади ва эгилиб китобларни бирма-бир
қўлига оларкан, ўпиб юзига сурди. «Мени кечи-
ринг, қайсидир ишни нотўғри қилдим, шекилли,
сизларга озор етказиб қўйдим», деди. Сўнг ки-
тобларнинг ҳаммасини яна ичкарига олиб кириб,
авайлабгина жой-жойига қўйди. Сўнг узоқ тиловат
қилиб ўтирди.

Норбой келганди. Охирги пайтларда бўлаётган во-
қеалар уни саросимага солиб қўйган эди. Чорва бо-
қишга навбати келганди. Бормади. Олтойни ҳам
жўнатмади. Қўшнисидан илтимос қилди. «Бир са-
фар сенинг ўрнингга бораман, шу сафар боқиб тур.
Олтой иккимизнинг мазамиз бўлмай турибди. Мия
айниган, миянхато бўлиб қолганмиз. Жар-парга ту-
шиб кетмайлик. Тинчгина уйда ўтирайлик», деди.

Кўшни йўқ демади. Индамай қишлоқнинг чорвасини ҳайдаб кетди.

Норбой уйига сиғмади. У ёққа ўтди, бу ёққа ўтди. Толмас отаникига, Рашид отаникига борди. Улар ҳам ғалати бўлиб юришган экан. Дардини енгиллаштира олишмади. «Биз Кошифдан бундай қилиқни кутмагандик. Уни Беназир отанинг руҳи кечирмайди. Қишлоқни қаердаги бетайинга топшириб кетворди. Ўзи бундай олиб қараганда, бировнинг бировга ҳокимлик қиладиган жойи йўқ. Ҳар-ҳар замонда келиб тўғри, нотўғрини ажратиб бериб турса бўлди эди. Аммо шуни ҳам қилгиси келмади. Мана энди Насимникига учтаси зир қатнаб турибди. Ҳали ундоқ қилишимиз керак экан, деб келади, ҳали бундоқ. Қишлоқнинг бошқа болаларидан бирор нима чиққанида шу пайтгача Беназир ота, унинг ота-боболари қилган бўлишарди шу ишни. Бўлмайди-да, бўлмайди. Лекин Насим Кошифни қийнаб, нимага эришмоқчи, билмаймиз. Ундан кейин Насимга кўшилиб айниган Чори гузарда ачиган узум сувини ҳали унга, ҳали бунга ичираётганмиш. Агар Беназир ота бўлганида эди, Насимниям, унинг ҳам-товоқлариниям етти қат ер қаърига тикиб юборган бўларди», дейишди.

Норбойнинг боши шишиб кетгандай бўлди. Дарров уларникидан кетди. Уйига ҳам кирмади. Тўғри Кошифнинг кулбаси томон йўл олди. Нимагадир шу сафар ўз-ўзидан оёғидан дармон кетаверди. «Ҳали қаришимга кўп вақт бор. Нима бўляпти менга? Нега бу оёқнинг юргиси келмай қолди? Ҳеч бунақа бўлмаганди-ку», дея хаёлидан ўтказди. Тўхтади. Дам олди. Сўнг туриб яна юқорилашда давом этди. Юз қадамга яқинроқ юрди. Бўлмади. Бу оёқ ўлгур юриш тугул Норбойнинг гавдасини ҳам кўтаролмай қолди. Унга алам қилиб кетди-да, ўзини ерга ташлади. Ожизлигидан кўзидан ёш сизиб чиқди. Худди шу

пайт кимнингдир бақиргани эшитилди. Гавдасини чўзиб юқорига қаради. Буталар орасида бир кўри-ниб, бир кўринмай пастга шитоб билан югуриб тушаётган одамга кўзи тушди. Бошда танимади. Шу боисдан янада синчиклаб тикилганча ўрнидан турди. Оралиқ масофа бор-йўғи беш-олти қадам қолганида уни таниб қолди. Туроб. Насимнинг ўғли жон-жаҳди билан бақиряпти, жон-жаҳди билан югурияпти. Шунчалик тез пастлаяптики, оёғи ерга ё тегяпти, ё тегмаяпти. «Нима жин урибди бунга?» деган ўй яшин тезликда хаёлидан ўтди Норбойнинг.

Туроб ёнига етганида: «Тўхта!» дея қўлидан ушлаб қолмоқчи бўлди. Лекин ушлай олмади. Туроб унга эътибор ҳам бермай бақирганча ўтиб кетди.

«Нима бало буни бунчалик қўрқитиб юборди?! Тепадан келяпти. У ёқда фақат Кошифнинг уйи бор. Кошиф нимадир қилдимикин? Йў-ўқ, у бировга ёмонлик қиладиганлардан эмас. Насим ҳар қанча душманлик қилмасин, Кошиф унга зиён етказмайди. Қилган ишим Тангрига маъқул келмаса, мени жазолаб қўяди, дейди. Унда нега бу бунчалик қўрқиб кетган? Қизик», дея ўйлади Норбой ва оёғининг оғриётгани ҳам эсидан чиқиб, юқорилай бошлади. Шу кўйи бирор марта ҳам тўхтамади. Чунки шунчалик хаёлга берилган эдики, юраётганини ҳам унутганди.

Кошифнинг уйига келиб қараса, мана бу аҳвол. Табиб ҳар битта ҳарфни авайлаяпти, эркалаяпти, бир оҳангга жамлаб, қўшиқ қилиб куйлаяпти. Ўзиям сел бўляпти. Бошини ҳар томонга қўшиғига монанд тебратяпти. Норбойнинг унга ҳаваси келди. Оёқларини алмаштириб, пойгакда ўтириб олди-да, кўзини юмди. Аста-секин Кошифнинг тиловати уни сеҳрлаб қўйди ва у ҳам тебранишга ўтди.

Кошиф, ниҳоят, тиловат қилишни тугатди. Сўнг юзига фотиҳа тортиб, эшик томонга ўтирилиб қара-

ди. Отасини кўрди. Хурсанд бўлиб кетди. Норбой ҳам кўзини очди-да, ўрнидан турди. Иккиси қучоқлашиб кўришди.

— Ота, сизларни тез соғинадиган бўлибман, — деди Кошиф.

— Эй-й, болам, биз ҳам сендан кам соғинмаяпмиз. Айниқса, сен кетишинг билан онанг бир жойда ўтиролмай қолади, — дея Норбой табибнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Мен ҳозир чой дамлайман, ота. Иккаламиз ўтириб...

— Шошма, болам. Шу чойни уйга бориб ичсак. Сен билан ҳозир бир нарсани гаплашиб олсам дегандим...

Кошиф отасининг юзига қарамади. Сабаби, унинг фикрини айтмасдан бурун уқиб олишни истамаётганди.

— Нима бўлди, ота?

— Одамлар сендан анча хафа, болам.

— Нега? Уларнинг айтганлари бўлди-ку.

— Одамларнинг айтганлари эмас, тугуриқсиз Насимнинг айтгани бўлди. Дарвоқе, йўлда мен унинг ўғли Туробни кўрдим. Вой-вой-эй, жин-пин чалганми уни? Дунёни бузгудай бақириб, ёнимдан елдай учиб ўтиб кетди. Нимадандир ёмон кўрққан у, назаримда.

— Ҳа, келган экан. Мен уйда йўқ эдим. Тоғда эдим.

Қайтсам, уйга кириб-чиқиб юрибди. Токчадаги ҳамма китобларни ташқарига олиб чиқибди. Сўрасам, «Ёқаман», дейди. Отаси буюрганмиш.

Норбойнинг шу заҳоти кўзи олайиб кетди.

— Ёқибдими?! — деди алланечук кўркув билан.

— Йўқ, улгурмаган экан.

— Шунга сен?..

— Ҳа, озгина ҳаддимдан ошдим.

— Бу нима деганинг? Уни ўлдириш керак эди. Беназир ота, унинг боболарининг азиз қўллари теккан китобларни ёқиш...

Норбой ўрнидан туриб кетди. Алам билан аввал лабини тишлади. Сўнг қўлини мушт қилди.

— Ота, ҳар нарса Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан бўлади. Насим ака минг хоҳласин, азиз неъматларга зиён етказолмайди. У ёғидан хавотир олманг, — дея жилмайди Кошиф.

Ҳолбуки, айни лаҳзада унинг ичи ёнаётганди. Жилмаядиган аҳволда эмасди у. Бироқ отаси ортиқча ҳаяжонланиб кетмаслиги учун шундай қилишга мажбур бўлди.

— Бўлди, Кошиф. Шунча гап-сўзга чидадим. Бундан бу ёғига Насимнинг ҳаддидан ошишига қараб туролмайман. У одамларга ачиган узум сувини ичираётган эмиш. Агар яна индамай қараб турадиган бўлсак, бу шайтоннинг эркаги бошқа нарсаларниям бошлаб юборади. Юр, энди, болам, борайлик, — деди Норбой.

Улар бирин-кетин ҳовлига чиқишди. Кошиф атрофга бир қур назар солиб олди. Сўнг отасининг ёнида қишлоққа қараб кетди.

Норбой ўғлига Кошиф туғилмасдан бурунги одамлар ҳақида гапирди. «Назаримда, улар биздан йирикроқдай, ақллироқдай эди. Ҳеч замонда бирортасининг иккинчи биттаси билан тортишиб турганини кўрмаган эканман. Ёки кичкина бўлганим учун сезмаганманми? Шундай дейдиган бўлсам, ҳозирги қариялардан сўрайман, улар ҳам илгари меҳр-оқибат кўпроқ бўлганини айтишади», деди Норбой сўзлаш асносида яна оёғи оғрий бошлаганини ҳис этиб. «Кошифга билдирмайин. Билса, хавотир олади», деган ўй кечди унинг хаёлидан. Бироқ отасининг бирикки марта афтини бужмайтирганини, оёғини эҳти-

ёт бўлиб босаётганини Кошиф илғамасдан қолмади.

— Ота, тўхтанг, — деди.

Норбой ҳайрон бўлган кишидек ўғлига юзланди.

— Нима бўлди оёғингизга, ота? — сўради Кошиф.

— Айтарли ҳеч нима. Шунчаки, ҳар-ҳар замонда эркалиги тутиб турибди, — жавоб берди Норбой жилмайишга уриниб.

— Ўтиринг, бир кўриб қўяй оёғингизни, ана ундан кейин юрамиз, — деди Кошиф елкасидаги қопни ерга тушираркан.

Отасининг оёғини силаркан, табибнинг юзи жиддийлашди. Кейин бошини сарак-сарак қилди-да, қопидан малҳам олиб, падарининг оёғига сурди. Сўнг обдан уқалади.

— Энди юрмайсиз, ота, мен сизни елкамда кўтариб оламан, — деди ишини охирлатганидан сўнг.

— Йўғ-э, уят бўлади, ўғлим. Кўрганлар нима дейди? Боласининг елкасига миниб олибди, дея гап-сўз қилишади-ку, — деди Норбой ноқулай аҳволга тушиб.

— Демайди, ота, демайди. Ҳозир сизга умуман юриш мумкин эмас. Бир-икки кун уйда ётасиз. Шундан кейингина ўтиб кетади. Бу миядан келган оғриқ. Кўп сиқилгансиз. Ана шу сиқилишингиз оёғингизга бериб юборган. Баъзан шунақасиям бўлиб туради. Қани, энди менинг елкамга чиқинг, — дея Кошиф ерга чўккалади.

Норбой истар-истамас унинг айтганини қиларкан:

— Роса оғир бўлсам керак, ҳалиям кеч эмас, кетаверай ўзим, — деди.

Кошиф ўрнидан тургач:

— Сираям оғир эмассиз. Беназир ота мени кўп пишитган. Кучдан шундай пайтларда фойдаланма-

сам, қачон фойдаланаман, — деди ва илдам юриб кетди.

Улар қишлоққа анча яқинлашиб қолишганди. Бир пайт от чоптириб келаётганларга Кошифнинг кўзи тушди. Уларнинг биринчиси Насим, ёнидагилари Чори, Эгамназар, Фатхулла эди. Оқсоқол қилич яланғочлаб олганди. Ҳаммасининг афти буришган, тиришган. Ҳозир Кошифни ушлашади-ю, дорга осишади. Ёқишади, бурдалашади. Бу ҳаром ўлгур от нега югурмаяпти?! Учмайдими, бургутларни, лочинларни ортда қолдириб кетмайдими?! Кўз очиб юмгунча табибман деб кўкрак кериб юрган зўравоннинг уйи ёнида пайдо бўлмайдими?! Насимнинг баттар жони чиқади. Отга қайта-қайта қамчи босаверади. Жониворнинг жони Насимникидан баттар ачийди. Шу махлуқнинг азобидан эртароқ қутулай, деб кўзидан ёшини тирқиратиб оқизганча бор кучи билан илдамлайди. Аммо шу югуриши ҳам хожасига маъқул келмайди. Ургани камлик қилгандек, бўкирганча сўкинади: «Ҳаром ўлгур, итларга ем бўлгур, югур! Боламини азоблади у! Аламини боламдан олди! Ит азобини бермасам, ота эмасман!»

Унинг бақиргани ҳамтовоқларини ҳам руҳлантиради. Олдинда тоғни-да майдалаб ташлайдиган паҳлавон кетяпти. Унга етишиб юриш керак. Унинг кўнглини овлаш керак. Айни лаҳзада энг яқини бўлиб олиш керак. Шунда келажакда бирор нимага эришиб қолади.

Улар ҳам бақирди. Улар ҳам остиларидаги шўрлик жониворларни азоблашди. Аммо... Ҳа, ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди. Тўртала от ҳам бирдан тўхтади. Секинлаб бориб, кейин тўхтамади, бирдан олди оёқлари ерга ботиб тўхтади. Кейин... Кейин ҳозиргина ҳаммаёқнинг остин-устунини чиқариб юборадиган шаштдагиларнинг бари отининг устидан ошиб ўтиб, ерга гурсиллаб йиқилишди. Яхши-

ям, отдан йиқилишди. Агар от ўрнида эшак бўлганида борми, кўрарини кўрарди бари. Лекин отдан йиқилишди-да. Шу сабаб бирортасининг бирор жойи синмади. Фақат у ер-бу ерлари озгина тирналди. Таналарида оғриқ пайдо бўлди.

— Нима бўлди-и?! — деди бир нафаси қайтиб яна жойига келган Насим.

— Падарингга лаънати сўяман! Сўймасам, Фатхулла отимни бошқа қўяман! Тош-пошга бошим билан текканимда ўлардим!

— Бўри-сўрини кўришдими ҳаром ўлгурлар?..

Улар навбатма-навбат йиқилган жойларидан туришди. Отлар ҳам қандай тўхтаган бўлишса, шундайлигича туришибди. Биттаси ҳатто бошини ликиллашиб, «Бопладикми?» дегандай кишнаб ҳам кўйди.

Худди шу маҳал Кошиф устида Норбой билан бирга кўринди. Насимнинг бирдан кўзи олайди.

— Ҳа, — деди иржайиб, — бўримас, ундан ҳам кўрқинчлиси келаётган экан-да.

Кошиф аллақачон отлар дупурини эшитган, жониворларнинг азобланаётганини сезганди. Уларга ичи ачиб: «Шундоқ ҳам ўпкаси бўғзига тикиляптику, нега бунча қийнайсан бечорани?» дея кўнглидан ўтказганди. Кейин отлар унинг ҳурматига бараварига тўхташди. Кошиф Яратганга ёлвориб: «Ишқилиб, устидагилар ёмон йиқилишмасин», деди. Сўнг унинг каромати билан бир жоннинг қасдида бўлганлар жабр кўришмади.

— Мени ерга тушир, — деди Норбой тенгқурларига еб қўйгудек тикилиб.

Кошиф секин ерга ўтирди. Отаси оҳиста унинг устидан тушди.

— Тинчликми, нима қилиб бу ерда турибсизлар? Йиқилганга ўхшайсизлар. На бирорта чуқур ва на жарлик бор. Энишлигини ҳисобга олмаганда, теп-

текис ер. Бундай жойда одам ўз-ўзидан отдан йиқилиб тушмайди. Яна тўрталаси бараварига, — деди Норбой.

— Йиқиларкан, Норбой, йиқиларкан. От бўридан кўрқади. Бўрини кўрса, оёқлари ишламай, музлаганча бир жойда қотиб қолади. Лекин бўридан ҳам даҳшатли махлуқни кўриб қолса, ёмон бўларкан. Ҳалиям фақатгина бизни йиқитишди. Агар ўша махлуққа янаям яқин боришганида, ўзлари ҳам тўнтарилишарди.

— Шунақамикан? Оббо, чатоқ бўлган экан-да. Қаерда экан ўша махлуқ? — деди Норбой ўзини гўлликка солиб.

— Мана! — деди Насим кўзларини олайтирганча қўлини олдинга чўзиб, Кошифни кўрсатаркан. — Мана ўша махлуқ!

Кошиф кулди.

Кейин Насимга яқинлашди.

— Ҳар нима дейишингизга розиман. Аммо аждодлардан қолган нодир, муқаддас китобларни йўқ қилишингизга йўл қўймайман. Уқдингизми?

Насим оёқ-қўли титраб, ортга тисарилди. Қўлидаги шамшири тушиб кетди. Кейин орқаси билан йиқилди. Ҳалигина Кошифни нимталаб ташлашга шашти бўлган Насим жудаям ожиз, жудаям бечора бўлиб қолган эди.

— Туробга ҳеч нима қилмайди. Бироқ сизни мен балодан қутқаролмайман. Чунки онгингиз бутунлай бузилиб кетган. Ичаётганингиз, — дея Кошиф Насимнинг ҳамтовоқларига бирма-бир кўз ташлаб чиқди, — шайтоннинг суви. Сизни ва ошналарингизни у тубсиз жарлик томон етаклаб борапти.

Насим кўзини юмди. «Кўрқмайман, кўрқмайман. Ҳозир ўрнимдан тураман-у, шамшир билан бўйнига соламан», дея хаёлидан ўтказди.

Кошиф Эгамназарнинг ёнига борди. У Насим син-

гари титраб-қақшамаса-да, юрагини ҳовучлаб турди. Кошиф унинг қўлини ушлаб, бармоғини йирик қон томирининг устига қўйди.

— Бошқа ичманг узумнинг ачитилган сувидан. Ҳозир мен сизга дори бераман. Дори сизни унинг чангалидан қутқаради. Аслида, шайтон суви сизга унчалик ҳам чанг солмаган. Фақат лаззатини кўрсатибди. Ўша лаззат ортида заҳар бор, амаки, — деди табиб Эгамназарнинг кўзига тикилиб.

Худди шу пайт Насим ўрнидан турган ва қиличини ҳавога кўтарган эди.

— Ўлим сенга! — дея қичқирди оқсоқол ва Кошифнинг елкасига зарба урди.

Норбой ғафлатда қолди. Насимнинг турганини, Кошифга яқинлашаётганини илғамади.

* * *

Улар илонбош ўсадиган маконга кира олишмади. Беш юз-олти юз одим нарида тўхташди. Нигоҳлари билан узоқ-узоқларни кузатишди. Ҳеч ким кўринмади.

— Одамхўр қаергадир кетганга ўхшайди, — деди Равшан қўлини пешонасидан олиб ва ерга ўтираркан, бурнини тортганча қўшиб қўйди. — Кутамиз, бутун келмаса, эртага келар, эртага келмаса, индинга келар. Ишқилиб, бир кун келади, барибир.

— Умуман келмаса-чи? — дея унинг ёнидан жой олди Неъмат.

— Йўқ, унақаси бўлмайди. Мен бу ерга учинчи марта келишим. Олдингиларида у бўлган. Кутайлик.

Йўқ, табиб келмади. Эртасигаям, ундан кейинги кунлардаям. Кундузи чидаса бўлади. Қорин тўйғазиш учун ўт-илдиз ейишади. Офтобда тобланиб ухлашади. Кечаси эса ит азобини тортишади улар. Дастлабки кунларда гугуртлари бор эди. Ўт ёқишарди. Гулхан тафтида исинишарди. Аммо гугурт туга-

ганидан кейин тишлари бир-бирига тегиб такиллар, униси бунисининг пинжига, буниси унисининг пинжига тиқиларди. Яна улар ярим кечаси ўринларидан туриб олиб, у ёқ-бу ёққа югурадиган бўлишди. Шундай қилишса, баданлари анча қизийди. Кейин бир оз ўтиришади. Совуқ қийнай бошлаганидан кейин тагин югуришга тушишади.

— Нима дегани бу ўзи?! Шуям ҳаётми?! — дея бўкириб юборди бир куни Неъмат. — Ҳайвондан нима фарқимиз бор?! Улар ҳам ўт ейди! Биз ҳам! Улар ҳам оқар сувга тумшуқларини тиқиб, сув ичишади! Биз ҳам! Қорнилари ўтга тўйганидан кейин дуч келган жойга ётиб ухлайди. Биз ҳам. Ҳой, ишонмайсанлар, ахлатимга қарадим, ям-яшил. Агар шу ҳолимни шаҳардагилар кўришса борми, оғилхонага боғлаб қўйиб, олдимга емиш ташлашади!

Эштурди унинг гапига шақиллаб кулди. Сўнг ўтириб олиб, ерни муштлагач:

— Мен сенга шуни айтмоқчийдим. Менинг аҳволим ҳам шундай, — деди.

— Ҳой, Равшан, менга қара, қаерга олиб келдинг бизни? Айт, қаерга? Ҳозир, ўлай агар, бўғиб ўлдириб қўяман! — деди Неъмат аламидан бақириб.

— Агар етиб олсанг, бўғиб ўлдир, розиман, — дея иржайди Равшан.

Неъмат қувишга тушди. Равшан қочди. Неъмат тўлароқ эди. Неча кундан бери кечаси югураётган эса-да, бир муддатдан кейин нафас олиши қийинлашди. Елдай учаётган Равшанга етолмади. Тўхтади. Сўкинди. Равшаннинг қони кўпчиди. У кўп ҳам узоқлашмаганди. Бирдан ортига қайтди.

— Мен сенга сўкиниш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, итнинг боласи! — деб бўкирди.

Кўз олайган. Қўл мушт бўлган. Жаҳли минг. Уришишга тайёр. Шу туришида Неъмат тугул, фил бўлса ҳам, уриб ағдарадиган кучи бор. Аммо унинг кучи

оз эди. Ана шу ожизлиги панд берди. Бунинг устига, шу ёшгача кам муштлашган. Муштлашганларида ҳам фақат калтак еганди.

Равшан ўзини Неъматнинг устига отди. Кейин бир лаҳзагина ҳавода муаллақ қолгандай бўлди ва гурсиллаб йиқилди. Шу ондаёқ сакраб турмоқчи бўлганида биқинига тепки тегди. Ёмон тегди. Жигарими, ўtimi, бир балоси эзилиб кетгандай бўлди. Ит эмган ошнаси аямади. Олиб келгани, шунча вақтдан бери қорнини тўйгазаётганининг ҳурмати-ни қилмади. Жилла курса, заҳарланишдан сақлагани учун ҳам аяши лозим эди. Йўқ, бундай қилмади, ярамас. Аслида, бировни аяш деган нарсa Неъматга ёт. Кучи етмайдиганларнинг оёқлари остида мушук-дек миёвлайди. Аммо кимгаки зўрлик қилса, топтаб ташлайди. Шунчаки топтамайди, хор-зор, майиб-мажруҳ қилади. Шундан лаззат олади бу оқпадар.

— Қўлимга тушдингми, ҳароми?! — дея Равшаннинг ёнгинасига тиззалаб ўтирди Неъмат ва унинг сочини ғижимлади. — Мен сени бўғиб ўлдираман, деганмидим? Энди ростдан ҳам бўғиб ўлдираман. Бу ерда додингни аканг ҳам, қўни-қўшнинг ҳам эшитмайди. Эштурди иккаламиз гўштингни қийма-қийма қиламиз. Аввал мол бўлган бўлсак, энди бўри бўламиз.

— Ит! — деди Равшан ётган жойида сочи торти-лаётганидан азобланиб, афтини буриштиаркан. — Ит!

— Ҳали сен мараз мени ит деяпсанми?! — дея Неъмат бўш қўли билан башарасига шапалоқ тортиб юборди.

Бундан мушт туширгани яхши эди. Мушт қаттиқ-роқ тегади. Шу тегишда узоғи билан бирор жойни ёриши мумкин. Аммо шапалоқ каби юзни ачитмайди.

— Вой, вой, вой! — дея ингради Равшан ва ку-
тилмаганда бақириб юборди. — Авлиё келди!

Неъмат унинг сочини қўйиб юборди ва қадини
ростлаб, атрофга қаради. Бу Равшанга унинг чанга-
лидан қутулиш учун айна муддао эди. У чаққонлик
билан икки думалаб, нарироққа ўтди ва ўрнидан
сапчиб туриб, олти-етти қадам нарига қочиб борди-
да:

— Сен маразга нима қилдим?! — деди бақириб.

— Гадоё топмас жойга олиб келиб ташлаганинг
ҳеч нимами?! — деди алаmidан қизариб-бўзариб кет-
ган Неъмат.

— Ҳов! Мен нима ваъда берган бўлсам, устидан
чиқдим, тушундингми?! Ана, керак бўлса, хоҳла-
нингча қорачадан ол. Головкини кўтариб борсанг
ҳам бир дунё пул бўлади. Кариллайсан менга! —
деди Равшан ва ерга ўтириб олди.

— Ололмайман-да. Ололганимда аллақачон олиб
кетган бўлардим. Падарингга лаънат, одамхўр! Нима
бало қилиб ташладинг мени?! Ёнига яқинлашолма-
япман... Эй, калла ишлаб қолди, Равшан! Калла
ишлаб қолди! — бақирди Неъмат.

— Қачон калланг ишлаган сенинг?! — дея Рав-
шан ердан кичкинагина тошчани олди-да, у билан
ер чиза бошлади.

— Бу ёққа кел! Қўрқма, урмайман...

— Аввал бояги сўкишларингни қайтариб ол.

— Бўпти, қайтариб олдим, келавер.

Равшан ўрнидан турди. Судралганча Неъматнинг
ёнига борди.

— Нима дейсан?! — деди афтини бужмайтириб.

— Ҳозир битта чўпни яшираман. Қайси биринг
тополмасанг, кириб битта головка олиб келасан.
Қара, орадан неча кун ўтди. Балки, анави табиб
ичирган дорининг кучи кетгандир. Агар кетган бўлса,
бир дунёсини олиб кетамиз.

— Зўрсан, Эштурди иккимиздан биттамыз головкага борамиз. Сен бу ерда қоласан. Чунки чўпни сен яширгансан-да... Ўзингниям қўш, агар биттамыз тополмасак, бирга борасан, — деди Равшан қовоғини осилтириб.

Бу гапдан Неъматнинг асаби ўйнади. Лекин ломлим дея олмади. Нима десин? Дейдиган гапнинг ўзи йўқ бўлса. Мана, Эштурди ҳам фирромликни сезиб қолиб, қовоғини осилтириб олди. Охирги кунларда унинг ҳам феъли айниб турибди. Нафақат Равшанга, ҳатто унинг ўзига ҳам олақараш қияпти. Кам гапиради бу писмиқ. Шунинг учун ҳам ундан қўрқиш керак. Чунки ичида қандайдир найрангни ўйлаб юрибди. Имконият пайдо бўлди дегунча ўша макрини ишга солиди.

— Сен менга ишонмаяпсан. Ана, Эштурдиям норози бўляпти. Бўпти, мен чўп яширмайман. Тикка ўзим бораман. Таъсир қилмаса, илонбошларнинг битта-битта калласини узиб олавераман. Шундоқ ҳам қиладиган ишимиз қолмади.

У шерикларига бирма-бир ўқрайиб қараб қўйдида, илонбош ўсиб ётган майдон томон шиддат билан юриб кетди.

— Борасанми? — сўради Эштурди Равшанга қараб қўйиб.

— У аҳмоқ. Аҳмоқнинг орқасидан юрмайман мен. Ишонмасанг, ҳозир кўрасан.

Равшан ҳақ бўлиб чиқди. Неъмат илонбошзорга етишига беш-олти қадам қолганида бирдан букчайди ва булар томонга ўгирилди-ю, ўқчишга тушиб кетди. Аввал Равшан, кейин унга қўшилиб Эштурди ҳам қотиб-қотиб кулди.

— Бўлмадими? Бўлмаслигини била туриб бординг-а! — қичқирди Равшан кулгидан сўнг.

Неъмат еган ўт-ўлан, илдизларнинг ҳаммасини ташқарига чиқариб ташлагач, ҳолсизланганча қай-

тиб келди ва ўзини ерга ташлади. Иккала ҳамтовоғи ҳам бу пайтда анча маъюсланиб қолганди.

Эртасига пешиндан кейин олдин Неъматнинг, кейин Равшан билан Эштурдининг мазаси қочди.

— Нимагадир қорним гўлдирашни бошляпти, — деди Неъмат аввалига ҳайрон бўлиб.

Кейин ўрнидан турди-ю, пана жой қидириб югуриб кетди. Тинкаси қуриб, пешонасидан реза-реза тер оқизиб қайтиб келди. Гапирмади. Унинг гапиршга-да мадори йўқ эди. Шу боисдан ҳам чўзилиб ётиб қолди. Орадан бир муддат вақт ўтиб, бу иккови ҳам югуришни бошлади...

Ой тепага келганида уларнинг учаласи бутунлай кучдан қолганча юлдузларга тикилиб ётишарди.

— Рав-ш-ш-ш-ан! — деди Неъмат зўрға. — Сен бизни ўзингга қўшиб ўлдиргани олиб келган экансан, шекилли.

* * *

Бобир айтганини қилди. Ҳамма дориларни олиб бориб, поччасига бериб қайтди. Унинг айтишига қараганда, даволовчи дўхтирнинг бирдан чиройи очилиб кетганмиш.

— Агар, — деди Бобир кулиб, — менинг ёнимда бўлганингизда, унинг хурсандлигини бир кўрардингиз. Лекин эртага қовоғи товоқдай осилиб кетади. Аммо ҳеч нима қилолмайди. Чунки текшириш келибди. Бир ҳафтадан кейин поччамга жавоб бериб юборармиш. Дориси бор экан. Шу дорини ичиб юрса, бўлди экан.

— Вой, ўлмасам, Бобир, унда дарров тикадиган нарсалар топ, мен поччангга тикиш тикяпман, деганман. Одамларнинг буюртмаларини. Укам топиб келяпти, дедим. Агар поччанг чиққунича ҳеч бўлмаганда беш-олтита кўйлак топмасанг бўлмайди, укажон.

Бобир чуқур хўрсинди.

— Опа, шундан бошқа баҳона топсангиз бўлмасмиди?! Энди мен қаерга, кимникига бораман қўйлақ тиктирасизларми, деб?!

— Қарз олдим деб айтолмасдим-да, агар қарз олдим, десам, поччанг шўрлик ўйланади. Яна мазаси қочиб қолади. Энди, ука, яна озгина қийналасан, ҳали кўрасан, ҳаммаси ўтиб кетади.

Ука-опанинг гапини эшитиб ўтирган Дилдора ичичидан эзилиб кетди. Кўзига ёш тўлди. «Тоғамни ҳар томондан эзиб ташладик... Нега менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди? Ёш бола бўлмадим-ку. Агар тоғам ойим айтганини топиб келса, ойимнинг ёнига ўтирволиб тикишга ёрдам бераман», дея хаёлидан ўтказди у.

Худди шу пайт Дилдоранинг телефони жиринглади. У ким қўнғироқ қилаётганига ҳам қарамасдан, яшил тугмачани босди-да, телефонни қулоғига тутди ҳамда ўзининг майин, сеҳрли овозида:

— Алло, — деди.

— Дилдор, хайрият, қизим. Мен дадангман, — деган овоз эшитилди телефондан.

— Дада! Дада! Ассалому алайкум. Яхши ўтирибсизми, дада?

— Мен яхшиман, қизим. Бу ерда манави хонадош амакинг билан гаплашиб туриб, сенга иш топиб қўйдим. Дўконда сотувчилик қиласан, қизим. Эртагаёқ борсин, деяпти. Хумор кўчасини биласан-а, Дилдора? Билишинг керак, уйимиздан унча узоқ эмас. Бор-йўғи беш-олти бекат келади. Бир юз саксон тўққизинчи автобус қатнайди уйимизнинг ёнидан. Минасан. Ҳайдовчига «Кичик тўқайзор» бозорчасининг ёнида ташлаб кетинг, дейсан. Дўкон шундоққина бозорчанинг қаршисида экан. Шомансур амаким жўнатди, де. Ҳозир дўконда ўғли турган экан. Ўғлининг оти Ақром.

— Хўп, дада, лекин...

— Ҳа, бир кунча ўқишингни ўйламай тура қол. Эртага эрталабдан бор. Қолган кунлари тушдан сўнг, ўқишинг тамом бўлганидан кейин бораверасан.

— Хўп, дада, хўп, — деди Дилдора жилмайиб, сўнг телефонини ўчирди.

Ҳайрон бўлган ойиси билан тоғаси унга тикилиб туришарди.

— Менга, — деди Дилдора юзи ял-ял ёниб, — дадам иш топиб қўйибди. Дўконда ишларканман. Сотувчилик қилармишман. Ана шунақа!

— Яхши жоймикан? — деди бирдан Мақсад опа.

— Аввал бориб кўриш керак, ҳозир аферистлар кўпайиб кетган. Бир хилларининг ўлдим деганига ҳам ишониб бўлмайди, — деди Бобир.

— Бобиржон, ҳар доим бирдан ёмон хаёлга борасан-а, — дея укасини койиган бўлди аёл.

— Энди айтаман-да, опа. Кўчада кўп юрганингиздан кейин ҳар хил одамларга дуч келасиз. Бўпти, эртага аввал ўзим бораман, дўконни кўраман. Менга ёқса, ишлайди. Бўлмаса, ҳали айтганингиздай, тикадиган бир нималарни ернинг остидан бўлсаям топиб келаман. Сизга ёрдам бериб ўтиради. Шунда хавотир ҳам олмайсиз.

Дилдора тунни қарийб бедор ўтказди. Ўзича катта дўконни тасаввур қилди. Ўзининг сотувчилик қилаётганини, одамларни кузатишини кўз олдига келтирди...

Эртасига тоғаси келолмади. Жудаям зарур иши чиқиб қолибди. Қўнғироқ қилиб: «Сен боравер, пешиндан кейин ўтаман», деди.

Дилдора отаси айтган автобусга минди. «Кичик тўқайзор» бозорчаси ёнида тушди. Дўконни топди. Шу заҳоти уни ҳаяжон босди. Бир неча марта чуқур нафас олиб чиқарди. Сўнг секин дўкон эшигини очди-да, ичкарига кирди ва сўл томонда, касса ортида ўтирган йигитга кўзи тушди. Узоғи билан ўзи-

дан уч-тўрт ёш катта йигит. Сочи калта олинган, оқ футболка кийган, телефонда ниманидир ўйнапти. Қиз салом берди. Йигит унга бошини кўтариб қараб қўйди-да, яна машғулотини давом этказди.

— Ҳалиги... Мени Шомансур амаки жўнатган эди, — деди Дилдора қўрқа-писа.

Йигит шошилмасдан қўлидаги телефонни кассанинг ёнига қўйди-да, ўрнидан турди. Сўнгра Дилдорага бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Ҳмм, — деди бошини қимирлатиб, — сиз ўша қизми?

— Мен, — деди Дилдора жилмайишга уриниб.

— Адамгаям ҳайронман. Шундоқ ҳам дўконга биров кирмаяпти-ю, яна ишчи олиб нима қиларкан? Лекин айтган экан, хўп деймиз. Хўш, қизча, илгари бирорта дўконда ишлаганмисиз?

— Йўқ, — деди Дилдора бошини қимирлатиб.

— Тушунарли. Агар ҳеч қаерда ишламаган бўлсангиз, бу ерда қоровулликдан бошқасига ярамайсиз. Биринчидан, кийимларингиз умуман дўконга ярашмайди. Мундоқ замонавий кийимларингиз йўқми?

Дилдора жавоб бериш ўрнига дув қизарди.

— Демак, йўқ. Олдин кийим сотиб оласиз. Менга қизларнинг яшил футболка, тор жинси шим кийиши ёқади. Бошингиздаям яшил кепка бўлиши керак. Бу — биринчи талаб. Иккинчиси, гўзаллик салонига борасиз... Умуман олганда, ҳозир мен сизни ўзим айтган кийимда тасаввур қилдим, сочингизни сариққа бўяшингиз шарт эмас. Лаб қип-қизил бўлса, юзингизга озгина ишлов... Йўқ, униси ҳам керак эмас, шундоғам чиройли бўлиб кетасиз... Учинчидан...

Йигитнинг телефони жиринглади. У шошилмасдан экранга қаради. Пешонасини тириштирди. «Одам касалхонада ётганидан кейин ҳар икки дақиқада қўнғироқ қилавермаса-да», дея тўнғиллади ва

истар-истамас телефонни қулогига тутди. Салом берди. Кейин бошини қимирлатиб, «Хўп, хўп, хўп», дейишдан нарига ўтмади ва охирида «Яхши бўлиб кетинг», дея телефонни ўчирди.

— Сиз адамга ёқиб қолибсиз. Ҳозир битта қизни чақираман, у билан бутикакка ўтиб келасиз. Ўзингизга мос кийим оласиз... Пулиниям мен тўларканман, — деди сўнг.

Дилдоранинг қони қайнади.

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз?! — деди жаҳл билан.

— Ҳеч ким деб ўйламаяпман. Нима деб ўйлаган бўлса, адам ўйлаган. Менга қолса, бу дўконга сизни яқинлаштирмасдим. Бўпти, гапни кўпайтирманг-да, дўконни айланиб туринг! — деди йигит жаҳл билан телефонида рақам тераркан.

«Аввал сен билан ишлашни истамаган бўлсам ҳам, энди ишлайман. Шундай ишлайманки, мени камситганинг, менсимай гапирганинг учун пушаймон ейсан», дея хаёлидан ўтказди Дилдора.

Дилдора шаҳарда кўп супермаркетларга кирган. Бирор нима сотиб олиш учун эмас, шунчаки қизиқиб, томоша қилиш учун. Ҳозир ўшалар билан бу дўконнинг расталарини бир-бирига таққослади. «Ҳаммаси аралаш-қуралаш, мол кўп, аммо жой-жойига қўйилмаган. Сал-пал тартибга келтиришга уринилган. Битта растанинг озгина қисми кўринарли ҳолга келтирилган, аммо қолган қисмлари бутунлай алғов-далғов. Мен-ку бунақанги жойларда нарса харид қилишга ўрганмаганман. Аммо шунга қарамасдан, кириб ҳеч нима сотиб олмаган бўлардим. Демак, менки шундай хаёлда эканман, ҳар доим дўкондан нарса олишга ўрганиб қолганлар умуман бу ерга кирмайди. Кирган тақдирда ҳам эшик олди-дан орқага қайтади. Савил, «Кийиминг ёқмади»-

миш. Менинг кийимимга қарагандан кўра, дўконни бошлаб қўйгин эди», деб кўнглидан ўтказди Дилдора ва ҳафсаласизлик билан ортига қайтди.

Ҳали-ҳамон телефонини ўйнаб ўтирган Ақром бошини кўтариб, қиз томонга қараб қўйди-да, яна «ўйинчоғи»га тикиларкан:

— Ҳмм, зўр эканми? — деб сўради.

— Йўқ, — дея унга ўткир нигоҳини қадади Дилдора.

Ўйигит яна бошини кўтарди. Ажабланди. Қайтадан қизга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг:

— Нимаси ёқмади? — дея бошини қашлади.

— Ҳеч нимаси ёқмади.

— Тушунмадим. Сен ўзинг иш қидириб юрган бўлсанг-у, бу ерга келиб ақллилик қилишингга бало борми?

— Ақллилик қилмаяпман, сиз мендан сўрадингиз, мен жавоб бердим. Тамом-вассалом.

— Бўпти, — дея ундан нигоҳини узди Ақром, — ёқмаган бўлса, ёқадиган қиласан-да!

Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, ўзига обдан оро берган, сочини сариққа бўяб олган, футболкасининг юпқалигидан сири «Мана, мен қандай аҳволдаман?» деб ўзини кўрсатиб турган, жинси шимининг тиззаси йиртиқ бир қиз сақич чайнаганча эшикдан кириб келди.

— Гу-ул! — деди уни кўриши билан Ақром ўрнидан бирдан туриб. — Сени роса кутиб ўтиргандим!

Гули ўшшайди, ликиллаганча келиб, Ақромнинг юзидан чўлпиллатиб ўпди-да:

— Шундоқ гудок ташлашсанг бўларди-ю, — деди нозланиб.

— Ишонсанг, интернетдан даҳшат ўйин кўчириб олдим. Ўшанга термилиб ўтираверибман.

— Ақромчик, ҳалиям детскийсан. Тавба қилдим.

«Whatsapp»инг, «твиттер»инг бор-ку, ёзмайсанми? — дея лабини буриб қўйди Гули.

— Мен сенга айтдим-ку, даҳшат ўйин деб. Сен умрингда бунақасини кўрмагансан. Мана, қарагин, — дея Ақром қизга телефонини кўрсатаётиб, Дилдорага кўзи тушиб қолди. — Айтганча, Гули, сенга ростдан ҳам телефон қилмоқчи бўлиб тургандим.

У қизга ўта паст назар билан тикилиб турарди. Ҳаттоки юзида ижирганиш аломатлари ҳам бор эди. Гули ҳам Дилдорага юзланди. Унингда афтида дарров менсимаслик аломати пайдо бўлди.

— Мана шу қизни, — деди Ақром Дилдорани кўрсатиб, — бутикка обориб келиш керак.

— Вой, шуними?! — дея иржайди Гули. — Нима деяпсан?! Бирга кетаётганимизни кўрганлар нима дейди, тавба! Ундан кейин...

— Зор эмасман! — дея бирдан унинг гапини бўлди ростакамига жаҳли чиқиб кетган Дилдора қизариб. — Сенсиз ҳам эплайман! Аслида, мен сенинг ёнингда юришга ор қиламан! Аҳволингга бир қара, ундан кўра, яланғоч юрганинг минг марта яхши эмасми?!

— Ақромчик, бу деревня нима деб сайраяпти?

Ақромнинг кўзи олайди. У кассани айланиб ўтди-да, бир-бир қадам босганча Дилдоранинг ёнига келиб, бақирди:

— Ўв, сен кимга сакраётганингни биласанми ўзи?!

— Кимга эмас, нимага! Кимлар билан мен тўғричасига гаплашаман! Нималарни эса... Кўриб турганимга шукр қилсин у!

— Ия, — дея елкасидаги оппоқ сумкачасини ерга ташлади Гули, — ҳали мен сенга нима бўлиб қолдимми?!

Қизгина Дилдоранинг ёнига келди-ю, юзига чанг солмоқчи бўлди. Бироқ Ақром шу заҳоти Гулининг қўлини ушлаб қолди. Сўнг:

— Шошма, кейин. Сенсиз ўзим эплайман. Бу ер дўкон. Қўшни дўкондагилар ёмон, дарров адамга етказишади, — деб уни эшик томонга етаклади.

Дилдора йиғлаб юборадиган аҳволда эди. У бирор марта ҳам қизлар ёки йигитлар билан бу тахлит жанжаллашмаганди. Ҳозир ичидан бир нарса отилиб чиққандай бўлди. Гурури поймол бўлаётганини сингдиролмади. Шунинг учун ҳам ўзини бошқаролмай қолди.

Акром қайтиб келди. Келди-ю:

— Йўқол! — деди.

Шу заҳоти унинг телефони жиринглади. Экранга қараб, афтини бужмайтирди ва ноилож яшил тугмачани босиб, телефонини қулогига тутди. Кейин оний лаҳза суҳбатдошининг гапини эшитган бўлди-да, бақриб гаплаша бошлади:

— Ҳа-а, шу ерда! Дада, шу қизнинг нимаси ёқиб қолди сизга?! Нима?! Бўлмайди, дада, бўлмайди! Қанақангидир тормоз... Нима?! Мен кетиб, шу қиз қолсин?!

Акромнинг қовоғи осилиб кетди. Дилдорага еб кўйгудек қаради.

— Бўпти! — деди алаmidан титраб. — Майли, сиз нима десангиз шу! Дўкон сизники! Ўғлингиздан бегоналар афзал бўлса, ишлайверсин!

У телефонни ўчирди. Кўзини баттар олайтириб, Дилдоранинг ёнига келди. Қиз бечора кўрқиб кетганидан орқасига тисарилди.

— Дадам билан ораларингда нима бор?! Балки сен!.. — дея Дилдоранинг елкасига ниқтади Акром.

— Шомансур амаки дадам билан касалхонада бирга ётибди! — деди қиз кўзи ёшга тўлиб.

— Бирга ётибди?! Ҳмм, ифлос!

Йигит шартта орқасига бурилди-да, шитоб билан дўкондан чиқиб кетди.

Дилдора шумшайиб қолди. Кўз ёшини артди.

Бармоқлари билан сочини таради. «Менга нима, ёниб кетмайди дўкони», дея хаёлидан ўтказди ва ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо бирдан Акромнинг дадаси билан гаплашганини эслаб қолди.

— Ўғли кетди. Ўзи касалхонада ётибди. Агар шу ҳолида дўконни очиқ ташлаб кетсам, талон-торож қилиб кетишмайдими? Оббо, энди нима қиламан? — деди у ўзига ўзи ва кассанинг ёнига бориб, пешонасига қўлини тиради.

Бирор соатлардан сўнг оёғи толди. Кассанинг ёнидаги стулни эшикдан берироққа қўйди-да, ўтирди. Беихтиёр қўлига телефонини олди. Унда биттагина ўйин Бор эди, шуни очди. Кейин бирдан кулгиси қистаб, жилмайди. «Ҳақиқатан ҳам телефон ўйинидан бошқа иш йўқ, шекилли», дея кўнглидан ўтказди.

Айни тушлик пайти дўконга бир аёл кирди. Яхши кийинган. Ёши тахминан қирқ беш-элликлар атрофида. Дилдора дик этиб ўрнидан турди-да, салом берди. Аёл алик олгач, ичкарилай бошлади.

— Хола, дўкон ишламаяпти, — деди Дилдора унинг ортидан кузатаркан.

— Ишламаяпти? — дея аёл тўхтади ва ортига ўтирилди. — Нега?

— Эгаси... эгаси йўқ...

— Эгаси йўқ? Нега йўқ бўларкан?

— Билмадим.

— Унда сиз ким бўласиз, қизим?

— Мен?.. Ҳеч ким... Келувдим. Шунчаки...

— Акром нега кетди? Сизга қараб тулинг деб кетдимми?

— Йўқ... Ҳалиги... Сиз ўша боланинг таниши бўласизми?! — деди Дилдора бирдан хурсанд бўлиб.

— Ҳа, ойисиман. Ўзингиз кимсиз, қизим?

— Мен Шомансур амаки билан касалхонада бит-

та палатада ётган одамнинг қизи бўламан. Кеча да-
дам...

— Тушундим. Исмингиз Дилдора, шундайми?

— Ҳа.

— Амакингиз айтганди. Сиз бу ерга ишга келган-
сиз. Истаралигина қиз экансиз. Дилдорахон, бўлма-
са, ҳозирдан ишни бошлайверамаиз. Менимча, —
деб кассанинг ортига ўтди аёл ва стол тортмасини
очди, — менимча, мана шу ерда молларнинг нарх-
лари бўлиши керак. Кўпи ўзига ёзилган, ёзилмаган-
лари шу ерда бўлади. Мени Назира опа деб чақира-
веринг, қизим, хўпми?

— Хўп, — деди Дилдора бошини қимирлатиб.

Назира опа нархлар ёзилган қоғозни топди. Бироқ
шу ондаёқ бўшашиб кетди-да, уни кассанинг ёнига
ташлаб, чуқур хўрсинди.

— Ишни нимадан бошлашнйам билмайман,
қизим. Нукул уйда ўтиравергандан кейин бунақа
нарсаларни билмай қоларкансан, — деди сўнг.

— Опа, унда сиз кассада ўтира туринг, мен раста-
ларни бир оз тартибга келтираман. Кейин эшик ҳар
доим ёпиқ тураркан. Очиб қўйсак, нима дейсиз? —
дея жилмайди Дилдора.

— Ҳа, шундай қилганимиз маъқулга ўхшайди.

Дилдора ишга киришди. Берилиб, сидқидилдан
ишлади. Маҳсулотларни жойлаштираркан, хаёлан
бошқа жойдагиларига таққослади. Мумкин қадар
уларникидан чиройлироқ қилиб қўйишга ҳаракат
қилди.

Кечгача ўндан ошиқ мижоз кирди дўконга. Ҳар
қайсиниси нимадир сотиб олди. Шунингдек, ол-
ганларининг қаторига Дилдоранинг таклифи билан
яна битта-иккитадан нарса қўшишди.

Ниҳоят, қоронғи тушди.

— Бугунга етарли, — деди Назира опа, — роса
кўп ишладингиз, қизим. Энди қолган ишни эртага

давом этказамиз. Ҳа-а, келинг, ўлчовингизни олво-лайн. Бундай деяётганимга хафа бўлманг. Шунчаки, иккаламизнинг бир хил кийим кишимизни ўйлаб қолдим. Ҳар битта дўконда ишлайдиганлар ажралиб туришлари керак-ку. Қайси рангни ёқтирасиз, қизим?

— Пушти. Тўқ пушти ранг.

— Жуда яхши. Иккаламизнинг ҳам дидимиз деярли бир хил экан.

Назира опа дўкон эшигини ичкарисидан қулфлади-да, Дилдорани ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа айлантириб, ўлчам олди.

Дилдора уйига қайтиб келганида ниҳоятда хушчақчақ эди. Шу боис хавотир олиб ўтирган онасини қучоқлаб олди.

— Зўр бўлди, ойи! — деди шодлигини яширолмай.

Кўнгил душманлик вазифасини ўтайди. Мақсад опанинг кўнгли ҳам ҳозир шундай қилди.

— Ҳой қиз, тинчликми? Нега эчкига ўхшаб у ёқдан бу ёққа сакраяпсан?! — деди она қошини чимириб.

— Назира опам зўр аёл экан. Бирга ишлаб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолибман.

— Анави бола-чи? — дея бирдан қизининг гапини бўлди Мақсад опа.

— У боланинг тутуриғи йўқ экан, ойи. На ишлаш ёқади, на бошқа нарса. Мен борганимдан кейин дўконни ташлади-кетди. Бир ўзимга. Бегона бўлсам, дўкон тўла мол, бир томонини кўпориб кетсам, нима қиларди? Кейин Назира опа келиб қолди. Ўша боланинг ойиси... Нега тоғам дўконга бормади, ойи?

— Бечоранинг ҳам иши кўп-да. Хотини, болачақаси бор. Биз билан овора бўлиб, ўзининг ишлариям чала қоляпти. Келинойинг келиб кетди. Онасиникидан қайтаётган экан, хабар олай деб кириб-

ди бояқиш. Тоғаннинг вилоятда жудаям зарур иши бор экан. Шу ёққа кетди, дейди. Ишини битирса, келади-да, укам бечора.

Эртасига соат етти бўлмасдан Дилдора дўконга борди. Қараса, эшик очик. Ҳайрон бўлиб, секин ичкарига мўралади. Кўзойнак тақиб олган Назира опа нималарнингдир ҳисоб-китоби билан шуғулланиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум, — деди қиз.

Назира опа бошини кўтарди. Жилмайди ва кўзойнагини олиб, кассанинг ёнига қўйди-да, алиқ олди.

— Сен ҳам эрта келдингми?! — деди сўнг ажабланиб.

— Уйда ишларим унчалик кўп эмасди. Шунга келавердим, — жавоб берди Дилдора ҳам жилмайиб.

— Кечаси билан сира ухлаёлмадим. Базўр тонг оттирдим. Эй-й, бу ташвишлар одамни бир куни адо қилади. Келиб яхши қилибсан, қизим.

«Кеча ўғли мен билан дастлаб кўришганида «сиз» деган эди. Анави ойимтилла келиши билан эса дарров сенлашга ўтиб олганди. Онаси ҳам олдин сизлаб, энди сенга ўтди. Аслида, шуниси маъкул. Фақат кейинчалик бу аёлнинг ҳам муомаласи ўзгариб қолмасмикан?» дея ўйлади Дилдора.

— Бугун ишни нимадан бошлаймиз? — дея сўради Назира опа.

— Расталардаги анча моллар ҳали унчалик тартибга келтирилмаган. Мен шуларни бир тахлаб чиқсам...

— Менимча, уни кун давомидаям қилаверамиз. Аввал эшикнинг олдини тозалаб супуриб чиқсак, кейин дўкон ичкарисини тозалаймиз. Нима дединг?

— Унда сиз ичкарига қараб туринг, — дея кулди Дилора ва шу ондаёқ ҳазиллашгиси келди. — Мен

турганимда сиз у ёқ-бу ёқларни артиб юрсангиз, уят бўлар бунақанги кийимда.

— Ҳой, ўзимнинг ҳазилкаш қизимдан. Қани, бошладик бўлмаса!

Четдан қараган киши уларни она-бола деб ўйлайди. Гаплари бир жойдан чиқар, ҳаракатлари чаққон эди. Шунга қарамасдан, Назира опа ора-чора негандир ўйга чўмиб, нима қилаётганини унутиб қўярди. Дилдора бир неча марта бунинг сабабини сўрамоқчи бўлди, аммо ботина олмади.

Харидорлар тушгача хийлагина бўлди. Кассада навбат кутиб туриб қолишса-да, униси чиқиб кетиши билан буниси кириб турди.

— Бу аҳволда тушлик билан кечки овқат бир бўлади-ёв, — деди оралиқдаги кичкинагина танаффусда Назира опа.

Дилдора эса:

— Ҳали... — деди-ю, бирдан қотиб қолди.

Чунки бу пайтда Ақром тебранганча дўконга кириб келаётганди.

Назира опа ўғли томонга юзланди. Шу ондаёқ аёлнинг кўзидан тирқираб ёш оқди.

* * *

Аммо унинг шамшири Кошифнинг елкасига тегмади. Иккига бўлиниб кетди. Кийимига тегар-тегмас шундай бўлди. Буни ҳамма кўрди. Ҳамманинг кўзи бирдан олайиб кетди. Норбой ва ҳаттоки Насим билан бирга келганлар ҳам ҳозир Кошиф қонига беланиб йиқилади, деб ўйлашган ва табибга ичлари ачиган, шу билан бирга, кўрқишганди. Бироқ бундай воқеа...

Насим шамширнинг қолган қисмини ташлаб юборди ва тиззалаб ўтириб қолди. Юзини кафти билан бекитди. Норбой шошганча ёнидан пичоқ чиқариб, Насимга ҳамла қилмоқчи бўлди. Бироқ унинг йўлини Кошиф тўсди.

— Ота, ундай қилманг, шу ёғи ҳам етади.

Насим бошини кўтарди. Зеро унинг қўли ишламас, юзини бекитган кўйи қотиб қолганди. Шу босидан ҳам у бошини кўтариб, бармоқлари тепасидан қарашга мажбур бўлган эди.

— Менинг қўлим тушмаяпти... — деди у қарийб шивирлаб.

— Кошиф, бизни кечир! — деди шу ондаёқ Чори.

— Нодонлик қилибмиз, кечир!

Кошиф:

— Мен хафа эмасман, — дея жилмайди ва Норбойнинг оёқлари остига ўтираркан, отасига қараб сўзланди. — Елкамга чиқинг.

— Йў-ўқ, мен энди сенга юк бўлолмайман, болам! Сен авлиёсан! Авлиёнинг елкасига ўтириш гуноҳ бўлади!

— Ота, мен сизнинг ўғлингизман. Ўтиринг.

Норбой тирқираб ёш оқаётган кўзларини чирт юмди. Сўнг зўрға оёғини кўтарди-да, Кошифнинг елкасига осилди.

* * *

Одамлар Туробнинг телбаларча бақириб келганини, ҳовлисида айланиб, қутурган ит каби югурганини, бир неча марта ўзини деворга урганини, Насим уни ушлаб, уйига олиб кириб кетганини, кейин шошилганча уйдан чиқиб, отига минганини, сўнг тулпорини чоптириб, тоғ томон кетганини, йўл-йўлакай Эгамназар, Фатхулла ва Чорининг ҳам унга қўшилганини кўришди. Ҳамма кўрмади. Беш-олти киши гувоҳ бўлди. Аммо ўша беш-олти киши сабаб бутун қишлоққа бу хабар бир зумда тарқалди.

— Кошифнинг уйи томонга кетишди! — деди кимдир ҳовлиқиб.

— Қилич яланғочлаганини ўзим кўрдим! — деди иккинчиси.

— Бу Насим яна бир балони бошлайди! — деди Толмас ота жаҳл билан.

Сўнг ёнида турганларга қараб бақирди:

— Ўлмас, болаларингга айт, бошқалар ҳам дарров минсин уловларини, югуринглар тоққа! Бирон кор-ҳол бўлмасин!

Отлиқлар от чоптириб, пиёдалар югуриб юқорилай бошлашди. Аввал отасини елкасига опичлаб олган Кошифни кўрган отлиқлар тўхташди. Тикилиб туришди. Бир оздан сўнг Фатхулла кўринди. Кейин Чори, унинг ортидан Эгамназар. «Насим, Насим қаерда қолди? — деб ўйлашди қишлоқ одамлари. — Нега ошналари уни ташлаб келишяпти? Қаерга ташлаб келишяпти? Ёки Кошиф уни бирор нима қилиб қўйганмикан?»

Бу саволлар барчанинг миясида айланиб юрар, аммо бирор киши ҳам бирор-бир нарсa дейишни билмасди.

— Тўхта, тўхта, — деди Норбой Кошифга. — Мени тушир, энди уят бўлади. Тушир, илтимос, болам.

Кошиф тўхтаб, секин ерга ўтирди. Норбой тушди. Уларнинг ортидан келаётганлар етиб олишди. Чори олдинга ўтди. Уни қишлоқдошлари энтиктириб юборди.

— Кошиф авлиё! — дея бақирди у. — Туш ҳамманг отдан! Келиб оёғини ўп!

Қишлоқ одамлари ҳангу манг эди. Улар Чорининг нега бундай деб бақираётганини тушунишмади. Шунга қарамасдан, бирин-сирин уловларидан туша бошлашди. Бу орада орқадан ҳовлиққанча югураётганлар етиб келишди. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Гўё ҳамма тилини ютиб юборгандай эди.

— Нимага қараб турибсизлар?! — дея бақирди яна Чори. — Келмайсизларми?!

— Қанча айтдим, — деди Толмас ота кўзидаги

ёшини артиб, — лекин бирортанг қулоқ осмадинг. Беназир ота бекорга уни танламаган. Юринглар.

Кошиф ўртада қолиб кетди. Аввал қариялар у билан кучоқлашиб кўришишди. Кейин ёшлар. Кошиф бирор кишининг ҳам эгилишига йўл қўймади.

— Насим амаки, — деди у, — шунчаки адашиб қолган. Уни ёлғизлатиб қўйманглар. Мен ҳар куни қишлоққа келиб тураман. Толмас ота, сиз шу қишлоқнинг бошисиз. Мен фақатгина табибман. Энди рухсат беринглар, бориб дори-дармон йиғай.

— Болам, — деди унинг қўлини ушлаган Норбой, — бугун кетмасанг бўларди. Уйда бирорта жонлиқ сўярдик. Ҳозир ҳеч ким касалмас-ку.

— Йўқ, ота, бормасам бўлмайди.

Кошиф аста-секин буталар орасига кириб бораркан, ортидан кузатиб турганларнинг юраклари эзила бошлади. Гўёки табиб шу кетишда бошқа қайтиб келмайдигандек.

Насим ҳали-ҳамон қимирламай ўтирган жойга етгач, Кошиф секин унинг қошига ўтирди. Қўлини силади. Насимнинг тортишиб турган мушаклари кенгайиб, қўли пастга тушди. Унинг ранги докадай оқариб кетган, қизарган кўзи олайганди.

— Қишлоққа боринг, амаки. Худо хоҳласа, Туробга ҳам ҳеч нима қилмайди. Боринг, амаки, — дея Кошиф ўрнидан турди-да, йўлида давом этди.

* * *

Равшан жавоб бермади. Офтоб юзини қиздираётганди. Бирдан унинг тафтини сезмай қолди. Бўлмаса, куёш ҳали ботгани йўқ. Шундоққина тепада турибди. Кейин қорин оғриғи ҳам сезилмай қолди. «Мен тузалдим, шекилли, — деб ўйлади у. — Ана, оғриқ ҳам билинмай қолди. Шунчаки ичим кетиб, озгина оғриган-да. Мана, оғримай қолди, энди бемалол ўрнимдан турсам бўлаверади. Анавилар ҳам яхши бўп қолгандир».

Равшан ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ негадир жони йўқ эди. Фақат қўлларини, оёқларини озгина қимирлата олди, холос. «Шошма, ўлаётганга ўхшайман. Жон чиқаётган паллада одамнинг танасидаги ҳамма оғриқ чекинади, деб эшитганман... Уйда, акамнинг қўлида ўлганимда яхши бўларди-да. Бу ерда қолиб кетсам... Бўрилар еб кетади. Қизиқ, қашқирлар биринчи кимни еркан? Неъматними? У Эштурди иккаламизга нисбатан семизроқ. Қисталоқ, неча кундан бери ўт билан томирдан бошқа нарсани емайди, лекин озмади-я. Ёки оздимикан? Озди. Анча озди. Аммо олдиндан бизга нисбатан анча семиз эди-да... Уйқум келяпти, уйқум. Йўқ, уйқу эмас бу. Ўлим. Ия, ўлимни азобли бўлади, дейишарди. Айниқса, менга ўхшаган нашавандлар ўлаётганида дўзах азобини тортишади, деганлари ҳам қулоғимга чалинган. Унда нега мен сира қийналмаяпман? Демак, ҳали ўлмаяпман. Мен ўлим олдидаги осойишталикдаман».

Равшаннинг лабига сув томчиси тушди. «Ёмғир ёғяпти», деб ўйлади у ва кўзини очмоқчи бўлди. «Ўлимим олдидан ҳеч қурса осмонни кўрай. Ёмғирнинг ёғишини кўрай», деди. Аммо киприklarинида кўтаришга мадори етмади. Яна икки-уч томчи сув тушиб лаблари орасидан сизиб ўтди-да, тилига тегди. Қандайдир ачқимтир таъм. «Ёмғирнинг таъми бунақа бўлмасди. Менимча, бўрилар ҳидимизни олиб, етиб келишган бўлишса керак. Сал шошилишибди-да. Ўлиб, ҳеч нимани сезмайдиган бўлганимиздан кейин келиб, қоринларини тўйғазишса ҳам бўларди. Аслида, бизни еб барака топишмайди. Ҳаммамиз, айниқса, мен қоқ суяк бўлиб ётибман. Суякларим шимишдан бошқа нарсага ярамайди. Лекин ичак-чавоғим, жигар, юрак... Бор экан, битта бўрининг қорнини тўйғизгулик гўшт чиқаркан мендан ҳам... Аммо нега энди унинг сўлаги ачқимтир.

Кейин у сўлагини нега оқизади? Бирдан гирибонимдан олмайдами?..» — Равшан шундай ўйда ачимтир сувдан яна беш-олти томчи ютди. Кейин бирдан кўзи очилиб кетди. Қараса, тепасида Кошиф турибди. Йўқ, аввал қуёш нури унинг кўзини қамаштирди. Сўнг нур тўсилди ва табиб кўринди. Равшан иржайди. «Кўп ўйладим, — деди ичида, — кўп ўйлаганимдан, мана, кўзимга ҳам кўрина бошладинг. Қанчалик кутдим. Лекин келмадинг-а, номард. Керак эмас пайтинг у ёқдан айланиб ўтсам ҳам, бу ёқдан айланиб ўтсам ҳам, олдимдан чиқавердинг. Кутганимда эса соянгни ҳам тополмадим».

Унинг юзига енгилгина шапалоқ тегди.

— Тур, — деди Кошиф, — ўрнингдан тур!

— Йўғ-э, туrolмасам керак. Ўлган одам қандай туриши мумкин? Ё ўлмадимми? — дея бошини кўтарди Равшан. — Ия, ўлмабман... Нима бўлди ўзи?

Кошиф жавоб бермай, нарироқда ётганларнинг ёнига борди...

Орадан роппа-роса бир қумғон сув қайнагулик вақт ўтиб ҳар учаласи ҳам ўринларидан туриб ўтиришди. Кошиф уларни қайнатилган парранда гўшти билан сийлади. Улар қувонганидан йиғлаб юборишди.

— Биз сени одамхўр махлуқ деб ўйлагандик. Сен бўлсанг бизларни ўлимдан олиб қолдинг, — деди Неъмат алам билан парранданинг оёғини оғзига соларкан.

— Мен кетинглар, дегандим, қолдингиз. Нега? — деди улардан кўзини узмай ўтирган Кошиф.

Неъмат бурнини тортди. Кўз ёшини артди. Шерикларига бир-бир қараб олди.

— Мана, қара ўзинг? Биз одамгарчиликдан бутунлай чиқиб қолгандик. Наша бўлмаса, кунимиз ўтмасди. Сен унинг ломка пайтидаги оғригини бил-

майсан. Бутун аъзои баданимиз, суякларимизгача қақшаб оғрирди. Аммо сен кўз очиб юмгунча даволаб ташладинг. Мен олдин Равшанга ишонмагандим. Ўзича рисовка қиляпти, дегандим. Лекин ўзим-нияам даволаб ташлаганингдан кейин ишондим. Кейин-чи, кейин, молдан фарқимиз қолмади. Ўт едик, томир едик. Сув ичдик. Лекин одам, барибир, ҳайвонлардек бўлолмаскан, учаламизнинг ҳам ичимиз кетиб, ана ўламан мана ўламан, деб ётганимизда келиб ёрдам бердинг. Неча кундан бери гўшт емагандик. Мана, еяпмиз. Шўрваям ичяпмиз... Шунча кўрсатган кароматинг учун, аввало, сенга миннатдорчилик билдириш ниятида қолдик. Иккинчиси эса у ёқда, биз келган томонда бизга ўхшаганлар кўп. Агар сенинг дорингдан ичишмаса, бир йилга ҳам етмасдан ўлиб кетишади. Шунга, агар дорингдан берсанг, обориб биз ҳам ичирсак, савобга қолармидик, дедик-да.

Неъмат сўзлаётган пайтда Кошиф унга ўткир нигоҳини қадаб турди. Ёлғон билан рост аралаш эди унинг сўзлари. Шундай, Неъмат ёлғон билан ростни аралаштириб гапирётганди. У Кошифни чалғитиш, уни эритиб, дорисидан олиш ва пуллаш ниятида эди. Худди шу нарсани Кошиф унинг кўзидан уқиб олди-да, ичида кулди. Неъмат сўзлашдан тўхташи билан навбатни Равшан олди.

— Акам касал. Бирор марта ҳам уни ўйламаганман. Боя чўзилиб ётганимда, ажал чанг солиб турганида, уни ўйладим. Ҳеч қачон яхшилик қилмаган эканман. Шунга, агар қўлингдан келса, ёрдам берсанг...

Кошифнинг юзи ёришди.

— Ҳақ гапни айтдинг, — деди у Равшанга, кейин Неъматга юзланди. — Сен алдаяпсан. Сен нимадир олиш эвазига ўзингга ўхшаганларга дори бермоқчисан. Ўша нимадирни қаттиқ қадрлайсизлар.

Неъматнинг бирдан ранги ўзгарди. У довдираганча шерикларига бирма-бир қаради. Нажот кутди. «Бирон нима денглар. Миқ этмасдан ўтираверсанглар, ҳеч нима ололмаймиз», демоқчи бўлди. Аммо шериклар гум-гурс эди.

— Тўғри, — деди охири Неъмат тан олиб, — нимадир оламан. Лекин шунчаки эмас. Меҳнат қиламан, меҳнатим эвазига оламан. Керак бўлса, олганимнинг бир қисмини сенга ҳам бераман. Чунки дори тайёрлагунча озмунча тер тўкканмисан?

Кошиф унга ўқрайди. Бироқ лом-мим демади. Бунинг ўрнига, қопини кавлаштириб, латтага ўралган бир нима олди-да, Равшанга узатди.

— Ҳар куни субҳда ичсин аканг. Қайнаган сувни совитиб аралаштирсин, кейин ичсин. Ҳозир йўлга тушасиз. Ва қайтиб келмайсиз, — деди Кошиф ўрнидан туриб ва уларнинг ёнидан узоқлашди.

Неъматнинг жони чиқиб кетаёзди. Ахир улар шунча заҳматни бекорга чекишдими? Ҳаттоки ўлим билан олишишгача боришди. Эвазига иккита бармоқни бурунга тиқиб қайтишми? Нега?!

У ўрнидан сакраб турди. Анча узоқлаб қолган табибнинг орқасидан бақирди:

— Мен сенинг мурувватингга зор эмасман, ит!

Равшан чўчиб тушди. Эштурдининг киприклари пирпираб кетди.

— Эсинг жойидами? Ҳозир у изига қайтиб, бизни шол қилиб ташлайди! — деди Равшан.

— Эсим жойидамас, ит эмган! Эсим жойида бўлганида сен маразнинг гапингга кириб, бу ёқларга келмаган бўлардим. Молга, чўчқага ўхшаб ўт кавшамаган бўлардим. Сен эшакнинг боласи акангни айтгунингча бир оғиз бизни даволаган доридан сўрасанг ўлармидинг?! — дея бақирди Неъмат Равшанга. Кейин Эштурди томон ўгирилиб унинг оёғига тепди. — Сен-чи, емхўр?!

Эштурди бир нарса демасдан, Неъматга ўқрайиб қараб қўйди-да, овқатланишда давом этди. Неъматнинг баттар асаби қўзиди.

— Бу ерга бир хил шароитда, битта нарса умидида келганмиз. Эштурди иккаламиз қуруқ қўл билан қайтйпмизми, сен ҳам шундай қайтасан, — дея у Равшанга ташланди.

Равшан ундан шундай гап чиқишини биларди. Шу боис қочиб қолишга тайёргарлик кўраётганди. Неъмат ўзига ташланган заҳоти ён томонига икки марта думалади ва кескин ҳаракат билан ўрнидан турди-да, жаҳл билан шерикларига қаради.

— Табиб ҳеч нарса бермайди. Шунинг учун ҳар балодан умид қилаверма. Мен кетдим. Олганим акамни даволаса, шу катта бойлик. Сенинг қарзингни акамнинг уйини сотиб тўлайман, — деди у ва шахдам ортига бурилиб, югуриб кетди.

Аммо шерикларидан унча узоқламай тўхтади. Ичининг кетгани унинг тинкасини қуритиб ташлаганди. Табиб тузатди. Овқат ҳам берди. Бироқ ҳали у тўла кучга кирмаганди. Шу боисдан ҳам узоқлаёлмади. Худди шундай, унинг шерикларида ҳам унчалик жон йўқ эди ҳали. Улар Равшанга етолмасликларини дарров сезишди ва уни қувиб ўтиришмади. Бунинг ўрнига Неъмат Эштурдининг ёнига ўтирди-да, яна овқат ейишга тушди.

Кошиф узоқ сафарга чиққанди. Бегона юрт одамларининг тез-тез пайдо бўлиб қолаётгани унда узоқларни ҳам билиш истагини пайдо қилди. Шу боис жануб томонга йўл олди. Тез юрди. Шунинг билан бирга, ўсадиган ҳар битта ўсимликни, бутани, дарахтни кўздан қочирмади. Янги гиёҳ қидирди. Бир-иккисини учратди. Бўйини ўлчади. Исини ҳидлади. Баргчаси ва ёки шохчасидан олиб, қопига солиб қўйди. Шунингдек, бу гиёҳ ҳақида дафтарига қайд этди. Йўлида одам ўтолмайдиган тик қояларга, жар-

ликларга дуч келди. Ана шу маҳал Беназир отанинг таълими асқотди. Тезликда қоя тепасига чиқди. Яна юришда давом этиб, бошқа бир қоянинг устига чиқиб олди. Ҳавас, иштиёқ билан тепага кўтарилди. Зеро ўтган давр мобайнида «Беназир ота нега менга тик қояга чиқишни ўргатган экан?» деган ўй бир неча марта унинг хаёлига келганди. Яхшиямки ўргатди. Яхшиямки қийнади. Акс ҳолда, бунақанги жойлардан сира ўтиб кетолмасди. Илоҳиёт бор. У бунақанги тўсиқларнинг юзини, мингини писанд қилмайди. Умуман, қоялар, жарликлар, масофанинг аҳамияти йўқ унинг учун. Бироқ Кошиф ҳар нима учун ундан фойдаланаверишни истамади. Уялди. Буюк руҳ олдида уялди...

Қоронғи тушганда табиб жуда узоқлаб кетган, деярли беш кунлик йўлни босиб ўтганди. Кўнглида зўр бир иштиёқ бор эдики, чарчоқдан, ҳафсаласизликдан сақларди. Шу сабабли илоҳий хиргойини адо этганидан сўнг ҳам талай муддат ўтирди. Кўзи юмуқ, лаблари пичирлайди. Руҳи енгиллашади, ҳавога кўтарилаётгандай сезади ўзини. Юзида табассум пайдо бўлади...

Дилда борини тўкиб бўлгач, ўрнидан турди. Қучоғини кенг очиб, чуқур-чуқур нафас олди. Сўнг анжомларини саранжомлаб, қопига жойлади-да, елкасига илиб, юз қадамча наридаги арчанинг ёнига борди. Ёши улуғ арча. Беназир отанинг беш ажлодини кўрган арча. Шохлари атрофга хийла тарвақайлаган арча. Кошиф шу арча остидан ётиш учун ўзига жой ҳозирлади.

Эртасига пешин арафасида у ғалати нарсага дуч келди. Уй деса, уйга ўхшамайди. Уй демаса, яна уйга ўхшаб кетади. Қизиқ. Унинг ёнгинасига қатор қутилар устма-уст тахлаб қўйилган. Элликтача бор. Арилар шу қутиларга кириб чиқишяпти. Нарироқда беш-олти қўй ўтлаб юрибди. Ит бор. Боғланган.

Кошиф аста-секин ўша томонга яқинлаша бошлади. Ит унинг ҳидини олди. Аввал бир-икки марта «вов-вов» қилди. Кейин тўхтовсиз ҳуришга тушди. Уйнинг эшиги очилиб, соқол қўйган, гавдали бир одам кўриниш берди.

— Нимага товущинг ўчмай қолди? Ўчир овозингни!

Серсоқол киши шундай дея итига бақирди ва атрофга аланглаётиб Кошифни кўриб қолди. Сўнг кўзини келаётган одамдан олмаган кўйи зиналарни бир-бир босганча пастга туша бошлади. Табиб ноқулайлик туғилмасин, деб қадамини тезлатди ва оралиқ масофа беш-олти одим қолганида салом берди.

Ҳалиги одам алиқ олмасдан бир муддат унга қараганча туриб қолди. Сўнг бошини қимирлатиб қўйиб: «Алкаш», деди. Кейин бош кийимини қўлига олиб, кирланган сочлари орасини қашлади ва яна бир марта «Алкаш», дея сарғайган йирик тишлари орасидан тупугини ўтказиб ерга чирт этказиб тупураркан, хаёлидан ўтказди: «Ҳарна, пиёниста бўлсаям, эрмакка гаплашаман, шундоқ ҳам зерикиб кетдим».

— Мендан ахлат чиқмайди. Ахлатнинг ўзи йўқ! — дея бақирди серсоқол.

Кошиф бу гапларга тушунмай, ҳайрон бўлганча унга янада яқинлашди ва саломлашиш мақсадида қўлини узатди. Серсоқол аввал унинг қўлига, ундан кейин бошидан оёғигача қараб чиққач:

— Сен олдин қўлингни яхшилаб юв, ҳув анави ердан, — дея ҳуришдан тўхтаган итнинг берироғини кўрсатди. — Ариқчанинг ёнига борсанг, кирсовун ҳам қўйиб қўйганман. Шундай ариқчанинг бўйидаги ажриқнинг устида турибди.

Кошиф қўлини кўксига қўйди. Бошини хиёл эгиб: «Хўп», деди ва ер эгаси кўрсатган томонга кетди.

— Илгари бошқалар бомж бўлиб юришарди. Энди ўзимизникиларга ҳам ўтибди-да. Яна кийиб олган

кийимини қаранг! Тавба. Одам ишёқмас бўлганидан кейин ўз-ўзидан пастлашиб кетавераркан...

Кошиф ўзининг ортидан айтилган гапни эшитиб, мийиғида кулганча қадамини тезлатди. «Хўжайин» айтганидай яхшилаб юз-қўлини ювди ва қопидан сочиқ олмоқчи бўлганида уни кузатиб турган серсоқол яна бақирди.

— Бу ёққа келавер, ўзим сочиқ бераман! Қопингдагига артсанг, яна расво бўлади!

Биринчидан, гарчи Кошифнинг соч-соқоли ўсиб кетган эса-да, бутун аъзойи бадани топ-тоза, иккинчидан, кийимлари, қопидаги сочиғида ҳам гард йўқ эди. Шундай эса-да, «хўжайин» қўлини беришга-да орланиб, ювинишни буюрди. Яна у аллақандай гапларни айтяптики, ўта сеҳни ўткир Кошиф ҳеч нимани тушунмаяпти. «Бомж, бомж... Анави илонбош умидида келганлар ҳам дастлаб шундай хаёлга боришганди. У нима? Наҳотки шунақа ёмон жонзот бўлса?» дея ўйлади у.

Кошиф сочиққа қўлини артди. Анчадан бери сув кўрмаган сочиқ яхшигина ҳидланган экан. Энди юзига шу ҳид ўтириб қолади. Лекин бу шу ер эгасининг сочиғи. Шундай экан, ҳар қанча ҳидланган бўлмасин, у ҳақда ёмон гап гапириб бўлмайди. Чунки мезбоннинг дили оғрийди.

— Менга қара, кўринишингдан анча ёшга ўхшайсан. Ичиб, абгор бўлиб юргандан кўра, бирорта ишнинг бошини тутсанг бўлмайдими? Лекин, бундай қараганда, пиёнгаям ўхшамайсан. Боя юзингни ювмасингдан олдин ўйловдим: «Бу шўринг қургур қаердадир ош еган-у, мойини соқол мўйловига сурган, шунинг учун ялтираяпти», деб. Аммо ҳозир... Ёки ювмадингми? — дея мезбон Кошиф томонга қўлини чўзиб, соқолидан тутди. — Йўқ, ёғлимас, ювибсан. Унда нега қизларнинг қиммат шампунга яхшилаб ювилган сочиға ўхшаб ялтирайди?

Кошиф жавоб бериш ўрнига жилмайди.

— Менга қара, қаерликсан ўзинг?

— Мен тоғда истиқомат этаман, — жавоб берди Кошиф.

— Тогда истиқомат этаман? — дея уни гапини такрорлади мезбон иржайиб. — Шоирмисан?

— Англамадим.

— Нимани англамайсан? Шоирлар шунақа бўлишади. Томи кетиб қолади-да, тоққами, боққами чиқиб кетади. Кейин устига сеникига ўхшаган теридан кийиб олиб, дунёни қўлида кўтариб юргандай гўддайишади. Битта-иккитасини биладан, бутилка деса томдан ташлайди ўзини... Бўлди, бўлди. Сен шоирсан. Яримтадан тортаверганингдан киссангда бир миринг қолмай тоққа чиқиб кетгансан. Кейин бирорта чўпондан эски пўстагини олгансан-да, кийим қилиб кийиб олгансан. Яна тоғликманмиш. Мен ҳам бундай ўйлаб қараса, тоғликман. Чунки умримнинг ярми тоғда ўтади. Кўряпсанми? — деб у қутилар томонни кўрсатди. — Асалари боқаман. Отим Сафарбой. Сеники-чи?

— Кошиф.

— Кошиф? Ё алҳазар, шунақанги от ҳам бўларканми? У нима дегани ўзи?

— Топилғон.

— Менга қара, ҳов шоир. Унақа, англадим, топилғон-сопилғон деявермасдан тўғричасига гаплаш!

— Мен табиб.

— Мен асаларичи. Асалнинг қанча касалга даволигини биласанми? Биласан. Демак, мен ҳам табиб. Чунки асал етиштиряпман.

— Хушнудман.

— Уфф, роса жонга теккилик экансан-ку. Менимча, эликта қуйиб бермасам, сендан тузукроқ гап ололмайман, шекилли. Юр, вагонга кирамиз.

Қорнинг ҳам очган бўлса керак. Анавиндан ҳам қуйиб бераман, иш тутма.

— Ташаккур, — деди Кошиф жилмайиб, — менда емакка эҳтиёж йўқ.

— Э-э, нимага нозингни қиласан? Сенларни биламан. Емасанг емайсан, лекин оёғингни тираб тортасан. Қуйиб бераман, дедим-ку. Юр, юр, — дея Сафарбой унинг қўлидан ушлаб тортқилади.

Кошиф ноилож эргашди.

Вагон ҳам ошхона, ҳам ётоқхона эди. Картошка ҳам шу ерда, пиёз ҳам шу ерда, кўрпа-ёстиқ, гугурт, ўтин ва ҳоказо-ҳоказолар ҳам шу ерда. Буларга қўшилиб, ҳамма нарсанинг аралаш-қуралашидан ҳосил бўлган ҳид ҳам шу ерда. Сафарбойга ҳид қадрдон. У аллақачонлардан бери бунга кўникиб кетган. Ҳаттоки деразани очиб, вагон ичи шамоллатилса ҳам бегонасираб қолади. Бошқа жойда ўтиргандай ҳис этади ўзини.

Кошиф бўғилди. Ортига қайтиб кетмоқчи бўлдию, яна шаштидан қайтди. Мезбон азиз, унинг ўз ҳурмати бор.

— Бу ер сен учун кошона. Бунақанги бадастир жойга кирмаганинггаям кўп замон бўлиб кетган бўлса керак, манави жойга ўтир, — деб битта оёғи синиқ столни кўрсатди Сафарбой.

Кошиф омонатгина ўтирди. Мезбон сим каравотининг ёнидаги столни тариллатганча судраб унинг олдига келтирди. Сўнг ёғ, асал, чой тўкилган ва яна алланималарнинг доғи қолган дастурхонни ёзди. Дастурхон ичидаги қотган нон ушоқ билан бирга ўраб қўйилган экан, матонинг ҳар жой-ҳар жойига, айниқса, ширинлик тўкилган қисмига ёпишиб қолган эди.

— Чойимиз совиб қолган. Лекин куннинг бу маҳали совуқ чой зўр кетади. Хўш, мен сени нон билан, озроқ асал билан... Йўқ, асал бўлмайди. Ши-

рин билан аччиқ келишмайди. Яхшиси, пиёз, помидор билан меҳмон қиламан. Манави зорманданинг, — деб шишани кўрсатди Сафарбой иржайганча, — орқасидан жа зўр кетади-да.

Кошифнинг бирдан қовоғи осилди.

— Менда емак-ичмакка эҳтиёж йўқ. Сизга ташаккур. Рухсат этинг, йўлимда давом этай, — деди у.

— Ия, бу нима деганинг? — дея унинг юзига кўзини қисиб тикилди Сафарбой. Сўнг бирдан иржайди. — Ҳа-а, ўзим кал бўлсам ҳам, кўнглим осмон дегин. Тушунаман. Шоирларнинг ҳаммаси шунақа бўлишади, деб эшитганман. Чўнтагида бир мири бўлмайди. Лекин гаплашсанг, осмондан келади. Энди сен ҳам, ука, ўзи юришинг мана бунақа, аммо овқат-повқат қилмаганимга хафа бўлдингми? Ҳе-е, кўнглингнинг кўчасига ўйнаб қўйдим. Тур ўрнингдан! Э, валакисаланг!

Кошиф мезбоннинг бирдан жигибийрон бўлиб қолганига яна ажабланди ва ўрнидан туриб:

— Безовта этганим учун узр, — дея ортига ўгирилиб, эшик томонга юрди.

Сафарбой унинг ортидан ўқрайганча тикилиб тураркан: «Қаёқдаги алкаш мени менсимай кетяптими? Тавбангдан кетай. Буларга нима бало бўлган ўзи?» дея хаёлидан ўтказди.

Кошиф ташқарига чиқди. Елкасидаги қопининг ипини тўғирлади ва тепаликка, тоғ томонга юрди. Яккам-дуккам ўсган паст бўйли буталар ёнидан ўтиб, одам бўйидан баландроқ ўсган наъматакнинг ёнида тўхтади. Қип-қизил мевасидан бир дона узди. Худди шу пайт Сафарбойнинг таҳдидли овози эшитилди:

— Олапар, бос! Орқасидаги бор гўштини узиб ол! Бос, Олапар!

— Қаерда юргандинг, Акромжон? — деди зўрға ютиниб Назира опа.

Ўғил нигоҳини онаси томонга буриб, иржайгач, менсимаган кўйи сўради:

— Нимаиди?

— Кечаси билан ухламай чиқдим, болам. Мени ўйламадингми?

— Нега? Нима кўрсатган кароматларинг учун ўйлашим керак? Тагимга иномарка олиб бериб кўйдингларми? Чўнтагимни долларга тўлдирдингларми? А-а, тўлдирдингларми?! — дея бақириб юборди Акром.

— Лекин, болам, биз ҳам қўлимиздан келгунча ҳаракат қиляпмиз. Аданг касалхонага тушиб қолмаганида, балки...

— Ҳеч бало бўлмасди! — дея онасининг гапини бўлганча қўлини ҳавода силкитди Акром. — Ҳеч нарса! Касалхонага тушмасидан олдин ҳам нуқул қулоғимга матал ўқиган!

Назира опанинг нафас олиши тезлашди. Кўзини чирт юмди. Бир қўли билан секин растага суянди.

— Опа, опа, — дея унинг ёнига югуриб келди Дилдора. — Ҳаммаси яхши бўлади, опа! Мени унақа кўрқитманг...

Назира опа бир қўлини қизнинг елкасига қўйиб, унинг гапини бошини қимирлатганча тасдиқлади.

— Уф-ф! — деди пешонасини тириштирган Акром. — Ҳар доим шунақа, булардан бир нима сўрасанг, дарров мазаси бўлмай қолади.

— Одам онасига ҳам шундай дейдими? — деди Дилдора унга жавобан.

— Вой, сен менга ақл ўргатяпсанми? — дея хунук иржайди Акром.

— Ҳа! Ақл ўргатяпман! Адангиз касалхонада офир ётган бўлса, ойингиз...

Дилдора бошқа гапирмади. Гапира олмади. «Ҳайф, — деди ичида, — бунақанги болага гапиргандан деворга гапирган минг марта афзал».

У Назира опани суяганча олиб бориб, стулга ўтқизди. Сўнг газсиз сув очиб, пиёлага қуйди-да, аёлга тутқазди.

— Икки қултум ичиб юборинг, яхши бўласиз, — деди юмшоқ овозда.

— Даҳшат. Ҳаммаси мен ўйлаганимдан ҳам даҳшат. Беш-бегона, кўчадан келган қиз менинг онамга хушомад қилипти. Яна менга ақл ўргатяпти. Биламан ҳаммасини. Биламан. Шу баҳона дўконга маҳкам ўрнашиб олмоқчисан-да. Ўмармоқчисан-да! — деди онаси билан қизни кузатиб турган Акром кўзини қисиб.

Дилдорани ток ургандай бўлди.

— Мени кечиринг, — дея Назира опага шивирлади қиз ва тез-тез юрганча Акромнинг ёнига борди-да, жон-жаҳди билан унинг юзига шапалоқ туширди.

Назира опанинг кўзи олайди. Акром ҳайкалдай қотди. Дилдоранинг лаби титради.

Назира опа секин бошини эгди. «Бекор қилдинг, қизим. Унинг юзига эмас, менинг юрагимга шапалоқ туширдинг», дея пичирлади. Яхшики, унинг бу гапини Акром эшитмади. Яхшики, Дилдора эшитмади. Бирортаси эшитганида воқеа бутунлай бошқача тус оларди.

Акром қизнинг кўзида бир нималарни кўргандай бўлди. Жуда ёқимли, сеҳрли бир нималар. Улар... Улар Дилдоранинг кўз ёшига қўшилиб йилтиллер эди. Ҳа-а, йилтиллерди. Гўёки йилтиллашдан ҳам берироқ, нозикроқ. Жозиба ҳам жудаям нозик. Жуда қисқа муддатда пайдо бўладиган жозиба. Бу жозиба Акромнинг қаҳрини бўлакларга бўлиб ташлади. У қиздан нигоҳини узоқмай қолди ва ўзи сезмаган

кўйи Дилдорага сеҳр берди. Сеҳрни қиз дарров илғади-да, алланечук бўлиб, бошини эгди. Ҳозиргина ўзининг йигитга шапалоқ тортганини эсидан чиқарди. Бунинг ўрнига, юраги дукурлаб уриб кетди. Юзи қизариб, Назира опа томонга қаради. Назира опа: «Бу бечора қизнинг юзи ўғлимни бехосдан уриб юборганидан, хижолатдан қизариб кетди. Билмай шапалоқ уриб қўйди. Акромнинг оғзидан чиқаётган боди-шодиларга чидолмай шундай қилди бечорагина», деб ўйлади. Сўнг қизнинг кетиб қолишидан чўчиди. Ваҳоланки, оний лаҳза муқаддам у Дилдорани жуда ёмон кўриб кетганди.

— Мен, — деди Акром Дилдоранинг нигоҳини кузатиб, онаси томонга юзланаркан, — сизларга ёрдам бераман.

Бу мутлақо томдан тараша тушгандай, одамни гарангситадиган гап эди. Она жавоб бермади. Қиз ҳам индамади.

— Мен, — дея гапини давом эттирди Акром улардан садо бўлмагач, — молларни расталарга яхши тахлайман. Кассада ўтирмасам ҳам майли.

Боягина унга ичи ачиб, куйиниб, бесадоқлигидан қайғуриб турган Назира опанинг акслиги тутди, жаҳли чиқди.

— Йўқол! Қаердан келган бўлсанг, шу ерга йўқол! — дея бақирди.

— Ойи...

— Ойилама, йўқол!

Акром ноилож чиқиб кетди.

Дўконда қандайдир сукунат пайдо бўлди. Дилдора хўжайиннинг ўғлига қўл кўтарганини энди-энди ҳис эта бошлаган ва бу қилиғи учун Назира опадан уялиб, ерга киргудек бўлиб турарди. «Ҳозир, ҳозир мени уришиб ташлайди. Сен кимсан-у, ўғлимнинг юзига тарсаки туширасан, дейди... Балки, эшикни қулфлар, сочимдан обдан тортқилар ёки ерга ағда-

риб олиб тепкилар», дея хаёлидан ўтказди қиз ва қулоғини динг қилиб турди.

— Қизим, — деди маълум танаффусдан сўнг Назира опа, — бу ёққа кел.

У шундай дейиши билан Дилдоранинг юраги то-вонига тушиб кетди. Қалтирабгина бошини кўта-риб:

— Мени кечиринг, — дея пичирлади.

— Нега, қизим? Нега сени кечирарканман? — дея Назира опанинг ўзи унинг ёнига келди-да, аввал бағрига босди, сўнг бошидан ўпди.

— Сен мен қилолмаган ишни қилдинг. Минг мар-та раҳмат сенга. Тўғри, ўғлимга шапалоқ туширганингда бутун аъзойи баданим титраб кетди. Аммо унинг айтган гаплари олдида сенинг шапалоғинг ҳеч нима. Мени бўлса бошқа нарса севинтирди. У бирдан ўзгарди. Нима бўлганини билмайман. Аммо ўзгарди. Йўқ, шапалоққа эмас... Дадаси камар билан неча марталаб савалаган. Ўзгарса, ўшанда ўзгарди. Сендан миннатдорман, қизим. Аммо ҳар сафар бундай қилиш тўғри эмас.

— Хўп, бошқа ҳеч қачон унақа қилмайман. Ўзим ҳам билмай қолдим.

— Қандайдир енгил тортдим. Энди ишга киришайлик.

Шу кундан эътиборан Дилдорани Назира опа яна-да кўпроқ яхши кўриб қолди. «Ақром санғимаяпти, — дерди Назира опа қандайдир қувонч билан. — Илгари кун ботиши билан уни топиб бўлмай қоларди. Ҳозир ҳеч қаёққа кетмаяпти. Ҳатто кунда дадасини кўргани борапти».

Бир ҳафта ўтди. Назира опа Дилдорага кунига яхшигина пул бериб турди. Чунки савдо зўр, дўкондан эса одам аримасди. Ҳатто шундай кунлар бўлдики, Назира опа мол олиб келавериб чарчаб кетди. «Қи-зим, сал эви билан-да. Растага қўйишгайм ул-

гурмаяпман. Нафас олиб, нафас олиб сотгин. Бунақада мени қийнаб, оздириб юборасан», дерди у ҳазиллашиб Дилдорага.

Аввал Бердиёр, сўнг Шомансур касалхонадан чиқди. У ҳам янгилик эшитди, бу ҳам янгилик эшитди. У ҳам қувонди, бу ҳам қувонди. Бир кўрайин-чи, деб у ҳам, бу ҳам дўконга келди.

— О-о-о, — дея кучоғини очди Шомансур, — минг йиллик қадрдоним келибди! Кўришмаганимизга ям анча бўлиб кетди.

— Ҳа-а, — деди Бердиёр у билан кўришаркан, — нақ йигирма саккиз соат.

Икки эркак бир-бирининг елкасига урди. Бирови хотини билан, иккинчиси қизи билан гаплашмоқчи эди. Иложи бўлмади. Мижозлар кўплик қилди. Кейин улар дўкондан чиқиб кетишди. Бирорта қаҳвахонага кириб ўтирмоқчи бўлишди.

— Ҳаддиларингдан ошиб, ҳар нималарни еб қўйманглар, ичкиликни эса умуман эсларингдан чиқаринглар! — дея жавраб қолди Назира опа.

Улар кетгач, орадан ярим соат ўтиб, Акром кириб келди. Эғнида кўйлак. Жинси шимда. Шимининг тиззалари йиртилмаган. Сочиниям бинойидек қилиб олдирибди. Оғзида сақичиям йўқ. Бунинг устига, кириб келиши билан ойисига салом берди. Кейин Дилдора билан ҳам саломлашди. Назира опа қовоғини осилтирмади. Кипригини пирпиратмади. Жилмайди. Эркалаш оҳангида боласининг оч-тўқлигини сўради.

— Раҳмат, ойи, уйда овқатландим. Дарсларимни қилиб бўлиб, сизларга ёрдам бергани келдим, — деди Акром.

— Яхши келибсан, ўғлим, мана сенга пул, бозорга боргин-да, кола, тиш пастаси, макарон, гуруч, шакар олиб кел. Йигирма еттинчи дўкондан савдо қил. Шулар сал арзонроқ сотишади. Мени яхши

танишади. Фалончи опанинг ўғлиман, десанг, яна-ям арзон қилишади, — деди Назира опа.

Акромнинг дўконда қолиш истаги бор эди. Аммо истаги амалга ошмади. Йигит ноилож пулни чўнтагига солиб, ташқарига чиқиб кетди.

— Анча ўзгариб қолди, — деди уни нигоҳи билан кузатиб қўйган Назира опа, — репетиторга қатна-япти. Ўқишга кирмоқчи. Кеча борсам, китобдан бош кўтармай ўтирибди. Ичим ачиб кетди. Бўлди, ухла. Қолганини эртага ўқийсан, дедим. Лекин ухламади. Ишқилиб, кўз тегиб қолмасин-да... Айтганча, кеча телефон қилсам, телефони ўчиқ. Роса хавотир олдим. Уйга бориб сўрасам, атайин ўчириб қўйдим, ҳали у ёққа чақиришяпти, ҳали бу ёққа, менинг эса сира боргим йўқ, дарс қилишим керак, дейди.

Дилдора Назира опанинг ўғли хусусида бунақан-ги таъриф келтиришида нимадир борлигини илғагандай бўлиб, жилмайиб қўйди.

Шу куни Акром онаси айтганидан ҳам яхшироқ бозор қилиб келибди. Ҳатто эллик минг тежабди. Назира опа ўғлини мақтади. «Энди ҳар доим ўзинг бозор қиласан. Дилдорахон қабул қилиб олади», деди.

Акром уйига дарров кетиб қолмади. Келтирган маҳсулотларини растага жойлаштираётган Дилдорага ёрдамлашди. Қизга тез-тез кўз ташлаб қўяркан, ора-чора дўкон кийими ниҳоятда ярашганини ҳам қистириб ўтди.

— Гу-улники-чи? — дея кесатиб сўради Дилдора — Уники ёқмай қолдими?

— Уники олдин ҳам ёқмасди. У билан шунчаки танишмиз. Гуля битта ўртоғимнинг деушқаси, — деди шу заҳоти кўзини олиб қочган Акром.

— Нима қиласиз ёлғон гапириб? Унинг кийини-ши, гаплари роса сизга ёқарди-ку! Нима дегандин-гиз? Ҳа, эсладим. Манави қизни кийинтириб кел,

деб мени қўлингизни бигиз қилиб кўрсатганмидингиз? — дея қошларини чимирди Дилдора.

— Жа энди унчаликмас эди-ку-я. Қаёққа қарамай, шунақа кийимдаги қизлар бўлганидан кейин қизларнинг бари шунақа юришни яхши кўришса керак, деб ўйловдим.

— Бекор айтибсиз. Кўчага чиқиб бир қаранг-чи, қайси бир қиз сизнинг Гу-улингизга ўхшаб тиззалари, яна алламбало ерлари йиртиқ жинси шим кийиб олибди?

— Лекин, барибир, тиззаларидан бир қарич баланд юбка кийишади-ку! Ана, ўзингникиям баланд!

Бу гапдан Дилдора дув этиб қизарди-да, қўлидаги нарсаларни растага қўймай кетиб қолди. «Эй-й, бекфаросат», дея Акром калласига бир уриб қўйди. Сўнг қизнинг кетиб қолганидан афсусланганча қолган ишни ўзи давом эттирди.

Вақт яшин тезлигида ўтар, Акромнинг эса сира иши унмасди. Бунинг устига, харидорлар кўпайиб кетди. У маҳсулотни растага қўяр-қўймас, мижозлар «Янги келибди. Шунисини ола қоламан», деб кўтариб кетиб қолишарди. «Бу одамларга бир бало бўлганга ўхшайди. Илгари илтимос қилиб ҳам киритолмасдик. Текин бераман десанг ҳам бурилиб кетарди. Энди растага қўйишгаям улгурмаяпман», дея хаёлидан ўтказди у.

Кечки пайтга бориб Акромнинг қўли сал бўшагандай бўлди ва энди Дилдора билан икки оғиз гаплашаман деб турганида қизнинг телефони жиринглаб қолди. У чўнтагидан телефонини олгач:

— Ойим экан, — деди Назира опага.

Дилдора «гаплашавер», деган ишора бўлиши билан телефонни қулоғига олиб бораётиб, уни қўлидан тушириб юборди. Аллақачон ишлаш муддатини ўтаб бўлган, эски телефон ерга тушди-ю, бўлак-

бўлак бўлиб кетди. Дилдоранинг кўзидан ўт чақнади.

— Вой, энди нима қиламан?! — деб юборди беихтиёр ва шоша-пиша эгилиб, сочилиб ётган телефон қисмларини тера бошлади.

— Келган бало шунга урсин. Энди нима қиласан, бошқасини оласан-да, қизим, — деди Назира опа унга далда берган бўлиб.

— Кунни кеча ойимга телефон олиб бергандим... Дарров меникига кўз тегди! — деди Дилдора кўз ёшини оқизиб.

— Шунгаям кўз ёшими? Ўзи эски экан-ку, — дея мийиғида кулиб яна бир бор қовун туширди Акром.

— Эски бўлсаям ишлаётганди! — дея жавоб берди Дилдора алам билан.

— Акром, — деди овозини бир парда баландлатган Назира опа, — энг охирги моделдан, энг чиройлиси — пушти рангини олиб кел.

Дилдора ҳангу манг бўлганча, зўрга бошини қимирлатиб:

— Йў-ўқ, — дея олди, холос.

Акром ўзида йўқ хурсанд эди. Шу боис онаси берган пулни олиши билан ташқарига югурди.

— Мана, — дея ўзининг телефони Дилдорага узатди Назира опа, — уйингдагилар қўнғироқ қилишган бўлса, тез қайтиб чиқ. Бўлмаса, хавотир олишадди.

Дилдора бўлган воқеани онасига айтолмади. Фақат телефони тушиб кетиб сингани, Назира опаникидан қўнғироқ қилаётганини айтди. Қўнгли хотиржам тортган Мақсад опа уйга тез етиб келишини, отасини ҳам топишни тайинлади. «Амакинг қайтиб келди. Дадангга яхши янгилик бор», деди.

— Амаким келибди, сафарга кетганди, ойим тез кел деяпти. Дадамни ҳам дарров топарканман, —

деди Дилдора ойиси билан гаплашиб бўлганидан кейин.

— Тинчликмикин, ишқилиб? — дея хавотир билан сўради Назира опа.

— Тинчликка ўхшайди. Амаким қандайдир янгилик олиб келган бўлса керак. Лекин дадамни қаердан топаман?

— Унда бундай қиламиз, қизим, сен дўконда ўтира тур. Мен тахминан уларнинг қаердалигини биламан. Тез бориб, айтиб келаман. Хўпми? — деди Назира опа ва касса орқасидаги стул суянчигига илинган қора чарм сумкасини олиб, елкасига илди.

Дилдоранинг ёлғиз ўзи дўконда талай муддат ишлади. Тез-тез эшик томонга кўз ташлаб қўяркан, Назира опанинг келишини интизорлик билан кутди. Аммо аёлдан сира дарак бўлавермади. Унинг ўрнига бутунлай хаёлидан чиқиб кетган Ақром келди. Иржайганча, тиржайганча, чиройли қутида бир нима кўтариб келди.

— Мана, хоним, сизнинг мушкулингизни осон қилиб келдик. Сим картангизни беринг. Қўямиз, олам гулистон. «Samsung Galaxy 4». Яқингинада чиққан. Оригинали. Танишимдан олдим. Минг йил ишлайди. Беш-олтита ўйин ҳам ёздирдим. Телефон хотирасига биринчи бўлиб ўзимнинг рақамимни муҳрлаб қўйдим, — деди йигит шошилиб гапираркан.

Дилдора ўзида йўқ хурсанд эди. Бунақа телефон қаёқда, ўзиникидан сал яхширогини орзу қилганди. Бирдан энг зўри пайдо бўлди.

— Раҳмат! — деди қиз ҳаяжонини яширолмай. — Ҳеч қачон эсимдан чиқармайман!

— Буниси ҳали ҳолва. Бошланиши бу. Бундан ҳам зўрларини тутасан.

Ақром шундай дейиши билан мутлақо кутилмаганда эшикдан Гули кириб келди. Дилдоранинг қовоғи осилди. Ақром безовталанди. «Бунга бу ерда

пишириб қўйибдими?» дея хаёлидан ўтказди. Гули иржайди.

— Акрамчик, асалим, бормисан? — деди сўнг нозланиб ҳамда моделларга ўхшаб қадам ташлаганча йигитнинг ёнига келиб, лабини чўзди.

Акром шу заҳоти ўзини олиб қочишга уринди. Аммо улгурмади. Гули уни чўлпиллатиб ўпди. Акроннинг юзида қип-қизил лаб бўёгининг изи қолди.

Шу маҳал бир нарсa «қарс» этди. Акром шу заҳоти Дилдора томонга юзланди. Дилдора қўлидаги телефонни касса столи устига урган эди.

* * *

Равшан уларнинг ёнига қайтиб бормади. Бир муддат пешонасини тириштириб қараб турди-да, ортига бурилиб кетди. Узоқ юрди. Ҳали бутазордан, ҳали дарадан ўтди. Тинкаси қуриб, сулайиб қолаёзганида ўзига панароқ жой топди. Бир қанча муддат чўзилиб ётди. Кейин яна йўл юрди. Тунлари қийин бўлди. Совуқ забтига олганида ана ўламан, мана ўламан, деб ётди. Яна йиртқичлардан кўрқди. Бирортаси пайдо бўлиб қолса, шўримга шўрва тўкилади, деди. Бахти бор экан, йиртқичлар безовта қилишмади. Йўлда у ўзлари миниб келган отларга дуч келди. Ҳақиқатан ҳам биттаси йўқ экан. Демак, бўрилар еб қўйгани рост экан-да, дея хаёлидан ўтказди. Эмин-эркин, истаган жойига бориб, истаган жойида тўйиб-тўйиб ўтлаб, сув ичиб юрган отлар анча ёввойилашиб кетишибди. Равшан улардан бирортасини ушлаб, миниб кетаман, деган ниятда яқинлашганди. Аммо отлар қочиб қолишди. Йигитнинг энди уларнинг ортидан қувишга мадори қолмаганди, шу боис қўлини силтаб, оёғига зўр берди.

Еттинчи куни узоқдан уйлар кўринди. Равшаннинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. «Ўламанми? Суякларим ер устида қоладими, девдим. Ҳар қалай, Тангри меҳрини аямади», дея пичирлади ва

яна юришда давом этди. Аммо энди узоқ кетолмади. Оёқлари шишиб, томирлари бўртиб чиқиб кетган, товонидан биров игна санчаётгандай эди. Бунинг устига, боши айланди. Йиқилди. «Етолмадим-а», дея пичирлади лаблари...

Кўзини очди. Шифт... Тиканлар, хас-чўплар, ёғочлар кўриниб турибди. «Гўрдаман. Кимдир мени топиб олган. Инсофли экан. Кўмибди. Кўзимнинг очилганига қараганда, яқинда кўмган. Бундан чиқди, ҳализамон ҳисоб сўровчи фаришталар келишадди. Онамдан гўдаклигимда кўп эшитганман. Уларда раҳм-шафқат бўлмаскан. Гуноҳинг борми, гурзиси билан шундай уришарканки, майда-майда бўлиб кетаркансан. Лекин ўлмас экансан. Улар яна бўлакларингни бир жойга тўплашаркан-да, сўроққа тутишаркан. Сен жавоб беролмайсан. Чунки савоб деган нарсанинг ўзи йўқ сенда. Акангнинг дардига малҳам олиб келаётгандинг. Аммо шуниям етказиб беролмадинг. Демак, шу биргина савобни ҳам ололмадинг. Гурзи гурсиллаб бошинггами, белинггами тушади... Йўғ-э, жа баланд-ку. Ўлмаганга ўхшайман. Қандайдир уйда ётибман. Ёки оғилмикан? Нима фарқи бор? Муҳими, одамлар яшайдиган жойдаман. Ўлмайман. Ўлмайсан, Равшан! Ўлмайсан!» дея ўйлади у ва секин бошини кўтараркан, эшикка кўзи тушди. Кейин деразани кўрди. Ҳа-а, булардан олдин оҳакланган деворга кўз ташлади. «Ур-ра! Ур-ра!» деб қичқириб юборишига бир баҳя қолди. Лекин бировнинг уйида ётган бўлсам, уй эгасини безовта қилиб қўймайин, деб бақирмади. Кейин эса бир қўлига суянган кўйи гавдасини кўтарди.

Унинг ўзига келишини, гавдасини кўтаришини олдиндан сезгандай эшик очилиб, бир аёл кирди. Бошига рўмол ўраб олган. Юзи тўрлаган.

— Хайрият, — деди у Равшанни кўриб.

— Ҳалиги... Ассалому алайкум, — деди Равшан бошқа гап тополмай.

— Аввал ювиниб олинг, кейин салом берасиз, — дея аёл қўлидагини полга қўйди.

Бу чойнак эди. Чой дамлайдиган чойнак.

— Тоғора билан сувни шу ерга олиб келаман.

У кетиши билан Равшан қўлларига зўр берди ва қаддини янада ростлади.

— Қандай келиб қолдим? — сўради Равшан юзини ювиб бўлиб, сочиққа артинарган.

— Келиб қолмадингиз, сизни ўзим кўтариб олиб келдим. Кун ботарда топдим. Зўримсойнинг этагида ётган экансиз. Ўлиб қолганми, деб ўйлагандим. Тирик экансиз. Бошқа одам бўлмагандан кейин кўтариб олдим. Ўзиям қушдай енгил экансиз? Ўзи қаердан келаётган эдингиз, бобо? — деди аёл унинг юзига тикилиб.

— Бобо?! — деди Равшан ҳайрон бўлиб. — Шунча қариб кетдимми?! Эндигина ўттиздан ошдим-ку!

— Узр, соқолингиз ўсиб кетганига... Шошманг, сиз турма-пурмадан қочмаганмисиз, ишқилиб?! — деди бирдан кўзлари каттариб кетган аёл.

— Турма?! Йўғ-э, мен... Мен бир жойга сафарга чиққандим. Пиёда. Бир ўзим... Менга қаранг, овқат-повқатингиз борми?

— Бор. Мастава қилгандим. Ҳозир сузиб келаман, — дея аёл ўрнидан чаққон турди.

Равшан бир оғиз ҳам гапирмади. Худди биров тортиб оладигандай шошиб, нон тишлади. Шошиб мастава ичди. Ора-чора бурнини тортиб қўйди. Ўзига ажабланганча тикилиб ўтирган аёлга бир-бир қараб қўйди. Уялди. Бироқ очлик уятдан устун эди. Қоринга нимадир тушиши муҳим эди. Нон тугади. Бир коса овқат тугади. Назарида тўймагандай эди. Шу боис умид билан аёлга термилди.

Аёл унинг нима демоқчилигини дарров тушунди.

— Бирдан кўп еб қўйсангиз, бўкиб қоласиз. Шунинг учун бир-икки соат шошманг, кейин яна бераман, — деди.

— Тўғриси айтсам, қарийб ўн кундан... Йўқ, ундан ҳам кўп вақт туз тотганим йўқ. Шунга очофат экан демайсиз, — дея бошини эгди Равшан.

— Йўғ-э, ўлиб қолмадингизми? Нима қилиб шундай замонда ўн кунлаб овқат емай юрибсиз?

— Эй-й, бунинг тарихи узун. Очликдан ўлмаганимнинг сабаби, еса бўладиган ўтни билардим. Лекин ўзингиз биласиз, ўт одамзодга жа куч беравермайди... Неча соат ухладим?

— Неча соатмас, нақ икки ярим кун. Ўлиб қолмаса гўргайди, деб роса хавотир олдим.

— Икки ярим кун! Эҳ-ҳе! — дея бошини қимирлатди Равшан. — Бу... ҳалиги... уйингиздагилар ҳам бу балони қайси гўрдан топиб келдинг, дейишгандир.

Аёл бошини эгди. Бир муддат жим ўтирди. Чуқур-чуқур, оғир-оғир хўрсинди. Кейин:

— Уйда мендан бошқа ҳеч ким йўқ, — деди.

— Нега?! — ҳайрон бўлди Равшан.

— Эрим, қайнона-қайнотам ўлган. Бола бўлмаган. Энди шуларнинг чироғи ўчиб қолмасин, деб ўтирибман. Ота уйимга бир-икки марта бордим. Аммо сиғмадим. Биринчи сафар уч ҳафта яшадим. Кейингисида атиги бир ҳафта. Келин бор. Ҳали ундай дейди, ҳали бундай. Шу охириги борганимда, келиннинг укамга: «Опангизнинг қадами ёмон. У борган жойда бирорта фалокат бўлади. Ана, эри тугул қайнона-қайнотасининг ҳам бошига етди», деганини эшитиб қолдим. Ичимдан зил кетди. Бу уйни елкамнинг чуқури кўрсин, дедим-да, лаш-лушларимни йиғиштириб, кетиб қолдим. Мана, шунгайм олти йилдан ошди.

— Бошқа эрга тегмадингизми?

— Йўқ, — дея аянчли кулиб, бошини қимирлатди аёл. — Ким ҳам мени оларди? Бу ёғи Яратган чиройдан ҳам қисган бўлса. Қаранг, уйимиз қишлоқнинг энг чеккасида. Ҳамманинг уйи бир-бирига тутшиб-тутшиб кетган. Бизники бўлса икки тош берида. Қишлоқ билан уйимиз оралигида ўттиз гектар боғ бор.

Равшан ўзини орқага ташлади. «Йўлдан адашибман. Бошқа жойга келиб қолибман. Биз бунақанги жойдан ўтмагандик. Шаҳар тугайди. Кейин тўртта катта қишлоқ. Битта туман маркази. Кейин яна етти қишлоқ. Аммо охири боғ билан тугайдиган қишлоқ йўқ эди», дея хаёлидан ўтказди у. Лекин бу ҳақда аёлга ҳеч нима демади.

— Мен бўлсам ҳали уйланмаганман.

— Нега?! — дея сўради ҳайратланган аёл.

— Ҳали ўқиш, ҳали иш билан. Илмий ишларим кўп эди.

— Қаерда яшайсиз?

— Шаҳарда... Менга қаранг, — дея аёлга тикилди Равшан, — менга тегинг.

Аёл бирдан ортига тисланди.

— Нималар деяпсиз?! Нега тегарканман?! — деди ҳадиксираб дераза томонга кўз ташлаб қўяркан.

— Уйланмаганман. Сизни шаҳарга олиб кетаман. Тўй қиламиз. Уйланаман.

— Бўйдоқ экансиз. Мен эса эр кўрганман, — деди аёл киприклари пирпираб.

«Барибир, барибир, мақсадимга етаман!» деган ўй Равшаннинг хаёлини сермаб ўтди.

У хаёлидагини ижобат этиш учун секин аёлга яқинлашди. Шунда аёл кескин ҳаракат билан ўрнидан турди.

— Мен ниятингизни сезиб турибман. Аммо сиздан сира бунақа нарсани кутмагандим. Ўлар бир ҳолингизда олиб келдим бу ёққа. Амаллаб ўзингиз-

га келтирдим. Энди сиз... Сизга дуч келганимда афт-ангорингизга қараб, “Бу одам яхшига ўхшамайди. Ҳозир ёрдам қилсам-у, кейин бир балони орттириб олсам, нима бўлади?” деб ўйлагандим. Ҳозир шу ўйим рўёбга чиқяпти.

Равшан бирдан сергак тортиб, жойига ўтирди-да, бошига муштлади.

— Тентакман, аҳмоқман, разилман! Яхшиликни билмаган кўрнамакман! — дея минғирлади ва аёлнинг юзига қараб, секин сўради. — Исмингиз нима?

— Нима қиласиз исминни?

— Менга ёрдам берган аёлнинг исмини билишим керак-ку!

— Фалон қишлоқда фалон аёл бор экан. Эрсиз экан. Ҳар қандай эркакни уйига киргизавераркан, деб бировларга айтиш учунми?

— Йўқ. Ўзим учун керак.

— Салтанат отим!

— Сизга мингдан минг раҳмат. Энди мен кетай. Агар бир-икки сўм топсам, почта орқали жўнатаман. Ҳарна сизга озгина ёрдам бўлади...

— Керак эмас. Яратганни эсингиздан чиқармасангиз бўлди.

— Қоғоз-қалам беринг. Яшаш манзилимни ёзиб бераман. Боя айтган гапим гап. Агар менга эрга тегишга рози бўлсангиз, боринг. Мен жон-жон деб сизни хотин қиламан. Кейин бошимда кўтариб юраман.

— Кетасизми? — сўради аёл унга совуқ нигоҳини қадаб.

— Ҳа. Фақат яна битта илтимос, менга устара топиб берсангиз, соқолимни олмасам, бу аҳволда кўрган одамлар худди сизга ўхшаб ёмон хаёлга боришлари мумкин.

Аёл индамай ташқарига чиқиб кетди. Равшан яна бошини ёстиққа ташлади-да, сочини чангаллади.

— Иблисман! Иблис! Нега шунақаман?! Нега бирдан ёмон хаёлга бораман?! Кела-келгунимча, шу ерга етгунимча одам бўламан, одам бўламан, деб ўзимга ўзим озмунча қасам ичдимми?! Дарров эсимдан чиқариб қўйдим-а! Сал оёққа туришим, сал жонланишим билан эсимдан чиқардим! Йўқ, бунақаси кетмайди!

Аёл устара, совун, сув кўтариб келди-да, қўлидагиларни дераза токчасига қўйди. Сўнг деворга илинган кичкина ойначани олиб, ромга тиради.

Равшан ундан кўзини узмай ўтираркан: “Қадли қомати келишган, ҳаракатлари чаққон... Чирой... Э, ўзим ҳам жа кетворган эмасман. Айни менбоп аёл”, дея хаёлидан ўтказди.

Салтанат у томонга ўтирилиши билан кўзини бошқа ёққа олиб қочди.

— Мана, айтган нарсангиз тайёр, — деди аёл ва бир-бир босганча уйдан чиқиб кетди.

Истар-истамай чиқди. Шуни Равшан илғаб қолди. “Ўйлаяпти. “Шунча йил ёлғиз яшадим. Уй ютиб юбораман, дейди. Балки, шу йигитга турмушга чиқсам, ҳаётим ўзгариб қолармиди?” деяпти. Ҳа-а, аниқ биладим, шундай деяпти. Фақат мен овсар тузукроқ гап тополмаяпман-да. Кўнглини эритадиган гап топганимда тўғри акамнинг уйига бошлаб борардим. “Мана шу жувонга уйланаман. Мени никоҳлаб қўйинглар”, дердим. Кеннойим йўқ демайди. У худди онамдай бўлиб қолган. Акам ҳам кўнади. Чунки у менинг эртароқ тинчиб, ўзимнинг аравамни ўзим тортиб кетишимни хоҳлайди”, дея ўйларкан, Равшан соқол олиш асносида икки марта юзини кесиб олди. Қон чиқди. Кулди. “Менда ҳам қон бор эканми?” деди ўзига ўзи. Сўнг яна устарани юз териси устида юрғазишда давом этди. Бу орада Салтанат кириб, дастурхонни йиғиштириб ола бошлади.

— Сизни Ҳақ таоло кечирмайди, — деди шу пайт бирдан Равшан.

У кутилмаганда шундай деб юборди. Ўйлаб ҳам ўтирмади. Хаёлига келганини гапирди. Аёл ток ургандай чўчиб тушди. Бирдан кўзлари олайиб, Равшанга қаради.

— Нима деганингиз бу?! — деди титраб-қақшаб.

— Уйланмаган, ҳали бирорта ҳам аёл зотининг қўлини ушлаб кўрмаган, бўз йигит уйланишни таклиф қилиб турса-ю, йўқ дейсизми? Менга айтинг, қаерда эри вафот қилган жувон қайта турмушга чиқмаслиги керак, деб ёзиб қўйилган?! Ҳеч қаерда. Тўғри, сиз менга ишонмаяпсиз... Сиз менинг уйимга бориб, менинг маҳалламга бориб, дуч келган одамдан суриштиришингиз мумкин уйланган-уйланмаганимни. Кеннойим бор. Худди онамдек. Борсангиз, яхши кўриб қолади.

Равшан ҳақ эди. Салтанат уйга кирганда ҳам, чиққанда ҳам турмуш қуриш ҳақида ўйлаганди. Унга туртки керак эди. Жиддийроқ туртки. Мана ўша туртки.

— Лекин, — деди жувон лаби титраб, — мен сизга мос эмасман. Ўзингиз айтяпсиз уйланмаганман деб. Ана шуниси халақит беради.

— Халақит бермайди. Мен сизга юз фоиз кафолат беришим мумкин. Халақит бермайди. Сиз бир марта мени ўлимдан олиб қолиб, катта савоб қилдингиз. Энди менга турмушга чиқиб, бундан кейинги ҳаётимни ёритсангиз, ундан ҳам катта савоб иш қилган бўласиз, — деб Равшан аёл томонга ўгирилиб қаради.

Соқол-мўйловдан тозаланган юз бир мунча кўринимли бўлиб қолганди. Бу аёлга ёқди. Агар ҳозир боягидай Равшан яқинлашганида у ўзини олиб қочмасди. Салтанат бошини эгди.

— Мен билан кетасизми? — сўради Равшан.

— Билмасам...

Шунинг ўзи розилик эканлигини сезган Равшан беихтиёр ўрнидан туриб, қўлидаги устарани дераза тоқчасига қўйди. Сўнг жувонга яқинлашмоқчи бўлди. Бироқ бу сафар юраги дов бермади.

— Мени қанчалик хурсанд қилиб юборганингизни билсангиз эди, — деди паст овозда. — Энди тайёргарлик кўринг, кетамиз.

— Ҳозирми? — дея кипригини пирпиратди аёл.

— Ҳозир.

— Бизни қишлоқ одамлари ёнма-ён кўриб қолишса, нима деб ўйлашади?

— У ёғи мени қизиқтирмайди. Ҳалол хотин қилиб олмоқчиман сизни, шунинг учун майда-чуйда гап-сўзлар билан ишим йўқ.

* * *

Мақсад опа ҳангу манг бўлиб қолди. Қайниси одамбашара бўлиб келибди. Илгари зўрға соқолини олар, усти кир-чир бўлиб юарди. Кейин доим маст аҳволда ёки кўзи қизарган, олайган, ҳаммадан нафратланган бир кўйда пайдо бўларди. Хаттоки ўтган гал «Бўлди, мен тузалдим. Бундан бу ёғига ичмайман, чекмайман», деб келганида ҳам унинг афт-ангорига қараб бўлмасди. Кейин роса озиб кетганди. Бўртиб чиққан юз суяқларини кўриб, этинг жимирларди. Мумкин қадар унинг юзига қарамасликка ҳаракат қилардинг. Мана ҳозир анча-мунча тўлишибди. Башараси силлиқлашибди. Кийимлари ҳам тоза.

— Кеннойи, — деди Равшан анграйиб турган Мақсад опага, — сизга овсин олиб келдим.

— А-а, — дея бошидаги рўмолини тўғирлаган бўлди қайнисининг гапини англаб-англамаган Мақсад опа.

— Овсин дейман, сизга овсин олиб келдим.

— Нима?! Овсин?! — дея бирдан нигоҳини Равшаннинг ёнида бошини эгибгина турган жувонга қаратди Мақсад опа.

Жувоннинг елкалари кичрайди. Қочиб кетгудай, ерга киргудай аҳволда эди у.

— Оти Салтанат, кеннойи, мени бир ўлимдан олиб қолди. Уйланмоқчиман, кеннойи...

Мақсад опанинг қулоғига қайнисининг гапи кирмас, у жувонни бошидан оёғигача назоратдан ўтказмоқда эди.

— Айни менбоп, — дея гапини давом этказди Равшан.

— Ҳа-а, — деди Мақсад опа жувондан қўнгли тўлиб-тўлмай, — айни сизбоп, қайним. Бўлмаса, уйга киришлар.

Мақсад опа кўрпача тўшади. Дастурхон ёзди. Қандкурс қўйди дастурхонга. Шу вақт мобайнида кўзини «овсини»дан узмади. Унда рашкка ўхшаш бир нима пайдо бўлди. “Аттанг, қайним келиб-келиб шунга уйланадими? Э-э, Равшанга бундан бошқаси тегмайди-да”, дея қўнглидан ўтказиб қўйди ва Дилдорага қўнғироқ қилди.

* * *

Телефон қолди. Дилдора сумкачасини елкасига илди-ю, ташқарига югурганча чиқиб кетди. Нарироққа бориб, кўзидаги ёшни артаркан: «Хамелеон! Шармандаси чиққан юрадиганинг бор экан, нима қилардинг менга хушомад қилиб?» дея хаёлидан ўтказди ва қадамини янада тезлатди.

Бекатгача беш-олти одим қолган эди. Кутилмаганда ёнгинасига машина тўхтаб, унинг юрагини така-пука қилиб юборди. Қиз ҳатто «Вой!» деганча ўзини четга тортди. Жаҳли чиқиб: “Одамнинг шунчалик ҳам яқинига тўхтайдими?” дея машинага қаради. Таниш машина. Назира опанинг машинаси. Ёнида эри, орқа ўриндикда эса дадаси ўтирибди.

— Қизим, — дея эшикни очди дадаси, — кел, ўтир.

Дилдоранинг машинага чиққиси йўқ эди. Акромдан аразлаганди. Машинани эса Акромнинг онаси ҳайдаяпти. Ёнида эса унинг отаси ўтирибди. У аразлаган одамнинг энг яқинлари. Энди шулар билан бирга кетадими? Биттагина боласига одамга ўхшаб тарбия беролмаганлар билан бирга кетиш оғир. Аммо у машинага ўтирди. Отаси чақириб турибди-ку, бошқа нимаям қиларди.

Назира опа уларни дарвозанинг тагига тушириб кетди. Бердиёр “Киринглар, чой ичамиз”, деб икки-уч бор айтди. Аммо эр-хотин кўнишмади. Уни-буни баҳона қилишди. “Ҳали бафуржа келамиз. Ҳозир озроқ ишимиз бор”, дейишди.

Дилдора чопқиллаб ичкарига кириб кетгани билан Бердиёр бир муддат дарвозадан ўтолмай ташқарида турди. Укаси келибди. Хотинининг айтишига қараганда, янгилик бор эмиш. “Нима янгилик бўлиши мумкин? Бу бола яна нима касофатни кўтариб келди? Бундан сира қутулмасканман-да”, деган ўй уйга киришига тўсқинлик қилди. Охири:

— Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, — дея пичирлаб, секин ичкарилади.

Равшан айвонда эди. Акани уйда кутиб олиш яхши эмас. Аслида, бунақанги фикр унинг миясига келмаган, Мақсад опа чиқиб кетганида Салтанат қулогига қуйганди. “Акангизнинг дилини оғритиб чиқиб кетган экансиз. Энди ҳовлида кутиб олинг. Мени дарровда айтиб қўйманг, аввал дорини беринг. Тузаласиз, кўрмагандай бўлиб кетасиз денг”, деганди. Шу боис у ташқарида акасини кутиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турди. Аввал Дилдора кирди. Равшан жиянини багрига босиб, пешонасидан ўпиб қўйди. Кейин акасини сабрсизлик билан кутди. Ана киради. Мана киради. Йўқ, акадан дарак йўқ. “Нима

бўлди, яна мазаси бўлмай қолдимикан?” деган ҳаёлда энди дарвоза томонга юрмоқчи бўлганида Бердиёрнинг ўзи кўриниш бериб қолди.

— Ака! — дея бақирди Равшан турган жойида ва Бердиёр томон юрди.

Улар қучоқлашиб кўришишди. Бердиёр укаси билан шу тарзда кўриша олди. Бўлмаса, Равшандан жуда қаттиқ хафа эди. Шуни деб инфаркт бўлди. Шуни деб яримжонга айланди. Йўқ, жигар, барибир, жигар экан, мана, укасини кўрди-ю, ийиб кетди.

— Ака, мени кечиринг! Аблахлик қилиб қўйдим, — деди Равшан кўришиб бўлганларидан сўнг.

— Ҳечқиси йўқ. Мана, ўзинг соғ-омон келибсан, шунинг ўзи катта давлат, — дея унинг елкасига қокди Бердиёр.

— Ака, билсангиз, мен анави табибнинг ёнига бориб келдим. Сизга дори олиб келдим. Лекин ҳали кеннойимга ҳам айтганим йўқ. Мутлақо соғлом бўлиб кетаркансиз. Табибни ўзи шундай деди, — дея жилмайди Равшан.

— Ишқилиб, бошқа нарса қилмадингми? Жа бошқача чиқиб кетгандинглар.

Бердиёр янгиликдан қувонмади. У жиддий қиёфада укасига қараб турарди. Худди шу маҳал ошхона томондан Мақсад опанинг овози эшитилди:

— Умрингиздан барака топинг, Равшанжон!

У қизига уйда ўтирган жувон ҳақида гапирмоқчи, ўпка-гинасининг ҳеч бўлмаса бир тутамгинасини Дилдорага билдириб қўймоқчи эди. Бирдан қайнисининг гапини эшитиб қолди.

— Ака, сизга айтишим керак бўлган нарсалар кўп. Мен бу сафар ҳақиқатан одам бўлиб қайтиб келдим. Рост! Ҳозир, кеннойимга дорини берай. Дарров тайёрласин. Битта ичганингиздан билдиради.

Ҳар қалай, табибнинг дорилари шунақа таъсир қилади. Мана, мени қаранг, ўзгариш борми ё йўқми?

— Ўзгариш?.. Ҳа-а, озгина тўлишибсан, — деди Бердиёр.

— Айтсам ишонмайсиз, бир ҳафта фақат ўт еганман. Ям-яшил ўт. Энди ўйлаяпман, шу ўт семиртирган экан.

— Майли, юр, қани, уйга кирайлик.

— Ака, яна битта гап бор, — деб Равшан бошини эгди.

— Ишқилиб, ука, ёмонини айтма. Майли, у ёғи нима бўлса бўлсин, лекин ёмонини айтма.

— Ака, биласизми, келаётганимда битта аёлни учратиб қолдим. Шунга уйланмоқчиман.

— Уф-ф, гапни шундан бошламайсанми? Яхши бўпти. Ким, қаерда яшайди? Ҳаммасини сўраб-билиб келдингми?

— Ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмасдан уни ўзим билан бирга олиб келавердим, ака...

Бердиёрнинг юраги шув этди. “Бу ақлсиз бола кўчада юрадиган шармандалардан бирортасини етаклаб келмадимикан, ишқилиб?” дея кўнглидан ўтказди-да, укасини четлаб ўтиб, ҳовли томонга юрди.

Ҳа-а, жувон унга ёқмади. Офтобда қорайган, тиринган башара. “Укам келиб-келиб шунга уйландими? Бунга ҳеч нима, ҳатто кийим ҳам ярашмайди-ку! Йўқ, бўлмайди! Бўлмайди... Равшан буни ҳозироқ ҳайдайди. Ҳайдамаса, унинг ўзига ҳам менинг уйимга жой йўқ. Ҳа-а, укам-а, укам, келиб-келиб ҳаммадан қолган исқиртга ишқинг тушди-ми?” дея ўз-ўзига гапирди Бердиёр.

* * *

Занжирдан бўшалган Олапар осмонга сапчиб, ва-жоҳатли ириллади. Сўнг жони борича югурди. Аммо Кошифга етишига икки қадам қолганида бирдан тўхтади. Кейин ерга ётиб, қўли билан юзини ювиб,

эркаланди. Кошиф жилмайганча секин Олапарнинг ёнига тиззалаб ўтирди-да, итнинг бошини силади. «Бор, вазифангни бажар», деди ва ўрнидан туриб, йўлида давом этди.

Сафарбой тахта бўлиб қолди. «Шундай ит... Шундай қопқир ит-а... Нимага? Нимага бирдан ювош тортиб қолди?» дея хаёлидан ўтказди у ва то ити келиб, оёғи остида ўралашмагунча қотиб тураверди.

Буталарни бирма-бир четлаб ўтган Кошиф тоғнинг энг тепасига чиқиб, атрофга аланглади. Ҳув нарида, бирор ўн беш-йигирма чақирим узоқликда жуда кўп уйларни кўрди. Битта-иккитасининг томида чироқ ҳам ёниб турган эди. “Нега бунча тикилинч қуришган уйларини? Одамлар кўп экан. Ер улардан-да кўп. Имкон бор-ку кенг, ёйилиб яшашга”, дея ўйлади Кошиф ва ўтирганча кузатишда давом этди. Кўзи юриб кетаётган темир-терсакларга тушиб, юраги бир қалқди. Она-отасини, Беназир отанинг гапларини эслади. “Шунақанги термир-терсакнинг ичида мени дунёга келтирганлар бўлишган... Мени қариндош, қондошларим ана шу уйларнинг бирортасида яшаса, не ажаб. Бориб ўзимни танитсам, бирортаси жигарим дермикан, бағрига босармикан, севиб эркалармикан?.. Кўп йиллар ўтиб кетди. Эҳтимол, мени умуман эсларидан чиқариб юборишгандир. Мен чақалоқ бўлганман. Қажоқдан ҳам танишсин?” дея ўйлаб, хўрсиниб-хўрсиниб қўйди. Сўнг ўрнидан туриб кетди. Буталар оралаганча узоқлаб юрди. Эгасиз ўтлаб юрган қорамолларни, қўйларни кўрди. Улар ҳеч нимадан хавфсизрамай бемалол юришарди. “Бизнинг қишлоқ қўйларига, молларига ўхшаркан. Аммо бизда чўпон бўлади. Чўпон бўлмаса, бўри ейди молларни”, дея ўйлади Кошиф юришда давом этаркан.

У жуда узоқлаб кетди. Қанчадан-қанча янги доривор ўсимликларни топди. Яна узоқлади. Кетавер-

ди. Кетаверди. Аста-секин тоғлар пасайиб, қир-адир-ликлар бошланди. Дарахт йўқ. Ўсимликлар қуриб битган. Кейин у ёғи чўл. Кошиф ерга чордона қуриб ўтирди. Бир сиқим тупроқни қўлига олди. Жудаям кўп туз. Бундай жойда гиёҳ бўлмайди. Бўлганиям жуда оз. Аслида, ердан кўкариб чиққан ҳар битта ўсимликнинг ўзига хос дориворлик хусусияти бор. Бироқ баъзилариники жуда оз миқдорда. Мана, ҳозир у ўтирган жойники жудаям оз.

Кошиф аввал тамадди қилди. Кун охирлаб бора-ётганди. Кунчиқар томоннинг ўнгида кўриниб турган тоғларга етиш керак. Пиёда юриш билан масофани қисқартириб бўлмайди. Шу боис дуо қила бошлади.

Янги тоғлар, нотаниш маскан. У тунда юришни тўхтатди. Қулайроқ жой топиб, бошини тош устига қўйди. Кўзини юмди. Янги ой ҳали чиқмаганлиги боис атрофни зулмат қоплаган. Чигирткаларнинггина сайраши эшитилади. Чарчоқ голиб келиб, Кошиф ухлаб қолди.

Вақт алламаҳалдан ошган эди. Аввал гуриллаган овоз эшитилди. Сўнг нимадир қарсиллади. Кейин кимдир кимгадир ёлвора бошлади. Бундан олдинроқ уйғониб кетган Кошиф қуйироқда чироқ кўрди. Иккита чироқ. Унинг ёруғида тўрт киши бор. Биттаси тиззалаган, учтаси унинг қаршисида нималардир деб бақиряпти. Тиззалаб ўтирган улар томонга иккала қўлини ҳам чўзганча ниманидир илтимос қиляпти. Ўлдирманглар, деяпти чоғи. Кошиф нохушликни сезиб, тезда пастлай бошлади. Чироқ ёруғидагиларнинг ёнига етишига ўн қадамча қолганди. Бир маҳал тиззалаб ўтирганни қаршисидагилардан бири тепди. Ўтирган орқасига йиқилди.

— Тўхтанг! — бақирди Кошиф.

Учовлон бирдан овоз келган томонга қаради.

— Тўхтанг! — такрорлади Кошиф.

Учовлон ҳайрон. Улар “Бу ким бўлди? Қардан пайдо бўлди? Ишқилиб, милиса-пилисамасмикан?” деган ўйда бир хиёл қочмоқчи ҳам бўлишди. Бироқ шудай овлоқ чойда милиция бўлишига ишонишмади ва уларни тўхтатган одамнинг етиб келишини кутишди.

Нихоят, Кошиф чироқ ёруғида пайдо бўлди. У шу ергача югуриб тушганди.

— Бирпас шошманг! — деди Кошиф янада яқинлашиб.

Учовлон қарашса, чўпон деса чўпонга ўхшамайдиган бир одам яқинлашиб келяпти.

— Сен кимсан? — сўради ургувчилардан биттаси.

— Фуқароман.

— Қанақа фуқаро? — бир-биридан баттар ажабланди учовлон.

Калтакланган хурсанд бўлиб кетди. Ҳартугул, кимдир манави зўравонларни кўриб қолди. Унинг яшаб қолишидан умид бор.

— Алкашми? — деди зўрлардан биттаси.

— Шунақага ўхшайди, — деди иккинчиси.

— Тоғда алкашга бало борми? Ўзингни танит!

Кошиф жавоб бермасдан, уларга жуда яқин келди.

— Тангридан қўрқинг! Банданинг бандага зулм ўтказиши яхши эмас, — деди Кошиф.

— Нима деяпти бу пиёниста? — дея ҳиринглаб кулди зўравонларнинг узун.

— Иккитасини гумдон қилишга мажбурмиз энди.

Зўравонлар Кошифни уч томонидан қуршаб олишди. Аввал рўпарасида тургани қўлини мушт қилиб Кошифга кўтарди. Аммо шу ондаёқ қўлининг томирлари тортишиб қолди-да, инграганча ўтирди.

— Тегинманглар унга, ажинага дуч келиб қолган-

га ўхшаймиз! Ундан кўра қочайлик, қочайлик! Вой қўлим, в-о-о-й!

Шерикларнинг юраклари тапир-тупур қилиб кетди. Улар шоша-пиша машина эшиklarини очишди. Учинчи билан ишлари бўлмай, эртароқ қочиb қолишни ўйлашди.

— Мени ташлаб кетманглар! — дея бақирди учинчи зўравон ва ўрнидан турибоқ, орқаси томон юраётган машинанинг изидан югурди.

Анча нарига бориb, машинанинг эшиги очилиб-ёпилди.

— А-жи-на-а-а, мен-га те-гин-ма, ўзи та-мом бўлган-ман! — деди калтакланган одам ётган жойида сўзларни бўлиб-бўлиб гапираркан.

— Мен ажина эмасман, — дея унга яқинлаша бошлади Кошиф.

— Ҳозиргина ўз кўзим билан Бохонинг қўлини шол қилиб қўйганингни кўрдим-ку! — деди йиқилиб ётган одам орқаси билан сурилганча қочмоққа шайланиб.

— Мен одамман. Оддий одам. Жин бўлишдан Ҳақ таоло сақласин!

— Унда нимага одамга ўхшамайсан?

— Табибман. Нега ўхшамаётганимни билмайман. Менимча, ўхшайман. Бурнингнинг суяги синганини эшитдим. Табибман, даволайман.

— Йўғ-э! — шундай дея жабрдийда ўрнидан туриб ўтирди. — Унда анавининг қўлини, ҳалиги синдирдингми, шол қилдингми, бир нарса қилдинг-ку.

Кошиф секин унинг бошига қўлини қўйди. Жабрдийда тафт сездн. Қандайдир енгил тортгандай бўлди.

— От! Ажина бўлса ҳам ўлади, от!

Кошиф қаддини ростлали-да, овоз келган томонга қаради. Нарироқда қочганлардан икkitасининг қораси кўринди.

— Ё, Парвардигор! Уларга зиён етказиб қўйишдан сақла! — деди Кошиф.

Йўқ, қурол буларнинг қўлида ҳам ишламади. Ҳар доим, ҳамма жойда, ҳар кимдан ҳақини ундириб оладиганлар, фирромлик, фисқи фасоднинг минг битта турини мукаммал эгаллаганлар тахтадай қотиб қолишди.

— Бос! Бос тепкини! — дея бири иккинчисига бақирди.

— Босилмаяпти! — дея ундан ўтказиб қичқирди буниси.

— Бер бу ёққа!

Тўппонча яна ишламади. Йўқ, қурол ушлаган қўлини осмонга кўтариб, тепкини босганди, ишлади. Кейин яна Кошифга тўғрилаб отмоқчи бўлганида тепки босилмади. Ана ундан кейин улар Кошифни ҳақиқатан ҳам ажина деб ўйлашди ва олди-орқаларига қарамасдан қочишди. Ана ундан кейин қайтмайдиган бўлиб кетишди. “Ибл-и-ис! Шайтон!” — овозларининг борича шундай деб бақирди.

Жабрдийда ортига тисарилди. У ҳам анави ярамасларнинг гапларига ишонди. “Биз шайтонга дуч келдик. Улар қочиб қутулишди. Мен эса ажинанинг чангалида қолдим. Эсиз, одамлар қўлида ўлганим минг марта афзал эди. Энди бу махлуқ мени нима қўйларга солади-ю, нима дардларни бошимдан ўтказиб ўламан? Ўзи шу бало қолганди гирифтор бўлмаганим. Мана, буни ҳам татиб кўрадиган бўлдим... Балки, шайтон осонлик билан ўлдирад. Ўлганимни сезмай қоларман. Бир жойинг кесилиб, оғриққа чидолмай, додлаб-додлаб ўлгандан кўра, осонгина жон таслим қилиш яхшироқдир. Боя бошимга қўлини қўйганида иссиқ бир нимани ҳис қилдим-ку... Шошма, бу табибман, деди. Балки, авлиёдир. Эй, Танграм, тортган ҳамма азобларимнинг мукофоти сифатида авлиёни менга дучор қилдинг-

ми?!” деб ўйлади у. Сўнг тисарилишдан тўхтади. Кошиф қочиб кетганлар ортидан қараб турарди. Ичидан куюнарди. Одамларнинг бу даражада тубанлашиб кетганини билмаган эди. Катта тоғ қишлоғида биргина Насимнинг феъли чатоқроқ. Бу ёқда эса кимга дуч келмасин, фитна кўринишларни кўз-кўз қиляпти.

Кошиф афсус билан бош чайқади ва жабрдийданинг ёнига келди. Ўтирди. “Улар ким? Нега сени бу аҳволга солишди? Нима зиёнинг текканди?” демади. Муолажага киришди. Жабрдийда синган бурунни бунчалик тез, оғриқсиз жойига солишини кутмаганди. Ҳайратдан донг қотди.

— Исмнингиз нима? — сўради ундан Кошиф юмушини охирлатганидан кейин.

— Азамат. Раҳмат сизга. Ўзингиз кимсиз? — дея Кошифга тикилди жабрдийда.

Қоронғи. Кошифнинг юзидаги ифода кўринмайди.

— Табибман...

— Ҳа, ҳа, ҳа. Тўғри, тўғри. Калламга келмаганини қаранг. Табиблар тоғма-тоғ юришади. Ҳар хил гиёҳлар теришади. Мен булар тўғрисида кўп эшитганман... Қаерликсиз?

— Тоғ қишлоғиданман.

— Тоғ қишлоғи? Ҳалиги... У ернинг оти нима?

— Билмадим. Ҳеч ким айтмаган.

— Майли, майли, ия, — деб Кошифга яхшироқ тикилди Азамат, — шунақаси ҳам бўларканми? Оти бўлиши керак эди-ку. Ё оти “Тоғ қишлоғи”ми?

— Балки, шундайдир. Қани, энди тулинг. Маконингиз узоқми?

— Маконим?! — баттар ажабланди Азамат. — Уйингиз демоқчимисиз? Ҳа-а, уйим узоқ. Шаҳарда яшайман. Машинада бу ердан икки соатча юрилади.

Кошиф машина нима эканлигини тушунмади. Кейин соатни ҳам англамади.

— Етиб ололасизми? — деди.

— Энди пиёда юришга озроқ узоқлик қилади-да. Бунинг устига, ярим оқшом. Адашиб кетиш мумкин. Кейин тинимсиз юрсам ҳам, эртага пешингача етолмасам керак... Йўқ, олдинроқ етиш мумкин. Сабаби, тонг отгач, бирорта машина-пашинага минарман-да. Лекин, барибир, ҳозир юришга қўрқаман. Ундан кейин шаҳарда нима қиламан? Сиздай одамни учратдим. Озгина суҳбатингизни олай... Менчи, агар уйингизнинг манзилини айтсангиз, мана шундай бир жойи синган, ёрилганларнинг ҳаммасини олиб борардим. Тўғри-да, шаҳарда бунақа жароҳатларни азоб бериб даволашади. Жонингиз қийналади...

— Ором зарур сизга, — дея унинг гапини бўлди Кошиф.

— Тўғри, юмшоққина кўрпа-тўшак, бир косагина иссиқ шўрва бўлса. Шўрвани ичиб, оёғимни узатиб ётардим.

Кошиф мийиғида кулди. Бироқ унинг кулгиси қоронғида кўринмади.

Табиб ўрнидан турди. Кета бошлади. Азамат ёлғиз қолиб кетаётганидан кўрқиб, дарров ўрнидан турди-да, унинг ортидан эргашди. Улар талай муддат юришди. Кошиф ётса бўладиган қуруқ жой топди. Азаматни қуриб ётган ўт устига ўтқазди. Кейин қопидан бир чимдим чойга ўхшаб кетадиган гиёҳ майдасини берди. “Чайнаб еб юборинг. Мазаси сал тахирроқ. Аммо фойдаси кўп”, деди. Ўзи эса хас-хашак йиғиб, ўт ёқди.

Азамат унинг айтганини қилди. Сўнг дарров ухлаб қолди.

Кошиф тунни бедор ўтказди. Шунчакимас, бекоргамас. Кун ботарнинг чапроғига юзланганча дил-

ни равшан этувчи, руҳни енгиллаштирувчи сўзларни пичирлаб хиргойи қилганча ўтирди. Қуёш жамолини кўрсата бошлаганида нонушта тайёрлади. Қопида озгина эт бор эди. Яна озгина бошқа егуликлар ҳам солиб олганди. Шулардан таом тайёрлади.

Қопидан идишчасини олиб, юз-юз эллик қадам нарида жилдирабгина оқаётган жилгадан сув олиб келди. Кечаси ёқилган ўтнинг чўғи устига қуриган хашак, чўп ташлаб олов ёқди. Идишдаги сувни қайнатди. Унга дамлама солди. Кейин Азаматни уйғотди. Азамат зўрға уйғонди. Кечаси бир оз совуқ қотганди. Ора-чора уйғониб, кейин яна ухлаганди. Ҳозир танаси яна иссиқликни ҳис этди. Бунинг устига, қуёш нури озгина илита бошлаганди. Шу боис ҳам яна ётишни тусади. Бироқ... Тўғриси, кечаси Кошифнинг устидагиларни кўрмаганди. Кейин сочи, соқоли ҳам бундай узун деб ўйлаганди. Қўрқиб кетди.

— Нима бўлди? — деди Кошиф жилмайиб.

— Ҳалиги. Бояги... Нимайди?..

Кошифнинг кўзидан таралаётган нур унинг тилини боғлаб қўяётганди.

— Анави томонда, унча узроқ бўлмаган жойдаги булоқ сувида юзингизни ювсангиз, тетиклашасиз, — деди табиб.

Азамат унинг гапига сўзсиз итоат этиб, ўрнидан турди-да, тез-тез юриб кетди. Дарров юзини ювиб, изига қайтди. Бироқ дастурхондаги озгина егуликка қўл чўзишга ботинолмай ўтирди.

— Сиз ҳозир меҳмонимсиз. Мен тоғда кўп юрман. Сиз бошқа жойдан келибсиз, шундай экан, менинг мезбонлигим кўпроқ. Қани, дастурхондагилардан олинг.

Азамат кичкинагина гўшт бўлагини олиб, оғзига солгач:

— Сиз ҳақиқатан ҳам табибмисиз? — дея сўради.

— Жароҳатингиз оғримаяптими?

Азамат бирдан бурнини ушлади.

— Йўқ, — деди кўзи чақнаб, — оғримаяпти! Сира оғримаяпти! Мана, қаттиқроқ босяпман. Оғримаяпти. Синганини аниқ биламан. Қирсиллаганини эшитгандим. Бунча тез битиб кетади, деб ўйлагандим.

— Яратган шифосини берса, битади.

— Шу... Мени бир нарса ўйлантиряпти-да.

Кошиф унга қаради. Азамат гапини давом эттиролмай, бирдан лабини тишлади. Аммо Кошиф унинг нима демоқчилигини уқиб бўлганди.

— Мана, тонг отиб, ҳамма нарса равшанлашди. Йиртқичлар бу тоғларда йўқ. Шундай экан, ҳеч бир қийинчиликсиз ватанингизга етасиз. Мен сафарни ихтиёр этганман. Шу боис ижозатингиз билан йўлга чиқсам, — деди Кошиф унинг ҳар хил саволларига жавоб беришни истамай.

— Лекин... Ҳалиги... Мен сиз билан ҳали кўп гаплашмоқчи эдим. Ҳар куни ҳам сизга ўхшаган табибларга дуч келавермайман! — дея шошганча Кошифнинг юзига жавдирабгина боқди Азамат.

— Яратган хоҳласа, эҳтимол, яна учрашиб қолармиз, — деб Кошиф ўрнидан турди ва Азаматни яна бир марта ҳайрон қолдириб, қопини елкасига илганча кетди.

Пешиндан кейин Кошиф тоғларнинг охирига етиб қўйди. Бу ёғига олдинги кўрганидай олдин паст тоғлар, ундан кейин эса текислик бошланиб кетарди. Табиб яна ғуж-ғуж уйлارни кўрди.

* * *

“Ия, нималар деяпман? Каллам ишлайдими ўзи? Укам шу аёл билан бирга бахтини топса, тинчиса, менга шуниси керак-ку”, хаёлидан ўтказди Бердиёр ва Салтанат билан сўрашган киши бўлди-да, таш-

қарига чиқди. Сўнг бошини ҳам қилиб турган Равшаннинг ёнига борди.

— Ҳов, ўт еб семирган бола, — деди илжайиб, — доринг қани?

— Кеннойимга бердим. Қандай тайёрлашни ҳам айтдим, — жавоб берди Равшан илжайиб.

— Яхши, ҳозир ичиб кўрамиз. Ана ундан кейин кўрамиз-да нима бўлишини. Хўш, энди... Ичкаридаги жувонга уйланишинг жиддийми?

— Ҳа, ака, уйланаман. Бу ёғига сизга юк...

— У ёғини қўйиб тур. Бўлмаса, дўппидайгина ош қилайлик. Мен мулла олиб келай. Никоҳ ўқитамиз. Тўйни сал туриб қиламиз.

Хушxabардан Равшаннинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди. “Бўлмаса, мен кириб айтай, тайёргарлигини кўриб қўйсин”, деди.

Бердиёр ҳам шод эди. Ахир укасини ҳеч қачон бунақа кўрмаганди-да. “Мен чекаман. Ҳа, мен шундай бўлиб қолганман. Сенлар кун бермагансанлар. Ҳали унинг, ҳали бунинг туткилайверганингдан шу аҳволга тушганман. Ҳаммасига ўзларинг айбдорсизлар”, дерди у. Йўқ, мана, ўзгараман деса, ҳеч гап эмас экан. Лекин бошқа битта қизиқ томони ҳам бор. У қандай табиб бўлдики, ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишни қилибди. Бердиёр ҳам қувониб, ҳам ўйланиб ошхонага борди. Хотинининг ёнига. Мақсад опа бу вақтда дорини тайёрлаб бўлаёзган экан. Бир оз кутди. Кейин ичди. Хотинига термилиб, натижасини кутди. Икки, уч, беш дақиқа кутди. Ўзида қандайдир тетиклик пайдо бўлгандай бўлди. “Яна битта тайёрлаб бер-чи”, деди аёлига. Мақсад опа тайёрламади. “Ҳаммасини бирдан ичиш зиён. Вақтида тайёрлайман. Вақтида ичасиз”, дея жавоб берди.

Кечга бориб, Бердиёр янаям тетиклашди. Укаси билан у етаклаб келган жувонни никоҳлаб қўйиш-

ган. Ош ейилган. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлган пайтда у хотинини чақирди.

— Менга қара, дўхтирга бориб, бир кўриниб келсаммикан?

— Вой, дадаси, яна мазангиз қочиб қолдими?! — деди кўрқиб кетган Мақсад опа.

Бердиёр илжайди.

— Йў-ўқ, қайтанга ўзимни қандайдир бақувват сезяпман. Шунга бориб, текширтирсам, дамлама қандай таъсир қилганини билардим-да, — дея уй томонга кўз ташлаб қўйди ва секин пичирлади, — ундан кейин сен билан анави ёшлигимизни бир эслардик.

Мақсад опа бирдан қовоғини осилтирди.

— Ҳмм, сал тетиклашсангиз, бирдан айнишни ўйлаб қоласиз-а. Тавба. Шошманг. Охиригача ичинг. Кейин бориб дўхтирга текширтисиз.

Бир ҳафтадан сўнг Бердиёр кўрикдан ўтди. Дўхтирлар ҳайрон эди. “Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Демак, сизга ташхисни нотўғри қўйишган. Инфаркт ҳолати кечмаган”, дейишди. Шундай эса-да, қайта-қайта яна текширувдан ўтказишди. Натижа бир хил эди. Бердиёр соғлом, унинг олдин юрак билан боғлиқ муаммоси бўлмаган.

Уйига қайтиб келган Бердиёрнинг қувончи чексиз эди. Равшанни чақириб, пешонасидан ўпди. “Гапинг тўғри экан. Мен бутунлай соғайиб кетдим, энди ўша табибни топиб, битта ҳўкиз бераман. Аслида, буям кам. У одамнинг уйида қул бўлиб ишласам ҳам кам”, деди.

— Ака, у одам ҳеч нимангизни олмайди. Айтувдим-ку, у бутунлай бошқача деб, — деди Равшан қўлидан озгинагина (ваҳоланки, жуда катта) иш келганидан хурсанд бўлиб.

— Йўқ, ука. Барибир, рози қилиш керак. Калламга битта фикр келди. Ҳовлини сотсак. Иккала-

миз алоҳида-алоҳида уй олсак. Қолган пулни шундайлигича ёки ҳалигидай ҳўкиз-пўкиз қилиб обориб берсак.

— Ака, нималар деяпсиз? У пул нималигини билмайди. Тўғриси... Кейин кўриниши одамга ўхшасаям, ўзи фаришта бўлса керак. Битта жойга тушиб, бир нима-бир нималар қилиб, қайтиб яна осмонга учиб кетадиган фаришта.

— Йўғ-э! — деди Бердиёр унинг гапига ишонқирамай.

— Рост. Ўзингиз ўйланг. Нашавандларни қайтаришнинг иложи борми? Йўқ. Тўғри, даволашади. Лекин, барибир, давоси қисқа муддатга етади. Мен энг учига чиққан наshawанд эдим. Ярим соатга қолмай, наша тугул ичкиликниям ёнига яқинлашмайдиган қилиб қўйди. Бу биринчиси. Энди айтинг, сизнинг касалингиз билан оғриган одам ҳеч вақт шунча тезликда ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетганми? Йўқ, бўлмаган.

— Унда нима қиламиз? — дея сўради ака-уканинг суҳбатига аралашган Мақсад опа.

— Битта худойи қилиб юборсак ҳам бўлаверади. Лекин уйни сотмайлик. Ота-онамиздан қолган ёдгорлик. Агар буниям сотсак, мен учун эслайдиган ҳеч нима қолмайди.

Шу пайт уларнинг дарвозаси тақиллади. Ҳамма бирдан шу томонга юзланди.

Дарвозани очишга Бердиёр борди. Неъмат билан Эштурди турибди. Аввалги шашт йўқ. Иккаласининг ҳам қандайдир елкаси кичрайиб қолгандай.

— Равшанда ишимиз бор, — дейишди улар.

— Нима ишларинг бўлса, айтаверинглар. Лекин сизлар билан Равшан гаплашмайди! — дея қовоғини осилтирди Бердиёр.

— Ака, — деди Неъмат бошини қашлаб, — биз илгари безори эдик. Аммо Равшан билан бирга “до-

ри”га бориб, бутунлай ўзгариб қайтдик. Равшан айтиб бергандир қандай ўзгарганимизни? Лекин гап ҳозир бунда эмас... Хуллас, у биздан қарздор. Биз ҳам бошқалардан қарздормиз. Агар пулимизни бермаса, биз ҳам наригиларга беролмаймиз. Кейин ҳаммага ёмон бўлади.

— Қанча қарз?

Неъмат бешта бармоғини кўрсатди.

— Ўзимизникидами?

— Йўқ, “кўк”да.

— Қарзларингни мен тўлайман. Сизлар унга гапириб юрманглар. Яна кўзига кўринмаганларинг ҳам маъкул. Телефон рақамларингни қолдириглар, бир ҳафта ичида тўғрилаб бераман, — деди Бердиёр қаршисидагиларга бир-бир қараб.

— Бўлмайди, — дея ерга чирт этказиб тупурди Эштурди, — бир ҳафтада ўнга айланиб кетади. Эртага пешингача муҳлат.

Улар бошқа гап айтишмади. Ортларига бурилиб кетишди.

Бердиёр хўрсинганча изига қайтди. “Уйни сотмасак бўлмайди. Кетганига сотиш керак. Бундан ҳам аввал кимдандир қарз олиш керак уйни гаровга қўйиб. Уфф”, дея хаёлидан ўтказган Бердиёр бир-бир қадам босганча чорпояга чиқди. Хотинига чой дамлаб келишни буюрди.

— Тинчликми, ўйланиб қолибсиз? — деди чойнак кўтариб келган Мақсад опа.

— Эй-й, барибир, уйни сотишимиз керак экан. Равшаннинг қарзи бор экан. Тўламасак бўлмайди. Эртагача. Бўлмаса, улар яхши одамлармас, қўлларидан ҳар бало келади. Укам энди одам бўлганида... Равшанга билдирмасдан пул топиб бериб юборишимиз зарур, — деб пешонасига қўлини тиради Бердиёр.

— Кўп эканми?

— Кўп. Беш минг.

— Вой-бў, — деди Мақсад опа кипригини пирпиратиб, — эндигина оёққа тура бошлагандик-а!

— Ҳа-а, шундай. Кўп қувониб юбордик, шекилли. Кимдан қарз олсак бўларкан?

— Ким ҳам бунча пулни берарди?

— Шомансурнинг ёнига борсам, берармикан? — дея умид билан хотинига термилди Бердиёр.

Қани энди хотинининг бирдан чиройи очилиб кетса, қани энди у “Ҳа, боринг, дадаси, ўшандан сўранг. Яхши одам дегандингиз-ку. Хотини ҳам яхши экан. Дилдора ҳар кун мақтаб келади”, деса. Бердиёрнинг кўнглида умид учқунларини ёқса. Аммо аёлининг чиройи очилмади. Мақсад опа пешонасини тириштирди.

— Билмасам, — деди елка қисиб.

— Чиқмаган жондан умид. Уйни гаровга қўяман. Бор, телефонимни олиб кел, кўнғироқ қилай. Агар бунгаям рози бўлмаса, Равшан топган табибнинг ёнига бораман. Шомансургаям дори беришини сўрайман. Балки, шунда Шомансур эриб, қарз берар.

Шомансур унинг овозини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. “Дўкондаман, келинг, нима иш бўл-са, шу ерда гаплашиб олаверамиз”, деди.

Бердиёр телефонни ўчирди. Ҳалидан бери тикилиб турган хотинига қаради.

— Кайфияти яхшига ўхшайди, чақиряпти, борай қани, — деди-да, дарров ўрнидан турди.

Дўконда Назира, Ақром, Дилдора бор эди. Ақром ўтган кунлар мобайнида Дилдорага кўп хушомад қилди. Кўп кўнглини олишга уриниб кўрди. Бироқ эплаёлмади. Дилдора сира қовоғини очмади. Бўлмаса, онаси билан очилиб-сочишиб гаплашади. Отасига гап-сўзсиз итоат этади. Дўконга кирган мижозлардан айланиб ўргилади. Гугурт сотиб олганга туз

ҳам ўтказади. Уддабуронлигини кўз-кўз қилади. Аммо Акромни кўрди дегунча дарров қовоғини осилтириб олади. Акром эзилиб кетди. Аста-секин ундан умидини уза бошлади. “Шу Гулининг ёнига бораман. У кекчимас. Бугун ёқалашиб қолсанг ҳам, эртага апоқ-чапоқ гаплашиб кетаверади”, дея ўйлай бошлаган эди. Кутилмаганда Дилдоранинг отасини кўрди. Танимасди. Қиз бирдан жилмайиб:

— Ассалому алайкум, дада, — деганидан кейин Дилдоранинг отаси эканлигини билди.

Ота қизининг пешонасидан ўпиб қўйди. Озгина сўрашган бўлди. Кейин “Шомансур амакинг қани?” деб сўради. Шомансур ертўлада, омборхонада эди. Қиз югуриб ертўлага тушиб кетди. Бирпасдан сўнг Шомансур хотини билан бирга ертўладан чиқиб келди. Кучоғини очди.

— Бормисиз, ака? — деди.

Улар кўришишди. Кейин бухгалтерия хонасига киришди. Назира Дилдорага дарров қанд-курс киришни, чой дамлашни буюрди.

— Хўп ажойиб қиз, — деди Шомансур кириб-чиқиб юрган қизни унинг отасига кўрсатиб, — омон бўлинг, боплаб тарбия берган экансиз. Ўзиям тинмайди. Бизниям тиндирмайди. Шу қиз келганидан бери биримизга ўн қўшиляпти. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин.

— Мақтайверманг, эринчоқликлариниям биламан.

— Кимни айтяпсиз? — деди худди шу маҳал ичкарига кирган Назира.

— Мен қизини мақтасам, бу кишим ёмонлаяпти, — дея жилмайганча Бердиёрнинг ўрнига жавоб берди Шомансур.

— Бекор айтибсиз, — дея бирдан қовоғини сохта осилтирди Назира, — менинг қизим ҳамма қизлардан аъло.

Эркаклар кулишди. Бердиёр иккала қўлини ҳам кўтарди.

— Бўлди. Сиз нима десангиз шу, — деди.

Шундан сўнг чой сузилди. Қариндош-уруғ сўраб-суриштирилди. Назира чиқиб кетди. Бердиёр дардини айтиш учун энди оғиз жуфтлаган эди, Шомансур бутунлай бошқа нарсани айтиб қолди.

— Бердиёр ака, келганингиз яхши бўлди. Келганингизда Назира иккаламиз уйингизга ўтмоқчи бўлиб тургандик.

— Э, унда кетавераман мен. Барибир, бораркансизлар-ку, — дея ҳазиллашган бўлди Бердиёр.

— Шу ерда озгина учини чиқариб қўйсам ҳам бўлаверади. Шошманг, бундай нарсаларга аёллар уста бўлишади, — деб Шомансур ўрнидан турди-да, бориб эшикни қия очди.

Сўнг хотинини чақирди. Назира ҳам шуни кутиб турган, шекилли, дарров етиб келди. Эр-хотин оний лаҳзада кўз уриштириб олишди. Бердиёр бир нарсани сезгандай бўлиб, чуқур нафас олиб чиқарди.

— Айтинг, хоним, — деди Шомансур хотинига.

Назира гапиришдан олдин столга яхшилаб ўтириб олди. Кейин томоғини қириб қўйди-да:

— Шу десангиз, уйингизга қулчиликка бормоқчийдик, — деди.

Бердиёр маъюс жилмайиб:

— Ҳали кичкина-ку қизим, — деди.

— Бошини боғлаб қўймоқчимиз. Ақром ҳам Дилдора келганидан кейин жуда ўзгарган. Агар унаштириб қўйсак, келаси йили тўйини ўтказиб юборардик, — деди Назира умид билан Бердиёрга тикилиб.

— Энди бу умр савдоси. Бир ўзим бир нима дейишим қийин. Онасидан сўрай, ўзининг фикрини билай. Маслаҳатлашайлик.

— Майли. Биз шундай бўлсин деб тургандик, — деди Шомансур.

“Оббо, бу ёғи энди неча пулдан тушди? Қарз сўраб келгандим-ку. Энди қандай сўрайман? Қарз эвазига қизини берди, дейишмайдими? Пул жудаям зарур. Жудаям”, хаёлидан ўтказди Бердиёр.

— Мен сизни хафа қилиб қўяман деб ўйламагандим, — деди ундан кўзини узмай ўтирган Шомансур, — балки, ҳақиқатан ҳам, уйингизга бориб, ҳаммасини рисоладагидай қилганимизда бошқача бўларди. Энди бир хил пайтда аёлларнинг гапига кириб, шунақа уялиб қоламиз-да.

Бердиёр кулди. Кулишга ўзида журъат тополди.

— Қизиқсиз-а, Шомансур, қизи борга мана шунақанги сўров бўлади. Чидолмаган одам ота бўлолмайди. Айтдим-ку ўйлашиб кўрайлик деб, — деди.

Шомансурнинг кўнгли, барибир, хотиржам тортмади. У хотинига олақараш қилиб, кўзи билан «чиқиб кет» ишорасини қилди. Назиранинг ранги оқарди ва:

— Бердиёр ака, — деди йиғламоқдан бери бўлиб, — Дилдорани ўзим ҳам яхши кўриб қолганман. Барака топсин, ниҳоятда ажойиб қиз. Ишонсангиз, бу ерда уни ҳаммадан қизганиб юрибман. Шунинг учун... Энди, биласиз, шаҳар, ҳар хил одам бор. Ҳар хил кўз... Ўғлим роса ўзгариб кетди. Ҳозир биз кутмаган, бир-биридан яхши ишларни қиляпти. Тиним билмайди бола бечора. Мана бунақанги қилиб ҳовлиқиб қолганимиз учун бизни кечиринг.

— Назирахон, мен умуман хафамасман. Қайтанга қизим кўнгилларингдан чиққанидан хурсандман. Энди бу умр савдоси-да, шунинг учун уйга бориб, онаси билан маслаҳатлашай, Дилдоранинг ўзидан сўрай. Ана ундан кейин бирор нима дермиз... Энди менга рухсат берсанглар, йўлим тушиб қолганди. Шунинг учун қизимдан, менга қадрдон бўлиб қол-

ган Шомансурдан хабар олиб кетай деб киргандим, — деди Бердиёр гарчи ичидан қиринди ўтаётган эса-да, жилмайишга уриниб.

— Ҳали рухсат йўқ, ошна. Ёнимиздаги ошхонада зўр кабоб қилишади. Э-э, қийворишади кабобни. Оғзингизда эрийди. Гўшти-чи, қайсидир вилоятдан олиб келишармиш. Тоғли тумандан. Гиёҳларни еган қўй, мол гўшти одамга қувват бераркан, — дея Шомансур кўзининг ости билан Назирага қараб қўйди-да, томоқ қирди.

— Сира босилмадингиз, босилмадингиз-да, — деди ним қизарган Назира жилмайиб ва ўрнидан турди, — иккалангизга ҳам қўй гўшти тўғри келмайди. Зўр бўламиз деб юракни зўрлаб қўйманглар.

— Менга мумкин, — деди кўзи чақнаб кетган Бердиёр, — айтсам, ишонмайсизлар. Мен ҳам бошида ишонмасдим. Илгари санғи бўлган, ҳозир бир ажойиб одамга айланган укам дори кўтариб келди. Ишониб, ишонмай ичдим. Бирдан ўзимни тетик ҳис қилдим. Кейин дўхтирга кўриндим. Текширишди. Бақа бўлиб қолишди. «Сиз олдин касал бўлмагансиз», дейишади шўрликлар бошқа баҳона тополмаганидан.

— Унда, — деди ҳовлиқиб қолган Назира, — укангизга айтинг, олиб келсин бизгаям ёки манзилини берсин. Ҳақини тўлаймиз. Қанча деса, берамиз. Дадамиз соғайиб кетса бўлгани.

— Мен ўзи шуни ўйлаб юргандим... Ҳозир, келин, кабобдан олиб келинг. Шомансуржон айтган, оғизда эриб кетадиган, гиёҳ еган қўйнинг гўшtidан бўлган кабобдан. Мен ейман, ортидан қаҳва ичман. Босимимни ўлчаб кўрамыз.

— Йўғ-э, соғайиб кетганингизга шубҳамиз йўқ. Лекин, нима бўлган тақдирда ҳам, бунақа қилишингиз ярамайди. Сиз кўз ўнгимда қўй гўштини паққос туширсангиз, менинг ичим куймайдими? Ку-

яди. Сиқилиш менга мумкин эмас. Ёки ўта хурсанд бўлиб кетсам ҳам бўлмайди. Шундай экан, мен нима есам, сиз ҳам шуни ейсиз. Лекин айтиб қўяй...

— Шошманг, — деб Шомансурнинг гапини бўлди Бердиёр, — мен сизни яхши тушундим. Аммо берсанглар, қўй гўшти ейман. Фақат қўй гўшти.

Эр-хотин таслиммиз дегандек қўлларини кўтаришди. Кейин Назира чиқиб кетди ва касса ёнида хо-муш ўтирган Дилдорани кўрди. Эрталаб бунақа эмасди у. Кейин ҳам кайфияти яхши эди... Роппа-роса икки соат бўлди Дилдоранинг укаси кўнғироқ қилганига. «Эртага пешингача беш минг доллар топиш керак... Бунча қисқа муддатда уйга харидор чиқмайди. Чиққан тақдирда ҳам қўлингга пул тутқазиб қўймайди», дебди отаси онасига... «Бечора дадажоним қаердан топади шунча пулни? Нима қиламиз энди?» дея ўйларди қиз шўрлик.

— Қизим, сенга нима бўлди? — сўради ундан Назира.

Дилдора бирдан бошини кўтариб, Назирага қаради. Жилмайишга уринди. Йўқ, бу сафар макри ўтмади. Юзи жилмайиб турибди. Кўзи ғуссага ботган.

— Ўзим, мижоз камайиб қолганига...

— Бекор гап. Ҳар куни мана шу маҳал мижоз оз бўлади. Нима бўлди, айт? Ёки Акром бирор нима деб дилингни оғритиб қўйдими?

Акром икки раста нарида эди. Янги келтирилган молларни растага тартиб билан териб қўяётганди. Онасининг гапини эшитиши билан дарров сергак тортиб, қулоғини динг қилди.

— Акром акам ҳеч нима дегани йўқ, — деди қиз.

«Акам деган тилингдан аканг», дея хаёлидан ўтказди Акром.

— Унда нимага бунақа ўтирибсан?

— Айтдим-ку...

— Дилдора, жоним қизим, агар ҳозироқ дардинг-

ни менга айтмасанг, мен ҳам сенга ўхшаб қийналиб юраман. Агар қийналишимни истасанг, ҳеч нима демайсан.

Дилдора бошини эгди. Хўрсинди.

— Ҳалиги, амаким, дадам бировлардан қарз бўлишган экан. Сўраб келишибди. Менимча, дадам бечора... Балки, шунга келгандир... Опа, — дея илтижо билан боқди Дилдора Назирага, — агар сўраб келган бўлса, илтимос, йўқ деманг. Мен ўзим ишлаб бўлса ҳам қарзини узишига ёрдам бераман.

Назира Дилдоранинг ёнига келди. Қизни бағрига босди. Бошидан ўпди.

— Қизим, бор-йўғи пул экан-ку. Албатта, берамиз. Пул одамдан азиз эмас. Шунга сиқилиб ўтирибсанми? Қанча экан? — деди.

— Беш минг.

— Вой, ҳали шуми? Мен ҳозир уйга бориб олиб келаман. Унгача сен хафағарчиликни йиғиштириб ишлайвер.

«Дарди бор экан-да бечоранинг. Мен бўлсам қизини бу ерда сўраганим учун кўнглини оғритиб қўйдим, деб юрибман. Аслида, нотўғри иш қилдиг-у, лекин унчалик хафа бўлмаслиги керак эди. Шундай ҳам бўлибди. Энди амаллаб пулни бериш керак. Ғалати бўлиб қолди-да. Худди қизи учун пул бераётгандай бўлиб қоламиз... Майли, Шомансур акамга айтаман, бирор иложини топади», дея ўйлади Назира ва дўкондан чиқиб кетди.

Акром шуни пойлаб турганди. «Дод деса ҳам, вой деса ҳам Дилдорани гапиртираман. Ҳеч бўлмаса, чимдиб оламан. Шунда, балки, тилга кириб қолар», деди-да, кўлидаги печенье тўла қутини ерга ташлаб юборди.

— Оббо! — деди бақриб. — Шуниси камлик қилиб турганди.

Дилдора сергак тортди. Сўнг илдам юриб, Акроннинг ёнига борди.

Акрон ерга ўтирганча бошини кафтлари билан сиқиб турарди.

— Ҳечқиси йўқ, ўзим йиғиштириб оламан, — деди Дилдора аразни унутиб.

— Ўзи бугун сира ишим юришмаяпти. Нимагаки қўл урсам, қовун туширяпман.

— Г-у-у-у-лни чақирсангиз, дарров ишларингиз юришиб кетади.

Акрон Дилдорага юзланди.

— Ҳозир тишлаб оламан, — деди.

— Мен...

— Сен Дилдорани тишлаб оламан. Бурнингдан тишлайман. Кейин қулоғингдан.

— Одамхўр! Тишлаб бўпсиз!

Акрон ўрнидан сакраб турди. Шу заҳоти Дилдора кўрсаткич бармоғини лабининг устига қўйиб:

— Тсс, — деб отаси ва амаки деб чақирадигани — Шомансур ака ўтирган хона томонга ишора қилди.

— Майли, — дея шивирлади Акрон, — секин шовқин солмасдан тишлайман. Сен ҳам бақириб юбормайсан. Хўпми?

— Йў-ў-ў-қ, — деди Дилдора ҳам шивирлаб бошини қимирлатаркан, — оғрийди.

— Оғримайди.

— Оғрийди.

— Унда яраш-яраш, — дея Акрон чимчилогини қиз томонга узатди.

Шу билан араз кўтарилди.

* * *

Шомансур пулни бергунча терлаб кетди. Олдин Бердиёр: «Олмайман», деди. Ахир ноқулай-да. Аммо олмасдан ҳам бўлмасди.

— Унда, бундай, мен сизга табибнинг дорисидан топиб бераман. Укам қаерда яшашини билади. Икки

марта бориб келди. Биринчисида ўзини, иккинчисида мени тузатди. Энди сиз учун ҳам бориб келади. Бу пулни тўла қайтаришимдан ташқари, — деди у.

— Хўп, — деди Шомансур ва гап ўзанини бошқа томонга буриб кетди.

Орадан кунлар, кейин йил ўтди. Равшан беш марта табибни қидириб борди. Ҳар сафар куруқ қўл билан қайтди. «Уйини билмайман. Роса кутдим, келмади», дейди. Бердиёр афсус билан бош чайқайди, «Ваъдамда туролмадим-да», дейди. Шомансур у ёқда турсин, Дилдоранинг ҳам, ҳа, ҳа, худди шундай, ўз қизининг ҳам кўзига қаролмай қийналади.

— Дада, — деди шундай кунларнинг бирида кечки пайт уйига келган Дилдора. Отанинг назарида у улғайиб қолгандай эди. — Мен қарзнинг ҳаммасини йиғиб бўлдим. Бугун, мана, яна ишхонамдан уч юз беришди. Шу билан беш минг бўлди.

Бердиёр ҳангу манг эди. На хурсанд бўлишини билади ва на хафа бўлишини.

— Яхши, — деди у зўрға, — эртага эрталаб бориб бераман. Лекин ўзинг меҳнат қилганингдан кейин бирор нима олишинг керак эди-да.

— Ҳали мукофот пулларим ҳам бор, дада. Ўтган ойлар мобайнида роса фойда кўрибмиз. Шомансур амаки яна битта дўкон очяпти. Мениям ўзларига шерик қилиб олишди. Йигирма беш фоизга. Шундай экан, дадажон, мендан хавотир олманг.

Бердиёрнинг эти музлади. «Эй-й, қизим, ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Улар сени келин қилиб олишмоқчи, шунинг учун ҳам улушга киритишган. Агар бундай ниятлари бўлмаганида эди, кўп ойлик беришса беришардики, асло улушга киритишмасди. Манфаат. Хоҳла, унақа, хоҳла, бунақа манфаат бор ҳамма жойда», дея хаёлидан ўтказди. Бироқ хаёлидагини айтмади.

— Қизим, ҳалолликда гап кўп. Сен бундай мартабага ҳалоллигинг орқасидан эришдинг.

Кейин Шомансурнинг оиласи ҳам яхши экан, — деди.

Сўнг қизим хурсанд бўлсин деб кулди. Дилдоранинг пешонасидан ўпди. Эртасига эса пулни олиб, Шомансурнинг ёнига борди. Иккаласи у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кейин Бердиёр пулни чиқариб, столнинг устига қўйди. «Ўлмай шу кунга етиб келдим, шунисига шукр», деди. Гапи бир оз дағалроқ чиқди. Ўзи ҳам дарров сезди.

Кейин раҳмат айтишга тушиб кетди. Энди ноқулайлик Шомансурга тушди.

— Ака, менга жуда зарур бўлмаганди. Сизга ёрдами тегибди, шунисига хурсандман. Савоб олганимдан мамнунман, — деди.

Кейин пулни стол тортмасига соларкан қўшиб қўйди:

— Очиғи, бу пулнинг борлиги баъзан оёққа тушов бўларкан. Айнан мана шу сабаб уйингизга боғролмай, юрак ҳовучлаб юргандим.

— Шомансур, қизиқсиз-а, эшигим ҳамиша сизга очиқ. Бемалол боравермайсизми? Борсангиз, қайтанга хурсанд бўлардим.

— Йўқ, совчиликка бормоқчимиз. Дилдорани бизга бермасангиз бўлмайди. Назира билан шунақанги она-бола бўлиб кетишганки, сира бир-биридан ажралгиси йўқ. Яхши ишни энди кечиктирмайлик, — деди Шомансур.

Тўғри, Дилдора Назира билан она-боладай бўлиб кетганди. Аммо Ақром билан яқинлиги бутунлай бошқача эди. Гули қорасини кўрсатмайдиган бўлиб кетди. У ўша Дилдора арзанда телефонни синдирганидан кейин ҳам бир марта кўриниш берди ва шу заҳоти «ҳақи»ни олди. Дилдорадан олди. «Сенга бу ерда пишириб қўйибдими? Нарса керак бўлса, ана,

растада. Йўқса, қилпанглаб ўзингни кўрсатиб, бу ерда санғима. Сенинг қилпанглашингга кўзи учиб турганлар йўқ бу дўконда», деди. Гули нажот истаб Акромга қаради ва бир кучоқ қовоққа кўзи тушди. Билдики, обрўси битибди. Астагина жуфтакни ростлади ва шу бўйи қайтиб қорасини кўрсатмади.

— Қойил, оғиргина, босиққина, меҳрибонгина, ширингина қиздан шундай гаплар чиқади, деб сира ўйламагандим, — деди Акром жилмайиб.

— Агар сиз ҳам ҳаддингиздан ошадиган бўлсангиз, ана шу ойимчангизнинг орқасидан кетасиз! — деди ҳали жаҳлидан тушмаган Дилдора қовоқ уйиб.

Акром шу заҳоти иккала қўлини кўтариб:

— Таслимман, — деди.

Дилдора кулиб юборди. Шу билан Гулининг келиб-кетгани унутилди.

Уларнинг муҳаббати аста-секин аланга олди. Ахийри тўй қилмаса, иккиси бир жону бир тан қилиб қўйилмаса бўлмайдиган ҳолга келди. Бунини қизни ўғлидан кам яхши кўрмайдиган Назира сезди. Сезган заҳоти кўрқди. «Тезлатиш керак, дўст-душманининг олдида уятга қолмайлик», деди. Икки гапнинг бирида эрига «Совчиликка борайлик, совчиликка борайлик», деяверди, деяверди. Шомансурнинг эса Бердиёрникига боришга сира оёғи тортмасди. Иккаласининг ўртасида олди-берди баланд девордай туриб олганди. Эр-хотин маслаҳатлашишди. Ҳали ундоқ қилсак, ҳали бундоқ қилсак, нима бўларкан, дейишди. Бироқ анча вақтгача тайинлироқ ечим топишолмади. Ахийри Дилдорага мукофот берадиган бўлишди...

Ниҳоят, енгил тин олган Шомансур хотинини етаклаб Бердиёрникига борди. Шунда ҳам қарзини олганидан икки кун ўтиб. Дарров «Совчиликка келдик», демади. Мақсад опа пишириб келган ошни ейишди. Яна узоқ муддат у ёқ-бу ёқдан гаплашиб

ўтиришди. Ана ундан кейингина ёрилишди. Аниқроғи, Назира ёрилди. Ана кутди эридан садо чиқармikan деб, мана кутди, аммо Шомансур сира лақиллашдан нарига ўтмади. Аслидаям бунақа маҳали аёллар: «Сизнинг уйингизда бир гул бор экан, бизникида бир булбул бор»ни қийиб юборишади. Тангри бунақанги гапни айтишни аёлларга берган.

Бердиёр ҳам, Мақсад опа ҳам аввалдан маълум бўлган нарсага, олдиндан тайёр бўлиб турган нарсага ундоқ эди, бундоқ эди, қизимизнинг ўзидан сўрайлик, маслаҳатлашайлик, қавми-қариндошнинг ҳам олдидан ўтайлик», деб ўтирмади. Рози бўлди. «Ёшлар шуни хоҳлаб турган бўлишса (Дилдора онасига «Шунақа, шунақа, агар Акром акамникилар келишса, юмшоқроқ муомала қилинглар», дея шипшиганди), бизнинг қўлимиздан нима келарди? Бахтли бўлишсин», дейишди эр-хотин.

Унаштирув, бошқа расм-русумларга бир ойдан зиёдроқ вақт кетди.

Аммо... Аммо иккала оила ҳам интиқиб кутган набира сира дунёга келай демасди. Бир йил, икки йил, беш йил ўтди. Сўнг, ниҳоят, Дилдора ҳомиладорлигини сезиб қолди. Лекин бу пайтга келиб бошқа бир ташвиш яқинлашиб келмоқда эди. Шомансур. Унинг аҳволи оғирлашиб қолди. «Набирамни кўролмайманми? Анча-мунча маблағ тўпладим. Тўй қиламан дедим. Уй қураман дедим. Лекин ҳар иккови ҳам насиб қилмаскан-да», дея умидсизликка берилган пайтда келинининг ҳомиладорлиги ҳақида хабар келди. Дўхтирга югурди.

— Ростини айтинг, қанча умрим қолди? Ҳар хил асбоб-ускуналарингиз билан яна қанча яшашим мумкинлигини тахминан айта оласиз-ку, — деди.

Дўхтир бирдан жиддий тортди. Ўткир нигоҳини унинг юзига қадаб:

— Тахминан олти ой, — деди.

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан Шомансур ўзини шифокорнинг оёғи остига ташлади.

— Нима десангиз, қанча десангиз, бераман. Бирор йилга чўзиб беринг умримни! — деди ёлвориб.

— Авлиёмидимки умр чўзаман? Балки, ундан ҳам кўп яшарсиз. Ўзингиз яна қанча яшайман деб туриб олдингиз? Мен айтдим.

— Унда набирамни кўролмайманми? Суйиб-эркалолмайманми? Тўйлар қилолмайманми?

* * *

Кошиф ерга ўтирди. Иягига муштини тиради. Томоша қила бошлади. Ғалати нарсалар. Жудаям ғалати. Тутун чиқяпти баланд-баланд мўрилардан. Темир-терсақларнинг турли-тумани у ёқдан-бу ёққа югуриб юрибди. Яна ора-чора ундан-да катталари осмонда учиб қолади. «Нега биз буларни билмаймиз? Нега ота-боболаримиз бу ёқларга келишмаган? Бу темирлар нима? Нега бунақа тез югуради? Буларга бирорта ҳам от етиб ололмайди. Бориб, яқинидан томоша қилсаммикан?.. Йўқ, булар қандайдир пул учун бир-бирини қувиб юришибди. Ана, нечтасини учратган бўлсам, ҳаммаси шу ҳақда гапирди. Пул дегани нима ўзи? Наҳотки шунчалик азиз бўлса? Наҳотки унинг учун бемалол бир-бирининг жонини қурбон қилиб юбораверишса... Бормаганим маъқул. Тўрт-беши мени иблисга менгзашди. Бошқаси олдиға солиб қувиши, тош отиши ҳеч гапмас», деб хаёлидан ўтказди.

Дуо уни бутунлай бошқа тоғларга олиб борди. Ҳавоси нам, иссиқ. Буталар жудаям тиқилинч. Дарахтлар баланд. Улар ҳам поёнсиз. У маймунларни учратди. Бир неча турини. Аммо уларнинг маймун эканлигини билмасди. Ўзича ном қўймади. Кейин филларни ва қишлоғида мутлақо учрамайдиган рангбаранг қушларни кўрди. Ҳаммаси ажойибу ғаройиб. Сизгисига эрк берди. Кошиф майсани ушласа ҳам,

бунисини ушласа ҳам, қандайдир касалликка даво бўлиб чиқаверди. Хурсандчилигининг чегараси йўқ эди, гиёҳ йиғиб, дори тайёрлаб чарчамасди. Шундай ажойиб кунларнинг бирида одамларни учратиб қолди. Паст бўйли, кўзлари қисик одамлар. Ҳаракати чаққон, бош кийими қозондай. Одамзотдан хийла кўнгли қолган Кошиф беш-олтитаси бир бўлиб, тўрт уйнинг ўрнича келадиган майдонни икки бўлиб олиб, сершоҳ ҳўкизга омон тақволишиб, ер ҳайдаётганлар ёнига борди.

Анавилар ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Бир-бирига шақир-шуқур қилиб гапирди. Гапларига Кошиф мутлақо тушунмади. Бироқ юз-кўзидан, лабларининг қимирлашидан, сўзлаётганида қилаётган имо-ишораларидан мазмунини билди.

«Адашиб қолган сайёҳ. Сўнгги пайтларда буларнинг кўпига дуч келяпмиз. Яхши одамлар. Жонини хатарга қўйиб, чангалзорда юрибди. Бунга бу ерлар жудаям хавфли, йўлбошловчисиз юриб бўлмаслигини тушунтириш керак», дейишди улар. Кошифга яқин келишди. Биттаси «сайёҳ»нинг кийимини ушлаб кўрди.

«Йиртқичга дуч келдингми? Анча сарсон кезганга ўхшайсан. Хвон Сю, бориб, кийим олиб кел», деди. Унинг гапи шу мазмунда эди. Кошиф жилмайди.

— Афсус, — деди овозини чиқариб, — мен сизларнинг тилингизни билмайман. Бажонидил гаплашган бўлардим.

Улар бир-бирига қаради. «Бутунлай бошқача сўзлаяпти. Инглизча эмас», деди. Кошиф «инглизча» деганига тушунмади. Шунга қарамасдан, тахмин қилди. Оламда шундай бир халқ бор. Умрини саёҳатда ўтказди. Саёҳатлари давомида кўп бора буларнинг ёнига келишган. Булар Кошифни уларга ўхшатмади.

Бири Кошифнинг қўйлагидан ушлади. Боши билан «юр» ишорасини қилди. Кошиф юрди. Бошқа-

лар ҳам эргашишди. Бир тоғ ошиб ўтишгач қишлоққа дуч келишди. Кошифнинг қишлоғидан фарқли ўлароқ, томларига ёғочдан шийпон қилишган, эшигу деворларга ҳам ёғочни беармон ишлатишганди. «Семирмаган халқ, — деди Кошиф қишлоқ одамларини кўриб бораркан. — Меҳнатнинг энг оғирини қиладиган, кам дам оладиган, фарзанд бунёд қилишдан жуда эрта қоладиган халқ».

У атрофни кузатиб кетаркан, маймунни ерга ётқизволиб, қўл-оёғини боғлаётганларга кўзи тушди. Олдида кетаётган йигитнинг елкасидан ушлаб тўхтатди. «Нима қилмоқчи у?» деди маймунни чийиллатаётганларни кўрсатиб. Йўлбошловчи илжайди. Сўзлади. Ҳар битта сўзини томоғи ёрдамида талаффуз этарди у. Англаш ниҳоятда мураккаб. Бироқ ҳамма бир хил ўйлайди ва фикр юритади. Ана шу нарсa кўзларда акс этади. «Маймуннинг мияси тансиқ таом. Тириклайин бошини ёришади. Жонивор ўлиб-ўлмай мияси қўл билан суғуриб олиниб, шу ернинг ўзидаёқ ейилади. Сени ҳам шу билан меҳмон қиламан. Уйимда иккита маймумим бор», деди йўлбошловчи. Унинг гапига Кошифнинг ортидан келаётганлар, ёнига ўтганлар ҳиринглаб кулишди. Бир-иккитаси лабини ялаб қўйди. Табиб титраб кетди. Кўз олди қоронғилашди.

У бундай шафқатсизликка ҳали дуч келмаганди. Маймун ўлиб-ўлмай туриб унинг миясини ейиш... Ким буни ўйлаб топган? Жониворнинг нима гуноҳи борки, шундай шафқатсизликка дучор бўлса? Барҳам бериш керак. Токи Тангри яратган бирорта ҳам махлуқ жаҳаннам азобини шу дунёнинг ўзидаёқ тортмасин.

Бирдан кутилмаган ҳодиса юз берди. Албатта, томошани мириқиб кўриш истагида бўлганлар назарида... Маймун боғланган ип узилиб кетди. Маймун икки думалаб жаллоддан узоқлашди. Кейин

жони бори́ча қочишга тушди ва ҳаял ўтмай кўздан йўқолди. Томоша иштиёқмандлари бирдан қаҳқаҳа отишга тушиб кетишди. Тансиқ таом умидида бўлган «жаллод»нинг кўзи ёшга тўлди. Бечора маймуннинг орқасидан қувди, аммо етолмади. Чунки йиқилди. Уч марта йиқилди. Оёғи сирпаниб кетди ҳар сафар. Роса кулгили чиқди ўзиям. Бошқаларга қўшилиб Кошиф ҳам кулди. Фақат жа қаҳқаҳа отмади.

Қишлоқнинг ўртасига етганида Кошиф кичкинагина ҳайкалча ясаб олиб, олтин рангга бўяб, қаршисида кафтларини жуфтлаб пешонасига теккизиб турганларни кўрди. У билан бирга кетаётганлар ҳам ўша ҳайкалча тўғрисида тўхташди. Улар ҳам кафтларини жуфтлаштириб, пешоналарига теккизишди ҳамда бир нарсa-бир нарсалар дейишиб, бошларини эгиб қўйишди. Кошиф уларнинг гапларини мана бундай тушунди — «Ҳар балойи, ҳар қазодан ўзинг сақлагайсан».

Кошиф ҳайкалча олдидаги столга эътиборини қаратди. Унга турли егулик ва мевалар қўйилганди. У ҳамроҳларидан имо-ишоралар билан «Ҳайкал шуларни ейдими?» дея сўради. Унга йўлбошловчилик қилувчилар бошларини қимирлатиб, иржайганча тасдиқ ишорасини қилишди. Шу заҳоти Кошиф мевалардан бирини ҳайкалнинг оғзига тутди. Ён-атрофдагилар чинқирди. Унинг қўлини уриб ташлашди.

— Ҳозиргина ейди, дегандинглaр-ку. Шунга мен оғзига тутиб кўряпман, — деди Кошиф жилмайиб.

Ҳамроҳлар ҳеч вақо тушунишмади. Унинг қўлидан тортқилашди.

Кошиф жуда қадимда одамлар одамнуса, ҳайвон нусхаларни тахтадан, тошдан ясагани ва «Ўт балосидан, сув балосидан сақлагин, эвазига биз сизни таомлантириб турамиз», дегувчилар кўп бўлганини ўқиганди. У ёнидагиларга бирма-бир қараб чиқди.

Гапирди. Аммо сўзларини тушунадиган одамнинг ўзи бу ерда йўқ эди. Шунда лаблари «Менга ваколат берилмаган», дея пичирлади ва у кетди. Ортидан бақирди. Чақирди. Бироқ у тўхтамади. Бошини ҳам қилганча кетаверди...

* * *

Роса олти йилни изланиш, ўрганиш билан ўтказган Кошиф бир дунё маълумот тўплаб, изига қайтди. Ошиқиб, соғиниб, интиқиб қайтди. Тез қайтди. Бир зумда уйига етди. Масофа унинг учун қисқартирилди.

Ўша-ўша уй. Бир жойида ўзгариш бўлмабди. Фақатгина ҳовлисини ҳар хил бегона ўтлар босиб кетибди. Кейин ўриндиқ чирибди. Кошиф елкасидан қопини олди. Чириган ўриндиқнинг ёнгинасига — ерга ўтирди. Бир муддат ёшлигини, Беназир отани хотирлади. Кафтини очиб, узоқ дуо ўқиди. Сўнг кафтидаги дуру гавҳарни юзига суриб, ўрнидан турди. Ишга киришди. Ҳаш-паш дегунча ҳовлини бегона ўтлардан тозалаб чиқди. Энди уйга кирмоқчи бўлиб турганида:

— Кошиф! — дея биров бақирди.

У шу заҳоти овоз келган томонга қаради. Отаси Норбой. Ўн қадамча нарида. Соқоли оқарган, кўзида ёш. Кўлида асо.

— Болам! — деди у инграб. — Бормисан, болам?!

Кошиф отасининг ёнига югурди. Қучоқлашиб кўришди.

— Юрагимни ёрдинг, болам! Ҳар куни келаман, ҳар куни кутаман! Лекин сендан дарак йўқ. Қаерларда юрибсан, болам?! Шунчалик ҳам бўладими?!

— Кечиринг, ота. Кечиринг, — деди Кошиф.

Табибнинг-да кўзидан ёш оқмоқда эди. Улар бир муддат бир-биридан ажрала олишмади.

— Болам, бевақт кетдинг, — деди охири Норбой

ота уни бағридан бўшатиб. — Қишлоғимизда етмишдан ошганлар қолмади ҳисоб. Яна ёшлардан ҳам бир қанчаси ўтиб кетди.

— Нега?! — деди бирдан ҳаяжон босган Кошиф.

— Одамлар сенинг қарғишинг урди де-йишди. Сен норози бўлганинг сабаб шунақа бўляпти, дейишяпти, — дея Норбой ота иягини ҳассасига тиради. — Чарчадим. Ёшлик ўтиб кетибди. Илгариги чоллар тоғма-тоғ югуриб юришарди. Улар бошқача бўлишган экан-да.

Кошиф уйи томонга шошди. Кирибоқ ҳеч нарсага эътибор бермай, кўрпача қўлтиқлади-да, ташқарига чиқди. Отасининг ёнига келиб, кўрпачани ерга ёзди. Падарини ўтқазди. Кейин ўзи ҳам рўпарасига ўтирди.

— Кошиф, қишлоқ одамларини кечир... Агар... Майли, мени қарға, розиман, лекин одамларни кечир. Бунақада тирик зот қолмайди. Ёш болалар...

— Ота, — деди титраб кетган Кошиф, — мен ҳеч кимни қарғамаганман! Ҳеч кимга хусуматим ҳам бўлмаган. Қайтанга одамлар олдида қарздорман. Улар касалланаётган экан, улар нобуд бўлишаётган экан, демак, мен ваъдамда турмабман.

— Энг олдин Насим ўлди. Ўша, сенга тиг кўтарганидан сўнг уйига келди-ю, ётиб қолди. Ҳар нима қилиб кўрдик. Сира нафи тегмади. Кейин омонатини топширди. Ортидан у билан тил бириктирганлар кетишди. Сўнг ажал аста-секин бошқа уйларга кўчди. Қарияларни бирма-бир олиб кетаверди. Кейин ёш болаларга ўтди. Ҳар ойда қишлоғимизда таъзия бўлиб турибди, болам... Агар ҳақиқатан ҳам, қишлоқдан аразламаган бўлсанг, мен билан гаплашиб ўтирма. Ҳозироқ қишлоққа жўна. Менинг отим бор, аста-секин етиб олавераман. Сен шошил.

— Хўп, — деди Кошиф бошини қимирлатиб ва кўзидаги ёшни артиб ўрнидан турди.

Сўнг энди кетмоқчи бўлганида Норбой ота уни тўхтатиб:

— Энг аввал Эшонқулникига бор. Набираси жудаям оғирлашиб қолганди, — деди.

Норбой ота ўрнидан туриб, отининг ёнига етмасидан Кошиф қишлоқда эди. Отаси айтганидай тўғри Эшонқул аканинг уйига борди. Эшонқул ака қайғуда, ўғли Пўлат қайғуда. Келин қайғуда. Ичкаридаги бола қайғуни унутган, унда қайғу йўқ. Унда дард бор. Вужуди ёниб кетаман деяпти. Суяклари қақшаб оғрияпти. Ҳар-ҳар замон инграйди. Ёнгинасида кўзида ёш билан ўтирган момоси пешонасини ҳўл сочиқча билан артган бўлади. Дуо қилади. «Дардингни мен олай, болагинам! Мен ажалнинг чангалига тушай. Сен соғайгин. Сен яшагин, болагинам», дейди.

Кошифни Пўлат кўрди. У узум сўрисига суянганча турарди. Кўлидан ҳеч вақо келмайди, чорасиз. Алаmidан лабини тишлаб олган. Қаттиқ тишлаган. Қон сизиб чиққан лабидан. Дабдурустдан унинг кўзи Кошифга тушиб қолди. Аввалига ишонмади. «Кўзимга кўриняпти», деди. Кўзини ишқалади. Йўқ, ўнги. Ўнги.

— Табиб! — дея бақириб юборди у.

Ота чўчиб тушди. Жувон... Ҳолсизланган, умидсизлик еб, адоий тамом қилган жувон ялт этиб эрига қаради. Кейин ҳамма бараварига кўча томонга юзланди.

— Эй, Танграм! — дея бирдан жар солди Эшонқул ака. — Ноламни эшитдинг, Танграм!

Ҳамма Кошифнинг истиқболига югурди. Ҳамманинг кўзидан ёмғирдай ёш оқди. Бутунлай дармони қуриган жувон Кошифнинг оёқлари остига ўзини ташламоқчи эди. Бўлмади. Илгарироқ йиқилди. Сўнг шу ҳолида қайтиб турмади. Ётган жойида:

— Ёрдам, ёрдам, ёрдам... Болам, болам, болам, — деяверди.

Кошиф ҳеч ким билан кўришмади. Эшонқул ака унинг қўллари юзига сурмоқчи эди. Бағрига босиб, ўқинганча, «Биз қарғишингга қолдик. Дилингни оғритиб, охири йўқ дардга йўлиқдик. Бизни кечир, Кошифжон, бизни кечир», демоқчийди. Аммо Кошиф унинг ёнидан шиддат билан юриб ўтиб кетди. Уйга кира сола энди шайтонлай бошлаган саккиз ёшли болакайнинг пешонасига қўлини қўйди. Қўли куяёзди. Дарров қопини очди. Кичкинагина идишчадаги суюқликни олди... Кампир уни Тангрининг ўзи етказгани, набирагинасидан айрилишига оз қолганини айтар, «Дунё тургунча тургин, асло қайғу кўрмагин», дея дуо қиларди. Кошиф: «Уйдан чиқинг, халақит беряпсиз», деди. Гап Кошифнинг ортидан ёпирилиб уйга кирганларнинг ҳаммасига тегишли бўлди.

Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтар-ўтмас, боланинг иситмаси тушди ва кўзини очди. Уч кундан бери бирор марта ҳам очмаганди. Кошиф навбатдаги дорини ичирди. Шундан кейин бола бошини кўтарди.

— Бўлди, отдай бўлиб кетасан, — деди Кошиф ва ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди.

У ҳовлида ҳўкизнинг ипидан ушлаб турган Пўлатга, Эшонқул акага, қайнона ва келинга дуч келди.

— Кечгача ўйнаб кетади, — деди уларнинг кўнгилларини хотиржам қилиш учун.

— Умрингдан барака топ! — деди энди қувонганидан йиғлаб юборган Эшонқул ака ва ўғлига юзланди. — Ҳўкизни оғдар, сўй, оёғининг остига сўй авлиёнинг!

Келин бўшашди. У секин ўтира бошлади. Пўлат ҳўкиз билан овора бўлди. Ота унга ёрдамлашишга ошиқди. Қайнона ичкарига, набирасининг ёнига

шошди... Ҳеч ким келининг бўшашганини сезмади. Биргина Кошиф кўрди.

— Керакмас, — деди у шошиб ва келинга ёрдам беришга ошиқди.

Шу куни Кошиф бутун қишлоқни айланиб чиқди. Қишлоқда у кирмаган бирорта хонадон қолмади. Билдики, Эшонқул аканинг набирасидан-да оғирроқ касаллар бор экан. Даволади. Яқин кунлар мобайнида тузалиб кетишидан умид қилди. У ҳориғанча кун ботар маҳали сўнгги кирган уйидан чиққанида қишлоқнинг қарийб ҳамма одамлари гузарда тўпланишганди. Пўлат ҳўкиз гўштини гузарга олиб келган, улкан қозонга майдалаб босганди. Қолганлар ҳам биттадан жонлиқ сўймоқчи эди. Норбой ота қўймади. «Исроф бўлади. Кошифнинг кўнглини оламиз, деб ранжитиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Ҳозирча битта ҳўкиз етади. Жудаям қаттиқ хоҳласанглар, табибнинг рухсати билан кейинги кунларда сўяверасизлар», деди.

Қопи елкасида, боши эгилган Кошиф бир-бир қадам босганча гузарга яқинлашиб келаётганида ҳамма одам бирдан тиз чўкди.

— Гуноҳимиздан ўтинг, авлиё! — дея бақирди Шодмон ота.

У Норбой отанинг тенгқури. Дард доримаганлардан биттаси.

Кошиф юришдан тўхтади. Бошини кўтариб, улар томонга қаради. Ҳамқишлоқларининг бошлари эгик, қўллари кўксида. У титраб кетди ва шу заҳоти тиз чўкди.

— Ҳаммаси мен туфайли бўлди. Нима бўлган тақдирда ҳам узоқ муддатга кетиб қолмаслигим керак эди. Яратган гувоҳ, ҳеч кимдан хафа бўлмаганман. Ҳеч кимни қарғамаганман. Кўрганларим шунчаки касалликлар экан, ҳаммаси даволаниши муқаррар бўлганлар. Мени авф этинг. Мен устозим, маъна-

вий падари бузрукворим Беназир отанинг ўғитларини унутиб қўйдим. Ваҳоланки, қишлоқдаги ҳар битта одамнинг соғлиғини таъминлаш менинг зиммамда эди. Истасангиз, ҳар қандай жазони беринг. Истасангиз, авф этинг, — деди.

Кошиф титрарди. «Сиз бермасангиз, Тангри менга жазо беради», дея хаёлидан ўтказмоқда эди.

Норбой ота чидолмади. Унинг кўз ёши оқара бошлаган соқолини ҳўл қилиб ташлаганди. Ўзи боролмади. Эшонқул акани туртди. «Қўлтиғидан ушлаб турғаз, биз ношудларни деб азоб чекяпти», деди. Эшонқул акага Пўлат эргашиди. Олтой эргашиди. Раҳматли Темур муаллимнинг ўғли Ўроз эргашиди. Улар Кошифнинг қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазишди. Эшонқул ака маҳкам қучоқлади.

— Ким-кимларнинг гапига кирганлар кўп бўлди. Йўқ жойдан иғво тарқатганлар кўп бўлди. Буларнинг бари сенга таъсир қилмасдан қолмаслиги аниқку. Майли, Кошифжон, ҳаммамиз ҳамма нарсани унутайлик. Муҳими, сен келдинг, орамиздасан. Ана шу бизга бахт. Юр.

Эшонқул акадан кейин бошқалар ҳам қучоқлашиб кўришишди. Гузарнинг чорпоясига чиқаришди. Тўрга ўтқазишди. Ёнини кексалар эгаллади. Худди шу пайт тўда-тўда бўлиб хотин-халажлар кела бошлади.

— Ҳаммадан кўп шулар кутди келишингни, энди кўришмасанг бўлмайди, — деди Норбой ота.

Бу қишлоқда ҳар не бўлган тақдирда ҳам эркак билан аёл орасидаги масофа сақланарди. Ваҳоланки, кампирлар тугул бошқаларнинг-да Кошифни қучиш, юз-кўзидан, қўлидан ўпиш нияти бор эди. Аммо улар бундай қилишмади. Қилишолмасди ҳам. Шу боисдан бари навбатма-навбат унинг елкасини ўнг қўллари билан силаб, қўллари юзларига сурйишди. Кейин узоқ дуо қилишди ва Кошифдан

бошқа кетиб қолмаслик ваъдасини олганларидан кейин ортларига қайтиб кетишди. Ҳа, Мастон кампир билан Холдор кампир ярим ҳазил, ярим чин гап ҳам айтди:

— Бошингни боғлаб қўйганимизда бунчалик узоққа кетиб қолмаган бўлардинг. Қишлоғимизнинг бўй қизлари ёнингга келишга, сен билан кўришишга уялишди. Тушундинг-а? Эртага пешингача Лола бирорта уйга совчиликка чиқмаса, Норбойнинг уйига совчи боради. Қишлоқда нечта бўй қиз бўлса, ҳаммасидан боради. Биттасини танлайсан. Танламасанг, мажбурлаб, ўзимиз танлаганимизга уйлантириб қўямиз. Норбой отанг ҳам, Лола энанг ҳам ёрдам беролмайди. Уқдингми?!

Кошиф қизарди. Бошини қимирлатиб, «хўп» ишорасини қилди. Ана шундан кейин хотин-халаж уйига кетди.

Кампирлар тўғри айтишганди. Бўй қизларнинг бари гузардан юз қадамча берида қолишганди. Ораларида Кошиф тенгиларнинг қизлари ҳам бор эди. Уларнинг барини шу кампирлар қолдиришганди. Кампирлар, Мастон кампир билан Холдор кампирдан бўлак яна учтаси ҳаммадан илгари йўлга чиқишган ва шу ерда тўхташганди. Улардан бири Эшонқул аканинг кампири эди. Эшонқул ака деяпмиз-у, аслида, у жа ака эмасди. Бемалол уни-да ота ёки бобо дейиш мумкин эди. Сабаби, етмишни уриб қўйганди. Биз Кошифнинг ёшига нисбатан уни «ака» дедик.

Эшонқул аканинг кампирининг исми Намуна. У набираси соғайиши билан уйдан чиқди. Чолининг ҳайҳайлашига жавобан «Кошифнинг бошини икки-та қиламиз. У келди, набирам тузалди. Сизнинг ҳеч нима билан ишингиз бўлмай, ҳўкизингизни сўяверинг. Мен уч-тўртта кампирни йиғаман», деди. Кейин эса ўша кампирларни йиғиб, дилида борини

тўкиб солди. Кампирлар «Кўнглимиздаги гап бўлди», дейишди. Бу вазифани уддалашни эса юқорида номлари тилга олинган кампирлар зиммаларига олди. Аввалига бўйи етган қиз борки, тўхтатишди. «Бўйдоқ одамнинг елкасини силашларинг уят бўлади. Шу ерда ҳамманг йиғил, нима гап бўлса, ҳаммасини ўзимиз етказамиз», дейишди. Тагдор қилиб, ним жилмайиш билан гапиришди. Қизларнинг юзи ним қизарди. Бир-бирларини туртиб қўйганлар ҳам бўлди. Кампирлар Кошиф билан кўришгани кетганларидан кейин эса «Сен тегсанг керак, сен тегсанг керак. Момонг сенга айтди, сенга айтди» бошланиб кетди қизларнинг орасида. Аслида, ҳамма қизнинг кўнглида «Қанийди, менга уйланса, қанийди, мен шундай одамнинг хизматини қилсам», деган ўй бор эди.

— Боринглар, — деди кўришувдан қайтиб келган Мостон кампир, — ҳамманг уйингга бориб, ўзингга қара. Эртага биттангнинг уйингга совчи боради. Ё ҳамманг Норбой отаникига келасан.

Унинг гапи ғалати бўлди. Қизлар ажабланишди. Бўлажак куёвнинг манзили томон салгина нордон гап айтганлар ҳам бўлди. Шундайлари бошқаларига нисбатан кўркамроқ эди. Кўркамлигидан гурурлари ошганроқ эди. Қишлоқ йигитларининг сеҳрли, сирли нигоҳларига дуч келганлари эди.

— У, — деди қизларнинг норози оҳангдаги гапларини эшитган Намуна кампир, — ҳаммангизга баравар уйланишга ҳақли. Кўп майда-чуйда гапни чайнаманглар. Лекин удумимиз бунга йўл қўймайди. Шундай экан, биттангизни танлайди. Чунки танлаш имконияти бор. Биргина имконият унга берилган.

Қизлар ичларидан энтикишди. Шунга қарамай, гўёки норози бўлган бўлишиб, минғирлаб қўйишди ва уй-уйларига тарқаб кетишди.

Эркаклар орасида ҳам ана шу атмосферанинг сал бошқачароқ шакли бор эди. Кимнинг-ки қизи ёки набирасининг бўйи етган бўлса, ўша Норбойга, Олтойга яқинроқ ўтиришга ҳаракат қилар, уларга ёқадиган гаплардан гапирарди. Шунингдек, роса қайнаб пишган гўштнинг энг кўпи ва мазали жойи Кошифдан кейин уларнинг олдига қўйилди. «Олинг, олинг» айнан уларга айтилди.

Эркак кишининг табиатига мос бўлмаган ҳаракат. Бироқ ўлим, касаллик ғурурни синдиrolмади, букди. Ана шу букилиш ҳозир кўриниб қолганди.

Сўхбат узоқ давом этди. Ҳеч ким Кошифдан қаерларда бўлдинг, нималарни кўрддинг, нима единг, нима ичдинг, деб сўрамади. Сўрашга ботинолмади. Яна ўлганлар тўғрисида ҳам гап бўлмади. Одамлар кўрқишди. «Кошифнинг дили ранжийди», деб ўйлашди. Бефаросатлик қилиб, шу тўғрисида сўз очганларнинг ҳам дарров оғизлари бекитилди. Бунинг ўрнига, ўтган йили Ҳасан тоғнинг этагида чорва боқиб юрганида бўрининг хужум қилгани-ю, ўша бўрининг тишини уриб синдирганини гапириб берди бирови. Бошқаси бу йил қор ниҳоятда кўп ёққанидан сув аввалги йилларга нисбатан мўл бўлишини башорат қилди. Яна биттаси қўй, моллар ҳар доимгидан-да кўпайганини гапирди. Шу билан бирга, одам камайиб кетгани ҳам сал қолса оғзидан чиқиб кетаёзди... Бўй йигитлар гапга аралашишмасди. Улар эшитишарди. Бироқ хаёллари бошқа эди. Шунинг билан бирга, хавотир ҳам бор эди уларнинг кўнглида. Чунки Кошиф исталган йигитнинг севган қизини олиб қўйиши мумкин эди. Кейин бир умр айрилиқ азоби билан яшашга маҳкум бўлади. Улар Кошифни ёмон кўришмайди. Айни чоғда ўзининг севганини бериб қўйишни ҳам исташмайди. Бири ҳатто «Бутун қишлоқ қирилиб кетса кетсин, мен билан Офтобой тирик қолсин. Табиб қиш-

лоққа қайтмасаям рози эдим... Одам шу ёшгачаям уйланмай юрадим?» дея ўйлади ҳам.

Юлдузлар бирин-сирин жамолини кўрсата бошлаган маҳали қариялар: «Энди борайлик. Кошиф қайтди. Гурунгни эртага давом эттирамиз», дейишиб энди ўрниларидан қимирлай бошлаганида гузарга яқинлашиб келаётган икки кишининг қораси кўринди. Қишлоқ одамлари аввалига ўзимизникилар бўлишса керак, дея эътибор беришмади. Жуда яқин келганларидан кейин кўришдики, мутлақо беғоналар. Кошиф улардан бирини дарров таниди.

Жуссалари тоғликларникидан кичикроқ, роса ҳолдан тойганлар қишлоқ одамларини саросималантириб қўйди.

— Ким бўлди?

— Қаердан келди?

— Нима қилиб юрибди?

— Биздан бошқа одам ҳам борми?

— Шайтоннинг шериклари...

Энг аввал ёшлар қарийб бир-бирига суяниб қолганларнинг олдини тўсишди ҳамда сўроққа тутишга чоғланганларида:

— Мен танимайман буларни, — деди Кошиф ва олдинга ўтди.

— Хайрият, — дея бирдан чўккалаб ўтириб қолди Равшан.

— Сизни қидирмаган жойимиз қолмади, — деди Бердиёр ва бирдан ёнига қулаб тушди.

Кошиф унинг бошини кўтарди. Ҳамқишлоқларига сув олиб келишни буюрди. Кейин уларнинг ёрдамида Бердиёр ва Равшанни чорпоя устига олиб бориб, ётқизди. Равшаннинг тили калимага келмас, роса тинка-малори қуриган Бердиёр кўзини очавермасди.

— Булар дам олиши керак. Ҳолларига қараганда,

роса чарчашган. Шўрванинг сувидан берайлик, — деди Кошиф.

Ҳамқишлоқлар дарров унинг айтганини бажаришга киришди. Биров қозоннинг остига ўт ёқди. Биров чой қайнатишга тушиб кетди. Яқингинада йиғиштириб олинган дастурхон қайтадан ёзилди.

Бердиёр чой қайнагандан кейингина ўзига келди. Ўрнидан турди. Мойчироқ ёруғида юзлари кўриниб турган атрофидаги одамларга бирма-бир қараб чиқди.

— Қай бирингиз табибсиз?! — деди йиғламоқдан бери бўлиб.

— Ака, табиб мана. Шу одам сизни даволаган, мени даволаган, бошқаларниям даволаган. Даволаган, — деб Бердиёрнинг ёнида ўтирган Кошифни кўрсатди Равшан.

Бердиёр шу заҳоти Кошифнинг қўлини олиб ўпди. Пешонасига теккизди.

— Сиз сабабли мен тирикман! — деди кўз ёшини оқизиб.

— Мен сизни учратмаганман. Бу одам кимингиз? — сўради Кошиф Равшанни кўрсатиб.

— Укам бўлади. Туғишган укам. Сиз ҳалиги гиёҳ берган экансиз. Гиёҳлардан тайёрланган дори. Инфаркт бўлгандим. Дўхтирлар тузалмайсан дейишганди. Лекин дарров тузалиб кетдим. Мана, қаранг, шунча узоқ жойдан келдим. Чарчадим. Лекин ўлиб қолмадим. Агар тузалмаган бўлганимда йўлнинг бошидаёқ ағанаган бўлардим.

Бердиёр шошиб тез-тез гапирарди. У тез гапирмаса, кўнглидагиларни эртароқ айтиб қолмаса, Кошиф кетиб қоладигандай эди назарида.

— Сиз мени ўлимдан олиб қолдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда ҳозир чириб кетган бўлардим. Укам ҳам аллақачон бир ёқли бўларди, — дея гапини давом эттирди у оний лаҳзали тўхташдан сўнг.

— Сабаб — мен. Умр — Яратгандан, — деди Кошиф қўлини Бердиёрнинг кафтлари орасидан олиб. — Тузалибсиз, яна нима бу ён бошлади?

— Қадрдоним, қудам, набирамнинг бобоси худди мендай касал. Ўлим тўшагида ётибди.

— Пешонасида яшаш ёзилган бўлса, умргузаронликни давом эттирар, аксинча бўлса, нобуд бўлар, — деди Кошиф ниҳоятда хотиржам тарзда.

— Ўзингиз айтдингиз, ҳазрат, кимдир сабаб бўлади деб. Сиз сабаб бўлинг, унинг ҳам жони омон қолсин. Қишлоғингизни топгунимизча кўп машаққат чекдик. Ҳатто шу томонга қўй-қўзисини ҳайдаган чўпонга ҳам етолмадик. Тахмин билан келдик. Тангри тўғри йўл кўрсатибди.

— Табиб ўзимизга-да лозим, — деди Эшонқул ота, — жабрдийдаликни такрор кўришдан биз ҳам қўрқамиз.

Бердиёр бирдан Кошиф олдида тиз чўкди.

— Мени олиб қолинг, умрим борича қулингиз бўлай, аммо биродаримни даволанг, ҳазрат!

— Ҳар неки сабабнинг маҳсули. Қаердан топаман қадрдонингизни? — сўради Кошиф.

— Аҳволимиз такрорланишини истамаймиз, — дея эътироз билдирди Ўроз.

— Ҳеч боқиси йўқ. Боровим ва келувимнинг ораси яқин. Гап билан овора бўлиб, уларни меҳмон қилишни унутибмиз, — деди Кошиф жилмайиб.

Овқат, бошқа егуликлар дастурхонга қўйилди. Аммо Бердиёрнинг ҳам, Равшаннинг ҳам томоғидан овқат ўтмади. Аввало, чарчоқ, кейин Шомансурдан хавотирланиш халал берди. Шу боисдан гарчи қоринлари ниҳоятда оч бўлса-да, чўқилаш билангина кифояланишди. Кейин кўзлари юмилиб кетаверди. Уларни Норбой ота уйига олиб кетди. Кошифгаям: «Юр», деди. Бироқ Кошиф унамади. «Эртага саҳарда келаман», деди.

Кошиф тунни ҳар доимгидан сокин ўтказди. Кўнгли хотиржам эди. Шу боис узоқроқ ухлаб, субҳни бой бериб қўйди. Кўп афсус чекди. Ўша афсуси юзида ҳам озгина акс этди. Эрталаб ҳаммадан олдин уни кўрган Норбой ота бунинг сабабини билишга уриниб кўрди. Аммо билолмади.

— Бугун сафарга чиқаман, — деди унга Кошиф.

— Сафар? Кўпгами? — дея хавотирланди Норбой ота.

— Йўқ. Имкони бориша шу куннинг ўзида қайтаман. Дўсти деб кўп жабр чекканнинг мартабаси улуг. Шу боис меҳмонлар билан уларнинг юртига бориб келаман.

— Улар жуда узоқ йўл босиб келишибди. Бир кунда бориб қайтишнинг иложи бўлмаса керак, — деб ўғлининг юзига термилди Норбой ота.

— Аллоҳдан нени сидқидилдан сўрасак, ўшани беради... Меҳмонлар туришдими?

— Ҳали ухлашяпти. Бечораларнинг роса тинкалари қуриган экан. Бизникилардай бақувват бўлишганида ҳам майли эди. Жуда нимжон эканлар.

— Ота, дунёда улардан ҳам кичиклар бор экан. Бизнинг дунёмиз ниҳоятда кенг экан. Ҳали сизга ҳаммасини гапириб бераман.

— Онанг ширчай тайёрлаб қўйибди. Ташқари анча совуқ, уйга кирайлик.

Кошиф меҳмонларни уйғотишга мажбур бўлди. Агар уйғотмаганида, кечгача ухлашлари ҳам мумкин эди. Чунки кўп кунлик чарчоқ ҳали бери уларни тарк этмаганди. Улар уйғониб-уйғонмай нонушта қилишди. Кейин Кошиф билан бирга йўлга чиқишди.

— Бугунги ишларинг нима бўлади, ўғлим? Кеча кўпнинг олдида ваъда бергандинг. Агар сен борма-санг, улар келишади, — деди Норбой ота улар кетар чоғида.

— Ундай юмуш қочиб кетмас, ота. Бемор кутиб ётибди. Вақтида борилмаса, кейин кеч бўлиши мумкин, — деди унга жавобан Кошиф.

Кошифнинг уйигача отда борилди. Кошиф пиёда, ака-ука отда. Бердиёр: «Сиздай улуғ инсон пиёда юрса-ю, биз уловга минсак, уят бўлади, минмаймиз», деди. Кошиф унинг елкасига қўлини ташлади. «Меҳмон ҳаммадан улуғ, мендан ҳам. Бу биринчиси. Иккинчиси, сиз ўта чарчагансиз. Йўлимиз олис. Ҳордиқ олишингиз даркор», деди.

Ака-ука тоғ олди қишлоқларини, тоғ ораларидаги қишлоқларни кўришганди. Ҳаммасида замонавийлик нуқси бор эди. Бироқ бу қишлоқни кўрганларида ҳайрон қолишди. Кеча эмас, бугун ҳайрон қолишди. Кеча чарчоқ кўзларини юмиб қўйганди. Бугун атрофга қарашди. Тасаввурдан анча узоқдаги эскилик. Аммо одамлари бахтли. Шод-хуррам. Ташвишсиз. Бақувват. Яна-яна болалари туғиляпти, улғайяпти. Четга, узоқ элларга ҳеч бирининг иши тушмайди. Аммо четдагиларнинг, узоқ элдагиларнинг буларга иши тушаркан. Мана, тушяпти-ку.

Улар табибнинг кулбасига етишди.

— Сиз бир оз шу ерда тура турунг, менинг ичкарида озгина юмушим бор, — деб Кошиф уйига кириб кетди.

— Шу, — дея Равшан кулбани кўрсатди, — унинг уйимикан? Шу ерда яшармикан? Бизда бунақангиларни одамлар оғил ҳам қилишмайди-ку. Мен битта чаласавод урологнинг уйини кўргандим. Қаср унинг олдига саломга келади. Бу табиб бўлса давоси йўқ касални даволайди-ю, оғилдан ҳам баттар уйда яшайдими?!

— Жим бўл, балки, бу ер шунчаки қўналғасидир. Уйи бошқа жойдадир. Ишқилиб, тезроқ чиқсин-да, — деб бошини қашлади Бердиёр.

Кошиф кўп куттирмади. Дарров уйидан чиқиб, уларнинг ёнига келди. Кулбасига таклиф қилди. Ака-ука эътироз билдиролмади. Нима десин? «Узр, биз киролмаймиз, шошиб турибмиз. Сиз ҳам, яхшиси, уйингизга қайтиб кирманг. У ёқда одам ўламан деб турибди. Оёқни узатиб, бемалол уйга кириб ўтирадиган вақт эмас ҳозир», десинми?

Ички норозилик билан ака-ука отдан тушди. Кошифнинг ортидан эргашиб, уйга киришди. Хийла қоронғи уй. Одатда, бунақа жойлар зах бўлиб, ҳамма ёқни зах ҳиди босиб кетади. Бу ер эса қандайдир ўт-ўланнинг хушбўй ҳиди билан тўйинган.

Кошиф уларни тўрга, ҳар хил китоблар тахлаб қўйилган токчанинг ёнига ўтқазди. Кейин ўзи ҳам ўтирди. Кўзини юмиб, пичирлай бошлади. Вақт аста-секин ўтиб борар, бироқ бирови ҳам қимир этмайдди. Кошифнинг пешонасидан тинимсиз тер оқмоқда, лаблари орасидан сирғалиб чиқаётган ҳар битта сўз одамни сеҳрлайди. Бошқа оламга олиб киради. Гўзал боғ-роғларда сайру саёҳат қилдиради. Ранг-барангликка ошуфта этади.

— Кетамиз.

Кошифнинг гапини ака-ука эшитмади. У яна такрорлади. Қондошлар сира кўзларини очгилари йўқ эди. Бироқ ноилож...

Кошиф олдинда, ундан кейин Бердиёр, охирида Равшан бирин-кетин эшикдан чиқишди.

Бердиёрнинг бирдан кўзи олайиб кетди. Равшан сал қолса додлаб юбораёзди. Чунки улар шаҳарнинг биқинида туришарди.

— Нима бу? Қандай келиб қолдик?! — деди Равшан шоша-пиша.

— Аллоҳнинг иродаси билан, — жавоб берди Кошиф, — бу ёғига йўл бошланг.

— Тушимми, ўнгимми? Тушим бўлса керак. Шунча

йўлни... Йўқ... Самолёт ҳам бунчалик тез учолмайди... Шошма, оралиқдаги тоғлар, дарё ирмоқлари, дов-дарахтлар... Қаерда қолди улар? Биз қандай қилиб?.. Равшан, ука, мени чимчилаб қўй. Уйғоқ-лигимни билай...

— Беморнинг ёнига борайлик, — деди Кошиф.

Холбуки, унинг-да қизиқишлари бир дунё эди. Бир неча шаҳарни, аҳоли зич жойларни кўп кўрди. Бироқ ҳали бирор марта бўлсин яқинига бормаганди.

— Ҳа, ҳа, тўғри, биз ҳозир... Эҳ, бировга айтсам, ҳеч ким ишонмайди...

— Беморнинг аҳволи оғирлигини айтгандингиз, — дея унинг гапини бўлди Кошиф.

— Ҳозир. Ҳозир машина тўхтатамиз. Юринглар, анави йўлнинг бўйига борайлик. Такси тўхтатайлик.

Олдинига такси ҳайдовчисининг оғзи ланг очилиб қолди. У на Бердиёрнинг ва на Равшаннинг гапини эшитди. Кошифга термилганча қотиб қолди. Бердиёр чидамади. Бориб туртди.

— Ҳов, нега анқаясан, умрингда одам кўрмаганмисан?

— Кўрганман, — дея ўшшайди ҳайдовчи, — лекин бунақасини биринчи кўриб туришим. Жиннихонадан чиқдингларми, нима бало?

— У бу ердагиларнинг ҳаммасидан ҳам соғлом, — деб Бердиёр Кошифни кўрсатди-да, машинанинг орқа эшигини очди.

Кета-кетгунча таксичининг оғзидан чиқмаган гап қолмади. Кошиф ҳали жиннига, ҳали пиёнистага менгзалди. Ора-чора Бердиёр билан Равшан ҳам койилди. «Қариндошларинг, танишларинг экан, сочсоқолини олиб, яхшилаб чўмилтириб, одамга ўхшатиб кийинтириб қўйсанглар бўлмайдими?» деди.

Кошиф на унинг гапларига, на ака-укаларнинг ҳолатига эътибор берди. Уни шунча одамни отдан ҳам тез олиб кетаётган темир-терсак ҳайратлантирди. Кошиф бир-икки марта ўриндиққа сапчиб-сапчиб ўтириб кўрди. Ҳайдовчи буни гилдиракларнинг ўнқир-чўнқирдан ўтганига йўйиб, аҳамият бермади. Бу темир-терсакнинг қизиги қолмагач, Кошиф ён-атрофни қувонч билан томоша қила кетди. Шу боис манзилга етганини сезмай қолди.

Шомансурнинг уйидагилар ҳам такси ҳайдовчиси-дан кам аҳволга тушишмади. Ҳатто улар кўрқиб-ди. Назира Бердиёрни секин четга тортиб:

— Ким балони бошлаб келдингиз?! — деди ранги оқарганча.

— Ким бало эмас. Авлиё, табиб, ҳали шундай гапларни айтаман, даҳшатга тушасиз, куда хола.

— Ҳазилни қўйинг, куда, бунингиз одамхўрларга ўхшайди. Телевизорда чангалзорда яшайдиган одамхўрларни кўрсатишганди. Буям шу ёқлардан келиб қолган, шекилли. Куда, мабодо Шомансур акамда қасдингиз йўқмиди? — деди Назира кўзига ёш тўлиб.

— Астаффирулло, нималар деяпсиз? Сиз борингда, яхшилаб ош дамланг, унгача табиб эрингизни кўриб қўяди.

— Йў-ў-ў-қ, ёнида ўзим ҳам тураман! Пичоқ ушлаб тураман!.. Лекин!.. — деб Назира йиғлаб юборди. — Қудангизнинг аҳволи янаям оғирлашди. Эрталабдан бери кўзини очмаяпти.

Кошиф уларнинг гапини тўла эшитди. Тушунди. Ичида кулди. Бироқ сездирмади. Қасрга монанд қурилган уйни томоша қилди. «Умримиз жудаям оз. Киприк қоққунча эмас. Оз умрга кенг иморат», деб ўйлади.

— Қани, тақсир, — дея уй томонга ишора қилди Бердиёр, — марҳамат қилинг. Касал янаям оғирлашибди.

Кошиф хўп дегандай бошини қимирлатиб қўйди. Шомансур икки кишилиқ каравотда қимир этмай ётарди. Ранги оқарган, лабидан қон қочганди. Кошиф унинг пешонасига кафтини қўйди. Шомансур ўзгача бир илиқлик туйди. «Жаннатга тушаман, шекилли, одамнинг гуноҳи кўп бўлса, Азроил қийнаб жонини оларкан, савоби мўл бўлса, мана шунақа оғритмасдан, осонгина жон таслим эттираркан бандага», дея ўйлади ва чуқур нафас олиб чиқарди. Юзида табассум аломатлари пайдо бўлди.

Кошиф елкасидан қопини пастга тушираркан, Бердиёрга қайнаган сув олиб келишни буюрди.

Шомансур бир култум дори аралашган сувни жуда узоқ ютди. Кошиф аввал унинг лабини намлади. Сўнг секин оғзини очиб, дорини томизди. Шу тариқа бир қанча муддат сарфлади. Шомансурнинг юзига озгина қизиллик югурди. Ана шу маҳал Кошиф муолажани тўхтатди.

— Дам олсин, — деди ва ўзи Шомансур ётган каравотнинг ёнига, гилам устига ўтирди.

Назира табибнинг қандай кўринишга эгалигини унутганди. Кўряпти, эрида ўзгариш бор. Озгина. Лекин бор. Демак, яшаб кетишига умид ҳам бор.

— Вой, — деди Кошиф ўтиргач, — кўрпача тўшаб бераман. Гиламда ўтиришингиз уят бўлади-я.

Кошиф жойидан қимирламади. Шунинг билан бирга, бошини ҳам кўтармади. Кўрқди. Нигоҳи Назиранинг очиқ елкасига тушиб қолишидан кўрқди. Бир марта — ҳовлига кираётганида Назиранинг очиқ елкасига кўзи тушганди. Шу заҳоти кўзини олиб қочганди. Ўзини кўп койиганди. «Аёл овозини эшитганим заҳоти кўрга айланишим керак эди-ку. Бундай қилмадим. Эй, Танграм, ўзинг шоҳидсан айбимга, кечир мени», деган эди пичирлаб. Ҳозир эса «Нега аёллари бунақа? Нега эркаклари баданни

кўрсатиш гуноҳ эканлигини айтишмайди», дея хаёлидан ўтказди.

Назира унинг елкасига салгина туртиб қўймоқчи, туришга ундамоқчи эди. Кошиф антиқа ифор ҳидини сизди. Эти жимирлаб кетди.

— Устингизни ёпинг, — деди.

Назира қўлини чўзганча қотиб қолди-да, секин қудасига қаради.

Бердиёр «тегинманг» дегандек бошини қимирлатди. Аёл дув қизарди. Шоша-пиша қўлини тортиб олди-да, эшик томонга юрди. Эшик ортига ўтганида унинг пешонасида маржондай-маржондай тер пайдо бўлганди.

— Ойижон, сизга нима бўлди? — деди патнис кўтарганча ташқи эшикдан кирган Дилдора қайнонасининг қизариб кетганини ва ҳаяжонланиб турганини кўриб.

Назира бирдан келинига бошдан-оёқ қараб чиқди. У ҳам очиқ-сочиқ кийинган. Сочини орқасига ёйиб олганди.

— Қайтинг, қизим. Кийимларингизни алмаштинг. Сочингизни йиғиштиринг, — деди.

— Нега, ойижон?! — ҳайрон бўлди Дилдора.

Ахир қайнонаси замонавий аёл. Уни ўзи қўярда қўймай мана шунақа кийинишга мажбур қилган. Энди шундай аёл бирдан бунақа деб турибди.

— Ерга кириб кетай дедим, қизим... Сиз, сиз умуман эркакларнинг ёнига кирманг. Уфф, мен ҳам кирмайман.

Қайнона билан келин аввал хоналарига кириб кетишди. Кейин ошхонага ўтишди. Дилдора эрига қўнгироқ қилиб: «Дўконни ишчиларга қолдириб, ўзингиз тез уйга етиб келинг. Табиб адажонни даволаяпти, ёнида бўларкансиз», деди. Кейин ғалати кийимли табиб ҳақида қайнонасидан сўрашга тушиб кетди.

— Ҳаммасини кейин айтиб бераман. Аммо бир оғиз гапирди-ю, мени уялтирди, — деди Назира келинининг кўзига қаролмай.

— Нима деди?

— Устингизни ёпинг, деди. Шу заҳоти ер ёрилмади, кириб кетмадим... Тезроқ сабзини артинг, мен гуруч юваман.

Кейин у гапирмади. Индамай иш қилди. Келини яна бир-икки марта кўриниши ғалати одам ҳақида сўраб кўрди. Бироқ қайнона лом-мим демагач, тилини тишлашга мажбур бўлди.

Назира гўштни қозонга босганидан кейин эри ётган хонанинг эшиги ёнига борди. Паст овозда қудасини чақирди. Бу пайтда Кошиф яна муолажани бошлаганди.

— Нима гап? — деди Бердиёр секин эшикдан бошини чиқариб.

— Чой дамлагандим, шу ерга олиб келаверайми? — дея пичирлади Назира.

— Майли, майли, — деб Бердиёр кўз қири билан Назиранинг кийимига қараб қўйди.

Узун кўйлак, рўмол ярашибди. «Шундай юрса ҳам бўларкан-ку. Ҳар ким ёшига ярашадиган иш қилсин экан-да», дея кўнглидан ўтказди.

Ош пишган маҳали Шомансур бир пиёла дори ичди. Бошини кўтарди. Ажабланиб Кошифга қаради.

— Сиз кимсиз? Қаердан келиб қолдингиз? — дея сўради.

— Табиб. Мен сизга айтган табиб шу киши бўлади. Мазангиз бўлавермаганидан кейин Равшанни ёнимга олиб, бу авлиёни қидириб тоққа чиқиб кетдик. Айни вақтида топиб келдик. Қалай, яхши бўлиб қолдингизми? Ўзингизни тетик сезяпсизми? — деди Бердиёр.

— Мен бошқача тасаввур қилган эканман. Умуман, табиблар бошқача бўлади деб ўйлардим-да... Ҳалиги... Кийимларингиз галати экан-да...

Кошиф жилмайди. Секин гиёҳлар солинган қопчаларни бирма-бир йиғиштира бошлади. Шомансур қудасига қаради. Бош бармоғини қолганларига ишқалаб, «Беринг» ишорасини қилди. Кейин Кошифга тикилди.

— Ростини айтсам, ўлаётган бўлсам керак деб ўйладим. Хурсанд ҳам бўлиб кетдим. Чунки Азроил жонимни оғритмасдан олаётгандай туйилди-да. Жаннатга тушаман дедим... Сизга мингдан-минг раҳмат. Умид йўқ дейишганди...

— Қуда, — дея Шомансурнинг гапини бўлди Бердиёр, — аввал мен шу кишининг дорисидан тузалганимни айтганимда ишонмагандингиз. Энди билияпсизми?

— Билдим. Билдим. Ҳали, қандайдир ичимдагиларни айтиб беролмаяпман-да. Қандайдир бошқачаман.

— Сиз, — деди Кошиф юзида табассум билан, — узоқ умрнинг эгасисиз. Манавини кунда уч маҳал, овқатдан олдин ичасиз.

— Хўп бўлади, хўп бўлади... Бу Назира қаерда қолиб кетди? Ошга уннадимикан? Шундай одам ўз оёғи билан келиб қолган экан, ош едирмасдан кетказсак, яхши бўлмас, кейин узоқдан келган меҳмоннинг ётоғиниям тўғрилаб берса... Бердиёр ака, шуларни хотинга айтсангиз. Кейин анавиниям кўпроқ берсин. Икки пачка бераверсин. Агар табиб ҳазратлари, — деб Кошифга қараганча жилмайди Шомансур, — кам десалар, бемалол қўшаверсин.

Кошиф унинг овқат, ётиш ҳақидаги гапларини англади. Бироқ ундан кейингиларини тушунмади.

— Ҳа, ҳа, тўғри. Арзийди, арзийди. Қани, меҳ-

мон, юринг, меҳмонхонага кирайлик. Биргаликда бир ошхўрлик қиламиз. Шомансур аканинг ичини қиздирамиз-да. У кишига ҳали мумкинмас, тўғри-ми?

Кошиф индамади. Ўрнидан туриб, Бердиёрнинг ортидан юрди. Меҳмонхона аталмиш хонага кирди. Ҳаммаёқда кўзни қамаштирадиган буюмлар. «Булар нимага керак бўлиб қолди? Биз Улуғ Руҳ розилигини ололмасдан сарсонмиз. Агар бундай иморату зебзийнатларни бир жойга тўплаб, уларга ошуфта бўлиб ўтирганимизда, пешонани қўйишга вақт тополмаган бўлардик. Одамзот қандай улгуриши мумкин шунча нарсаларни бир жойга тўплашга? Эй, Танграм, ташқарида ҳўп ажойиботларни кўрдим. Эҳтимол, ўшалар кўмагида зумда бундай баланд иморатлар қуриш мумкиндир... Дастурхон. Егуликлар. Мева-чева. Чиройли нон. Ял-ял товланаётган идишлар. Юмшоққина ўриндик», хаёлидан ўтказди Кошиф. Сўнг Бердиёрнинг таклифи билан ўтирди.

— Қани, ҳазрат, нондан олинг. Мевалардан енг. Ҳозир ош ҳам келади. Биламан, ошни қизим қилган. Қўли гул Дилдоранинг. Еб тўймайсиз ошини...

Эшик очилди. Мўйлов қўйган йигит кирди. Акром. Хотинидан, онасидан озми-кўпми табиб тўғрисида эшитганди. Озми-кўпми у ҳақда тасаввурга эга эди. Шу боис ҳам унчалик ажабланмади. Салом берди. Биринчи сезгани табибнинг юзидан ёғилаётган нур бўлди. Эшитганига қўшилиб Кошифга нисбатан ҳурмати икки ҳисса ошиб кетди.

— Биз сиз тўғрингизда кўп яхши гаплар эшитгандик, — деди икки қўллаб кўришаркан.

Ваҳоланки, кўп гаплар эшитмаганди. Эшитгани, шунақа-шунақа, ажойиб табиб бор экан. Ҳар қандай оғир касалликни ҳам даволаркан. Шу, бошқа гапмас. Мулозамати эса ишига хос эди. Бировга

иши тушганида ёки кимдандир ниманидир сотиб олмоқчи бўлганида, албатта, унинг номига мумкин қадар хушомаддан кўпроқ ёғдириши керак. Ишинг осон битади. Осон битмаган тақдирда ҳам ҳеч нарса йўқотмайсан. Кетгани ичингдан чиқарган яхши гап бўлади. Ҳозир бунақанги гаплар жудаям арзон. Текин. Бошқа ҳар нима қиммат.

— Сиз беморнинг фарзанди, — дея жилмайди Кошиф.

— Ҳа, шундай. Бу ерга киришимдан олдин адамни кўрдим... Тўғриси, бугун одамни ёмон кўрқитганди... Биздагилар қўлимиздан келганини қилдик дейишди. Шунинг учун Ҳақ таоло деб ўтиргандик. Адамнинг аҳволини кўриб, хурсандлигимдан йиғлаб юбораёздим. Энди нима хизмат айтсангиз, бош устига. Яна қанча десангиз, бераман. Сиз отамнинг жонини сақлаб қолдингиз...

— Ҳеч, — дея унинг гапини бўлди Кошиф, — мен вазифа адо этдим. Ўзгаси берганнинг қўлида.

«Акром ака, бу ёққа қаранг», деган овоз келди шу пайт эшик ортидан. Ўтирмоққа чоғланаётган Акром шу заҳоти чақирилган томонга кетди. Сўнг бир зумда ортига қайтди. Унинг қўлида сергўшт бир лаган ош бор эди. Буғи чиқиб турарди ошнинг.

— Ана, паловхонтўра ҳам келди, — деди Бердиёр кафтларини бир-бирига уриб.

Дарҳақиқат, ош Бердиёр мақтагандан зиёд эди. Қазии, бедана тухуми унинг мазасини янада ошириб юборганди. Кошиф бу тахлит пиширилган ошни илк маротаба еяётганди. Хуш ёқди. Зўр иштаҳа билан еди. Мақтади. Шунинг билан бирга, серёғ эканлигини, бунақанги таомлар икки жумада бир ейилса, зиён қилмаслигини қистириб ўтди.

Таомланиш тутаганидан кейин у туришга рухсат сўради.

— Шунча тез кетиб қоласизми? Ҳали ўтиринг, сиз билан гаплашадиган гапларимиз жудаям кўп... Шаҳарга келсангиз бўларкан. Одамларни даволардингиз...

— Рухсат беринг, — деди Кошиф Бердиёрнинг гапини бўлиб.

— Эсиз... Майли, унда сиз озгина ўтира туринг, мен ҳозир, — деб Бердиёр ўрнидан турди-ю, чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай қайтди. Унинг қўлида қоғозга ўроғлиқ бир нима бор эди. Бердиёр қўлидагини Кошифга узатди. «Мабодо кам бўлса, айтасиз», деди.

— Нима бу? — сўради Кошиф ҳайрон бўлиб.

— Пул, — дея Кошифдан-да кўпроқ ажабланди Бердиёр.

— Нима, пул?

— Ҳалиги... Пулдақа пул-да... Кўкида. Ёки саригидан қилиб берайликми?

— Нима қиламан?

— Билмадим. Балки, у-бу нарса сотиб оларсиз. Ёки бирорта заруратингизга ишлатарсиз.

Кошиф жилмайди. Сўнг ўрамни очди-да, битта купюрани ажратиб олди. Айлантриб томоша қилди. Кейин ҳидлади. Бурнини жийирди.

— Жуда хунук, бадбўй матоҳ экан. Менга ҳеч зарурати йўқ, — деб Кошиф ўрамни қайтариб берди.

— Йўқ, йўқ, мен буни қайтиб ололмайман. Ҳалол меҳнатингизнинг ҳақи, — дея унинг қўлини қайтармоқчи бўлди Бердиёр, — агар кам бўлса, айтинг, Шомансур бели бақувват одам, қўшади яна.

— Ҳеч вақо англамадим. Бунингизнинг нелигига ҳам ақлим етмади. Яхши қолинг, — дея столнинг устига қоғозни қўйиб, эшик томонга юрди Кошиф.

Бердиёр ҳаёти манг эди. Ақром ҳангу манг эди.

Зеро улар пулни, унга кўп нарса сотиб олиш мумкинлигини билмайдиган одамни илк маротаба учратиб туришарди.

Акром: «Ҳеч қурса шаҳар ташқарисигача олиб бориб қўяй», деб хўп ялинди. Бироқ Кошиф унамади. «Томошани ихтиёр этиб қолдим. Темир-терсак устида ўзимни ноқулай ҳис этдим. Шу боисдан пиёда кетмоқчиман», дея табиб уларни яна бир марта ажаблантирди.

Кошиф кўзга кўринмай кетганида Назира уйидан югуриб чиқди. «Ҳеч қурса тўн кийгизиш керак эди. Устидаги кийими билан шаҳарда юриб бўлмайди», деди.

Бердиёр билан Акром бирдан ҳовлида турган машина томонга югурди.

* * *

— Аватарга қаранглар! Аватарга! Вах-хах-ха! Аватар! Биздаям бор экан Аватар!

Кошиф Шомансурнинг уйидан икки кўча узоқлашганди. Одам гавжум масканга дуч келиб қолди. У бу ер бозорча эканлигини, Шомансур бермоқчи бўлган қоғозларга шу ердан ул-бул харид қилиш мумкинлигини билмасди. Яна бу ернинг одамлари маккорроқ эканлигини ҳам билмасди. Қаёқдан ҳам билсин? Тоғдан қарийб тушмаган, бунчалик кўп одамларни биринчи марта кўраётган бўлса. Кошиф қизиқсиниб шу ёққа яқинлашди. Сўнг бирдан: «Аватарга қаранглар! Аватар! Биздаям Аватар бор экан!» деган қичқириқни эшитди. Ҳайрон бўлди. «Нима экан бу Аватар деганлари? Мен ҳам Аватарини бир кўрсам экан», деб ўйлади.

Ҳаш-паш дегунча Кошифнинг атрофини одамлар ўраб олишди. Бирови уни кўрсатиб кулса, бошқаси ҳеч тортинмай кийимини ушлаб кўряпти.

— Алкаш, пиён десам сасимаяпти. Лекин соч-

соқоли ўсиб кетганини қаранглар, — деди биттаси.

— Қопи антиквар эканми? Вей, мен шунақа нарсаларга қизиқаман. Ҳов, Аватар, — деди Кошифнинг ёнида турган узун бўйли, сочини хўроз тож қилиб олган бир йигит, — қопингни бермайсанми манга?

Кошиф унга бошдан-оёқ қараб чиқди. Кейин бошини қимирлатиб, «йўқ» ишорасини қилди.

— Ни-ма?! Манга шу пайтгача биров йўқ демаган! Йўқ дейдиган бўлса, сотиб олганман! Қанча туради қопинг?! — дея ғўддайди йигит.

— Кўйсанг-чи, ўзи шундоқ ҳам ҳеч вақоси йўқ экан. Бошингга урасанми қаёқдаги ўт-ўландан бўлган қопни? — деди унинг ёнида турган шериги.

— Зато оригинал. Манга шунақа нарсалар ёқади. Агар ололмасам, ухлаёлмай чиқаман. Ҳов, Аватар, сотасанми? — дея у Кошифни турткилади. — Пул бераман, пул. Сумка сотиб оласан. Ашқол-дашқолларингни шу сумкага солволасан. Нима дединг?

Кошиф жилмайди, бошини қимирлатди.

— Бермасанг, ўзингдан кўр. Мажбурман тортиб олишга.

У қўлини қопга чўзди. Кошиф ортига бир қадам ташлаб, ундан узоқлашди.

— Ие, ўлгиси келдими бу Аватарнинг?! Оламан дедимми, оламан! Шоҳ, қўлидан ушла!

— Ҳов, зўр! — деди нарироқда турган қирқ-қирқ беш ёшлар атрофидаги қорачадан келган хўппа семиз хотин. — Кучинг ўзидан қолганга етдими?!

— Хола, индамай бориб, помидор, пиёзингизни сотинг. Аралашманг! — дея афтини бужмайтирди «узунтой».

Шоҳ деганларининг асл исми Шаҳобиддин. Манави «узунтой», яъни Алиқ — Алимардоннинг ўртоғи. Иккиси битта маҳаллада яшайди. Битта мак-

табга бориб келган. Энди ўқиган десак, сал ўхшамайди-да. Чунки қойиллатиб дарсда ўтирмаган, қойиллатиб бирор нима ёзмаган. Ойда беш-олти кун бориб-келган, холос. Қолган умрини кўчада ўтказган. Маҳалланинг етти ёшидан етмиш ёшигача барини танишидан ташқари, кимнинг қанақа ити бор, мушуги нечта, сичқони қачон овга чиқади — ҳаммасини билади.

Шоҳ Кошифнинг қўлидан ушлади. Аммо шу заҳоти қўйиб юборди.

— Нима бўлди? — деди Алимардон.

— Билмайман. Қандайдир ғалати. Алик, қўй шу тўрвани.

— Нималар деяпсан, ҳеч вақт гапимни икки қилганимни кўрганмисан?! Қопни менга бермадим, ўзигаям бўлмайди, ялангоёқ! — деб Алимардон чўнтагидан қайирма пичоқ чиқарди.

Сўнг қопни йиртиб ташламоқчи бўлди. Шу заҳоти Кошиф қўлини тутиб қолди. Пичоқ тиги ўткир эди. Билакни кесиб кетди.

— Нима қилдинг?!

Уч қадам нарида, бошига рўмол ўраган бир қиз турарди. Оппоққина, киприклари узун. На семиз ва на озғин. Кийими қадди-қоматининг кўркамлигини янада оширган бир қиз. У Алимардонни танийди. Сабаби, Алимардон қарийб икки йилдан бери шу қизга ошиқ. Кунда-кунора айланиб, ўргилиб, йўлини тўсади. «Мафтуна, Мафтун, менга тегасан», дейди. Қиз кўнмайди. «Кўча безорисига ҳеч қачон турмушга чиқмайман», дейди. «Мендан бошқани дейдиган бўлсанг, сениям, ўша бошқаниям бир ёқлик қиламан», дейди Алимардон. Қиз йиғлаб юборади. «Дадамга айтиб бераман, милицияга топшириб юборади», дейди. Бироқ айтолмайди. Дадасининг қон босими ҳамиша юқори юради. Яна қанд касалини

ҳам орттириб олган. «Айтсам, дадамнинг аҳволи яна-ям ёмонлашиб қолади», дейди.

Алимардон бунақа бўлишини кутмаганди. Шу боис қўрқди ва бирдан қиз томонга ўтирилди. Мафтуна. Бу ёғи энди неча пулдан тушди? Шундоқ ҳам бу қизни кўндиролмай ҳалак. Битта алмисоқдан қолган қопни деб...

— Ҳалиги... мен... бундай бўлишини... — дея доддиради Алимардон қизни кўриши билан.

— Йўқолинг! Кучингизни кимга кўрсатишни билмай қолдингизми?! Келиб-келиб...

Қизнинг кўзидан дув-дув ёш оқди. У назарида чорасиз бир одам бўлган Кошифга ёрдамлашишга ошиқди. Шунда беихтиёр Кошиф унинг юзига қараб қўйди. Юраги ўйнаб кетди шу заҳоти. Бирдан нигоҳини олиб қочди.

— Ҳеч боқиси йўқ, — деди қиздан қўлини олиб қочиб.

— Ҳали сен мендай болани менсимай, қаердаги томи кетганга ёрдам бермоқчимисан?! — дея бақирди Алимардон.

«Эй, Танграм, зиён етказиб қўйишимдан сақла», дея кўнглидан ўтказди Кошиф ва ўзига қаҳр-ғазаб билан тикилган Алимардонга юзланди. Алимардон шу заҳоти ортига тисланди.

— Йўқ! Йўқ! Отажон! — дея бақириб юборди ва қочишга тушди.

Ҳамма томошатаалаблар ҳангу манг эди. «Манави ўзидан қолган нима каромат кўрсатди-ю, зўравон нега дод-вой солиб қочишга тушди?» деган ўйда одамлар ҳайрон қолишди. Биргина қиздан бошқа ҳамма карахт эди. Қизни манави ғалати кўринишдаги одамнинг жароҳати қийнади. «Вена кесилиб кетган бўлса борми, кўп қон йўқотиб қўяди», дея хаёлидан ўтказарди у. Охири чидолмади:

— Яқин жойда поликлиника бор. Юринг, кўрсатаман. Боғлаб қўйишади, майлими? — деди мафтункор овозда.

— Жинними бу қиз? — деди томошаталаб аёллардан бири.

— Чўнтагида... Чўнтагининг ўзи йўғу, бинтни битига оладими?

— Шундай чиройли, шундай истарали қиз қаердаги бетайинга ёрдамлашмоқчими?

Улар ҳалигина Кошиф кўрсатган кароматни унутишганди. Қаранг, жудаям тез. Манави қизнинг ҳусну малоҳати ва унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган одамга ҳиммат кўрсатаётгани унуттириб юборди. «Ҳар аълода бир қусур», деб шунга айтишади-да, бу қиз жа кўзга яқин бўлгани билан аттанг билан ҳам, дакканг билан ҳам гаплашиб кетавераркан. Эсиз, бошқа жойда кўриб қолсанг, фақат шу қизгинани келин қиламан дейсан», дея ўйлай бошлашганди.

Кошиф шу атрофда табиблар макони бор ва у ерда ҳар қандай касалликни даволашишини тушунди, гарчи поликлиника нима эканлигини билмаса ҳам.

— Ташаккур, — деди қизга.

Сўнг аста-секин кета бошлади. Мафтуна унинг ортидан бир оз қараб турди. Кейин югурди.

— Шошманг, шошманг, бу аҳволда қаерга кетяпсиз?!

Кошиф юришдан тўхтади. Қизнинг етиб келишини кутди. «Азбаройи тасодиф сабаб унинг юзига қараб қўйдим. Йўқ, менинг алдашга... Кимни алдомоқчи бўляпман? Олдингиси тасодифий, беихтиёр эди. Кечириш мумкин эди. Фашим келди унда. Аёлни фаросатсизликда айбладим. Аммо манави қизга кўзим тушганида, унинг жозибасини кўрганимда... Мана шунинг учун мени кечир, Парвардигор. Бир-

гина, кичкинагина синовинг олдида қанчалик ожиз-лигимни, сенинг қанчалик буюклигингни яна бир карра туйдим», дея ўйларди у.

— Ҳализамон йиқилиб қоласиз.

Кошиф қизнинг гапига кулди. Нигоҳини ерга қаратиб кулди. Сўнг қопини елкасидан олди. Ичини очди. Малҳам чиқазди. Яра устига суртди. Сўнг қўй терисидан жуда юпқа қилиб ишланган «латта» билан ярани боғлади.

— Нима қилганингиз бу? — деди ҳайрон бўлган Мафтуна.

— Табибман, — деди Кошиф қисқагина.

— Тушунмадим, табиб бўлсангиз, қанақангидир мойнинг устидан кир латта боғладингиз-ку. Ҳар хил бактериялар тушиши мумкин ярангизга.

Кошиф бактерия нима эканлигини билмайди. Аммо «кир» сўзи унинг ҳам лаҳжасида бор.

— Туси шундай. Кирланмаган, — дея Кошиф яранинг устини очди.

Қизнинг кўзи бирдан каттариб кетди. «Жароҳат бирдан йўқ бўлиб қолибди. Бу одам... Бу одам ким ўзи?! Қандай қилиб шундай ярани бирпасда йўқ қилиб юборди? Боя, боя Алимардон кўрққанидан олд-орқасига қарамай қочди. Нимадан кўрқди у? Нимани кўрди? Нега у кўрган нарсани бошқалар кўролмайди?» деган хаёл келди миясига.

— Сиз кимсиз? — деди Мафтуна айқаш-уйқаш ўйлар исканжасидан амаллаб чиқаркан.

— Табиб.

Жавоб қизни қониқтирмади.

— Бунга айтдингиз. Лекин ўзингиз қаердан келиб қолгансиз? Нега бунақа кийимда юрибсиз? Кейин соч-соқолингиз ҳам ўсиб кетган.

Жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига табиб яна қопини елкасига илиб, кета бошлади.

— Тўхтанг, илтимос, тўхтанг. Бу аҳволда юрсангиз, кўп муаммоларга дуч келиб қолишингиз мумкин. Отамнинг кийимлари бор. Сал-пал эскироқ. Агар... Агар ўзингизга оғир олмасангиз, кийишингиз мумкин. Уйим бу ердан узоқ эмас. Бир бекатча ҳам келмайди. Юринг... Ҳалиги... сиз ҳар қандай касалликни кўраверасизми? Яъни, айтмоқчиманки, даволайсизми? — деди қиз у билан ёнма-ён кетаркан.

— Кимингиз бемор? — сўради Кошиф тўхтаб.

— Дадам. Лекин у ергача қандай олиб бораман сизни? Кўрганлар... Энди кўпчилик тили билан юради-да... Яна дадам бедаво дардга чалинган. Кўринишидан соғлом одамга ўхшайди. Лекин салгина асаби бузилса, дарров қанди ошиб кетади. Уйдагиларнинг ҳаммаси юрак ҳовучлаб қолишади. Сиз даволай олмасангиз керак... Аммо ярангизни бирпасда тузатганингиз мени ҳайрон қолдирди. Қандай қилдингиз? — дея Мафтуна Кошифнинг юзига қаради.

Табиб шу заҳоти кўзини олиб қочиб, жилмайди.

— Табибман! — деди такрор.

Мафтуна унинг юз буришидан бир нима-бир нималарни тушунгандай бўлиб, қизариб кетди. Сўзсиз, оний лаҳзада, кичик ҳаракат билан уялтириш Кошифга берилган инъом эди.

— Уйингизни хотир этинг, — деди у.

Мафтуна бу гапнинг мағзини тезда чақолмади. Чақиш учун Кошиф бошқача гапириши керак эди. Аммо табиб бошқача гапиролмасди-да.

— Уйимни? Хотир, хотир... Ҳа, ҳа, — деб у отаси, умуман оила аҳли кириб чиқадиган, макон этган хонадонни кўз олдидан ўтказди.

Қиз нигоҳини ерга қаратиб, андак уялиб сўзлади ва табибга кўз қирини ташлаганида уни кўрмади. Табиб турган жойида йўқ эди. Қиз кўрқиб кетди.

Ён-атрофига аланглади. Йўқ, ҳозиргина ўзи билан гаплашиб турган одам йўқ. Бунақаси бўлиши мумкин эмас. «Шошма, мен Ҳазрати Хизрга дуч келиб қолдимми?! Ҳа, аниқ у. Нега шуни бирдан ўйламадим?! Нега қўлидан ушлаб олмадим?! Бошмалдоғининг суяги бўлмайти деб эшитгандим... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. «Агар у тирик бўлганида зиёрат қилишга келган бўларди», дейилган. Бундан чиқдики, Ҳазрат Хизр ҳаёт эмас... Унда ким бу одам? Ким? Кўзимга кўринганида, фақат мен кўрган бўлардим? Бозорчилар кўришди, ўтган-кетган кўрди. Алимардон кўрди. Ёки менга худди улар ҳам кўргандай туйилдими?!»

Ўйлаб ўйининг охирига етолмаган Мафтуна секин бозорча томонга кетди. Бозорда ўша-ўша гап. «Ундоқ экан, бундоқ экан, кўзи ёнаркан... Анави қизни сеҳрлаб олганга ўхшади». Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Ҳалигина Алимардонга «ташланган» семиз бозорчи хотин эса «Девми, ажинами? Ё тавба, деважина кўзга кўринди-я», деди. Гапирганда кўзи олайди. Ўзи гапириб, ўзи кўрқиб кетди. Ҳаттоки юраги шув этди. Киприклари пирпираб, ён-атрофдагиларга қаради. Бирисига яқинлашди. Шунинг билан бирга, кўча томонга ўғринча кўз қирини ташлади. Боягина девми, ажинами, ишқилиб, бир балонинг орқасидан кетган қизга кўзи тушди. «Хаёли жойида эмас, шекилли, бечорагинани чалиб кетганга ўхшайди», деб ўйлади ва шеригини секин туртди.

— Ана, — деди шивирлаб, — анави қиз келяпти. Кўҳликкина, бир пиёла сув билан ютиб юборса бўладиган экан. Бир бало қилиб кетибди.

— Вой-й-й! — деди ҳамсоя сотувчи олдидаги фартугига қўлини артганча Мафтунага қараб. — Боягина эркак бўлганимда шу қизгинани қўлдан чиқармасдим, девдим. Бечора жинни бўлиб қолганга ўхшайди.

Четдан қараганда улар ҳақ эди. Қиз кимнидир қидиргандай турарди. Қулоғи динг эди. Эшитиши мумкин бўлган узоқликдагиларнинг ҳаммасини эшитди. У ҳақда гапирганларникини ҳам.

«Ҳақиқатан ҳам учратибман. Шунчаки кўзимга кўринмаган экан. У Ҳазрати Хизр. Тезда бориб уйдагиларга айтишим керак», дея хаёлидан ўтказди ва ортига бурилди-да, югуриб кетди.

Уйи учинчи қаватда. Зина бошқа кўп қаватлиларникига нисбатан хийла тикка. Бир пайтлар шунақа қилиб қуриб қўйишган. Энди яшаётганлар қийналишяпти. Айниқса, кексалар, ёш болалилар...

Мафтуна зинадан хийла тез чиқди. Эшик очиқ экан. Эътибор қилмади. Уйига кира сола:

— Ойи, ойи, ойи! — деди ҳаяжонланиб.

Ойиси ошхона томондан югуриб чиқди.

— Тисс! — деди кўрсаткич бармоғини лабига босиб. — Секинроқ... Табиб отангни даволаяпти!

Мафтуна қотиб қолди ва онасига термилган кўйи деворга суянди.

— Табиб, табиб, — дея пичирлади лаблари.

Она унинг қўлидан ушлади. Секин ошхона тарафга етаклади.

— Табиб... — деди Мафтуна ранги оқариб. — Табибмас у, ойи. У Ҳазрати Хизр. Мен уни бозорчанинг ёнида учратгандим. Гаплашгандим. Гапимни охирлатмасимдан кўздан йўқолиб қолди! Дадамнинг касаллигини мен айтгандим.

— Нима дединг? Тўғри эшитдимми?!

— Ҳа, тўғри, бозорчадагилар ҳам кўришди. У ёқдаям дув-дув гап. Лекин улар кўриниш берган Ҳазрати Хизр эканлигини билишмайди. Ойи, унинг қўлини анави санғи Алимардон пичоғи билан кесиб юборганди. У ўша кесилган жойига қандайдир дори сурганди, бирдан тузалиб қолди... Ойи, Ҳазра-

ти Хизрга дуч келган одам учта нарса сўраши керак дейишади-ку. Биз ҳам бир нима-бир нималарни сўрасак-чи?

Она қизининг гапларини эшитмаётганди. У нигоҳини бир нуқтага қадаганча қотиб турарди. Қизининг саволига жавоб бермади.

— Ойи, нега жимсиз? — деди Мафтуна.

Она чўчиб тушди.

— Нима дединг? — дея кипригини пирпиратди.

— Бирор нима сўрайлик Ҳазрати Хизрдан, учта нарса...

— Жим. Даданг бу гапингни эшитса, хафа бўлади. Агар ҳақиқатан ҳам сен айтган авлиё бўлса, ўзи бирор нима дейди. Кутайлик.

Кутишди. Кўпмас. Бирор беш дақиқа. Меҳмонхона эшиги очилди. Олдин Кошиф, ундан кейин уй соҳиби чиқди. Кошиф аёллар тарафга ҳам бир қараб қўймади. Эшик томон юрди.

— Шошманг, — деди унга эшик ёнида Дадамурод ака.

Уй эгасининг оти шундай эди. Ёши етмишдан ошган. Соқол-мўйлови оппоқ. Доим бошига дўппи кийиб юради. Қадди хийла букилган. Ичмаган, чекмаган. Ёлғон гапирмаган. Бировнинг дилини оғритганини ҳеч ким билмайди. Жуда узоқ муддат фарзанд кўрмаган. Шунга қарамасдан, хотинини ҳайдамаган. Эллик ёшдан ошганида фарзандли бўлган. Ўзининг айтишига қараганда, отаси эскиликдан хўп билимдон одам бўлган, кўпларга таълим берган экан. Тоза юриб, ҳалол еган экан. «Онам раҳматли жаннати аёл эди. Бировга овозини баландлатиб сўзламасди», дерди у ўтган-кетганлар ҳақида гап очилиб қолса.

Дадамурод аканинг ўзи Кошифга эшикни очди. «Дарвешми, тиланчими?» деб ўйлади. Пул, нон бер-

моққа шайланганида «Сизми бемор?» дея сўраб қолди келган одам. Дадамурод ака унинг юзига яхшилаб тикилди. Нур кўрди. Беихтиёр:

— Ётиб қолмаганман. Лекин қанд касалим безовта қилиб туради, — деди.

— Гиёҳ берсам, озгина муолажа қилсам, эътироз йўқми? — сўради Кошиф.

Дадамурод ака ўзи билмаган ҳолда унга итоат этди. «Кимсан? Нимасан? Нега бунақа кийимдасан? Кўри-нишингдан ёш йигитга ўхшайсан, соқол қўйиб олганинг нимаси? Сени ким юборди бу ёққа?» деб сўрамади. Тўғри меҳмонхонага олиб кирди. Кейин ошхонага ўтиб, «Табиб келди, мени даволаяпти», деди-да, яна қайтиб унинг ёнига кирди. Ўша киргани билан ҳозирнинг оралиғида бир марта ошхонага келди. Ўшанда ҳам қайнаган сув олиш учун.

— Менда кийим бор. Ўшани кийиб олсангиз. Бу аҳволда шаҳар кўчасида юриб бўлмайди, — деди Дадамурод ака.

— Ташаккур. Хўп хурсанд этдингиз. Бироқ эҳтиёж йўқ.

* * *

Қиз Кошифнинг йўлакдан чиққанини кўрмади. Отаси уйга қайтиб кириб, эшикни ёпди. Қиз шу пайт дарров дераза ёнига борди. Отасини даволаган табибнинг чиқишини кутди. Бироқ у чиқмади. Умуман чиқмади. «Балки, йўлакдадир. Балки, бирорта қўшниникига киргандир. Лекин қўшнилари-нинг ҳаммаси ёш оилалар. Беморлари йўқ. Болалари, ўзлари онда-сонда шамоллаб туришади. Лекин ҳеч биттаси ётиб қоладиган касалга йўлиқмаган. Шундай экан, табиб уларнинг уйига киргани гумон. Унда нега чиқмади?» хаёлидан ўтказди қиз ва сўнгги бора умид билан пастга қаради. Кутгани кўринмагач, дераза ёнидан узоқлашди. «Ҳозир ойимнинг ёнига бориб,

табиб ҳақида сўрасам, қанақа табиб дейди. Аниқ шунақа дейди. Ўзи бугун уйқудан турганимда жуда оғир эдим. «Куним оғир ўтса керак», деб кўнглимдан ўтказгандим. Мана, айтганимдай бўляпти. Бозорча ёнидаги дўкондан сариёғ сотиб олганим, бозорчадагиларнинг гапларини эшитганим, табибни кўрганим, унинг уйимизга келгани, дадажонимни даволагани — ҳамма-ҳаммаси шунчаки хаёлимда кечган бўлиб чиқади. Тавба, шунча нарсани ўйлабман-а. Ўзи одамнинг хаёли чек-чегара билмас экан. Ҳар нимани ўйлайвераркан», дея кўнглидан ўтказиб, ошхонага кирди.

— Мен бунақанги одамни ҳеч қачон учратмаганман, — деди хонтахтанинг у томонида ўтирган Дадамурод ака бу томонида ўтирган аёлига, — кам гапиради. Аммо ҳар битта сўзида бир олам гап бордай.

— Дада, кимни айтяпсиз? — сўради Мафтуна эшикка суяниб.

— Ҳозиргина кетган табибни айтяпман.

«Вой, ростдан ҳаммаси бўлган экан-ку. Эй, Танграм, сенга чексиз ҳамду санолар бўлсин, менга Ҳазрати Хизрни дуч қилдинг», хаёлидан ўтказди қиз. Шу ондаёқ унинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Нима бўлди, қизим? — деди уни кузатиб ўтирган она.

— Ойи, боя сизга айтганим рост. У бозорчанинг ёнида ҳам бирдан кўздан гойиб бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам деразадан қараб турди, подъезддан чиқмади. Кейин дадамнинг касаллигини мен айтувдим, лекин уйимизнинг манзилини бермагандим. Шунга қарамасдан, у уйимизга келди. Яна даволагани учун бир сўм ҳам олмади. Эгнидагилари бир аҳволда экан. Аммо дадам кийим бераман деганида олмади. Умуман, қайси табиб ҳозир шунақа кийимда юрибди?

Яна табибман деганларнинг ёнига борсангиз, калласида ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, бир нималар қилади-да, бор будингизни шилиб олади. Ойи, дада, кўрганимиз Ҳазрати Хизр.

— Қизим, гапингда жон бор. Аммо Ҳазрати Хизр эмас. Биринчидан, у авлиё ҳаёт эмас. Бунга қўп далиллар бор. Иккинчидан, ҳаёт бўлганида ҳам гиёҳ, дори-дармон қилиб ўтирмасди... Лекин менинг ҳам бошим қотган. Кийимлари, гаплари...

— Дада, дада, — дея шошиб Дадамурод аканинг гапини бўлди Мафтуна.

«Ҳар нима бўлса бўлсин, даданг сўзлаётганида бир оғиз ҳам гап қўшма», деб тайинлаб келарди онаси ёшлигидан. Онанинг ўити Мафтунанинг қулоғида қўрғошин бўлиб қотган. Лекин ҳозир ўзи сезмаган ҳолда отасининг гапини бўлиб қўйди. Сўнг буни дарров англаб, жим бўлиб қолди.

— Гапиравер, қизим, гапиравер, — дея уни руҳлантирди Дадамурод ака.

Қилиб қўйган ишидан уялган қиз бошини эгиб, уйга келгунича бўлган воқеаларни ипидан игнаси-гача, ҳаттоки бозорчиларнинг башоратларигача қолдирмай айтиб берди.

— Унда чўнтагимдан бир оз пул олгин-да, бозорчага қайтиб бор. Нимадир сотиб ол. Ўшанда сени сотувчилар сўроққа тутишади. «Ҳеч бунақа одам кўрмагандим, қизиқдим. Шунинг учун орқасидан югуриб, қаердан келганини, бу ерда нима қилиб юрганини билмоқчи бўлдим. Бечора бўлса, ёрдам бераман дедим, бироқ у кетиб қолди», де. Агар шундай демасанг, уларнинг сенга қараши бошқача бўлади. Кейин ҳар хил гап-сўз ҳам тарқаб кетиши мумкин, — деди қизининг гапларини охиригача эшитган Дадамурод ака.

Мафтунанинг хаёли паришон эди. Қай томонга

қарамасин, ўша сирли табиб кўриниб кетарди. «Соқоли бўлгани учун юзини билолмадим-у, аммо кўзи жудаям чиройли экан. Қоши ҳам бошқача. Сўзлари оддий, лекин қандайдир сеҳрли... Нега бунча тез кетиб қолди? Гаплашгим келганди. Бирор нималарни сўрардим», дея ўйларкан, энтикиб қўйди. У айна дақиқада тоғда, уйида бўлган Кошифнинг ҳам энтикканини билмасди.

Мафтуна бозорга борди. Дадаси айтгандай сотувчиларнинг саволларига жавоб берди. Гарчи керак бўлмаса ҳам, бир кило помидор сотиб олди-да, изига қайтди. Ўша-ўша паришонхотирлик. Юраётганини ҳам, қаерга кетаётганини ҳам эсидан чиқарган. Ўй-хаёли табибда. Унинг жилмайишида, сўзларида. Орачора хўрсиниб-хўрсиниб қўяди. Яна «Хизр бува бир пайтнинг ўзида бир нечта одамнинг кўзига кўриниши мумкин эмас. Бундан чиқди, бошқа одам бу. Агар яна учраб қолса, кимсиз деб, албатта, сўрайман. Учрамаса-чи», деб ўйлайди.

Қиз хаёл билан бўлиб уйининг ёнидан ўтиб кетди. Рўпарасидан келаётган Донохолни кўрмади. Бахтига синфдоши қўлидан ушлаб қолди. Бўлмаса бошини ҳам қилганча кетаверарди.

— Ҳа, нима бўлди сенга? — деди Донохол чўчиб кетган Мафтунага. — Бирортани севиб қолдингми, нима бало? Ўзинг билан ўзинг бўлиб кетяпсан.

Мафтуна олдин қизарди. Кейин жилмайди.

— Йўғ-э, нималар деяпсан, ўзим шунчаки хаёл билан бўлиб, сени кўрмай қолибман, — дея довдиради у. Сўнг яна кўзини олиб қочди.

— Шунақа дегин, дугонажон. Хаёл билан бўлиб, мени кўрмай ўтиб кетибсанми? Вой, вой, вой, жуда ишониб қолдим-да. Энди ишонмайдиганимни айт. Кимни севиб қолдинг? — деб Донохол унга айёрона боқди.

— Жинни, нималар деяпсан? Ҳеч кимни севмадим. Илгаритдан хаёлпарастлигимни яхши биласан. Шунга шундай.

— Ёлғонниям эпллмайсан-а. Менга қара, шахсий тажрибамдан келиб чиқиб, сенга бир нарсани айтай. Қиз бола кимгадир кўнгил қўйган бўлса, бундан, албатта, ўртоғини хабардор этиши зарур. Акс ҳолда, алданиб қолиши, чалғиши мумкин. Ҳозир йигитларга умуман ишониб бўлмай қолди. Ҳаммаси мақсадига етгунича юради. Ҳеч нимадан кўрқмайди ҳам. Аслида, қизлар ҳам улардан каммас, лекин ҳар қалай бироз бўлсаям ўзларини босиб олишган-да. Шундай экан, дутонажон, алданиб қолмагин дейман-да.

— Менинг ҳеч қанақанги севган йигитим йўқ. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганман.

— Тўғри, тўғри. Сен осмондан тушгансан. Сенга табиат таъсир қилолмайди. Ўтган йили юзингдан ҳузنبузар чиққанини кўрмаганман. Майли, ихтиёринг, — деб Донохол лабини буриб қўйди-да, йўлида давом этди.

У кетиб, ўрнида димоғни қитиқловчи атирнинг ширин ифори қолди. «Қиммат атир. Оиласи унчалик бой эмас. Дадаси билан онаси ишлайди. Уларнинг топгани буларнинг еб-ичиши, кийим-кечагидан ортмаса керак. Аммо Донохолнинг доим қиммат атири бўлади. Яна у устидагиларни ҳар ҳафтада алмаштириб туради. Қаердан олади шунча нарсани? Бурноғи куни ресторанда ўтирганини мақтаниб гапириб берувди. Ресторан пулини ким тўлаган? Ҳомийси борми дейман-да... Э, нималар ҳақида бош қотирияпман ўзи? Бировнинг ғийбатини хаёлда қилиш ҳам мумкинмас-ку», деб ўйлади Мафтуна ва дарров изига қайтди.

Онаси билан дадаси ҳамон табиб ҳақида гапла-

шиб ўтиришган экан. Тўғрироғи, баҳслашаётган экан.

— Ёшинг ўтиб, миянг айниб қолдими дейман. Агар ўша кўрганинг ҳазрати Хизр бўлган тақдирда ҳам ундан бирор нима сўраб бўлмайди. Шаккоклик қилиб кўясан. Нимаики сўрасанг, Яратгандан сўра. Фақатгина у беради, — дерди Дадамурод ота.

Мафтуна уларнинг суҳбатига аралашмади. Помидорни ошхонага қўйгач хонасига кириб кетди. Унинг ёзув столи бор. Мактабга энди борганида отаси совға қилган. Дераза ёнида турибди. Ўқувчилик даврида кўп вақтини Мафтуна ўша стол ёнида ўтказарди. Мактабни, коллежни битирганидан кейин қарийб бу ерда ўтиришга вақти етмаяпти. У-бу иш билан юради доим. Ҳозир эса бориб ўтирди. Эски дафтарнинг ёзилмаган саҳифасини очди. Қўлига қалам олиб, секин табибнинг расмини чиза бошлади. Расм чизишга уқуви бор. Синфдошлари сен рассом бўласан, дейишарди. Чунки у ниманики кўрса, ўша нарсани худди ўзидай қилиб чиза оларди. Табибнинг соқоли, узун сочи, кенг пешонасини ҳеч қийналмай чизди. Аммо кўзига келганда кўп уринди. Чунки табибнинг кўзи жуда бошқача эди. Ёниб... Йўқ, одамни кўрқитадиган ёниш эмас, қайтанга ўзига тортадиган, жалб қиладиган қараш бор эди унда. Ана шу нарсани чиқариш оғир эди. Ниҳоят, ҳа, ниҳоят, орадан бир соатча ўтиб, кўнглидагидай кўз чиза олди у.

Чизилган расмга узоқ тикилди. Агар сочини калтартирса, соқол-мўйловини олиб ташласа, ёшгина йигитга айланиб қоларкан. Ёш, келишган йигитга. Чунки унинг юзида умуман қариш аломати йўқ эди, пешонаси ҳам силлиқ, бирорта ҳам ажин тушмаган... «Бўлди, — деди қиз ўзига ўзи, — соқолини олиб ташлаймиз, сочини калтартирамиз, қани қанақа кўриниш бераркин?» У ишга киришди. Бу сафар

табибнинг бирорта ҳам аъзосини чизишга қийналмади. Шу боис расм осон битди.

— Ёш. Узоғи билан йигирма ёшда. Мендан бор-йўғи бир ёшгина катта экан. Бундан чиқди, уйланмаган, — деб қиз каравотига ётиб олди.

Айланиб ҳам, ўргилиб ҳам расмга тикилди. Қарайверди, қарайверди. Тўймади сира. Кейин Донохолнинг «Севиб қолгансан», деган гапини эслади. «Наҳотки, — деди ўзига ўзи. — Мен бирдан севиб қолишим мумкинми? Йўқ. Лекин тағинам билмадим. Юракка буйруқ бериб бўлмайди, дейишади-ку... Аммо биров билса, роса устимдан қотади. «Келиб-келиб шунақа тош асрида яшаб юрган одамни севиб қоласанми?» дейди. Шошма, нимангга гўддаясан, Мафтуна? У имкони йўқ нарсанинг иложини топди, сенинг кўлингдан нима келади? Аслида, у эмас, мен севишга нолойиқман... Лекин нима қилай? Уни ўйламасдан туролмаяпман. Ҳозир йиғлайман, йиғлаб юбораман...»

Дарҳақиқат, унинг кўзида ёш ҳалқаланди. Ютинди ва шу заҳоти ёстиққа юзини босди.

* * *

У уйга кирди. Кўрпачага ўтириб, нигоҳини бир нуқтага қадади. Хаёлида қизнинг жамоли. «Йўқ, чалғиб кетяпман. Бунақа бўлмаслиги керак. Мен ҳар доим Олий руҳни севишим ва унинг учун борбудимни беришим зарур. Аммо у қиз бутунлай ўй-хаёлимни эгаллаб олди. «Ҳар инсон зоти борки, албатта, уйланиши ва ўзидан зурриёт қолдириши керак. Бу ҳам итоаткорликдир», деганди Беназир ота. Унинг гапларини эслаши билан Кошиф қувониб кетди. «Албатта, совчи юбораман. Кечиктирмасдан. Ҳар қандай хайрли ишнинг эртаси тузук», дея ўйларкан, ўрнидан турди ва шошиб ташқарига чиқди. Шу заҳоти Норбой отаси билан Олтойга дуч

келди. Улар энди отидан тушиб, Кошифнинг уйига киришга чоғланиб туришган экан. «Бу ҳам менинг бахтим», кўнглидан ўтказди Кошиф. Сўнг салом берди.

— Биз сендан хавотир ола бошлагандик, — деди унинг саломига алик олганидан кейин Норбой ота.

— Узр, тезда қишлоққа боришга отланиб тургандим, — дея жилмайди Кошиф.

— Жуда яхши. Қани, унда олдимизга туш. Қишлоқ аҳли гузарда тўпланган. Ораларида хафа бўлганлари ҳам бор. «Ўзгаларни биздан устун қўйди», деганлари ҳам бор.

— Яна, — деди Олтой кулиб, — боришинг билан уйига олиб кетишга шай турганлари ҳам йўқ эмас. Биттаси сен билан мен тенги Арслон.

Кошиф Олтойга ажабланиб қаради. Бироқ гапирмади. Шу қарашининг ўзидаёқ нима демоқчилигини айтиб бўлди.

— Ўзинг тенги болага куёв бўласан энди, — деди Олтой ва хохолаб кулиб юборди.

Биргина у Кошифнинг қошида мана шунақанги қилиқ қила олиши мумкин эди. Чунки бирга ўсган. Шу бирга ўсганининг ўзи кўпгина тўсиқларни олиб ташлайди. Кошиф ҳам асло ундан хафа бўлмайди. Мийиғида кулиб қўяверади. Аммо ҳозир эмас. Ҳозир бошқача. Ҳозир Кошифнинг хаёли бутунлай бошқа қиз билан банд. Ногаҳон учратиб қолган, ногаҳон юзига қараб қўйган қиз билан банд. Уйланса, ўшанга уйланади. Бўлмаса... Балки, бўйдоқ ўтар.

— Ота, — деди у Норбой отага юзланиб, — сиз билан холи гаплашсам майлими? Ундан кейин биргалашиб Олтойга ҳам айтардик.

— Хўп, хўп, ўғлим, — деди Норбой ота ва Олтойга қараб, томоқ қириб қўйди. — Сен отларни олиб, нарироққа бориб тур.

Олтой нари кетди. Кошиф ичидагини айтолмай, бир муддат туриб қолди.

— Бемалол гапиравер, — деди Норбой ота.

Ҳамма нарасага ақли етадиган, ҳамма нарсани ҳар кимнинг олдида бемалол айта оладиган Кошиф тараддуланиб қолганди. Оғир эди. Ҳа, оғир. Ким ҳам «Ота, мен фалончига уйланаман», деб айта олади. Энди, тўғриси, айтоладиганлар бор. Фақат улар бошқа жойларда яшашади. Тоғдаги йигитлар агар уйланмаса бўлмайдиган бўлса ҳам айтмайди. Айтгандан кўра тилини ғажиб, майдалаб ташлайди. Ўғилнинг уйланиш вақти келганини ота-онанинг ўзи сезади. Сўнг ким-кимлар орқали боласининг кимда кўнгли борлигини билишади-да, шу хонадонга совчи бўлиб боришади. Кошифники эса бошқачароқ. Агар учратган қизи тўғрисида айтмаса, бошқага уйланиб кетиши мумкин.

— Мен уйланишим шарт, шундайми? — деди у ердан кўзини узмай.

— Албатта. Аллақачон уйланишинг керак эди. Аммо қанча қистамайлик, кўнмадинг. Кейин узоқ вақтга қишлоқдан кетиб қолдинг. Агар Беназир ота ҳаёт бўлганида бу ишинг учун оғринган бўларди.

— Сиз ҳақсиз, ота. Аммо мен қишлоқдошларимни хафа қилиб қўйишдан чўчийман.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган Норбой ота. — Куни кеча уйланишга рози бўлгандинг. Мен онанг билан бирга совчиликка боришим керак эди. Биз қиз ҳам танлаб қўйгандик. Нега яна дарров айниб қолдинг?

— Айнимадим, ота. Розиман уйланишга. Аммо бошқа юртнинг қизига.

Норбой отанинг ҳайрати ошди. Киприги пирпиради. «Қишлоқдагилар нима дейди? «Барибир, бизга қўшилмади? Асли биздан эмас-да, дейишмайди-ми?» дея хаёлидан ўтказди.

— Ҳар ким ўзи истаган қизга уйланишига рухсат берилган. Мен ана шу имкониятимдан фойдаланмоқчиман. Сизнинг кўмагингизда.

Норбой ота бўшади. Бир-бир қадам босганча ўриндиқ ёнига борди. Ўтирди. Хўрсинди. «Сира тақдирдан қочиб бўлмас экан. Илгари буни ўзимга куёв қилиб олмоқчи бўлгандим. Кўп қийналгандим. Аммо кейин шаштимдан қайтдим. Бироқ у энди қишлоқдан ҳам юз ўтириб турибди... Бу ёғи нима бўларкин энди? Бир кун келиб бутунлай кетаманга тушиб қолмасмикин? Агар кетиб қолса, қишлоқнинг аҳволи не кечади?» дея ўйлади.

Кошиф унинг ёнига келган, хаёлидан нима ўтаётганини уқиб олганди.

— Ота, мен Беназир отага ваъда берганман. Агар ваъдамда турмасам, унинг руҳи чирқирайди. Яратганнинг қаҳри келади. Шу боис хавотирланишингиз ўринсиз. Мен қишлоқни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман.

— Мен қарорингга қарши чиқмайман. Аммо қишлоқдаги умидворларга нима деймиз? — дея ўғлига юзланди ота.

Кошиф бошини эгди.

— Чорасизман.

— Сен чорасиз бўлсанг, бошқа чора тополмайди. Шундай бўлса ҳам борайлик. Эҳтимол, тўғри қабул қилишар. Қани, кетдик.

Норбой ота отга минди. Олтой отга минди. Кошиф пиёда. Унга Олтой уловини бермоққа хўп уринди, бироқ Кошиф унамади.

Олтой олдин отасининг, кейин Кошифнинг оғзини пойлади. «Бирор нима дермикин? Бирор нима биларканманми? Нега мендан сир тутишди?» қабилидаги саволларга жавоб ахтарди. Аммо на отаси ва на Кошиф сўзларди. Иккиси ҳам ўз хаёли билан банд.

Қишлоқ одамлари кўрқиганди. «Кошиф яна бизни ташлаб кетади. Беш-олти йилсиз қайтмайди», деб ўйлашганди. Йўқ, ҳартугул у отаси ва Олтой ҳамроҳлигида кўриниш бериб қолди. Кошиф ўзгача иззат-икром билан кутиб олинди. Табиб мумкин қадар уларнинг юзига қарамайди. «Хаёлидагини уқиб қўймай. Ўзимга ҳам жабр қилмай», дейди.

Кошиф чорпояга чиқиб, тўрга ўтиб ўтирди. Бошқалар билан бирга юзига фотиҳа тортди.

— Овқатни сузинглар.

— Кошифга сергўшт қилиб сузинглар.

Кошиф эзилади. «Ҳозир Кошиф ҳамманинг дилини оғритади, шундан кейин ҳам мулозаматларнинг ўзгармайдими?» дея хаёлидан ўтказди-да, аввал ёнидан жой олган отасига, кейин бошқаларга қараб қўйди. Ҳамда ўрнидан турди. Чорпоядагилар ҳайрон бўлиб дарров унга кўз тикишди.

— Азизлар. Мен, мен устозим Беназир отага шу қишлоқдан кетмасликка, одамларга нимаики ёрдам керак бўлса, кўрсатишга, ҳеч вақт бировни бошқа бировдан устун қўймасликка ваъда берганман, — деди Кошиф.

— Биз сенга ишонамиз.

— Бир сўзлилигингни биламиз.

— Қишлоқ ҳам ҳеч вақт сени ёлғизлатиб қўймайди.

Ҳамқишлоқларнинг гапларидан Кошиф баттар эзилди. «Шундай дейишмаганда бўларди. Ҳозир кейинги сўзларимни эшитишади-ю, бирдан ёмон кўриб қолишади», деган хаёлга борди.

— Аммо бир нарсала фақат ўзимнинг ҳақим бор. Ўша ҳақимга қаршилиқ қилмасанглар, овқатни ейман.

Қишлоқ одамлари унинг гапини жиддийликка йўйишмади. Майли, майли, дейишди.

— Мен уйланмоқчиман.

Ҳамқишлоқлар кулишди.

— Ўзи сени уйлантириш учун йиғилганмиз, — деди Эшонқул ота ва атрофидагиларга «Қўрдингларми, мен Кошифга шунақанги гапларни бемалол айтоламан», дегандай кўз қири билан қараб қўйди.

Бутун, ҳозиргина гап бўлди гузарда тўпланганлар орасида. «Бундан бу ёғига ҳар нима-бир нимани табибнинг ёнида гапираверманглар. Илгари ёш деганмиз. Ундан кейин ўзимизча менсимаганмиз. Натижа нима бўлди?.. Азадор бўлмаган оила санокли. Биров боласини, биров онасини, отаси, акаси, укаси, синглиси, опасини йўқотган. Ўшандаги қайғу қайта ёдга олинди. Агар Кошиф табиб бўлганида яқинларимиз соғайиб кетишган, ҳозир биз билан бирга яйраб яшаб юришган бўларди. Кейин жонимизни қурбон қилиб бўлса ҳам табибни қишлоқда олиб қоламиз. Кошифнинг дилини оғритиш энг катта айб. Агар кимда-ким бунга журъат этса, жазоланади», дейишди. Ҳозир Эшонқул ота ана шу келишувни озгина бузиб қўйгандай эди. Шу боис бирикки ҳамқишлоқлари унга ўқрайиб қараб қўйишди.

— Тўғри. Лекин пешонамга бошқа бир жойдан уйланиш ёзилган экан. Шунинг учун олдиларингда ўзимни айбдордай ҳис қилиб турибман.

Ҳамма бирдан жим бўлди. Ҳамқишлоқлар орасидан ич-ичидан севиниб кетган бўй йигитлар, «Барибир, бизга қони қўшилмаскан-да», деган қариялар. «Вақти келиб қишлоқ табибсиз қоларкан», дегувчилар бор эди. Шундай дегувчилар анави севинадиганлардан, севган қизи борлардан бошқа ҳамма эди.

— Лекин мен бошқа нарсани ўйладим, — дея жимликни бузиб, ўрнидан турди Норбой ота, — Кошиф ҳамманинг олдида ваъда беради. Фарзанди-

ни, албатта, шу қишлоқнинг қизига уйлантиришга ваъда беради. Ана ўшанда биз ҳеч кимни ҳеч қачон йўқотмаймиз.

Йўқдан кўра, бу таклиф ҳарна. Одамлар Кошифга қарашди. «Сен нима дейсан?» деган маъно бор эди уларнинг нигоҳида.

— Эртанги кунни Тангридан ўзга билмайди. Яратган, аввало, ўша қизга уйланишни насиб этсин. Ундан кейин ўғилми, қизми, фарзанд берсин ва мени сизларнинг олдиларингда ёлғончи қилиб қўймасин. Мен розиман.

Санокли одамлар бу гапдан хурсанд бўлди. Чунки уларнинг бўй етган қизи, набираси йўқ эди. Яна бир-иккита одам, гарчи шодланмаган бўлса ҳам, хотиржам тортди. Сабаби, Кошиф ҳамқишлоқлардан бирортасининг қизини танлаганида, бошқа қизи борлар аразларди. Очиқ-ошкора бўлмаса ҳам зимдан. Ғайирлик пайдо бўлдимиз, демак, нимадир, қаердандир бузилиб қолиши ҳеч нарса эмас.

— Сени биз мажбурлай олмаймиз. Бизга бизда бўлиб келган нарса, яъни Беназир отанинг мероси қолса бас. У ёғи сенинг кўнглингга боғлиқ, ўғлим. Қишлоқ сенга ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Хиёнат қиладиганлардан бирорта ҳам вакил қолмади. Ҳаммаси ўтган олти йил мобайнида қирилиб кетди. Сен ҳам ваъдангда турасан, хиёнат қилмайсан, — деди Эшонқул ота.

Унинг овози аввалгидай ўктам эмасди. Синиқ эди.

— Мен қишлоқ билан бир тану бир жонман. Дастимдан нимаики келса, ҳаммасини қиламан.

— Ана, ваъдасини олдик, — деди Норбой ота, — энди ўша узоқ юртга ким совчиликка боради? Кимнинг қўлидан бегоналарнинг қизини келин қилиб, бу ёққа олиб келиш келади?

Биров миқ этмади. Этмасди ҳам. Чунки ҳамма

иккита бегонани кўрди. Ғалати кийим, ғалати гаплар. Улар билан тил топишишни Кошифнинг ўзи уддаламаса, бошқа биров бир нима қилиши қийин. Шу пайт Кошиф бозорча ёнидаги воқеани эслади. Ҳа, бегоналар унинг устидан роса кулишганди. Баъзи гапларига тушунмади. Айниқса, «аватар» дейишганига. «Нима у «аватар?» Бирорта махлуқми ёки... Калака қилишларини қишлоғимиз одами кўтаролмайди... Кўп кездим. Ҳар недан ҳаяжонланиб кетишдан холиман. Шунга қарамасдан, уларнинг ўлкасида сал бўлмаса ўзимни йўқотиб қўяёздим... Ҳам-қишлоқларим қийналиб қолишади. Қийналмаслик учун, аввало, кийимларини ўзгартириши лозим. Кейин улар билан сўзларимиз орасида ҳам фарқ бор. Тўғри, бир-биримизни тушунишимиз осон. Аммо баъзан...”

— Ота, — деди Кошиф Норбой отанинг елкасига қўлини ташлаб, — балки, ўзингиз борарсиз? Бироқ ҳали озгина вақт бор. Ўзим сизга айтаман. Энди бўлди, овқатланайлик. Гузаримизнинг шўрвасини шунақанги соғиниб кетгандимки, кеча еганим билан қониқмадим.

Овқат сузилди. У-бу даврада суҳбат бошланди. Аммо суҳбатда нимадир қуруқ эди. Тез-тез узилиб қолаётганди. Шунга қарамасдан, ҳеч ким туриб уйига кетмади. Кетса, нимадир содир этилади-ю, эшитмасдан, кўрмасдан қолади.

— Кошиф, — деди бир маҳал Эшонқул ота паст овозда, — ҳалиги... у ер қанақа жой? Олдин ҳам айтгандинг. Аммо сира тасаввур қилолмаяпман.

— Мураккаб одамлар макони. Оддий нарсалар улар учун ечиб бўлмайдиган муаммо. Бироқ биз ақлимизга сиғдиrolмайдиган нарсалар жуда кўп. Уни тасаввур этиш учун бориб кўриш керак.

— Унда менга рухсат берсанглар, бораёй. Кўрай.

Қизнинг отасини кўндирай. Сенга хушхабарни олиб келай. Биргалашиб тўй қилайлик. Иссиқ-совуғингдан хабар оладиган бор деб кўнглимизни хотиржам қилайлик.

Кошиф жилмайиб:

— Агар ҳаммаси сиз айтгандай осон бўлганида, рози бўлардим. Мен бирорта чорасини кўрарман. Сизга айтарман, — деди.

У Норбой отаси қанчалик қисталанг қилса ҳам, қишлоқда қолмади. Кулбасига қайтди. Илгаридан ўтирадиган жойига ўтириб, китобни очди. Ўқишга тушди. Вақт алламаҳалга яқинлашганидан кейингина ётди. Эртасига одатдагидай ҳаммадан, ҳатто қушлардан ҳам олдин уйғониб, меҳр қўйганлари билан самовий нур маконида суҳбат курди. Улар кетганидан кейин кўзидан ёш оқизди. «Сендан бошқага сенга берганим каби муҳаббатни раво кўрма», дея пичирлади. Ҳамда гиёҳ умидида тоққа отланмоққа шайланганида Олтой отда келиб қолди. Отидан сакраб тушди. Кўришди. «Уйингга кирайлик негадир чанқаб кетдим», деди.

Унинг чанқашни йўл юриб келганидан эмаслигини Кошиф дарров илғади. Шунга қарамасдан, уни уйга киргизиб, ўзи ўчоққа ўт қалади. Бир оз ўтиб, чойгумдаги сув қайнади. Ҳар хил гиёҳлардан аралаштириб, чой (тўғрироғи, дамлама) тайёрлади ҳамда Олтойнинг олдига қўйди-да, ўзи ҳам ўтирди.

— Сен кетганингдан кейин, — деди Олтой пиёладаги дамламадан бир ҳўплагач, — одамлар яна қайтадан гузарга тўпланишди. Ёмон гаплар бўлди. Қишлоқ иккига бўлиниб кетди. Ярми сен томонда, ярми сенга қарши. «Шу билан табиблик тугайди. Табиблик тугаса, бутун қишлоқ қирилиб кетади», дейишди сенга қарши бўлганлар. Кейин Беназир отанинг номига ҳам оғирроқ гаплар айтишди. Ўрнига

сени тайёрлагани учун. «Кошиф қишлоқнинг одами бўлганида кўнглимиз хотиржам бўларди», дейишди. Хуллас, қишлоқдан уйланмасанг бўлмай-диган бўлиб турибди.

* * *

Дадамурод ота кичкинагина асбобчаси ёрдамида “қанди”ни ўлчади. Тўрту-саккиз. “Ие, ҳеч вақт ўн бир-ўн иккидан тушмасди-ку. Бу ёғи ўн саккиз-ўн тўққизгача борган пайтлари ҳам бўлган. Бу табиб деганларининг дориси шунчалик тез таъсир қиладими? Агар шу касалликни даволаса, унда билмадим, у қандай одам? Шошма, босимни ҳам бир ўлчаб кўрай-чи, ҳали уям нормага тушиб қолган бўлса эди”, дея ўйлади у ва Мафтунани чақирди. Қиз ҳали-ҳамон хонасида, ҳали-ҳамон ўй билан банд эди. Шу боис отаси чақирганини дарров эшитмади. Илгари сира бундай бўлмасди. “Дадамнинг жаҳли чиқмасин, дадам сиқилмасин”, деб югуриб борарди. Қулоғи ҳам чақирувни қандайдир тез илғарди. Ҳозир эса эшитмади.

— Онаси, қизинг бирор жойга чиқиб кетдими? — деди Дадамурод ота Мафтуна жавоб бермагач.

— Йўқ. Чиқмади, шекилли. Хонасида бўлса керак. Ухлаб қолганга ўхшайди. Нима ишингиз бор? Менга айтаверинг, — деди аёл айвон томондан ошхонага ўтаркан.

Кейин эса чол-кампир хоналарига киришди.

— Бўлмайди. Сен қон босимини ўлчашни билмайсан.

— Шундайми?

Аёл қизининг уйғоқлигини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Мафтуна, қизим, даданг чақирганини эшитмадингми?

— Чақирдиларми? Вой, ойижон, эшитмабман, — дея Мафтуна шоша-пиша ўрнидан турди.

Сўнг отасининг ёнига югурди. Буйруқни эшитиши билан асбобни олди. Ўлчади. Бир юз йигирмага саксон.

— Дада, босимингиз энг нормада. Камида бир юз ўттиз беш бўларди. Бир хилда... Дори-дармон билан ҳам тушуrolмасдик. Нима қилдингиз?

— Мен ҳеч нима қилмадим, — деди Дадамурод ота қизига жавобан, — анави табиб нима қилса, қилиб кетди. Лекин ҳозир ўйлаб турибман. Дўхтирга борсам, уларга ҳам текширтирсам, барибир, дўхтир дўхтир-да, сен билан мендан яхшироқ билади.

Шундай деб у қизига раҳмат айтди-да, ташқарига йўл олди. Йўлакдан пастлаётганида қўшнисига дуч келди. Қўшниси ёш. Эндигина ўттиз бешга кирган. Уч нафар боласи бор. Жуда хушчақчақ одам. Шу хушчақчақлигидан ҳар куни бозор қилади. Чунки хотинига жиддийроқ гапиришни билмайди-да. Нега билмайди, очиғи, биз ҳам ҳайронмиз. Келин ҳам баракат топгур, умринг узоқ бўлгур, эрининг феълини яхши ўзлаштирган, шекилли, эрмакка бечорани бозорга жўнатади. Иш кунидаям, шанба-якшанбадаям. Эрталаб, кечқурун, тушдаям жўнатади. Жиддийликни билмайдиган, йўғонгина бўйничаси бўшгина эр иржаяди, тиржаяди ва лўкиллабгина йўлга тушади. Дарвоқе, унинг исми Баҳодир. Бўй, гавда ҳам баҳодирларникидай. Аммо феъл шу юқорида айтганимиздай-да.

— Ассалому алайкум, Дадамурод ота, — деди Баҳодир қўшнисини кўриши билан.

— Ваалайкум ассалом. Яна бозордан келяпсанми? — деди Дадамурод ота унинг қўлидаги целлофан пакетга ишора қилиб.

— Ҳа, боя бозор қилганимда кўкатлар қолиб кетган экан. Физиллаб бориб келяпман... Айтганча, Дадамурод ота, бозорда ғалати гап юрибди.

— Нима экан? — дея Дадамурод ота пешонасини тириштирди.

— Одамларнинг айтишига қараганда, жинми, ажи-нами кўриниш берганмиш. Жуда бир хароб кийим-да эмиш... Шу замон охирлаб қолдими дейман-да... Ҳаммаёқ очиқ-сочиқ, калта-култа кийимлилар бўлиб кетганидан кейин, ажабмас, нима дедингиз?

Дадамурод ота кулди.

— Кўй бунақанги гапларни, одамлар гапираверишади, ҳали биздан кейин ҳам кўп-кўп авлодимиз яшайди. Ҳали сен айтганинг ажина эмас. Оддий табиб. Бир хил табиблар шунақа бўлишади. Дунёдан кечади-ю, бор билганини ишга солиб, одамларни даволаб юради. Бизникига келди у.

— Йўғ-э, — деди бирдан кўзи олайиб кетган Баҳодир, — келиб нима қилди? Мен ҳаммадан кўп кириб чиқаман. Кўрмадим-ку!

— Энди шунақасан-да, ҳар доим керакли нарсаларни кўрмай қоласан. Ўй-хаёлинг бозорда бўлади... Келди, бир-икки хил гиёҳлардан берди. Ичдим. Кейин қандимни ўлчасам, нормаллашган, қон босимим ҳам жойида. Энди дўхтирга бориб бир текширтириб кўрай-чи, деб кетяпман.

Баҳодир қўшнисига бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Ҳалиги қанақа экан? — деди.

— Сен билан менга ўхшаган. Лекин соч-соқолини ўстириб олибди. Устидагиям анча абгор, — деб Дадамурод ота йўлида давом этди.

Дўхтирга борди. Нима бўлганини, нима қўйганини айтмади. Шунчаки ўзини текширттирди. “Ҳозир ҳаммаси жойида. Лекин дори-дармонни канда қилманг. Кутилмаганда ёмон томонга ўзгариб кетиши мумкин. Ҳозир сахарингизнинг йўқлиги тузалиб қолганингизни билдирмайди”, дейишди улар.

Дадамурод ота уйига қайтиб келди. Шу куни дори

ичмади. Эртасига эрталаб текширди. Ҳаммаси жойида. Яна дори ичмади. Яна яхши. Бу орада тўйига таниш-билишлари, тенг-тўшлари келиб кетишди. У ичидагини яшириб туролмади. Табиб билан бўлган воқеани айтиб қўйди. Улар ўз-ўзидан ўзларининг таниш-билишларига озгина қўшиб-чатиб етказишди. Ҳаш-паш дегунча “Хизр бува”, “Авлиё табиб” деган гаплар бозорчага ҳам етиб борди. Иккинчи томондан Алимардоннинг гапи келди. “Кўзи ёнди. Чақмоқдай бир ёниб ўчди. Шундан қўрқиб кетдим”, деди у. Бозорчилар пешоналарига уришди. “Нимага билмадик? Нимага ўйлаб кўрмадик? Мол-давлат сўрардик. Чет элдан уй сўрардик, уни сўрардик, буни сўрардик! Эҳ, калла, калла. Бировнинг калласи ишламабди-я... Ҳозирги замоннинг одами ҳеч вақт шунақа кийинадими? Кийинмайди. Ўзи билдирган экан шу йўл билан. Алимардон ҳам аҳмоқ экан. Кўзи ёнган бўлса, шаталоқ отиб қочмасдан, бир оғиз шунақа шунақа бўлди, демайди-ми, Хизр буванинг этагидан маҳкам ушлаб олмай-мизми?... Лекин анави қиз уйига олиб борган бўлса, отасини даволатган бўлса, бало экан. Балолигидан кимга дуч келганини билган экан. Ҳойнаҳой, отасини даволатиш билан чекланиб қолмагандир. Яна нима-нималардир ундиргандир... Энди шу қизнинг ёнига икки киши-икки кишиб бўлиб бориб келайлик. Ажабмас, Хизр бува унга қандайдир хислат ҳам бериб кетган бўлса”, дея ўйлашди улар.

Бозорчиларда бир дунё умид пайдо бўлди. Ундан сўрашди. Бундан сўрашди. Мафтунанинг манзилини топишди. Кейин рўйхат тузишди. Ана шу рўйхатни тузиш жуда оғир бўлди. Ҳамма биринчи бўлсам, хислат ҳали янгилигида оладиганимни олиб қолсам, дейди. Яна бир-бирларини нафси ёмонликда айблашади. Сал қолса униси бунисининг, буни-

си наригисининг ёқасини йиртаман деди. Савдо йи-
гиштирилди. Ахир лўмма-лўмма бир нима-бир ни-
малар турганида беш-олти минг деб ўтиришга бало
борми? Ҳаракат қилмаса, олдингилардан бўлиб анави
ичидан пишган қизнинг ёнига бормаса, бошқалар
ҳамма нарсага эга чиқволишлари мумкин-да...

Охири рўйхат тузишнинг йўли топилди. Ўша-ўша
семиз хотиннинг калласи ишлаб кетди-да. “Қоғоз-
чага рақам ёзамиз, кейин уни юмалоқлаб, қутига
ташлаймиз. Ҳамма биттадан олади. Кимга қайси
рақам тушса, шу рақами бўйича боради”, деди у.

Бечора бекор шу таклифни берган экан. Ўзи нақ
ўн тўрт рақамини олса бўладими?

Биринчи, иккинчи рақамлилар иржайиб, тир-
жайиб кетди. Ана шу пайт унинг бирдан қон боси-
ми ошиб қолса денг. “Уйга бормасам, дориларимни
ичмасам бўлмайди”, деб, пиёз-миёзини қўшнисига
қолдириб, секин жўнаворди. Уйигамас, албатта,
Мафтуналикига.

Мафтуна овқатга уннаётганди. Эшик кўнғироғи
жиринглади. Бориб очса, семиз-ориқ бўлиб учта бо-
зорчи хотин турибди. Ҳайрон бўлди. Тил учиди
ёқтирмайгина “Келинлар, киринлар”, деди. Бо-
зорчиларга шугинанинг ўзи етиб ортди. Тапир-ту-
пир уйга кириб кетишди. Тўғри меҳмонхонанинг
тўрига. Қиз мулозамат кўрсатишга улгурмасидан ўти-
риб олишди. Мафтунанинг онаси айвонда эди.
Уйига кирганларнинг овозини эшитиб, дарров етиб
келди. Келиб кўрса, беш сўмлик нарсани йигирма
беш сўмга пуллайдиганлар ойдеккина бўлиб ўтири-
шибди. Ёмон кўрди. Аммо ёмон кўрганини билдир-
мади. Ахир “Эшикдан кирганни ит қопмас”, деган
гап бор-ку. “Келинлар”, деди юзаки жилмайиб.

— Келдик, оповси. Кўрганимиз тўғрисида кўпроқ
билгани келдик. Хизр бувани биз ҳам қизингиз би-

лан бирга кўргандик. Лекин ҳеч биттамининг калла-миз ишламабди. Фаросатимиз етмабди. Оппоқина, чиройлигина... Вой, буни қаранг, — деб семиз хотин Мафтунани кўрсатди, — рўмоли бўлмаса, тенгсиз гўзал бўлиб кетаркан. Хуллас, шу қизингиз Ҳазрати Хизр бувадан кўп нарса олиб қолибди. Ақлли экан-да, ақлли.

Мафтуна ҳангу-манг бўлди. Бир онасига, бир чақирилмаган меҳмонларга қаради.

— Мен ҳеч нима олганим йўқ. Ундан кейин у киши Хизр бува эмас, табиб экан. Ўзи шундай деб айтди, — деди.

— Қўйинг, ундай деманг. Бизда бошқача маълумотлар ҳам бор. Оппоқ қиз, ҳамма нарсага бир ўзингиз эга чиқишингиз яхшимас. Хизр бува кўпнинг ризқи учун келган. Агар ёлғиз сизни кўзлаб келганида, фақат сизнинг кўзингизга кўринган бўларди. Йўқ, ҳаммага кўринди. Демак, сизга берилган нарсалардан бизниям сийлашингиз керак. Шундагина барака топасиз. Бўлмаса, олганингиз қандай қўлингизга келиб қолган бўлса, худди шундай йўқ бўлиши мумкин.

Семиз аёл иржайганча Мафтунага термилди.

— Тавба қилдим, — деди Норхол она ёқасини ушлаб, — қизим табибдан бир нималар олибдими?

— Хола, табибдан эмас, Хизр бувадан. Хизр бува атайлабдан ўзини табибман деб таништирган. Эски ишлардан шу биргина табиблик қолди-ку. Шундай йўқдан бор қила оладиган авлиё шопирман демайди-ку.

Унинг гапига шериклари ҳиринглаб кулишди.

— Биринчидан, ҳеч кимнинг қўлидан йўқдан бор қилиш келмайди...

— Хола, — дея Норхол онанинг гапини бўлди бошқа бозорчи, — ҳар хил эртакларнинг ўрнимас,

ундан кўра, мана бу-мана буларни ташлаб кетди, денг, олам гулистон.

— Чиқинглар уйдан, — деди уларга жаҳл билан Мафтуна, — сизлар эмас, мен сизларнинг эртақларингни эшитгим келмаяпти!

Бозорчилар тишларини тишларига босишди. Фақатгина ўтирган пайтларида. Эшикдан ташқарига чиқишлари билан эса бири қўйиб иккинчиси шунақа “хунар” кўрсатишдики, илон уларнинг оғизларидан чиққан гапларни эшитганида илонликдан воз кечиб юбориши ҳеч эди. Яхшиям эшик ёпилади, қулфланади. Акс ҳолда, Мафтунанинг бўлари бўларди. У деворга суяниб, йиғлаб юборди. Норхол она уни кучди. “Қўй, болам, садқаи кўз ёшинг кетсин, уларга Тангрининг ўзи бас келмаса, бандаси тенглашиши қийин”, деди. Шундайлигини Мафтуна билди. Бироқ кошки эди шу билан қўнгил оғриғи қолса. Алам бирдан йўқолса...

Кўз ёшига арзимаслардан яна иккитаси келди. Орадан бир ярим соатча вақт ўтиб. Булар бир оз юмшоқроқ оҳангда гапиришди. Кейин тушунамиз, тушунамиз дейишди. Аммо ҳеч балони тушунишмади. Тўғрироғи, тушунишни исташмасди улар. Мийиғида кулишар, яна қайтариб “Бизнинг тахминимизча, шаҳарнинг ташқарисида бировнинг кўзи тушмайдиган, лекин сердаромад нимадир қилиб бериб кетган-у, сизлар мана бунақанги “дом”да ўтирволиб, ўзларингни ҳеч нимаси йўқдай кўрсатяпсизлар”, дейишди.

Бу сафар Норхол она уларнинг жавобини берди. Мафтуна эса сиқилди. Хонасига кириб олди-да, юзини ёстиққа босиб, қимир этмасдан ётаверди.

“Элчилар” яна икки марта келишди. Охирги келганлари пўписа қилишди. “Палон қиламиз, пистон қиламиз”, дейишди. Бу пайтга келиб Дадамурод ота

бурчини адо этиб, уйига қайтганди. Томошани кўриб ҳайратланди. Кейин ҳйла ишлатди.

— Булар аёлликларига боришибди. Сизлар уч марта ҳақсизлар. Ҳақиқатан ҳам Хизр бува келди. Ҳақиқатан ҳам кимки у кишини кўрган бўлса, ҳаммасининг ризқини ташлаб кетди. Албатта, бизнинг уйга эмас. Аслида, уйга ташлаб кетмоқчи эди. Мен кўнмадим. Ўзларинг ўйлаб кўринглар. Камбағалгина яшаётган одам бирдан ялтиллашиб “иномарка” миниб қолса. Қўша-қўша иморат солишга тушиб кетса, одамлар бу ўғрилик, катта битта бойнинг уйини ўмарган ёки кўпчиликнинг ҳақини еб қўйган демайдами? Кейин сур-сур бошланиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

Дадамурод ота сўзлашдан тўхтади. Бозорчиларга бир-бир қаради. Уларнинг кўзлари чарақлаган, шодликларидан ўрниларидан туриб кетгудек бўлиб ўтиришарди.

— Эртага, — дея гапини давом эттирди у мўлжалга урганидан хурсанд бўлиб, — соат тўққизларга кимгаки Ҳазрати Хизр бува кўринган бўлса, кимки унинг инъомидан умидвор бўлса, бетон йўлининг нариги томонидаги “Якка тут” деган жойга борсин.

— Бўлди, — деди бозорчилардан бири иржайиб, — ҳамма баравар борсинми?

— Баравар борсин.

— Келишдик.

Улар кетишди. Мийиғида кулган ота секин эшикни ёпиб, изига қайтиши билан хотинига дуч келди.

— Нима қилганингиз бу? — деди Норхол она.

— Ҳеч нима қилмадим. Бўлган гапни айтдим, — жавоб берди Дадамурод ота тусини ўзгартирмасдан.

— Нима, ҳақиқатан ҳам Хизр бува мол-давлат бериб кетган-у, сиз биздан яширдингизми?

Дадамурод ота қиқирлаб кулиб юборди. Кейин пешонасига шапатлаб урди.

— Эҳ, — дея қўлини силтади, — ҳали ўзим ҳамма нарсани тушунтириб бераман.

— Нимани тушунтирасиз, бутун бозорнинг одамлари эртага кўчиб боришса, қандай қиласиз?

— Бир чорасини қўллаймиз-да. Бу гапларнинг ҳаммасини менга қўйиб беринг-да, овқат сузиб келинг. Тушликда иштаҳам бўлмай, емагандим. Ҳозир билдирыпти, — деди Дадамурод ота.

Эртасига эрталаб у на хотинига ва на қизига бир нима деди. Кийиниб, чиқиб кетди.

Энди гапни бозорчилардан эшитамиз.

Иккитаси ўзида йўқ хурсанд, оғзи қулоғида “ишхонаси”га боришди.

— Ҳай-й-й! — бақирди биттаси.

У бозорчага кираверишдаги ўнг томондаги биринчи жойда туради. Қурт сотади. Озгин. Бўйи узун. Тепакал. Мўйловли. Тиши саргайган. Сочининг ярмидан кўпи оқарган. Юрганда бир томонга сал оқсайди. Мижозга нима кераклигини унинг юзига бир қарашда билади. Исми Шоҳайдар. Дарвоқе, у уч марта уйлаган. Биринчиси эрининг зиқналиги учун, иккинчиси тили ёмонлиги учун кетиб қолган. Ҳозир бирга яшаётганига эса ҳеч ниманинг фарқи йўқ. Бир бурда нон билан бир пиёла сув бўлса бўлди, яшаб юраверади.

Шоҳайдарни бирорта сотувчи писанд қилмайди. Шунга қарамасдан, менман деганлар четда қолиб, у ишини битириб келди.

— Ҳа-а-й! — деди у яна бир марта бақириб. — Ҳамманг юрибсан-да бозорчиман деб! Мана, биз ҳаммасини ҳал қилдик!

Эшитганлар қулоқларига ишонишмади. Шум кампир билан унинг қизи “Бозорнинг олди бозорчилари кўндирилмаганда мана мана шу бетутуриқ кўндироларканми?”, дейишди.

Шоҳайдарнинг атрофига дарров одам уймалашди. У гўддайди. Кейин бурнини тортиб қўйиб:

— Сизлар ўзларингча мени, анави бодроқчини менсимайсизлар, — деди.

— Гапир, нимани қойиллатдинг? — дея қошини чимирди семиз хотин.

Унинг қулоғи остидан ҳали-ҳамон Мафтунанинг айтгани кетмаётганди, “Чиройли бўлсаям, заҳарча экан. “Индамасдан кўрқ”, деб шунга айтсалар керак-да”, дея ҳаёлидан ўтказганди у тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келганида.

Шоҳайдар зиқналигига бориб, дарров жавоб бермади. Яхшилаб жойига ўтириб олди. Обрўсини ошириб, оғзига маҳтал бўлиб, термилиб турганларга бирма-бир қараб чиқди. Сўнг қаншарини қашлаб қўйдида, Дадамурод отадан эшитганларини айтди. Аммо “ҳамманг боринглар” деган гапни иқтисод қилиб қолди. Бунинг ўрнига, “Бешта-бештадан ўтинглар”, деди.

— Бўпти, — деди шу заҳоти семиз хотин, — сен энг охирида борасан.

— Нимага охирида борарканман?! — дея бўйнини чўзиб, кўзини олайтирди Шоҳайдар. — Сизлар қилолмаган ишни мен қилиб келсам-у, яна охирида бораманми?!

— Ҳа, охирида борасан. Агар айтганимни қилмасанг, анави хотинчаларингга ўхшаб индамай кетмайман. Бўйнингни узиб оламан. Ҳе-е, мирзақуруқ!

Бозорчилар ҳиринглаб кулишди.

Эртасига ҳамма бозорнинг ёнига тўпланишга келишиб олишганди. Бироқ ҳеч ким келмади. Ҳаммаси ўрнига одам жўнатди. Бозорда савдо қилишга. Ўзлари эса машиналарига ўтиришиб, саҳармардондан айтилган манзилга жўнашди. Борсалар, дала. Далага картошка экилган. Картошкани бегона ўт

босиб кетган. “Келиб-келиб сен лақманинг, мирза-қуруқнинг гапига ишондикми?” деб энди Шоҳайдарни ўртага олишмоқчи бўлиб туришганида Дадамурод ота юк машинасида келиб қолди. Машина кабинасида уч киши бор экан. Бири алпқомат ҳайдовчи. Иккинчиси Дадамурод ота ва унинг ёнидагиси етмишларни уриб қўйган чол.

Улар шошилмасдан машинадан тушишди. Сал гурт чақиб юборса, олов олиб кетадиган одамларнинг рўпарасига келишди. Дадамурод ота нигоҳи билан ахтариб Шоҳайдарни топди.

— Келдингларми? — деди.

— Кўриб турганингиздай, — деб жавоб берди Шоҳайдар.

— Қани, кўрсатинг, қаерга ташлаб кетди бойликни?

— Бойлик? Бойлик картошканинг орасида. Кимки картошканинг тагини кавласа, албатта, бойликни топади. Қаерини кавлаш кераклигини очиги билмайман. Менга “картошканинг ичида” деган, тамом-вассалом.

— Ўйлаб гапиряпсизми?! — деди мева-чева сотадиган савдогар.

Унинг бўйни бошқаларникидан йўғон эди. Ўзи сап-сарик.

— Ўйламай гапиряпман. Айтганини гапиряпман.

— Майнавозчиликнинг нима кераги бор, отам? — деди семиз хотин.

— Майнавозчилик, ҳеч қанақа майнавозчилик қилаётганим йўқ. Картошканинг тагини кавлаб, чиққан картошқаларни бир жойга тўплаб кетаверинглар, олдинглардан чиқади. Ишонмасанглар, яна ўзларинг биласизлар. Мен бирортангни ҳам бу ерга мажбурлаб олиб келганим йўқ. Орқаларингга қайтиб кетаверинглар. Масалан, мен кавлайман. Бойликка

эга бўлганимда бировинг олдимга келмайсан. Келишдикми?

Бозорчиларнинг жонлари ҳалқумларига келди. Лекин тишларини бир-бирига босишди.

Бир томондан ўйлаб қарасанг, Дадамурод отанинг гапи ўта кулгили. Тўғрироғи, у бозорчиларни очиқ-ошкора калака қилаётгандай эди. Иккинчи томондан, унинг гапида жон борга ҳам ўхшарди. Чунки Ҳазрати Хизр авлиё. Кўзингни юмишга улгурмасингдан бирорта картошканинг остига бойлик қўйиб қўйиши ҳеч гап эмас. Агар уни бирорта ҳам одам кўрмаганида эди, манави чолнинг гапига ишонишмасди. Бироқ уни кўришди-да. Шу боисдан ишонмасдан илож ҳам йўқ.

Улар нима қилишларини билмай туришганида Дадамурод ота ва у билан бирга келган чол юк машинадан битта-битта кетмон олишди. Сўнг ишга киришишди. Картошкалар роса бўлганди. Иккита пиёлани жуфтлаштирсанг, биттасига тўғри келиши мумкин. Бегона ўт роса босган. Аммо картошка ҳам роса бўлган-да. Картошка-пиёз сотувчи бозорчиларнинг кўзлари ўйнади. “Бойлик топилмаса топилмас, деҳқоннинг у. ёқ-бу ёгидан ўтиб, картошкасидан бирор “КамАЗ”ини арзон гаровга сотиб оламан”, деб машинадан кетмон олишди-да, Дадамурод отанинг қаватидан ишга киришишди. Аста-секин уларнинг ёнларида бошқалари ҳам пайдо бўлди.

Кечгача иш қизигандан қизиди. Бироқ бирорта ҳам бозорчининг олдидан олтин-кумуш тўла кўза чиқмади.

Биров алам қилганидан ер тепди. Бошқаси кулди. Биттаси эса “ўлдираман” деди.

Тушдан кейин бир кетмон ҳам урмаган семиз бозорчи эса чийиллади.

— Ҳов чол, бир оёғингиз гўрнинг лабида бўлса-

ям, шунча одамни лақиллатдингиз-а. Лекин чучварани хом санабсиз. Биз сиз ўйлагандай содда эмасмиз. Энди авлиё нима ташлаган, ташламагани билан ишимиз йўқ. Мен бир кунда камида икки юз минг тоза даромад қилардим. Шунинг ўнга кўпайтираман. Икки миллион берасиз, уйингизни сотиб берасизми, қизингизни сотиб берасизми, ишим йўқ! Бунинг бари алдаганингиз учун!

— Қизим, мен сира алдамадим. Кетмон чопдинг, қонинг юришди. Кейин деҳқон бобо ҳар биттанга қилган меҳнатинг учун ҳақ тўлайди. Демак, чўнтагинг-га...

— Ни-ма?! Мен тиланчига ўхшайманми? Ёки мардикорманми?! Икки миллионни қуртдай санаб оламан. Қонинг юришдиймиш. Қонимни қандай юриштиришни сиздан яхши биламан. Уқдингизми? Ёки шу ернинг ўзида кетмон билан чопиб ташлайми?!

— Ота, энди буларни менга қўйиб беринг. Ўзим суробларини тўғрилаб қўяман. Бирга минг қўйиб, жарақ-жарақ пул орттириб, бошқаларни менсимайдиган бўлиб кетишибди булар! — деди иш бошида Дадамурод ота билан бирга келган алпқомат йигит.

Ҳамма бирдан унга қаради. Шу пайтгача бу йигит картошказор бошидаги тутқатор остида ўтирганига ҳамма ҳайрон бўлганди. Чунки бозорчилар у ҳам бизга ўхшаб бирор нимадан умидвор бўлиб келган бўлса керак, деб ўйлашганди. Қарашса, у ишламаяпти. “Вой валаки салак, биз бойликни топиб олсак, падарингга лаънати шерик бўлади!” деган хаёлга боришди. Энди қарашса, унинг нияти бошқа.

— Йўқ, буларнинг бари тушунган одамлар. Энди бир кутилмаганда келиши мумкин бўлган бойлик чалғитган-да, — дея Дадамурод ота бозорчиларни ҳимоя қилган бўлди.

— Шундай, шундай, — деб унинг гапини маъқул-

лади калтагина, бақалоққина, сариққина, кўзи олайган бозорчи — кўкатчи. У ҳали бирор марта гапга аралашмаганди. Яна шу ерда қандайдир бойлик борлигига ҳам ишонмаганди. Шунчаки қизиқиб келганди.

Шу-шу бозорчилар берилган пулга қаноатланишди. Кетишди. Аммо бу шунчаки вақтинчага қутулиб қолишнинг йўли эди. “Ҳали шошмасин, қизи ёки ўзи бозорга келиб қолар, ана унда кўрсатиб қўямиз”, дейишди. Шунингдек, “Қизгина ўлгурнинг бахтини боғлайман. Бугуноқ ўзимнинг куф-суфчимга бораман”, дегувчиси ҳам бор эди уларнинг ораларида.

Ўша “абадайни-шабадайни”чи сабаб бўлдимиз ёки бошқа бир нима дахл қилдимиз, орадан икки кун ўтар-ўтмас, Мафтунанинг иситмаси кўтарилиб, ётиб қолди. Алаҳсирайди. Бир нималарни сўрайди. Чолкамбир ундоқ қилишди, бундоқ қилишди. Дўхтирма-дўхтир югуришди. Бироқ сира нафи бўлмади. Қайтанга қизни чарчатиб қўйишди. Аввал бошда у ўрнидан туриб, бемалол юра олган бўлса, югур-югурлардан сўнг ётиб қолди. “Энди нима қиламан?!” дея бошини чангаллади ота. “Вой менгинанинг шўргинам курсин”, деб кўзидан дув-дув ёш оқизди она.

* * *

Кошиф келди-ю, қишлоқ одамларининг оғизлари “қулфланди”. Кошиф ҳар битта одамни кўздан кечирди, кейин сўради:

— Нимаки гапларинг бўлса, айтинглар. Мана, қаршиларингда турибман. Жавоб бераман.

Ҳамқишлоқлар бошларини эгишди. “Салобат ҳам шунчалик оғир бўладими? Сўранг дейди, айтинг дейди. Қандай айтамыз? Бу тил ўлгур танглайга бутунлай ёпишиб қолди-ку. Боягина “Энди карам шўрвангни йиғиштир, сен, барибир, биз билан эл

бўлмаскансан. Ҳар қанча гапингда турганинг билан эрта бир кун боланг нима дейди? Менинг бу қишлоққа дахлим йўқ, деб бирор жойларга кетиб қолмайдимми? Қўй, эртага нима бўларкан деб қийналмайлик. Бизга тегишли бўлган нарсани ўзимизга бер. Яъни табибликнинг ҳамма сирларини қишлоғимиздан бирортасини танлаб ўргат. Ана ундан кейин тўрт томонинг қибла”, демоқчийдик. Бироқ буларни айтиш бунчалик оғирлигини билмас эканмиз. Тоғнинг бир томонини ағдаринглар дейишса, ағдаришимиз мумкин. Аммо тилсиз, жағсиз мавжудотга айланиб қолдик-ку!” дея хаёлларидан ўтказишди норозилар. Аммо тулкидан тулки, шоқолдан шоқол, арслондан арслон туғилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмасди. Кошиф қишлоқнинг қизига уйланмаса, ҳаммаси тамом, деган қатъий фикрга келиб олишганди. Кошиф ҳар нимани билиб қолмайин деб уларнинг юзларига қарамади. Нигоҳини бошқа-бошқа томонларга олиб қочди.

Ҳеч кимдан садо чиқавермагач, Норбой ота гап бошлади:

— Аслида, бу ердагилар ҳам, бошқа жойларда яшаётганлар ҳам бегона эмас. Китобларда ёзилганини Беназир ота кўп ва хўп айтган. Яна у киши битта нарсани алоҳида уқтирган ва шу нарсадан кўрқишини ҳам бир неча марта такрорлаганини ўз қулоғим билан эшитганман. “Одамлар кам бўлса, қарийб ҳаммаси бир-бирига қариндош бўлиб қолади. Қариндошлардан пайдо бўладиган янги оила ҳамиша ҳам соғлом зурриёт дунёга келтиравермайди. Бегона қон аралашиши керак”, деган у киши.

“Беназир ота кўрққан” деган жумла ҳамманинг этини жимирлатиб юборди. Дарҳақиқат, қишлоқда қуда-андачилик, опа-сингил, ака-укалар содир этила бошланганди. Бундан тўрт йил муқаддам кунчи-

қар томонда яшайдиган Остонақул ака қизини укасининг ўғлига берди. Мана, орадан шунча вақт ўтди ҳамки, улар фарзандли бўлишмади. Бефойда. Ажрашинглар дейишга бировнинг юраги бетламайди. Хўп, ажрашганларида нима бўларди? Эр кимга уйланди-ю, хотин кимга турмушга чиқади? Шундай экан, қонни янгилаш зарур. Тоза ҳаво. Хилма-хил гиёҳлар, яшаш енгиллиги ўз йўлига. Тўғрироғи, қон бошқа бўлмаса, буларнинг тоғнинг энг баландидан энг пастига думалаб тушган тошчалик ҳам аҳамияти бўлмай қолади.

Зоҳид ота ўрнидан турди. Пешонасидаги маржондай-маржондай терни артди.

— Кошиф кетганида баримиз жонланиб қоламиз. Ундоқ деб, бундоқ деб бир-биримизга таъна қиламиз. Ҳаттоки ёқалашишга тайёرمىз. Лекин келганидан кейин бошимиз эгилади. Нимагадир дилимиздагини тилимизга чиқаролмаймиз. Балки, Кошифнинг салобати босар, эҳтимол, унинг яна кетиб қолишидан чўчирмиз. Аммо ҳозир қарасам, яна ҳаммаси қолиб кетадиганга ўхшайди, — деб у Кошифга юзланди. — Хуллас, одамларнинг ярми қишлоқдан уйланишинингни хоҳлаяпти. Қолган ярми қарорингни қўллаяпти. Аввалги ярми, мабодо бошқа жойнинг қизини хотинликка оладиган бўлсанг, қишлоққа тегишли бўлган табибликни топширишинингни иштаяпти. Бўлган гап шу. Ўзинг энди нима дейсан, нима қўясан, ихтиёринг.

Зоҳид ота қайтиб жойига ўтирди. Яна пешонасидаги терни артди.

— Тақдирдан қочиб бўлмайди. Менинг бу ерларга келиб қолишим, шу ерда яшашим, устознинг назарига тушишим ҳам шунчаки эмас. Эгамиз учун шунақа бўлиши керак бўлган, бўлди. Акс ҳолда, сувга фарқ бўлардим. Узоқ-узоқларга оқиб кетардим. Ба-

лиқларга ем бўлардим... Бурноғи кун қишлоғимизга иккита бегона одамнинг келиб қолиши ва мен уларнинг қариндошини бориб даволашим ҳам илоҳий неъмат. Шунингдек, ўша қизни учратиб қолганим ҳам... Сўзим сўз. Илло, ёлгончи қилмасин. Сиздан-да олдин Беназир отага ваъда берганман. Бу ҳақда сизга ҳам айтганман... Сиз омонатни қайтариб бер дебсизми, мен розиман. Номзод танлаб беринг, ўзимда борини ўргатай.

Шу заҳоти одамлар орасида ғала-ғовур бошланди. Бириси у деди, бошқаси бу. Бировининг гапи бошқасиники билан сира қовушмасди. Улар номзод таллашишар, ҳамма ўзининг боласини маъқулларди. Бироқ шу заҳоти ёнида тургани инкор этарди. “Фалон-фалон айби бор. Ярамайди”, дерди. Бундан отанинг жиғибийрони чиқарди. Охири Кошиф яна гапиришга мажбур бўлди.

— Яхши, ҳаммасини мана шу гузарга олиб келинглар. Ўқитаман. Бўладигани қолаверади. Қолгани бошқа ишни қилсин, — деди.

Таклиф барчага бирдай маъқул тушди.

Эртасига Кошиф турли ёшдаги йигирма тўрт болага дарс ўтди. Албатта, уларнинг ярмидан кўпи йигирмадан ошиб қолганди. Айни ўшалар нўноқ эдилар. Тўғрироғи, хаёлларини аллақачон бошқа нарсалар эгаллаб олганди. Шу боис қизиқишлари жуда суст бўлди. Аммо, барибир, Кошиф уларни ҳам ўқитди.

Кунлар ўтгани сайин Кошифнинг қалбидаги севги алангаси кучайиб кетаверди. Туни билан “Сендан ўзгага муҳаббат қўймайман. Кимгадир ишқим тушган бўлса ва уни кўп ўйлаб юбораётган бўлсам, мени кечир”, деб қиблага бош уриб чиқади. Лекин кундузи тез-тез жилмайиб қараб турган қиз кўз ўнгидан пайдо бўлаверади... Охирги кунларда эса қандай-

дир хавотир ҳам кўнглини эгаллаб олди. Одамларнинг юз тузилиши, ҳаракатлари ва гапларига қараб уларнинг нима ҳақда ўйлаётганликларини билиб олади. Аммо узоқда ким биландир нимадир содир бўлаётганини билолмайди. Фолбин эмас. Лекин кўнглида безовталиқ пайдо бўлиши нималардандир далолат бериб туради.

“Бораман. Хабар олай-чи, нима бўлган экан? Эҳтимол, улар мени кўришни ишташаётгандир. Қайсигадир нимадир бўлган бўлса, албатта, ёрдам бераман”, дея ҳаёлидан ўтказди у ва навбатдаги дарс беришдан уйига қайтиб келгач, тамадди қилиб олди-да, шаҳар томон равона бўлди. Ўша берилган улўф неъмат ёрдамида.

* * *

— Ҳеч нима ёрдам бермаяпти-ку. Болам бечора кундан-кунга сўлиб кетяпти! Бирор нима қилинг, дадаси!

Аёлининг илтижоси шундоқ ҳам юрак бағри қон бўлган отанинг хонумонини куйдириб юбораёзди. Кўзидан тирқираб ёш оқди. Овозини чиқармаслик учун кафти билан оғзини бекитди.

— Кимга нима ёмонлик қилувдик, парвардигор?! — дея увиллаб йиғлашда давом этди аёл.

Шу заҳоти Дадамурод отанинг кўз ўнгига бозорчилар келди. Буришган, тиришган, қаҳрли, норози башаралар. “Бирор нима қилишдими?! Сеҳргарликка ҳеч қачон ишонмаганман... Қизим тузалмас дардга чалиниб қолди! Шошма, бу менимча ўша табибнинг иши. Касалимга даво йўқ эди. Аммо у даволади. Наҳотки бари қизимнинг соғлиғи эвазига бўлса... Нега? Нега қизимнинг эвазига?” ҳаёлидан ўтказди Дадамурод ота. Шу заҳоти унинг боши лўқиллай бошлади. “Ҳозир текшириб кўраман. Қандим яна ошган бўлади. Босимим ҳам. Кўз бойло-

ғичга рўбарў бўлган эканмиз-да”, дея пичирлади унинг лаблари. Ётоғига кирди. Қанд миқдорини ўлчайдиган асбобчани олди. Бармоғининг учини тешиб, бир томчи қон оқизди... Ҳайратланиб кетди. Қанди ошмабди. Ошмабди-я... Нимадир қилиш керак? Бу аҳволда яккаю-яғонаси, кўзининг оқу-қораси, умрининг давомчиси ўлиб қолади-ку.

У қўл телефонини қидирди. Дўхтирга қўнғироқ қилмоқчи, “Қанча олсангиз олинг, лекин қизимнинг жонини сақлаб қолинг”, демоқчи эди. Аммо телефони негадир йўқ. Ҳар доим столнинг устида турарди. Биров тегинмасди. Ўша телефон йўқолиб қолибди. Албатта, ўзидан ўзи эмас. Боягина хаёли кирди-чиқди бўлиб, айвон деразасининг тоқчасига қўйганди. Ҳозир эса эсига келмаяпти.

— Мафтунанинг телефонида қиламан, — деб шошганча қизи ётган хонага кетаётганида эшик оҳиста тақиллади.

Қўнғироғи бор. Лекин у жирингламади. Эшик тақиллади. Дадамурод ота олдинига “Менга шундай туйиляпти”, деб йўлида давом этмоқчи бўлди. Бироқ яна нимагадир тўхтади. Эшик ёнига борди. Очдию, ҳая-жонланиб кетди. Табиб. Боягина жуда ёмон кўриб кетган, лозим бўлса, ўлдиришга (албатта, бу нарсани унинг қўлидан келмайди. Аммо ёмон кўриши шу даражага етган эди) тайёр бўлган одам турибди. У олдинги сафаргидай ўзини йўқотиб қўймади. Ақл билан иш тутди. Бақариб юбориш бўғзидан нарига ўтмади.

— Кириг, — деди эшикни каттароқ очиб.

Шу заҳоти қалтираб кетди. Кошиф кирди. Дадамурод ота унинг ортидан эшикни ёпди. Сўнг чуқур нафас олиб чиқарди-да:

— Нима бало қилиб кетдингиз? — деди.

Табиб унинг қайғу тўла нигоҳидан ғамга ботгани-

ни ва шу ғамда унинг-да улуши борлигини дарров англаб етди.

— Тақдирдан, — деди у қисқагина қилиб.

— Мени, — деди Дадамурод ота кўздан ёшини оқизиб, — эзилсин, фарзанд доғини кўтариб юрсин, дедингизми?!

— Астафидулло. Қизингиз беморми?

— Бемор бўлиш ҳам гапми? Ўлим билан олишиб ётибди.

Кошиф унинг гапини ортиқ эшитмади. Тўғри Мафтуна ётган хонага кирди. Юзини терс ўтирганча билагидан ушлади. Кейин дарров қопини очиб, гиёҳлардан олди. Ортидан кириб келган Дадамурод отадан илиқ сув олиб келишини илтимос қилди...

Мафтуна бошини кўтарганида Кошиф ҳали кетмаганди. Меҳмонхонада Дадамурод ота билан бирга чой ичиб ўтирарди. Норхол она уларнинг ёнига югуриб кирди.

— Мафтуна бошини кўтарди. Иситмаси йўқ. Мен билан гаплашди! — деди йиғидан ўзини тиёлмай.

— А?! Хайрият! Хайрият! — деб бақирди ўрнидан сапчиб турган Дадамурод ота.

Кейин эса қизини кўришга шошилди. Мафтунанинг юзи бир оз синиққан эди. Аммо жилмайиб ўтирарди.

— Дада, менга нима бўлди? — деди у отаси кириши билан.

— Сенга... Сенга... Шу десанг, сал мазанг бўлмай қолди-да. Яратганга шукр, мана, дарров ҳеч нима кўрмагандай бўп кетдинг... Ҳалиги... Билсанг, ўша табиб яна келди. У сени даволади. Мен уни қаргаб ўтиргандим. Уни сабабчи қилаётгандим. Роса пуншаймон едим. Келди. Билагингдан ушлади. Кейин қопини очди-да, гиёҳларини чиқарди... У билан ҳозир гаплашиб ўтирибмиз, меҳмонхонада.

Дадамурод ота шошиб гапирарди. Кўнглидагиларини эртароқ айтмаса, ҳаммаси ичида қолиб кетадигандай эди. Шунингдек, сўзлаб бўлиши билан яна меҳмонхонага югурди. Кетишга шайланиб турган Кошифнинг қўлидан ушлади. Кейин уни маҳкам кучоқлади.

— Раҳмат. Умрингиздан барака топинг. Мен болам бунчалик тез оёққа туриб кетади деб ўйлагандим. Яна мен, шу десангиз, салгина бемазароқ хаёлгайм боргандим. Сиз билан бир майдон гаплашиб ўтирдик, лекин, барибир, кўнглимдаги ғашлик тарқамаганди. Энди мен ўлишга тайёрман. Қизим омон қолса бас.

— Қон шираси дахл қилганди ҳаётингизга. Бундан буён Тангри берган умрни яшайсиз...

— Билсангиз, боя айтмоқчи бўлиб роса тайёргарлик кўрдим, — деб Дадамурод ота уни кучоғидан бўшатди, — аммо сира айтолмадим. Салобатингиз босдимми ё қизимнинг касаллиги билан бандмиди хаёлим, ҳар қалай, айтолмадим-да. Сиз ўзи, аслида, кимсиз?

Кошиф жилмайди.

— Табиб.

— Лекин одамлар бошқача дейишди-да. Хизр бува дейишди. Аммо мен китобларда у кишининг ҳаётликлари ҳақида далил топмаганман. Шунга қарамасдан, тезда кўздан ғойиб бўлиб... Қизим айтди-да, деразадан қараб турдим, деди. Йўлакдан чиқмабсиз. Уйдан кузатиб қўйганим рост. Бунини мен ҳам, кампирим ҳам билади. Энди эшикдан чиққан одам, албатта, йўлакдан ҳам чиқиши керак. Чиққанингизни ҳамма кўриши керак. Аммо сиз чиқмадингиз. Сабаби нима?

Дадамурод ота шундай деди-ю, бирдан қотиб қолди.

“Бир вақтда икки жойда...” дея пичирлади унинг лаблари ва тиззалаб ўтирди. Кошифнинг оёғини ўпмоққа шайланди. Аммо бунга Кошиф йўл қўймади. Отанинг кўзидан яна ёш оқди.

— Билдим, — дея елкаси силтаниб йиғлади Дадамурод ота, — билдим. Ўзингга минг қатла шукр. Шундай одамни кўришни, у билан суҳбатлашишни насиб этказганинг учун миллион-миллион марталаб шукр... Каллам жуда кеч ишлабди-ку!

— Бундай этманг. Мен Тангрининг бандаси. Бандага банда сажда қилмайди. Касбим шуки, табибман, — дея Кошиф унинг қўлидан ушлаб тургазди.

— Майли. Майли, ҳозир. Сиз шунчалик бизникига келибсиз, меҳмон қилиш калламга келмабди. Ҳалиги, ҳа, топдим. Онаси! Онаси! — деб эшик томонга юрди Дадамурод ота.

Норхол онанинг бир қулоғи меҳмонхонада эди. Чолининг овозини эшитиши билан жавоб берди.

— Ошга уннанглар, онаси, ошга. Шундай одам уйимга келибди-ю, ош едирмай чиқарсам уят бўлади.

Кошиф ош не эканлигини билади. Бердиёрнинг Шомансур исмли қудасиникида еган. Ҳали-ҳамон таъми оғзида.

— Ота, — деди у юмшоқ овозда, — ҳеч бокиси йўқ. Камина кетиши даркор. Юмуш кутиб қолган.

— Ундай деманг. Ўзи ўтган сафар меҳмон қилмаганимдан роса афсуслангандим. Юмуш кутибди. Яна озроқ кутсин. Тез тайёр бўлади ош. Мен сиз келибкетганингиздан кейин нима воқеалар содир бўлганини айтиб бераман. Бунгача паловхонтўра пишадиди-да. Қани, ўтиринг кўрпачага.

Аслида ҳам Кошифнинг кетгиси йўқ эди. Бу хушфеъл одам билан суҳбат қуриш истаги бор эди. Кейин кўнғлида яна битта истак — қизнинг қўлини

сўраш. Энди буниси унинг учун жуда оғир. Аммо нима қилсин? Отаси, ҳамқишлоқлари буни уддалай олишмайди. Аввало, довдирашади. Сабаби чексиз-чегарасиз. Филдиракли ўзи юрар уловлар, баланд-баланд иморатлар, умуман, бу ернинг ҳар нимаси, ҳар кишиси борки тоғ одамиани ҳайратга солади. Мана, Кошифнинг ўзи не кўйга тушиб турибди.

— Ҳалиги... нимадан бошласам экан? — деди ҳали-ҳамон ҳаяжонини боса олмаган Дадамурод ота.

Бу тахлитда суҳбат бўлмаслигини Кошиф дарров тушунди.

— Агар ижозат этсангиз, сизга битта дамлама берсам. Бу дамламанинг хосияти шуки, инсонни хотиржам этади, — деди у жилмайиб.

— Майли, беринг! Сиз нима берсангиз, мен ичман. Бунгаям қайнаган сув керакми?

— Шундай, — дея тасдиқлади Кошиф.

Дадамурод ота ошхонага югурди. Хиёл ўтмай кўлида пиёла билан қайтди...

Дамлама отанинг томоғидан юмшоққина ўтди. Таъми ҳам антиқа. Яна ичгинг келади. Ота лабини ялади.

— Зўр экан. Одам маза қиларкан. Буни кўп ичиш мумкинмас-да, тўғрими?

Кошиф жилмайиб, бошини қимирлатиб маъқулади.

— Кун оралатиб истеъмол этиш фойда. Наҳорда. Тамаддидан бурун, — деди сўнг.

Дадамурод ота ваъда қилганидай Кошифнинг олдинги келиб-кетганидан кейинги воқеаларни ипидан игнасигача гоҳ кулиб, гоҳ жиддий тортиб гапириб берди. Орада бир-икки марта ошхонага бориб келди. Яна Мафтуна оёққа тургани ҳақидаги хабарни айтди. Кейин бошлаб қўйган митти ҳикоясини давом эттирди. Орада бир нима-бир нималарга Ко-

шиф тушунмади. Аммо ўша тушунмаганини сўрамади. Ийманди.

Ниҳоят ош пишди. Табибнинг назарида бу палов олдингисидан-да мазалидай эди. “Бир куни менга ҳам шундай таом пиширишни ўргатиб қўясизлар”, деди. Бу гап Дадамурод отани икки қарич ўстириб юборди гуё.

— Менда сафар охирлади. Кетишга изн беринг, — деди Кошиф ош ейилиб, ортидан икки пиёла чой ичиб бўлингач.

— Одам сиз билан гаплашиб тўймаскан. Шунинг учун сира қўйиб юборгим йўқ. Аммо на илож, ушлаб қолишим ҳам ўринсиз. Лекин қуруқ кетмайсиз. Тўн киясиз, кейин кетасиз, тақсир.

— Тўн? У не? — сўради Кошиф ҳайрон бўлиб.

— Миллий кийим. Тўйларда, байрамларда совға тариқасида берилади...

— Ташаккур. Мен сиздан сўрайдиганим ўзга.

Дадамурод отанинг юзи бирдан жиддий тортди. “Жуда кўп пул сўраса-я. Майли, сўраса сўрасин. Уйимни сотиб бўлса ҳам бераман. Қизимнинг жонини сақлаб қолди. Бундай авлиё учун ҳар қанча қилсанг ҳам оз”, деб кўнглидан ўтказди у.

— Аммо буни айтиш хўп ташвишли каминага. Юмуш битирмоқ осон. Бироқ ҳозир сизга айтмоқ бўлганим кўп қийнаб қўйди, — деди Кошиф бошини хиёл эгиб.

— Бемалол. Сиз сира тортинманг. Қанча бўлса, амаллайман. Қолаверса, етса молим, етмаса жоним! — дея табибга тикилди Дадамурод ота.

— Аслида, айтмоқ бўлганим қариндош юмуши. Аммо улар сиз ила тиллашишга нўноқдирлар. Каминада шундай. Локигин тақдир измига бўйсунишга мажбурман.

— Тортинманг. Бундай олиб қараса, сиз ҳақсиз.

Уйимиз наридан бери. Мен сизга айтсам, бир умр ўзимни ўтга-чўққа урмаганман. Насиб этганига қаноат қилганман. Шунинг учун уйниям таъмирига озгина қўл калталиқ қилиб қолган-да... Бироқ гапим гап, дилингизни оғритмайдиган қилиб топиб бераман. Чунки сиз келишингиздан олдин ҳамма нарсага тайёр эдим. Қизим омон қолса, жонимни ҳам бераман дегандим. Мана, Яратганга минг қатла шукр, сизнинг кароматингиз билан Мафтунам соғайиб қолди. Сўранг, қанча берай? — деб Дадамурод ота чуқур нафас олди.

— Не ҳақда сўзлаганингизни мушоҳада этишга ақлим ожизлик қилиб қолди. Не беришингиз лозим каминага? — деди Кошиф кипригини пирпиратиб.

— Ҳалигидай, пул-да. Ҳозир пул бермасанг, биров саломниям қизганиб қолган.

— Пул не?

— Пул, пул! — деди Дадамурод ота ҳайрон бўлиб.

— Унда не қилинади?

— Нима қилади демоқчимисиз? Пулга бирор нима сотиб олиш мумкин. Айтайлик, гўшт, пиёз, тухум. Агар кўпроқ пулингиз бўлса, уй, машина оласиз... Умуман олганда, кўнглингиз тусаганини сотиб олаверасиз. Ҳатто хотин олаётганда ҳам пул берилади.

— Уйланмоққа пул лозимми?

— Ҳа энди сут пули дейди, қалин пули дейди. Бир хиллар қизини турмушга бераётганида бир нима берилади бўлиб қолсам дейди. Энди буниси бошқа жойларда.

— У не ерда бўлади?

— Ҳамма жойда. Мана, масалан, дўконларда, банкларда, одамларда бўлади.

Кошиф, барибир, ҳеч нарса тушунмади. Тўғри, олдинги келганида шунақа нарса ҳақида эшитганди. Бироқ эътибор бермаган экан. Отанинг айти-

шига қараганда, зарур буюм. Усиз ҳатто уйланиб ҳам бўлмаскан.

— Ижозат этинг каминага, кулбасига кетур, — деди боши қотган Кошиф.

— Ҳеч нарсa олмасдан кетаверасизми? Менимча, озгина ўзингизни гўлликка солдингиз. Майли. Бунисига ҳам розиман. Аммо мени ҳеч қанча пул беролмайди деб уйламанг. Ҳали айтдим, уйимни сотиб бўлса ҳам бераман.

Кошиф жилмайди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Менда умидворлик йўқ. Бироқ пул деганингиз олдимга тўсиқ қўйди.

— Нимага тўсиқ қўярган?

— Мен фаришта мисол қизингиз қўлидан умидвор эдим. Аммо сиз камина англамайдиган пул ҳақида айтдингиз. У нарсани мен билишдан ожиз бўлганимдай, ҳеч қачон кўрмаганман ҳам.

Дадамурод ота бақа бўлиб қолди. Қулт этказиб ютинди.

— Нима дедингиз?! — деди шивирлаб. — Қизимнинг қўли?!

Кошифнинг пешонасида маржон-маржон тер пайдо бўлди. У жуда ноқулай аҳволга тушиб қолган ва бу ноқулайликдан чиқиш йўлини билмасди.

— Лекин, — деди маълум тўхталишдан кейин Дадамурод ота, — ҳалигидай... мен билмадим-да. Яна, яна...

У беихтиёр ўрнидан турди-да, довдирабгина ошхонага кетди. Қизи, хотини турарди ошхонада. Улар ҳам Кошифнинг гапидан хабардор. “Шунчалик улуг одам бўлса, ҳар битта гапини эшитиб қолайлик”, дейишди. Қулоқларини динг қилишди. Дадамурод отанинг пул ҳақида айтганларини эшитишганида елкалари қисилди, ичларидан зил кетди. Бир-бирининг юзларига қаролмасдан, бошларини эгишди.

Эзилишди. Кейин табиб бутунлай бошқа гапни айтди. Мафтуна энтикиб кетди. Юзи қизарди. Ўғринча онасига қараб олди...

Дадамурод ота лом-мим дея олмади. Хўрсинди ва ортига қайтди. Бориб жойига ўтирди.

— Мени айбга буюрманг. Ёшингиз нечада, тақсир? — деди.

— Қирқдан ошдим.

— Шу пайтгача уйланмаганмисиз?

— Йўқ.

— Ҳмм. Энди, тақсир, мен билолмай қолдим. Кутилмаган гап бўлди-да. Ёшингиз бунақа бўлса? Ундан кейин...

— Бизнинг овул тоғда. Сизнинг одам билан ришта йўқ. Турмуш ўзга. Ҳали маълум этдим. Бошқалар вакилликка ожиздирлар...

— Ўзбекмисизлар?

— У не?

— Ҳалиги, миллатингиз... Ҳа, ҳа, уруғингиз нима?

— Бундайин сўз сингдирилмаган. Локигин мен гапингизни идрок этдим. Сиз-да англадингиз не айтганимни... Мен овулда ўзгароқман. Боиси, Кошифман. Боиси, топилганман... Яна тарих узоқ, сўзламоқ узоқ... Кўнгилда латофат маликаси боис ўзни ўғилликка топширмақ истаги мавжуд.

Дадамурод ота унинг ҳамма гапларига ҳам тушунмади. Бошини қашлади. “Уйланмаган авлиё. Ёши қирқдан ўтган. Кўриниши каттароқ айтади. Бошим қотди, бошим қотди”, хаёлидан ўтказди Дадамурод ота. Сўнг ўрнидан турди-да:

— Ўзингиз яхши биласиз, умр савдоси. Шундай экан, онасидан сўрай, қизимдан сўрай. Маслаҳатлашай. Шундан кейин жавобини айтай, — деди.

Паст овозда, зўрға эшитиладиган қилиб айтди. Кейин аёли билан қизининг ёнига борди.

— Нима қиламиз? — дея бошини қашлади.

— Мен тегишга розиман, — деди бирдан Мафтуна.

Чол-кампир бараварига унга қарашди.

— Нега?! — деди ота лаби титраб.

— Билмайман, ота.

Мафтунанинг кўзидан ёш оқа бошлади.

— У тоғда яшаркан. Гаплари бошқачароқ. Қайси замоннинг одамлигини билмайман. Шундаям розимисан, қизим?

— Ҳа.

Она ҳайратда эди. Чунки қизидан бунақанги гапни кутмаганди-да. “Ота, унинг юриш-туришига қаранг, келиб-келиб шунга тегаманми? Яна тоғ-тошда юрган одамсифат одам бўлса. Эшитган, билганлар нима дейди? Тегмайман...” Ҳартугул, унинг ўрнида бошқа қиз бўлса, шунақа дерди. Мафтуна эса ҳе йўқ бе йўқ тегаман деб турибди.

— Шошмай туринг, дадаси. Мен бу қиз билан яхшилаб гаплашиб олай. Ана ундан кейин бирор нима деймиз, — деди Норхол она.

Гаплашди. Лекин унинг нега рози бўлганига тушунолмади.

— Ойи, агар у кишининг соч-соқолини олиб, устига котюм-шим кийдирса, қанақа кўринишда бўларди? Ёш, чиройли, ҳамма қизлар орзу қиладиган йигит... Пешонамдан кўраман. У кишига эрга тегаман, — деди Мафтуна.

Норхол она кўзидан дув-дув ёш оқизди. “Мени, дадангни ўйла. Сен узоқларга кетиб қолсанг, қандай кун кўрамиз?! Балки, кўрармиз, лекин сенсиз қандай яшаймиз?!” деди. Мафтуна бошини эгди. Унинг ҳам ота-онасини ташлаб кетгиси йўқ эди. Бироқ, барибир, айтганидан қайтмади.

Ота иккиланишда эди. Она мутлақо қарши эди. Шу боис Кошифга аниқ жавоб айтилмади. Дадаму-

род ота бир ҳафта муҳлат сўради. “Биз яхшилаб кенгашиб олайлик, ана ундан кейин жавобимизни айтамиз”, деди.

Бир ҳафтадан кейин эса Кошифнинг елкасига чопон ёпилди. Чунки Бердиёр Дадамурод отанинг уйини топиб келганди. Бозорчадаги шов-шувлар қулоғига етиб борганидан кейин у бозорга келди. Сотувчилардан нима гап-сўз бўлганини суриштирди. Сўнг улар орқали Дадамурод отанинг уй манзилни олди. Бошидан ўтганини гапириб берди. Кошифнинг оёғини ерга теккизмай мақтади. Шундан кейингина Дадамурод ота ёрилди. “Ўша табиб куёв бўлишни хоҳлаб келибди. Ўзи келибди. Орага одам қўймабди”, деди. “Агар одам қўйганида икки дунёда ҳам бермасдингиз. Сабаби, уларнинг қишлоғи бутунлай бошқача. Тўғри, ниҳоятда сўлим, ҳавас қиладиган жойлар. Лекин одамлари қайси йиллардан қолиб кетган, билмайман. Агар йўқ демасангиз, шу табибнинг номидан мана мен совчи. Қолган умримни гаровга қўйиб айтаманки, қизингизни унга берсангиз, бахтли бўлиш деган нарсга орқада қолади. Ундан ҳам юқорилаб кетади”, деди Бердиёр. Дадамурод отага айни шу гап керак эди. Ич-ичидан Кошифни куёв қилиш нияти бор эди. Лекин қандайдир далда етишмай турганди. Мана, ўша далдани олди. “Розиман. Фақат ўзингиз ёнимда турасиз. Анави қудангизни ҳам айтиб келасиз. Бир ўлимдан олиб қолибди. Энди мана шунақанги ишларда бел бўлиб турмаса, уят бўлар”, деди.

Бердиёр ака ваъда берди ва ваъдасида турди.

Шаҳарнинг ўзида ош бериш билан тўй ўтказиладиган бўлди. Бироқ Кошифда пул йўқ эди. Яна Дадамурод ота ҳам ҳали ош бериш даражасида ортириб қўймаганди. Дарров Шомансур ака ташаббус кўрсатди. “Шундай одамга хизмат қилиб савоб ол-

масам, нима қилиб юрибман? Қолаверса, ана кетаман, мана кетаман деб турганимда жонимни сақлаб қолди. Бунинг учун бир умр текин хизмат қилсам ҳам оз”, дея қўшиб қўйди. Кейин яна битта муаммо пайдо бўлди. Яъни Кошифнинг либоси масаласида. У костюм-шимни кўриб, “Менга тўғри келмайди”, деб эътироз билдирди.

— Тақсир, ҳар хил гап чиқади. Ҳали соч-соқолни ҳам эпақайига келтиришингизга тўғри келади. Адашмасам, замонга мослашиб юринг, деган гаплар ҳам бор китобларда, — деди Бердиёр ака.

Кошиф рози бўлди. “Ишқилиб, ҳамқишлоқларим танимай қолмасалар бўлгани”, деди.

Бирпасда Бердиёр ака билан Шомансур ака қуда томонга айланишди. Дилдора келин янга, Акром куёв жўра бўлди.

Кошиф отасининг исмини билмайди. Онасини ҳам танимайди. Кўп қийналди. Ич-ичидан эзилди. “Ҳеч қурса, исмларини билганимда никоҳ ўқишаётганида айтардим”, деди. Кейин Норбой отасининг исмини тилга олди...

Тоғда ҳам тўй бўлди. Қиз-жувонлар алоҳида ўтириб, ўйин-кулги қилишди. Йигитлар кураш тушишди. Ўртага қўй, қора мол, от қўйилди. Кошифда чорва йўқ. Ҳамқишлоқлари ҳиммат кўрсатишди. Гўё “Шу билан аразимиз йўқ энди. Сениям, хотининг-нияам қабул қилдик”, дегандек эди. Дарвоқе, шаҳардан чол билан кампиргина борди тўйга. Уйларни, одамларнинг яшаш шароитини кўриб, ичлари эзилиб кетди. “Қизимиз бир умр шундай жойда яшайдими, бунча қийин”, дейишди. Аммо ноилож, тақдир экан, кўнишди. Бироқ орадан икки кун ўтиб, содда, тўпори тоғликлар билан чиқишиб кетишди.

Кетар чоғ бўлди.

— Сиз мендан кўп биласиз. Илмингизнинг чек-

чегараси йўқ. Шунга қарамасдан, битта гапни айтиш. Сиз хафа бўлманг, — деди Дадамурод ота хайрлашиш олдидан, — бу аҳволда яшаб бўлмайди. Дунё бутунлай бошқача. Дунёни билмай туриб ўтиб кетиш ярамайди. Шунинг учун борди-келдини йўлга қўйиш керак. Ҳозир ернинг нариги боши билан бериги боши бир қадам бўлиб қолган. Шундай экан, қишлоқларингга келиб-кетиш ҳеч нима эмас. Албатта, йўл бўлса, транспорт қатнашига имкон бўлса. Узилиш бир неча юз йилдан ошиб кетибди. Менимча, бўлади шунчаси. Одамлар билан гаплашдим. Ҳаммасининг кўргиси бор узоқ-узоқларни. Лекин озгина ўзгартириб олиб бормаса бўлмайди.

Кошиф жилмайди. Ўнг қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди.

— Сўзингиз азиз. Аммо аралашиш қийин. Тафовут ортиқ. Эҳтиёжни пайдо этиш ўринлими? — деди.

— Мен хаёлимда пайдо бўлган гапларни айтдим. Бу ёғи қанақа қарорга келишингиз сизга кўпроқ ойдин, — деди Дадамурод ота ва куёви билан қучоқлашиб хайрлашди.

Ҳар жойда ўз ҳолича ўсган ўт-ўлан, ўз ҳолича яйраб-яшнайдиган жонзот бўлмоғи керак. Уни ҳар кўйга солмоқ, ҳар чизиклар орасида сақламоқ ожизлантириб қўяди. Шамол таг-томири билан кўпориб ташлайди, иссиқ куйдиради. Кошифнинг билгани шу. Кошиф шаҳару-овулни кўрганидан келган хулоса шу. Бироқ инсон кўнглини ўкситиб бўлмайди. Айниқса, қандайдир овлоқ бир овулга жигарини ташлаб кетаётган отанинг кўнглини. У ҳаммасига кўндида, “Охири бахайр бўлсин”, дея кўнглидан ўтказди. Аммо охири...

Олтой ва яна тўрт қишлоқлик меҳмонларни кузатиб келишди. Шундан сўнг ҳаёт аввалги измида давом этаверди. Токи Равшан ниҳоятда бой одамни

етаклаб келмагунча. Улар учар темирда (вертолётда) келишибди. Қишлоқнинг кун ботаридаги яланглик-ка қўнишибди. Бой одамнинг бойлигини Кошиф унинг бўйнига илинган тилла занжиридан, устидаги башанг кийимидан билди. Яна гапидан ҳам. “Ана-ви вертолёт меники. Жуда кам одамда бор бунақан-ги матоҳ. Лекин у ҳам дардимга малҳам бўлолмади. Касал бўлиб қолдим. Ўпкамда ўсмам бор экан. Сизни роса мақташди. Агар касалимни тузатсангиз, вертолёт сизники. Бундан ташқари, бир дунё пул бераман”, деди у керилиб.

Кошиф унинг ёмонлигини, бировга дўстлик қилмайдиган одамлигини афт-ангоридан билди. Яна кўзидан. Яна мўйловини тез-тез қимирлатишидан, майда қадамлигидан билди.

— Дардингиз бошқа маконда. Қутулмоқ йўли ҳар неки олганингиз эгасига қайтмоғида, — деди Кошиф унга тикилиб.

— Тушунмадим. Ҳар нимаки олган бўлсам, ўшани эгасига қайтариб берсам, тузалиб кетаман?.. Пешона теримни кимгадир берсам, пешона терим... Мен бу мартабага эришиш учун озмунча меҳнат қилдимми?! Тўғри, қаердадир қандайдир хатога йўл қўйган бўлишим мумкин. Лекин жа ҳамма нарсамни топшириб қўйиш даражасида эмас, — деди бемор ва Равшанга юзланди, — сен ҳар қандай дардга даво топа оладиган, зўр табиб дегандинг-ку! Алдаган экансан-да! Бу мени хонавайрон бўлишимни хоҳлаяпти-ку!

Равшан довдиради. Зеро у табибга ишонганди. Бунақанги гапларни айтади деб ўйламаганди. Даволашдан бош тортиши хаёлига ҳам келмаганди. Ҳа, бемор Эркинбой. Аммо тоза бой эмас. Бойлигининг жуда кўп қисми ўғрилиқ орқасидан келган. Яна судхўрлик билан ҳам шуғулланган. Яна гап-

сўзларга қараганда, босқинчилик ҳам қилган. Атрофда беш-олти одами бор. Ўл деса, ўладиган, ўлдир деса, ўлдирадиган одамлар. Вертолётни тоғнинг нариги томонида бошқа тилда гаплашувчи, бориш қийин бўлган қишлоқда туради. Эркин унда бор-йўғи учинчи марта учди.

Равшан ўзини бирдан Кошифнинг оёқлари остига ташлади.

— Ялинаман. Ҳақ таоло ҳақи, ҳеч қачон ўртага тушмасдим. Бир марта тушиб қолдим. Ўзим билмаган ҳолда. Бўл-маса, эвазига ҳеч нима сўрамаганман. Шунчаки, яхшилик қилай дедим. Бор-йўғи бир марта мана шу одамни даволанг. Ёлғончи бўлиб қолмай! — дея йиғлади.

Кошиф Эркинни даволади. Ғуддайгани ёки Равшаннинг ялиниб-ёлворгани учун эмас, Беназир ота қаршисида “Ҳар кимнинг, у ким бўлса ҳам, каззобми, ўғрими, туллакми, олимми, оддий одамми, барибир, дардига дармон бўлишга имконимдагини ишлатаман”, дея онг ичгани учунгина даволади. Кейин Эркинбойга, Равшанга “Кетинглар ва ортиқ бу ерга келманглар”, деди.

— Гапим гап! Сиз эркаклик қилдингиз, бизниям қўлимиздан эркаклик қилиш келади. Вертолёт сизники. Ичида бир қоп пул бор. Уям сизники. Фақат шу вертолётда мен шаҳарга етиб оламан, кейин қайтариб бериб юбораман, — дея хунук иржайди Эркинбой.

— Унда инсон ўтирурми? — сўради Кошиф.

— Гапларингиз ғалати экан-а. Ўтирур, ўтирур, — дея ўзича Кошифни калака қилган бўлди Эркинбой.

— Ўша киши тушсинлар. Бизнинг ёнимизга келсинлар.

— У ерда битта одаммас, ўн киши ўтирибди. Қиш-

лоқнинг одамларини қўрқитиб юборманглар, деб келишларига рухсат бермадим. Ҳаммаси турқи совуқ барзангилар-да, — дея бошини қашлади Эркинбой ва Равшанга юзланиб, боши билан имо қилиб, вертолётдагиларни чақириб келишни буюрди.

Дарҳақиқат, Эркин билан бирга келганлар бири-бирдан совуқ эди. Яна учтасининг кўзи қизариб-олайиб кетганди. Уларга қарашга одам кўрқади.

— Кимса йўқми? — деди Кошиф.

— Ҳаммаси келди. Учувчиям, менинг қўриқчиларим ҳам. Ҳаммаси, — жавоб берди Эркинбой.

Шунда Кошиф вертолёт томонга юзланди. Бир, икки, уч дақиқа ўтди. Ҳамма ҳайрон, бир Кошифга, бир вертолётга қарайди. Табибнинг бунчалик термилиб туришидан мазмун топмайди.

Ҳаммаси жуда тез содир бўлди. Вертолёт аввалига тутаётгандай кўринди. Аниқроғи, унинг тумшуқ томони. Кейин бирдан ёниб кетди. Ундан кейин портлади. Эркинбой бақириб юборди. Тиззалаб ўтириб қолди.

— Нега?! Нимага?! Озмунча бойлик бормиди унда?! — дея бақирди.

У билан бирга келганлар эса қотиб қолишганди. Уларнинг-да ақллари ҳеч нимага етмаётганди.

— Ушланглар! Табибни ушланглар! Отиб ташланглар! Бу одам сеҳргар! Сеҳргарни отинглар!

Эркиннинг бекорга бақиргани қолди. Одамларидан бирортаси ҳам қилт этмади. Одамларининг ичлари тўкилиб қолаёзганди. Турган жойида ҳаракатсиз, фақатгина қараш билангина бутун бошли вертолётни ёндириб юборган одамни ушлаб бўладими? Отиб бўладими? Кимнинг қўлидан келади бундай юмуш?

— Биз кетаверайлик! Иссиғимизнинг борида, — деди улардан бири.

Эркин у билан фахрланарди. “Ўзимнинг девси-

фатим”, деб кўкрагига уриб қўярди. Яна ичида “Яхшиям соддасан, бўлмаса, мени бир уриб ўлдириб, бутун мол-давлатимни тортиб олиб қўйишинг мумкин”, дерди. Ҳозир мана шу девсифат биринчи бўлиб қуён бўлмоқчи.

— Қаерга кетасан, ит? Мени бу хонавайрон қилдику! — дея йиғламоқдан бери бўлиб Кошифни кўрсатди Эркин.

— Ҳозирча хонавайрон қилди. Яна озгина ҳадингиздан ошсангиз, жонингизни олади, хўжайин! — деб девсифат қочишга тушди.

Унга дарров шериклари ҳам қўшилди. Бир муддат уларнинг ортидан қараб турган Эркин ҳам югуришга тушди. Биргина Равшан қолди. Кетолмади. Ерга оёқларини чалиштириб ўтириб олди. Сўнг ҳўнграб йиғлади.

— Мени уриб ўлдиради у! Соғ қўймайди. Бунақанги нарсаларни кечирадиганлар хилидан эмас. Ҳеч қачон ютқазмаган. Ютқазса, шу куни қурбонлик қилади. Ҳаммани айбдор қилади. Энг кўп айб қўйганларини йўқ қилади. Ҳозир мен айбдорман ҳаммадан кўпроқ, — деди ва бирдан сўзлашдан тўхтади.

Секин Кошифга қаради.

— У тузалдими ўзи? — дея киприкларини пирпиратди.

Табиб бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Қўрқувга ҳожат йўқ. Ватанга қайт. Хавфсизсан, — дея Кошиф уйи томонга кетди.

Равшан унинг нега бундай деганини тушунмади. Лекин таваккал қилди. Беш, ўн, ўттиз кун ўтди. Бирортаси уни сўраб келмади.

Вақт ўтгани сайин қишлоққа табибни сўраб келгувчилар кўпайди. Бирини Дадамурод олиб келди.

Иккинчисини Шомансур, учинчисини Бердиёр. Кейин келиб дардига дармон топганлар бошқаларни бошлаб кела бошлашди. Кунлар ўтаверди. Ўша кунларнинг жумаларидан бирида Мафтуна Кошифга кўчқордай ўғил совға қилди. Шу куни қишлоқда тўй бўлди. Ҳаммани шодон деб айтолмаймиз. “Бизни ташлаб кетадиган бола туғилди. У табиб ўлгунича қишлоқда яшайди. Кейин лаш-лушини йиғиштириб, кетиб қолади. Кошифгача қишлоққа бирор-та ҳам бегонанинг қадами етмаганди. Мана, бегоналарга ўрганиб ҳам қолдик”, дегувчилари бор эди.

Кошиф эълон қилди. “Мана шу болачанинг умрини берган ҳақи, ўғлим умрининг борича шу қишлоқда яшайди. Кўлидан келганича хизмат қилади”, деди. Атайин норози қиёфаларни кўрганидан кейин шундай деди.

Орадан бир йил ўтиб қишлоққа келувчи шаҳарликлар кунига беш-олтита бўлиб қолди. Ундан кейин янаям кўпайди. Улар шунчаки Кошифнинг қабулида бўлиб қайтишмасди. Қишлоқдагиларга нимадир юқтириб кетишарди. Кошиф бир куни қараса, ҳамқишлоқлари пул ҳақида гапиришяпти. Молдавлат орттириш ҳақида гапиришяпти. Беш-олти қиз жувоннинг рўмол ўрамасдан юрганига кўзи тушди. Яна улар юзларига алламбало бўёқлар суртиб олишгандики, табиб уни шаҳарликлардагина кўрган эди. Бундан ташқари, бемаза-бемаза удумлар ҳам пайдо бўла бошлади. Тўрт-беши битта кичикроқ қўйни етаклаб, кўздан пана, овлоқ жойларга кетишади. Сўйишади. Гўштни обдан оловда тоблашади. Кейин шаҳарликлар ташлаб кетишгани баҳам кўришади. Кечки пайт оёқлари чалишиб, гандираклаб келишади... Бундан ҳам ёмони, давангирдай бир йигит шаҳарлик билан шакаргуфторлик қилиб қўйибди. Аёлнинг ўзи ҳаммасини бошлабди.

Кошиф бир озгина довдиради. “Нималар қилиб

қўйдим?! Бу аҳволда қишлоқ кўп яшамайди, бир нима қилиш керак”, деди. Бироқ ўша бир нима учун ҳам талайгина вақт керак бўлди.

— Икки жума бирорта ҳам одамни даволамайман, — деб эълон қилди у.

Беморлар “Илтимос, бундай қилманг, ҳали келадиганлар кўп”, дейишди.

— Айтинг, келишмасин...

* * *

Навбатдаги беморлар қишлоқни топишолмади. Уларнинг йўлларини жуда энли, чуқур жарлик тўсиб қўйибди. “Энди нима қиламиз, дардимизни кимга айтамиз?” дея қичқиришди беморлар. Лекин қичқиришлар зиғирча бўлсин фойда бермасди.

Жарликдан ўтганлар бўлди. Аммо ўтганлар ҳам қишлоқни топа олишмади.



Адабий-бадиий нашр

Нуриддин Исмоилов

ТАБИБ

Роман

(Иккинчи китоб)

Муҳаррир Зокиржон Алибеков
Дизайнер Акбар Исмоилов
Техник муҳаррир Замира Гулматова
Мусахҳиҳ Мансур Жумаев
Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Нашриёт лицензия рақами АIN№239. 04.07.13.
Босишга 04.03.2015 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Босма табағи 14,0.
Шартли босма табағи 14,0. Адади 5080.
144-сонли буюртма.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.